

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

М.И.САГАТОВ

**МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ МАХСУС
МЕТОДИКАСИ**

ТОШКЕНТ – 2008

М.И.Сагатов. Математика ўқитиши махсус методикаси. Т., «Fan va texnologiya», 2008, 194 бет.

Мазкур ўкув қўлланмада математика асослари: тўплам ва унинг элементлари, номанфий бутун сонлар, позицион саноқ системаси, касрлар, геометрик материал билан боғлиқ бўлган масалалар ёритилган.

Хусусий методика масалаларига кенг ўрин берилган.

Қўлланма педагогика олийгоҳларининг дефектология факультетлари талабалари учун мўлжалланган.

Takrizchilar: педагогика фанлари номзоди Р.Ш.Шомаҳмудова;
педагогика фанлари номзоди М.П.Ҳамидова

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 28 августдаги 177 буйругига асосан ушбу ўкув қўлланма нашрга тавсия этилган

ISBN 978-9943-10-158-6

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008

СЎЗ БОШИ

Бўлажак ўқитувчиларни педагогика олийгоҳларида математика ўқитишига тайёрлаш математика асослари ва математика ўқитиш маҳсус методикаси курсини ўргатиш орқали амалга оширилади.

Математика асосларидан бобларнинг мазмунлари асосан у ёки бу масалаларнинг адабиётда, айниқса, ўзбек тилида нашр қилинган адабиётларда қанчалик ёритилганлигига қараб белгиланди.

Мазкур қўлланмада хусусий методика масалаларига кенг ўрин берилган бўлиб, улар педагогика олийгоҳларида математика ўқитиш маҳсус методикаси дастурига тўла равища мос келадиган қилиб ёзилган.

Математика ўқитиш маҳсус методикасидан дарс берувчи ўқитувчилар мазкур қўлланмадан маъruzалар ўтказиши учунгина эмас, балки амалий лаборатория ва семинар машғулотларда ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф

I БҮЛІМ МАТЕМАТИКА АСОСЛАРИ

I-бөб. ТҮПЛАМЛАР НАЗАРИЯСИ ҰНСУРЛАРИ

Табиатда кишиларнинг иш фаолиятида бир жинсли нарсаларнинг турли түпламлари устида иш олиб боришга тұғри келади.

Түплам түшунчаси таърифланмайдыган бошлангич түшунчалардан бўлиб, унга таъриф берилмайди. Түплам дейилганда турли нарсаларнинг бирлашмасини түшунамиз. Шунинг учун түпламни фақатгина мисоллар билан түшунтириш мумкин.

Масалан: учбurchаклар түплами, айланада ётган нукталар түплами, кишилар, машиналар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин. Турмушда түпламлар одатда турлича аталади. Масалан: сигирлар түплами эмас, балки сигирлар подаси, асбоблар түплами эмас, балки асбоблар йигиндиси деб аталади.

Түпламни ҳосил қылган нарсалар түпламнинг усуллари дейилади. Ұнсурларнинг сони чекли бўлган түплам чекли түплам, ұнсурлар сони чексиз бўлгани эса чексиз түплам дейилади.

Чексиз түплам дейилганда шундай түплам кўзда тутиладики, бу түпламдан битта, иккита ва ҳоказо ұнсурларни олганда, унда яна ұнсурлар қолаверади. Масалан: шаҳримиз аҳолисини одамлар түплами десак, битта одам шу түпламнинг ұнсурлари бўлади.

Барча бутун сонлар түдаси түплам ташкил қиласи. Бутун сонлар шу түпламнинг ұнсурлариридир.

Агар түпламнинг бирорта ҳам ұнсури бўлмаса, бундай түплам бўш түплам дейилади. Бўш түплам, “Ø” ёки 0 билан белгиланади.

Одатда түпламларни лотин алфавитининг бош ҳарфлари A, B, C лар билан, түпламнинг ұнсурларини эса шу алфавитнинг кичик ҳарфлари a, b, c лар билан белгиланади. a ұнсур A түпламга тегишли экани $a \in A$ каби, тегишли эмаслиги $a \notin A$ каби ёки $a \overline{\in} A$ шаклида ёзилади. Масалан: барча мева дараҳтларининг түплами A бўлсин, дейлик, у ҳолда олма дараҳти бу түпламнинг ұнсури бўлиб, тол дараҳти эса бу түпламнинг ұнсури хисобланмайди. Буни $a \overline{\in} A$ равища ёзилади.

А ва B түпламлар берилган бўлсин.

1-таъриф. Агар А тўпламнинг ҳар бир унсури В тўпламнинг ҳам унсури бўлса, А тўплам В тўпламнинг қисми дейилади ва $A \subset B$ шаклида ёзилади. Бу таърифдан бўш тўплам ҳар қандай тўпламнинг қисм тўплами бўлиши равшан.

Сонли тўпламлар иштироқида мисоллар.

I. А тўплам 1, 3, 5 рақамлардан, В тўплам эса 1, 2, 3, 4, 5, 6 рақамлардан иборат, яъни $A = \{1, 3, 5\}$, $B = \{1, 2, 3, 4, 5, 6\}$ бўлса, у ҳолда А тўплам В нинг қисми бўлади ($A \subset B$).

II. $A = \{1, 3, 5\}$, $B = \{1, 2, 3, 6, 7\}$ бўлсин. Бу ҳолда тўпламларнинг ҳеч бири иккинчисининг қисми бўлолмайди.

Тўпламнинг ҳар қайси унсури ҳам шу тўпламнинг қисм тўпламидир. Шунингдек, тўпламнинг ўзи ҳам ўзининг қисм тўплами хисобланади.

Бундан кейин $A \subset B$ кўринишидаги ифода А тўплам В тўпламнинг қисм тўплами эканини билдиради деб тушунамиз ва А тўплам В га киради, А тўплам В нинг қисми, А тўплам В тўпламнинг қисм тўплами деб ўқиймиз. Мисол: А – шахримизда яшовчи барча одамлар тўплами, В – шахримиздаги студентлар тўплами, С – шахримиздаги студент қизлар тўплами. Бу ҳолда:

$$B \subset A$$


$$C \subset B$$

студентлардан иборат тўплам ҳам, шахримиздаги студент қизлардан иборат тўплам ҳам шахримиздаги барча одамлар тўплами таркибига киради ва шу тўпламнинг қисм тўпламлари хисобланади.

Тўйламларнинг йиғиндиси

2-таъриф. А ва В иккита ихтиёрий тўплам бўлсин. Агар С тўплам А ва В тўпламларнинг барча унсурларидан иборат бўлиб, унинг бошқа унсурлари бўлмаса, у ҳолда С тўплам А ва В тўпламларнинг йиғиндиси дейилади ва $A \cup B = C$ кўринишида ёзилади.

$$C = A \cup B$$



1-мисол: Аудиториядаги студент қизлар тўплами ва студент йигитлар тўпламини олайлик. Аудиториядаги ҳамма студентлар тўплами шу икки тўпламнинг йигиндишидир.

2-мисол: Шаҳримизда яшовчи одамлар тўплами – студентлар тўплами, оталар тўплами, оналар тўплами, ўқувчилар тўплами, ёш болалар тўплами ва ҳоказо тўпламлар йигиндишидир.

3-мисол: $C = \{m, n, p, d\}$ ва $D = \{r, s, p, d, t\}$ $C \cup D = \{m, n, p, d, r, s, t\}$

Фараз қиласлийк: $M = \{a, b, c, d, e, f\}$,

$N = \{b, c, d\}$. Бу тўпламларнинг бирлашмаси куйидагича бўлади.

$M \cup N = \{a, b, c, d, e, f\}$ яъни фақат М тўплам.

Иккита А ва В тўпламларнинг ҳар бири учун $A \cup B = B \cup A$, чунки тўпламларнинг ўрнини алмаштирган билан йигинди ўзгармайди. Шунинг учун тўпламларни бирлаштириш операцияси коммутатив хоссасига бўйсунади дейилади.

\cup – йигинди белгиси.

Масалан: иккита А ва В тўплам берилган бўлсин.

$$A = \{1, 2, 3, 4\}, B = \{5, 6, 7\}$$

Уларнинг бирлашмаси куйидагича бўлади.

$$A \cup B = \{1, 2, 3, 4, 5, 6, 7\}$$

Тўпламларнинг айрмаси

3-такъиф. А тўпламнинг В тўпламга кирмаган барча унсурларидан тузилган С тўплам А ва В тўпламларнинг айрмаси дейилади.

$$C = A \setminus B \text{ къеби ёзилади.}$$

Мисол: $A = \{a, b, c, d, \dots\}$ – ўзбек алфавитидаги ҳарфлар тўплами бўлсин.

$B = \{a, o, u, э, y, ў, e, ё, я, ю\}$ – шу алфавитдаги унли ҳарфлар тўплами бўлсин: $B \subset A$. А дан В нинг унсурларини олиб ташлаш натижасида ҳосил бўлган ҳарфлар тўплами, яъни ундош ҳарфлар ва ь, ъ тўпламини С билан белгилайлак. Унли ҳарфлар С тўплам билан бир-

Галикда алфавитдаги барча ҳарфлар түпламини бергани учун $B \cup C = A$. Демак, $B \subset C$ ва $B \cup C = A$. Бундай ҳолларда биз B түплам C ни A гача түлдиради деймиз.

Иккита ихтиёрий түпламни олсак $A = \{1, 2, 3, 4, 5\}$ ва $B = \{4, 5, 6, 7\}$. Уларнинг айирмаси қуидагича бўлади.

$$\{1, 2, 3, 4, 5\} \setminus \{4, 5, 6, 7\} = \{1, 2, 3\}$$

ёки $A \setminus B = \{1, 2, 3\}$

Түпламларнинг кесишмаси (кўпайтмаси)

4-таъриф. A ва B лар ихтиёрий берилган түпламлар бўлсин. Агар C түплам A ва B түпламлар учун умумий бўлган элементлардан тузилган бўлса, у ҳолда уни бу берилган түпламларнинг умумий қисми (кесишмаси) ёки кўпайтмаси дейилади.

$C = A \cap B$ ёки $C = A \cdot B$ кўринишда ёзилади.


1-мисол: Агар $A = \{1, 3, 5\}$ ва $B = \{1, 2, 3, 6, 7\}$ бўлса, у ҳолда $A \cap B = \{1, 3\}$ бўлади.

Икки түпламнинг кесишмаси деб, уларнинг умумий унсурларидан тузилган түпламга айтилади. Масалан: синфдаги 30 ўкувчидан 20 ўкувчи математика тўгарагига, 15 ўкувчи табиатшунослик тўгарагига қатнашади. Бу ўкувчилардан ҳар иккала тўгаракка нечта ўкувчи қатнашади?

Жавоби: 5 ўкувчи.

Агар A ва B түпламларнинг умумий унсурлари мавжуд бўлмаса бундай түпламларни **кесишмайдиган түпламлар** дейилади ёки бўш түпламлар ҳақида айтилганларни эслага олсак, бундай ёзиш мумкин:

$$A \cap B = \emptyset$$



Түпламларнинг кесишмасини сонли түпламларда ифодалаймиз. Иккита A ва B түплам берилган бўлсин.

$$A = \{1, 2, 3, 4, 5, 6\} \quad B = \{5, 6, 7, 8, 9\}$$

5 ва 6 сонларни уларнинг умумий унсурлари хисобланади.

\cap - кесишма белгиси.

$$A \cap B = \{5, 6\}$$

Унсурлари сонлардан ташкил топган түпламларни сонли түпламлар дейилади.

Бир хонали сонлар түплами куйидаги унсурлардан иборат:

0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9

Икки хонали сонлар түплами: {10 ... 99}

Түпламнинг унсурларини исталган тартибда ёзиш мумкин.

Масалан: {2, 3, 1} ва {3, 1, 2} - булар {1, 2, 3} сонларидан тузилган биргина түпламнинг ўзидир.

Масалан: $M = \{2, 4, 6\}$ $N = \{1, 3, 5\}$

Модомики бу иккала түплам битта ҳам умумий унсурга эга эмас, уларнинг кесишмаси бўш, шунинг учун биз бундай ёзишимиз мумкин:

$$M \cap N = \emptyset$$

Универсал түплам

Бирор мулоҳазанинг боришида кўрилаётган түпламларнинг ҳаммасини ўз ичига олувчи түплам **универсал түплам** деб аталади.

Энди универсал түплам натижаси нимадан иборат эканини мисолларда кўриб чиқамиз.

Устида операция бажарилаётган түпламлар унсурлари ҳақиқий сонлардан иборат түпламлар бўлсин, деб фараз қиласлик. У ҳолда универсал түплам сифатида барча ҳақиқий сонлар түпламини олсак бўлади. Ҳақиқий сонларнинг фикрлаб бўладиган ҳар қандай түплами биз универсал түплам деб атаган шу түпламнинг қисм түплами бўлади. Универсал түплам ҳарфи билан белгиланади.

Универсал түпламни тўғри тўртбурчак шаклида тасвирлаймиз бу тўғри тўртбурчакнинг нукталар универсал элементлари бўлади. Исталган 1 түплам бу тўғри тўртбурчак нукталарининг қисм түплами бўлади.

Түпламларнинг декарт кўпайтмаси

А ва В иккита түплам берилган бўлсин, яъни А га тегишли x унсурлардан иборат түплам (бу бундай белгиланади: $A = \{x\}$) ва В га тегишли у унсурлардан иборат түплам ($B = \{y\}$) берилган бўлсин. Бу түпламларнинг барча (x, y) унсурлар жуфтидан иборат С түпламни

хосил қиласиз. Бундай С тўпламни А ва В тўпламларнинг декарт кўпайтмаси дейилади ва бундай белгиланади: $C = A \times B$; $C = (x,y)$.

А тўплам айланана ва юлдузчадан, В тўплам бўлса учбурчак, тўртбурчак ва чизикчадан ташкил топган бўлсин.

Демак, $A = \{O, \star\}$, $B = \{\Delta, \square, \Box\}$

Бу тўпламларнинг барча унсурлар жуфтидан иборат С тўпламни хосил қиласиз. Агар биринчи ўринга айланани қўйсак, уч жуфт тўплам ҳосил қилиш мумкин:

$(O, \Delta), (O, \square), (O, \Box)$,

Агар биринчи ўринга юлдузчани қўйсак, унда ҳам уч жуфт тўпламни ҳосил қиласиз:

$(\star, \Delta), (\star, \square), (\star, \Box)$.

Энди бу тўпламларнинг унсуридан янги тўплам тузиш мумкин:

$C = \{(O, \Delta), (O, \square), (O, \Box)\}$,

$(\star, \Delta), (\star, \square), (\star, \Box)\} = A \times B$

Демак, бундай С тўпламни А ва В тўпламларнинг декарт кўпайтмаси дейилади ва бундай белгиланади: $C = A \times B$.

Акслантириш

Иккита А ва В тўплам берилган бўлсин. Бирор “ f ” қоида бўйича А тўпламнинг ҳар бир x унсурига В тўпламнинг унсурини мос келтирайлик, у ҳолда шу қоидани А тўпламни В тўпламга акслантириш дейилади ва бундай белгиланади:

$$\begin{array}{c} f \\ f : A \rightarrow B \text{ ёки} \\ A \rightarrow B \end{array}$$

f акслантириш бўйича x А унсурга мос келувчи у В унсур x унсуринг образи (акси) дейилади ва бундай ёзилади:

$$y=f/x/$$

Акслантиришларнинг мисоллари:

Кинотеатрга кириш учун билетга навбат кутиб турган томошабинлар тўплами А, томоша залидаги ўринлар тўплами В бўлсин. Ўринлар белгиланган билетлар ўринлар тўплами билан томошабинлар тўплами орасида мослик ўрнатади. Ҳар бир $x \in A$ томошабинга маълум бир жой $y \in B$ ажратилади.

Агар томошабинлар сони ўринлар сонидан кам бўлса, у ҳолда “ўзига” акслантиришга эга бўламиз, агар ўринлар сони билан томо-

шабинлар сони тенг бўлиб қолса, “га” (A ни B “га”) акслантиришга эга бўламиз.

Агар томошабинлар сони ўринлар сонига тенг бўлса, яъни “га” акслантириш бўлса, у ҳолда ҳар бир томошабинга ҳар хил ўрин тайинланади.

Эквивалентик муносабати

Мисол. A – текисликдаги барча учбурчаклар тўплами бўлсин. Муносабат сифатида учбурчакларнинг ўхшашик муносабатини оламиз, яъни ҳар бир учбурчакка унга ўхшашибурчакни мос келтирамиз. Бу муносабат эквивалентлик муносабати эканини кўриш осон.

Рефлексивлик – ҳар бир учбурчак ўз-ўзига ўхшашибурчак.

Симметриклик – агар бир учбурчак иккинчи учбурчакка ўхшашибурчак бўлса, у ҳолда иккинчи учбурчак биринчи учбурчакка ўхшашибурчак бўлади (ўхшашикнинг таърифига биноан).

Транзитивлик – агар бир учбурчак иккинчи учбурчакка, иккинчи учбурчак биринчи учбурчакдан фарқли уччинчи учбурчакка ўхшашибурчак бўлса, у ҳолда уччинчи учбурчак биринчи учбурчакка ўхшашибурчак бўлади.

Тўпламнинг куввати

Ҳозирга қадар тўпламлар ҳақида гапирганимизда чекли тўпламлар ҳақида бир-икки оғиз гапирганимиздан ташқари, бу тўпламга кирувчи унсурларнинг микдори ҳақида ҳеч нарса демадик, аммо бу омил муҳим аҳамиятга эга.

Бундан кейин тўпламнинг микдорий характеристикасини унинг **куввати** деб атаемиз.

Агар тўпламнинг унсурларини номерлаш мумкин бўлиб, энг катта номер чекли сондан иборат бўлса, у ҳолда бу тўпламни **чекли ёки кувватли тўплам** деймиз.

Мисол. Томоша залидаги ўринлар тўпламини қарайдик. Бу тўплам чекли тўпламдир, чунки ҳар бир ўринга ўз номери – бирор сон мос келади. Албаттга сонлар тўпламининг энг катта номердан катта бўлмайди.

Агар тўпламнинг унсурлари билан натурал сонлар қаторидаги ҳамма сонлар орасида бир қийматли мослик ўрнатиш мумкин бўлса (эквивалент бўлса), бундай тўпламлар саноқли **кувватга эга** дейилади ёки тўғридан-тўғри саноқли тўплам дейилади. (А.Х.Худойбер-

ганов. «Математика» Т., «Ўқитувчи» 1980, 5–10-бетлар. М.Орифхонов ва бошқалар. «Математика» Т., «Ўқитувчи» 1974, 78–81-бетлар).

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Тўплам дейилганда нимани тушунамиз?
2. Тўпламлар қандай белгиланади?
3. Чекли ва чексиз тўплам деб нимага айтилади?
4. Қисм тўплам деб нимага айтилади?
5. Тўпламларнинг йигиндисини мисоллар келтириб ёритиб беринг.
6. Тўпламларнинг айрмасини мисоллар келтириб ёритиб беринг.
7. Тўпламларнинг кесишмасини сонли тўпламларда ифодаланг.
8. Универсал тўплам деб нимага айтилади?
9. Акслантиришни мисолларда ёритиб беринг.

II-боб. НОМАНФИЙ БУТУН СОНЛАР

Математикада нолдан фарқли мусбат бутун сонни **натурал сон дейилади** ($1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10$). Натурал сон тушунчаси тўплам тушунчасидан, яъни атрофимизда бизни ўраб олган кўп нарсаларнинг тўдаси тушунчасидан келиб чиқади. Ҳар қандай тўпламда уни ташкил қилувчи унсурлар қанча, деган савол кўйилгандা, биз тўплам унсурларини санаш йўли билан жавоб берамиз; жавобимиз эса $1, 2, 3, \dots$ сонлар билан ифода этилади. Бу сонларнинг ҳар бири натурал сон деб аталади.

Қандай унсурлардан тузилганидан қатъи назар фақат унсурларнинг сони жиҳатидан бир хил бўлган тўпламларни бир **синфга кирадиган тўпламлар дейилади**. Бир синфга кирадиган ҳамма хилдаги тўпламлар натурал сон билан **характерланади**.

Масалан: стол, стулларнинг 4 оёғи, уйнинг 4 томини, машинанинг 4 гидравлика, 4 сўм, 4 та тахта ва ҳоказо, буларнинг ҳаммаси бир хил синфга тегишли тўпламлар бўлиб, булар 4 натурал сонни характерлайди.

Натурал сонларни бирликлар тўплами деб қараб, уларга қўйидаги номлар кўйилган. Бирор тўплам тузиш учун дастлаб битта унсур олиш мумкин. Бу тўплам унсурларини санаш натижасида натурал сон бир ҳосил бўлади. Бошланғич унсурга яна битта унсур қўшгандан кейин унсурларни санаш натижаси икки деган ном, шунга ўхшаш битта, яна битта унсурларга уч деган ном кўйилган ва ҳоказо. Ҳосил бўлган сонларга кўйилган белгилар $1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, \dots$ Бу сонлар кетма-кетлигини натурал **сонлар қатори** дейилади. Натурал сонлар қато си чексиздир.

Натурул соннинг дискретлиги. Натурал сонлар қатори алоҳида алоҳида ён-биридан ажралган ҳолда туради. Бу узлуксизликка қарама-қаршидир, чунки $1 < x < 5$ деб олиб, буни узлуксиз ўзгаради десак, x кўп қийматлар қабул қиласи, лекин натурал сонлар қаторида 1 билан 5 орасида фақат 3 тагина сон бор. Шунинг учун ҳам натурал сонлар қатори тўпламини **дискрет тўплам** деймиз.

Натурал сонлар қаторининг хусусияти шундан иборатки, сонлар қатъий бир тартибда доимо илгарисидан битта ортиқ бўлиб жойлашган. Шу сабабли бу қатор тўплами тартибланган тўплам бўлади. Бун-

дай тўпламда саноқ процесси тўпламнинг канча унсурдан ташкил бўлганини аниқлаб бериш билан бирга, тартибланган тўпламдаги маълум унсурнинг ўрнини (номерини) кўрсатиб беради.

Натуран сонлар қаторининг аксиомалари

- I. Қаторнинг биринчи унсури 1 (бир) га teng.
- II. Ҳар қандай натуран сондан кейин келадиган ва ундан битта ортиқ бўлган биттагина сон мавжуддир.
- III. Бирдан бошқа ҳар бир натуран сондан битта кам бўлган ҳамда бу сондан олдин келадиган биттагина натуран сон мавжуддир.
- IV. Агар бирор хосса натуран сонлар қаторидаги 1 га нисбатан ҳамда ихтиёрий натуран сонларга нисбатан тўғри бўлиб, бевосита ундан кейин келадиган сонга нисбатан ҳам ўринли бўлса, бу хосса натуран қаторнинг ҳамма сонлари учун ҳам ўринлидир.

Бу аксиомани ойдинлаштириш учун ушбу масалани қараб чиқамиз. Магазин витринасига пирамида қилиб олма уюлган бўлиб, энг тепасида битта олма, унинг тагида $2 \cdot 2 = 4$ олма; унинг тагида $3 \times 3 = 9$ олма ва ҳоказо, энг тагида $n \cdot n$ олма бор. Уюмда ҳаммаси бўлиб ҳамча олма бор? Ҳаммаси бўлиб

$$1 \times 1 + 2 \times 2 + 3 \times 3 + 4 \times 4 + \dots + n \times n \text{ олма бор.}$$

Кўшиш ҳақида тушунча

Кўшиш амали тўпламлар устида бажарилган операциялар натижасидан пайдо бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам, умумий унсурга эга бўлмаган иккита M_1 ва M_2 тўпламга тегишли ҳамма унсурларни бир тўпламга бирлаштириш натижасида, фақат ўша M_1 ва M_2 га тегишли ҳамма унсурлардан тузилган янги M тўплам хосил қиласиз. M тўпламни M_1 ва M_2 тўпламларнинг йиғиндиси деймиз.

Шундай қилиб, умумий унсури бўлмаган M_1 ва M_2 тўпламларнинг йиғиндиси деб, фақат ўша тўпламларнинг ҳамма унсурларидан тузилган янги тўпламга айтилади.

Йиғиндининг хоссалари.

Кўшиш амалининг қуйидаги хоссаларига, қўшишнинг қонунлари деб ном берилган: ўрин алмаштириш (коммутативлик) хоссаси, группалаш (ассоциативлик) хоссаси ва монотонлик хоссаси.

1. Ўрин алмаштириш. Кўшилувчиларнинг ўрнини алмаштирган билан йигинди ўзгармайди.

Мисол: $5 + 3 = 8$ ва $3 + 5 = 8$

2. Группалаш. Кўшилувчилар бир нечта бўлганда уларни турли группаларга бирлаштириб, аввал ўша группаларда қўшишни бажариб, сўнгра бу группаларнинг йигиндисини топсак ҳам, бу сонларнинг йигиндиси ўзгармайди.

Мисол: $3 + 6 + 7 = (3 + 7) + 6 = 10 + 6 = 16$

Йигиндининг монотонлиги. 1. Агар икки сон бир-бирига тенг бўлса уларнинг ҳар бирини учинчи сонга қўшиш натижасида ўзаро тенг йигиндлар ҳосил бўлади.

$$25 = 25$$

$$+ \underline{10} = \underline{10}$$

$$35 = 35$$

. 2. Агар бир сон иккинчи сондан катта ёки кичик бўлса, бу сонларнинг ҳар бирини учинчи сон билан кўшганимизда биринчи йигинди мос равишда иккинчи йигиндидан катта ёки кичик бўлади.

$$25 > 15$$

$$+ \underline{10} \quad \underline{10}$$

$$35 > 25$$

Айриш амалининг таърифи. Икки соннинг йигиндиси тўғрисидаги мулоҳазаларга суюниб, икки сонни бир-биридан айриши ни қўйидагича тушунтира оламиз. Агар бир-бирига тенг бўлмаган икки сон берилган бўлса, яъни бири катта, иккинчиси кичик, катта сонни ҳосил қилиш учун кичик сонга қандайдир учинчи бир сонни қўшиш керак бўлади.

Демак, катта сондан кичик сонни айриш деган сўз, катта сонни ҳосил қилиш учун кичик сонга қўшиш керак бўлган сонни топиш деган сўздир.

Айрманинг хоссалари

1. Айриш амали, факат камаювчи айрилувчидан катта ёки унга тенг бўлган ҳоллардагина бажариладиган ва бирдан-бир натижга бера-диган амалdir.

2. Бирон сондан йигиндини айриш учун у сондан йигиндининг ҳар бир қўшилувчисини кетма-кет айриш мумкин.

Мисол: $18 - (6 + 2) = 18 - 6 - 2 = 10$

3. Бирон сондан бир неча сонни айриш учун айриладиган сонларни күшишдан чиқкан йифиндидан айрсак ҳам бўлади.

Мисол: $25 - 8 - 3 - 4 = 25 - (8 + 3 + 4) = 25 - 15 = 10$

4. Йифиндидан бирон сонни айриш учун у сонни бирон күшилувчидан айрсак ҳам бўлади. Мисол: $(10 + 5) - 5 = 10 - 5 + 5 = 10$

5. Бирон сондан айрмани айриши учун у сондан камаювчини айриб, айрилувчини кўшсак ҳам бўлади.

Мисол: $25 - (13 - 8) = 25 - 13 + 8 = 20$

Натурал сонларнинг кўпайтмаси

Бир натурал соннинг ўзини, иккинчи натурал сон қанча бўлса, шунча марта қўшишни, бу икки соннинг кўпайтмаси деймиз.

$$\frac{23 + 23 + 23 + \dots + 23 = 23 \cdot 12}{12 \text{ та кўшилувчи}}$$

Бунда тенг қўшилувчиларнинг йифиндисини кўпайтма, тақорла наётган кўшилувчини кўпаювчи, қўшилувчиларнинг сонига тенг бўлган сонни кўпайтувчи деймиз.

Номанфий бутун сонларни кўпайтириш ҳам худди кўшишдаги ўрин алмашиш, группалаб кўпайтириш монотонлик ва тарқатиш хоссаларига эга.

1. Кўпайтувчиларнинг ўринларининг алмашиши билан кўпайтма ўзгармайди: $4 \times 6 = 6 \times 4$

2. Бир неча сонни кўпайтириш учун олдин икки сонни бир-бирига кўпайтириб, ундан чиқкан натижани эса учинчи сонга кўпайтирамиз, хосил бўлган натижани тўртинчи сонга кўпайтирамиз.

Бир неча сонни грухлаб кўпайтириш, яъни кўпайтмаларни кўпайтириш ҳам мумкин:

$$5 \times 4 \times 8 = (5 \times 8) \times 4 = 40 \times 4 = 160$$

3. Кўпайтмани тарқатиш хоссаси. Йифиндини бирон сонга кўпайтириш учун йигиндининг натижасини шу сонга кўпайтириш ёки унинг қўшилувчиларини шу сонга алоҳида-алоҳида кўпайтириб, натижаларини кўшиш керак.

$$\text{Мисол: } (10 + 4) \times 5 = 10 \times 5 + 4 \times 5$$

4. Тенг сонларни тенгсизликка кўпайтирасак, натижада шу тенгсизлик ўз ҳолича қолади:

$$50 \text{ кг} = 50 \text{ кг}$$

$$\begin{array}{r} x \\ 10 > 8 \\ \hline 500 \text{ кг} > 400 \text{ кг} \end{array}$$

5. Ҳар қандай сон бирга кўпайтирилса, натижада ўша соннинг ўзи ҳосил бўлади: $538 \times 1 = 538$.

6. Ҳар қандай сонни нолга кўпайтирганда ёки нолни ҳар қандай сонга кўпайтирилганда натижа нолга тенг бўлади:

$$\text{Ҳақиқатдан}^{\circ}\text{ҳам, } 0 \times 7 = 0 + 0 + 0 + 0 + 0 + 0 + 0 = 0$$

Бўлиш амалининг таърифи: Бир сонни иккинчи сонга бўлиш деган сўз, шундай сонни топиш деган сўзки, иккинчи сонни ўша сонга кўпайтирганда биринчи сон ҳосил бўлсин: $25 : 5 = 5$

1. **Бўлинманинг хоссалари.** Агар бўлинувчи 0 га тенг бўлмаса, бўлиш амалини ҳамма вақт бажариш мумкин ва ҳамма вақт битта натижа чиқади.

Нолга бўлиш мумкин эмас. Чунки ҳар қандай соннинг 0 га кўпайтмаси 0 ни беради. Шунинг учун ҳам 0 ни 0 га бўлиш аниқсизлик бўлиб қолади. Бундан, бўлувчи 0 бўлиши мумкин эмас, деган хуносага келамиз.

2. **Қолдиқли бўлиш.** Икки натурал сонни бир-бирига бўлганда бўлувчига етмайдиган сон келса, уни қолдиқ дейилади ва бўлинма билан бўлувчининг кўпайтмаси бўлинувчи билан қолдиқнинг айримасига тенг бўлади. Мисол: $77 : 25 = 3$ (2 қолдиқ).

3. Ҳар қандай сон 1 га қолдиқсиз бўлинади ва бўлинма ўша соннинг ўзига тенг.

4. Йигиндини бирор сонга бўлиш учун у сонга кўшилувчиларнинг ҳар бирини бўлиб, натижаларни кўшиш мумкин.

$$\text{Мисол: } (80 + 90) : 5 = 80 : 5 + 90 : 5 = 16 + 18 = 34$$

5. Айрмани бирор сонга бўлиш учун камаювчи ва айрилувчини яккалашиб бўлиб, натижаларни бир-биридан айриш мумкин.

$$\text{Мисол: } (90 - 80) : 5 = 90 : 5 - 80 : 5$$

6. Кўпайтмани бирор сонга бўлиш учун кўпайтувчилардан бирини ўша сонга бўлишнинг ўзи кифоя.

$$\text{Мисол: } (27 \times 5) : 9 = (27 : 9) \times 5 = 3 \times 5 = 15$$

7. Бирор сонни кўпайтмага бўлиш учун у сонни навбати билан кўпайтувчиларнинг бирига бўлиб, ундан чиқсан сонни иккинчисига яна бўлиш керак ва ҳоказо.

$$\text{Мисол: } 180 : (18 \times 5) = (180 : 18) : 5 = 10 : 5 = 2$$

8. Бирор сонни бўлинмага бўлиш учун у сонни унинг бўлинувчисига бўлиб, бўлувчисига кўпайтириш мумкин.

Мисол: $1000 : (250 : 5) = (1000 : 250) \times 5 = 4 \times 5 = 20$

9. Бўлинмани бирор сонга бўлиш учун бўлинувчини ўша сонга бўлиб, чиқсан натижани бўлувчига бўлиш мумкин ёки бўлинувчини бўлувчи билан ўша соннинг кўпайтасига бўлиш мумкин.

Мисол: $(1000 : 25) : 8 = (1000 : 8) : 25 = 125 : 25 = 5$ ёки

$(1000 : 25) : 8 = 1000 : (25 \times 8) = 1000 : 2000 = 5$

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Натурал сон деб нимага айтилади?
2. Натурал сонлар қаторининг аксиомаларини ёритиб беринг.
3. Кўшиш амалининг хоссаларини санаб чиқинг.
4. Айрманинг хоссаларини мисоллар келтириб ёритиб беринг.
5. Сонларни кўпайтириш ва бўлиш қандай хоссаларга эга?.

III-боб. Соңларнинг бўлиниш белгилари

1. 2 ва 5 га бўлиниш белгилари. Берилган соннинг бирлик хонаси иккига ёки бешга бўлинса ёки 0 бўлса, у соннинг ўзи ҳам 2 ёки 5 га қолдиқсиз бўлинади (92, 75, 80).

2. 4, 25 ва 50 бўлиниш белгилари. Ҳар қандай соннинг охирги икки хонаси 4, 25 ёки 50 га бўлинса ёки ноллардан иборат бўлса, у соннинг ўзи ҳам 4, 25 ёки 50 га қолдиқсиз бўлинади (116, 125, 250).

3. 8, 125 ва 500 га бўлиниш белгилари. Берилған соннинг охирги уч хонаси 8 га ёки 125 га ёки 500 га бўлинса ёки у уч хона ноллардан иборат бўлса, у соннинг ўзи ҳам 8 га ёки 125 га ёки 250 га ёки 500 га қолдиқсиз бўлинади (1344, 2250, 1750, 25000).

4. 3 га, 9 га бўлиниш белгилари. Берилган соннинг рақамлар йигиндиси 3 га ёки 9 га бўлинса, у соннинг ўзи ҳам 3 га ёки 9 га қолдиқсиз бўлинади (125, 288).

5. 6, 12, 15 га бўлиниш белгилари. 2 га ва 3 га бўлинадиган сонлар 6 га қолдиқсиз бўлинади. 3 ва 4 га бўлинадиган сонлар 12 га қолдиқсиз бўлинади. 3 ва 5 га бўлинадиган сонлар 15 га қолдиқсиз бўлинади (12, 24, 15).

6. 7 га, 11 га ва 13 га бўлиниш белгилари. Соннинг охирги уч рақами билан ифодаланган сон ва қолган рақамлар билан ифодаланган сон орасидаги айирма 7 га, 11 га, 13 га бўлинса у соннинг ўзи ҳам 7 га, 11 га, 13 га қолдиқсиз бўлинади (221242, 13046, 84045).

Туб ва мураккаб сонлар

Ўзи билан 1 дан бошқа сонга бўлинмайдиган ҳар қандай натурал сонга туб сон дейилади.

Масалан: 2, 3, 5, 7, 13, 23, 37 ва ҳоказолар туб сонлардир.

Ўзи ва бирдан бошқа натурал сонга бўлинадиган натурал сонлар мураккаб сонлар дейилади.

Мисол: 4, 6, 8, 10, 20 ва ҳоказолар мураккаб сонлардир.

Бир туб сон ҳам эмас, мураккаб сон ҳам эмас. Туб сонлар қатори ҳам, мураккаб сонлар қатори ҳам чексиздир: 2, 3, 5, 7, 11, ...

Сонларни туб кўпайтuvчиларга ажратиш

Ҳар қандай мураккаб сонни туб кўпайтuvчиларга ажратиш мумкин.

Туб сонларнинг энг кичиги икки ҳисобланади, шунинг учун берилган натураг сонни 2 га бўламиз. Ундан чиқсан бўлинмани яна иккига бўламиз ва ҳоказо бўлинмада тоқ сон чиққунча 2 га бўлишини давом эттирамиз, 3 га бўлиниш-бўлинмаслигини қараймиз, агар 3 га бўлинса, юқоридагидек тартибда бўлиб, 3 га бўлинмай қолганда қолдикни 5 га бўлинишини текширамиз, беизга бўлинмаса 7 га, 11 га, 13 га бўлинишини текширамиз ва ҳоказо.

Масалан: 96 ва 80 ларни туб кўпайтuvчиларга ажратиш қуийдагича бажарилади:

96	2	80	2
48	2	40	2
24	2	20	2
12	2	10	2
6	2	5	5
3	3	1	
1			

Демак, $96 = 2 \times 2 \times 2 \times 2 \times 2 \times 3$.

$80 = 2 \times 2 \times 2 \times 2 \times 5$.

Машқлар: 204, 245, 1024, 1635, 3240 сонларни туб кўпайтuvчиларга ажратинг.

Берилган сонларнинг энг катта умумий бўлувчиси

Икки ёки бир неча соннинг ҳар бири бўлинадиган сонларни шу сонларнинг умумий бўлувчилари дейилади ва умумий бўлувчилардан энг каттасини энг катта умумий бўлувчи дейилади.

Мисол: $(14, 80, 120) = 20$ энг катта умумий бўлувчи қисқача ЭКУБ деб юритилади.

Таъриф. Икки соннинг энг катта умумий бўлувчиси 1 бўлса, у сонлар ўзаро туб сонлар дейилади.

Мисол: $(18, 19) = 1$.

21 билан 11 ўзаро туб сонлар дейилади. Чунки бу сонларнинг энг > умумий бўлувчиси 1 га teng.

Энг катта умумий бўлувчи ҳақидаги асосий теоремаларни кўриб чиқамиз.

1-теорема. Агар икки соннинг бири иккинчисига бўлинадиган бўлса, кичик сон бу икки соннинг энг катта умумий бўлувчисидир. Мисол: $(48, 12) = 12$

2-теорема. Агар икки сон бир-бирига бўлинмаса, каттасини кичигига бўлгандан чиқсан қолдиқ билан кичик соннинг энг катта умумий бўлувчиси шу икки соннинг ҳам энг катта умумий бўлувчисидир. Мисол: $(90, 24) = ?$

90 ни 24 га бўлиб, уни бундай ёза оламиз:

$$90 = 24 \cdot 3 + 18 : \text{аммо } (24, 18) = 6.$$

Демак, $(90, 24) = 6$.

Икки ёки бир неча соннинг энг катта умумий бўлувчини уларни туб кўпайтивчиларга ажратиш йўли билан ҳам топиш мумкин.

Мисол: $(42, 90)$.

42	2	90	2
21	3	45	3
7	7	15	3
1	1	5	5
		1	

Ҳар иккаловидаги умумий туб кўпайтивчиларни биттадан олиб кўпайтиришдан ҳосил бўлган кўпайтма энг катта умумий бўлувчи бўлади. Ҳозирги мисолда энг катта умумий бўлувчи $2 \times 3 = 6$.

Машклар. Кўйидаги сонларнинг энг катта умумий бўлувчиси топилсин: 1) 60, 75 ва 105; 2) 32, 88 ва 104; 3) 105, 150, 210 ва 75; 5) 404, 6768, 1088 ва 2044.

Евклид алгоритми (алгорифми)

Эрамиздан аввалги III асрда яшаган олим Евклид кетма-кет бўлиш йўли билан икки соннинг энг катта умумий бўлувчини топган. Шунинг учун ҳам бу йўлни Евклид алгоритми (алгорифми ҳам) дейилади.

Алгоритм маълум қоида асосида бажариладиган арифметик ёки алгебраик процессдир. Алгоритм сўзининг келиб чиқиши тарихи кўйидагича: ўрта асрларда ўнли саноқ системаси бўйича бажариладиган тўрт амалдан бирини алгоритм дейишган. Бу қоидаларнинг анчалидиган тарихи турли тарзда олинишадиган.

гинасини IX асрда Хоразмда яшаган Мұхаммад ал-Хоразмий белгилаб берган. Европада эса бундай қоидаларни ал-Хоразмий исмиға боғлаб алгоризм, кейинрек ўзгаририб алгоритм деб юритғанлар. Евклид алгоритми кетма-кет бўлиш орқали икки натуранг энг катта умумий бўлувчини топишда қўйидагича ишлатилади: каттасини кичигига, ундан сўнг кичик сонни биринчи қолдиққа, биринчи қолдиқни иккинчи қолдиққа, иккинчи қолдиқни учинчи қолдиққа ва ҳоказо ... то қолдиқда нол ҳосил бўлгунча бўлишни давом эттириш керак. Ана шу 0 қолдиқдан олдинги қолдиқ ёки қолдиқ 0 бўлгандаги бўлувчи берилган сон учун энг катта умумий бўлувчи бўлади.

Мисол: 88, 32.

Кетма-кет бўлишнинг жараёни қўйидагича:

$$\begin{array}{ll} 1. 88 = 32 \times 2 + 24 & (24 - 1\text{-қолдиқ}) \\ \text{қолдиқ}) & (8 - 2\text{-қолдиқ}) \\ 2. 32 = 24 \times 1 + 8 & (\text{қолдиқ} - 0) \\ \text{қолдиқ}) . & \\ 3. 24 = 8 \times 3 & (\text{қолдиқ}-0) \end{array}$$

Демак, ЭКУБ (88, 32) = 8.

2-мисол. ЭКУБ (66, 48) топилсин.

$$\begin{array}{ll} 1. 66 = 48 \times 1 + 18 & (24 - 1\text{-қолдиқ}) \\ 2. 48 = 18 \times 2 + 12 & (12 - 2\text{-қолдиқ}) \\ 3. 18 = 12 \times 1 + 6 & (6 - 3 \quad 3\text{-қолдиқ}) \\ 4. 12 = 6 \times 2 & (\text{қолдиқ} - 0) \end{array}$$

Демак, ЭКУБ (66, 48) = 6.

Сонларнинг энг кичик умумий карралиси (бўлинувчиси)

Берилган сонларнинг энг кичик умумий карралиси деб у сонларга бўлинадиган натуранг сонларнинг энг кичигига айтилади.

Мисол: 12, 16 га 48 ҳам, 96 ҳам, 48 ва 96 нинг кўпайтмаси ҳам бўлинади. Лекин шу бўлинадиган сонларнинг энг кичигига 48 дир.

Натуранг сонларнинг энг кичик умумий карралисини топиш учун уларнинг ҳар қайсисини якка-якка туб кўпайтувчиларга ажратиб, улардаги бир хил туб кўпайтувчиларнинг биттасидан бошқаларини ўчириш керак, ўчирилмай қолган ҳамма туб кўпайтувчиларнинг кўпайтмаси у сонларнинг энг кичик умумий карралиси бўлади.

Мисол: 20, 12, 16 сонларнинг энг кичик умумий карралисини топиш.

20	2	12	2	16	2
10	2	6	2	8	2
5	5	3	3	4	2
1		1		2	2

Үчирилмай қолган ҳамма туб кўпайтuvчиларнинг кўпайтмаси қўйидагилардан иборат бўлади: $2 \times 2 \times 2 \times 2 \times 3 \times 5 = 240$

240 ни навбатма-навбат берилган сонларнинг ҳар бирига бўлганда бутун сон чиқади. Демак, 240 изланаётган жавоб бўлади.

Бир неча соннинг ЭКУКни топишга оид тест топшириқларини тўғри бажариш учун ушбу тавсияларни бериш мумкин.

2-усул. Бир неча натурал соннинг энг кичик умумий карралисини (ЭКУК) ни топиш қўйидаги алгоритм бўйича амалга оширилади.

1) Бир неча натурал соннинг энг кичик умумий карралиси шу сонлар ичидаги энг катта сондан кичик бўла олмайди. Демак, берилган сонлар ичидан энг каттаси топилади.

2) Агар мумкин бўлган жавоблар ичida энг катта сондан кичик сонлар бўлса, улар жавоблар қаторидан чиқарилади.

3) Берилган сонлар ичida энг каттасини навбатма-навбат қолган сонларга бўлинади. Агар натижалар бутун сон бўлса, у ҳолда берилган сонлар ичидан энг каттаси уларнинг ЭКУК бўлади, акс ҳолда сонларнинг ичida энг каттаси ҳам мумкин бўлган жавоблар қаторидан чиқарилади.

4) Қолган жавобларни навбатма-навбат берилган сонларга бўлиб чиқилади. Агар қолган жавобларнинг барчаси берилган сонларнинг ҳар бирига қолдиксиз бўлинса, у ҳолда улардан энг кичиги изланаётган жавоб бўлади.

1-мисол: 168, 231 ва 60 сонларнинг энг кичик умумий карралисини (бўлинувчисини) толинг.

- A) 9240 B) 168 C) 3 D) 231 E) 60

Берилган сонлар ичидан энг каттаси 231.

B), C), E) лардаги сонлар 231 дан кичик, шу сабабли улар изланаётган жавоблар қаторидан чиқариб юборилади.

Энди A) ва D) жавоблардан қайси бири изланаётган жавоб бўлишини аниклаймиз. $231 : 168$ – натижа бутун сон эмас.

Шу сабабли, у жавоблар қаторидан чиқариб юборилади.

9240 ни навбатма-навбат берилган сонларнинг ҳар бирига бўлгандан бутун сон чиқади, демак 9240 изланадиган жавоб бўлади.

2-мисол: ЭКУК (25, 38) топилсин.

A) 25 Б) 38 С) 1 Д) 63 Е) 950

Юқоридаги алгоритмга қатъий риоя қилиш шарт эмас. Агар жавоблар ичida берилган сонларнинг энг каттаси бўлса, уни иккинчи сонга бўлиниш бўлинмаслигини текшириш кифоя. 38 сонини 25 ga бўлгандан бутун сон чиқмаслиги яққол кўриниб турибди.

Шу сабабдан мумкин бўлган жавоблар ичидан 38 ва ундан кичик сонларнинг барчаси, яъни A), B), C) лар изланадиган жавоблар қаторидан чиқарилади.

63 сони 38 ва 25 сонларига бутун сон марта бўлинмайди, демак, у ҳам жавоблар қаторидан чиқарилади.

Ва ниҳоят, сўнгги қолган жавоб – 950 - ЭКУК (25, 38) бўлади.

Машқлар.

Куйидаги сонларнинг энг кичик умумий бўлинувчиси топилсин:

1. 18, 27 ва 84.
2. 125, 75 ва 235.
3. 125, 130, 225 ва 175.
4. 248, 144, 120 ва 640.
5. 100, 34 ва 1224.
6. 3264, 128 ва 104.

Ёз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Сонларнинг бўлиниш белгиларини мисоллар келтириб ёритиб беринг.
2. Сонларнинг умумий бўлувчилари деб нимага айтилади?
3. Сонларнинг энг катта умумий бўлувчиси ҳақидаги асосий теоремаларни айтиб беринг.
4. 60, 75 ва 105 ни энг катта умумий бўлувчини топинг.
5. Натурал сонларнинг энг кичик умумий карралисини қандай топиш мумкин?
6. 18, 27 ва 84 ни энг кичик умумий карралисини топинг.

IV-боб. ПОЗИЦИОН САНОҚ СИСТЕМАСИ

Биз одатда хисоблаш ишларимизни ўнли система деб аталған системада олиб борамиз.

Иккинчи хона бирлигини аниқловчы сонни саноқ системасининг асоси дейилади. Хар қандай саноқ системасининг асосида күйидаги принцип ётади: муайян бир нечта бирлик навбатдаги юқори хона бирлигини ташкил қиласы өки бошқача қилиб айтганда у саноқ системасидаги соннинг асоси қанча бўлса, юқори тартибли рақамининг ҳар бири ўзидан бир хона пастки рақамнинг ҳар биридан шунча марта ортиқ бўлади.

Мисол: 435-ўнли саноқ системасидаги сон бўлсин, бунда биринчи хона бирлиги 5 нинг битта бирлигидан иккинчи хона бирлиги, 3 нинг биттаси 10 марта катта ва 3 нинг биттасидан учинчи хона бирлиги 4 нинг биттаси 10 марта катта ва ҳоказо.

Күйидаги мисолда буни яққол кўриш мумкин. Мисол, 111-ўнли саноқ системасидаги сон бўлса, унда биринчи хона бирлигидаги 1 дан, иккинчи хона бирлиги (1) 10 марта катта ва иккинчи хона бирлигидаги 1 дан учинчи хона бирлиги (1) 10 марта катта ва ҳоказо.

Агар 764 саккизлик саноқ системасидаги сон бўлса, бунда биринчи хона бирлиги 4 нинг биттасидан иккинчи хона бирлиги 6 нинг биттаси 8 марта ва 6 нинг биттасидан учинчи хона 7 нинг биттаси 8 марта катта бўлади.

Нима учун позицион саноқ системаси дейилади? Чунки позицион саноқ системасида ҳар бир рақам, ёзувда сонни туттган рақам ўрнига қараб турли аҳамиятга эга бўлади.

Масалан: 1, 10, 100. Биринчи сонда 1 биринчи ўринда турибди, шунинг учу. у битта бирликни билдиради. Иккинчи сонда 1 рақамларни ўъдан чапга қараб санаганда иккинчи ўринда турибди, шунинг учун битта ўнликни билдиради. Учинчи сонда 1, учинчи ўринда турибди, шунинг учун битта юзликни билдиради.

Мұҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780-850 йиллар)

Хоразмда туғилған Ал-Хоразмий ўнли саноқ системасининг келиб чиқиши тарихини «Арифметика», «Индия» дан деб ёзади, кейинчалик бу китоб бир неча марта босилиб чиқиши натижасыда ўнли саноқ системасининг келиб чиқиши тарихи Арабистон деб юритилиб кетганд. Ўнли системада барча сонлар ўнта рақам ёрдамида белгиланади: 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9. Йўқ хоналарни махсус белги – «0» рақами билан белгилаш хиндларнинг ажойиб ихтироси бўлган. Агар «0» бўлмаса 15 ни 150 дан, 35 ни 350 дан фарқ қилиш қийин бўларди.

Ўнли саноқ системасида бошқа яна бир нечта саноқ системалари мавжуд.

Кишилар бошқа саноқ системаларидан ҳам фойдаланганлар. Илгариги замонларда асосан 2, 3, 5, 7, 8, 11, 12, 20 ва 60 сонларидан иборат саноқ системалари ишлатилган ва мос равишда иккилик, учлик, бешлик, еттилик, саккизлик, ўн бирлик, ўн иккилик, йигирмалик ва олтмишлиқ саноқ системалари деб аталган.

Олтмишлиқ саноқ системасидан ҳозир ҳам фойдаланамиз.

1 соат – 60 минут
1 минут – 60 секунд

Россияда ва Украинада ўн иккилик саноқ системасидан фойдаланишган. Тухумни 12 тадан санашган. Буғдой, пичанини ўриб боғ-боғ қилиб боғлаб уни йиғиширишда 12 боғдан қилиб тахлашган.

Англияда ўн иккилик саноқ системасидан ҳозир ҳам фойдаланишади.

1 фут. = 12 дюйм
1 шиллинг = 12 пенсо

Африканинг айрим жойларида бешлик саноқ системасидан фойдаланишади. Юқорида келтирилган ҳамма саноқ системалари позицион саноқ системаси дейилади. Юқорида айтганимиздек, бундай система да рақамнинг қиймати унинг эгаллаган ўрнига, яъни унинг позициясига боғлик бўлади. Шунинг учун сонларни бундай ёзиш системаси позицион система дейилади.

Хозирги кунда сонларни ёзиш учун араб рақамларидан ташқари бошқа рақамлардан ҳам фойдаланилади. Масалан, соатнинг циферблати, китобларнинг бобларини ва ҳоказоларни ёзишда сонларни рим рақамида ёзишдан фойдаланилади.

Рим рақамида ёзишда қуйидаги принцип асос қилиб олинган: Агар бир неча рим рақами қатор ёзилган бўлса, у рақамлар билан ифодаланган сон ҳар бир рақамнинг айрим ҳолда тасвирланган сонлари йигиндисига teng.

I-бир
V-беш
X-үн

L- эллик
C-юз
M-минг

Қадимги Римда қўлланилган сонларни ёзиш системаси нокулай бўлган сонлар устида арифметик амаллар бажариш қийин бўлган. Бу системани бизга маълум система Хиндистонда пайдо бўлган сонларни ёзиш системаси сикиб чиқарди.

Бир саноқ системасидан бошқа саноқ системасига ўтиш

1) Бирор системадаги сондан ўнлиқ системага ўтиш.

Мисол учун еттилик системадаги 4325_7 , сонни ўнлик системасида ёзиш талаб қилинсин, яъни $4325_7=x_{10}$ дан x ни топиш керак. Бунинг учун энг юқори хона рақами асосдаги 7 га кўпайтириб, чиқсан натижани ўзидан кейинги хонага (3 га) кўшиб, уни яна 7 га кўпайтирамиз, ундан чиқсан натижани ўзидан кейинги хонага (2 га) кўшиб 7 га кўпайтирамиз. Ундан чиқсан натижани охирги хона (5) га кўшамиз:

$$\begin{aligned} 4 \times 7 &= 28 \\ 28 + 3 &= 31 \\ 31 \times 7 &= 217 \\ 217 + 2 &= 219 \\ 219 \times 7 &= 1533 \end{aligned}$$

$1533 + 5 = 1538$ ўнлик системасидаги сон бўлади.

Демак, $4325_7 = 1538_{10}$

2) Ўнлиқ системадаги сондан бошқа системадаги сонга ўтиш.

Үнли системадаги сондан бошқа системадаги сонга ўтиш учун ўша сонни бошқа системадаги соннинг асосига бўлиш керак; бундан чиқсан бўлинмани яна ўша асосга бўлиб, янги бўлинмани яна ўша асосга бўлиш керак ва ҳоказо. Бу ишни бўлинмада ўша бошқа системадаги соннинг асосидан кичик сон чиққунча давом эттириш керак. Натижада энг охирги бўлинмани юқориги хона қилиб, унинг кетидан охирги қолдиқдан бошлаб кетма-кет қолдиқларни ёзсак, бошқа системадаги изланган сон келиб чиқади.

Мисол: $1538_{10} = X_7$. X ни бундай топамиз:

$$\begin{array}{r}
 \begin{array}{c|c}
 1538 & 7 \\
 \hline
 14 & 219 \\
 \hline
 13 & 21 \\
 \hline
 7 & 31 \\
 \hline
 9 & 28 \\
 \hline
 68 & 4 \\
 \hline
 63 & 3 \text{ қолдиқ} \\
 \hline
 2 & 2 \text{ қолдиқ} \\
 \hline
 5 & 5 \text{ қолдиқ}
 \end{array}
 \end{array}$$

Демак, $1538_{10} = 4325_7$

Иккилил саноқ системаси

Асоси 2 бўлган саноқ системасига иккилил саноқ системаси дейилади. Демак бу саноқ системасининг рақамлари 1 билан 0 дангина иборат бўлиши керак.

Натурал қаторининг биринчи сонлари иккилил системасида куйидагича ифодаланади.

Үнли сонлар	Иккилил сонлар	Үнли сонлар	Иккилил сонлар
1	1	11	1011
2	10	12	1100
3	11	13	1101
4	100	14	1110
5	101	15	1111
6	110	16	10000
7	111	17	10001
8	1000	18	10010
9	1001	19	10011
10	1010	20	10100

Бундан күриниб турибдикىк иккилилук системасыда сонларнинг ёзилиши ўнли системасыга қараганда анчагина узун, яъни иккى хонали ўнлик сон 19, иккилилук саноқ системаси беш хонали сон билан ёзилади. Шу сабабли ҳисобда ўнли саноқ системаси иккилилук саноқ системасыга қараганда қулайроқ.

Бироқ электрон машиналар учун иккилилук саноқ системаси ўнли саноқ системасыга қараганда қулай.

Ўнли саноқ системасыдан иккилилук саноқ системасыга ўтиш

Масалан, ўнли системадаги 5 ва 13 сонларни иккилилук системага ўтказамиз:

$$\begin{array}{r} 5 \\ \hline 4 & | 2 \\ 1 & | 2 & | 1 \\ \hline 0 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 13 \\ \hline 12 & | 2 \\ 1 & | 6 & | 2 \\ 0 & | 3 & | 2 \\ \hline 1 \end{array}$$

$$5_{10} = 101_2$$

$$13_{10} = 1101_2$$

Электрон ҳисоблаш машиналари ана шу иккилилук системасыда ишлади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Сиз қандай саноқ системаларини биласиз?
2. Нима учун позицион саноқ системаси дейилади?
3. Ўнли саноқ системасини келиб чиқиш тарихини ёритиб беринг.
4. Бирор системадаги сондан ўнли системага ўтишни мисоллар ёрдамида ёритиб беринг.
5. Учлик системадаги сондан ўнли системадаги сонга ўтинг:
 $1202_3 = x_{10}$.
6. Қандай саноқ системасыга иккилилук саноқ системаси дейилади?
7. Ўнли системадаги 8 сонини иккилилук системага ўтказинг ва аксинча.

V-боб. ОДДИЙ КАСРЛАР

Бир бутун сон ёки бир бутун жисмнинг қисмларини (бўлакларини) каср сон дейилади. Одамлар орасида ярим ($\frac{1}{2}$), чорак ($\frac{1}{4}$), нимчорак ($\frac{1}{8}$) тушунчалари қадимдан маълум. Булар ҳам касрлардир.

Берилган жисмни ёки бир бутун сонни қанча тенг қисмга бўлинганилигини кўрсатувчи сонни қасрнинг **махражи** дейилади. Шундай қисмдан нечтаси олинганини кўрсатувчи сонни қасрнинг **сурати** дейилади. Махраж каср чизигининг остига, сурат эса унинг устига ёзилади. Мисол: $\frac{3}{8}$ ни олайлик, бунда 8 маҳраж, 3 суратдир.

Касрларнинг турлари

1. Маҳражидан сурати кичик бўлган касрларни **тўғри каср** дейилади. Мисол: $\frac{3}{5}$, $\frac{1}{4}$ ва ҳоказолар тўғри касрлардир.

2. Сурати маҳражидан катта бўлган касрларни **нотўғри каср** дейилади. Мисол: $\frac{5}{3}$, $\frac{11}{8}$, $\frac{25}{4}$ ва ҳоказолар нотўғри касрлардир.

Нотўғри қасрнинг сурати маҳражидан катта бўлади.

Суратидаги сон бир жисмни ёки бир бутун сонни маҳражида қанча бўлса, шунча бўлакка бўлгандаги бўлаклардан нечта олинганини кўрсатади.

Мисол: $\frac{12}{4}$ қасрни олайлик, бу қаср нимани кўрсатади?

Бу қаср, масалан, ҳар бир олмани 4 бўлакка бўлсак, шундай бўлаклардан 12 дона бор эканини билдиради.

3. Арапаш қаср.

Бутун сон билан қаср соннинг йигиндисини арапаш қаср дейилади. Мисол: $5 + \frac{3}{8}$ ва $4 + \frac{2}{7}$ ва ҳоказо. Буларни қисқача $5\frac{3}{8}$ ва $4\frac{2}{7}$ шаклда ёзилади ва 5 бутун 8 дан 3; 4 бутун 7 дан 2 деб ўқилади.

Арапаш қасрни нотўғри қасрга айлантириш учун, бутун сонни қасрнинг маҳражига кўпайтириб, натижасини суратига қўшиб, сурат килиб ёзамиш: маҳражини эса ўз ҳолиша ёзамиш.

$$\text{Мисол: } 5 \frac{3}{4} = \frac{5 \times 4 + 3}{4} = \frac{23}{4}$$

Сурати билан маҳражи тенг бўлган касрни бир бутун дейиш мумкин ёки аксинча бир бутун сонни сурати билан маҳражи тенг бўлган ҳар қандай касрга алмаштириш мумкин.

$$\text{Мисол: } \frac{25}{25} = 1 \text{ ёки } 1 = \frac{50}{50}, \frac{75}{75} \text{ ва ҳоказо.}$$

Касрнинг хоссалари

Касрнинг маҳражини неча марта ортирасак, касрнинг қиймати шунча марта кичиклашади. Касрни қисқартириш деган сўз касрнинг қийматини ўзгартирмай, сонларини бир неча марта кичрайтириб ёзиш демакдир. Бошқача айтганда касрнинг суратини ва маҳражини (бўладиган бўлса) бир хил сонга бўлиб ёзиш деган сўздир.

$$\text{Мисол: } \frac{14}{18} = \frac{7}{9}; \frac{6}{27} = \frac{2}{9} \text{ ва ҳоказо.}$$

Касрнинг сурати ва маҳражини бир хил сонга кўпайтирилса, унинг қиймати ўзгармайди. $\frac{2}{3} = \frac{2}{3} \times \frac{5}{5} = \frac{10}{15}$

Касрларни таққослаш

Суратлари ҳар хил, маҳражлари бир хил касрларнинг қайси бирининг сурати катта бўлса, ўша каср бошқаларидан катта бўлади. Қайси бирининг сурати энг кичик бўлса, ўша каср энг кичик бўлади.

Мисол: $\frac{4}{5}, \frac{1}{5}, \frac{20}{5}, \frac{3}{5}$ касрларни олайлик. Булардан энг кичиги $\frac{1}{5}$, энг каттаси $\frac{20}{5}$.

Суратлари бир хил, маҳражлари ҳар хил бўлган касрларнинг қайси бирининг маҳражи катта бўлса, ўша каср кичик бўлади, қайси бирининг маҳражи кичик бўлса, ўша каср катта бўлади.

Мисол: $\frac{3}{5}, \frac{3}{2}, \frac{3}{16}, \frac{3}{20}$ бу касрларнинг энг каттаси $\frac{3}{2}$, энг кичиги $\frac{3}{20}$.

Бошқача айтганда, бу касрларнинг ҳар бирини 100 га кўпайтирилса процент билан ифодаланган бўлади ва қайси бирининг катта кичикилиги процент бўйича равshan кўринади.

Мисол; $\frac{7}{8}, \frac{5}{6}$ касрларни олайлик;

$$\frac{7}{8} \times 100 = 87,5 \%$$

$$\frac{5}{6} \times 100 = 83,3 \%$$
 демак, $\frac{5}{6} < \frac{7}{8}$ экан.

Касрларни құшиш ва айириш

Маҳражи бир хил касрларни құшиш учун, суратларини құшиб маҳражларидан биттасини маҳраж қилиб ёзиш керак.

$$\text{Мисол: } \frac{1}{8} + \frac{3}{8} = \frac{4}{8} = \frac{1}{2}.$$

Маҳражи ҳар хил бўлган касрларни бир-бирига құшиш учун улар энг кичик умумий маҳражга келтирилади, ҳосил бўлган суратларини құшиб, йигиндини суратга, умумий маҳражни эса маҳраж қилиб ёзиш, сўнгра қисқарса, қисқартириш керак.

$$\text{Масалан: } \frac{4}{12} + \frac{15}{36} = \frac{12+15}{36} = \frac{27}{36} = \frac{3}{4}$$

Аралаш касрларни құшиш учун уларнинг бутунлари билан бутунларини, касрлари билан касрларини құшиш керак.

$$\text{Мисол: } 3\frac{1}{8} + 2\frac{3}{8} = 5\frac{4}{8} = 5\frac{1}{2}$$

Касрдан касрни айириш учун олдин уларни энг кичик умумий маҳражга келтириб, сўнгра камаювчининг суратидан айрилувчининг суратини айириш ва айирманинг тагига умумий маҳражни ёзиб, сўнгра қисқарса, қисқартириш керак.

$$\text{Масалан: } \frac{13}{28} - \frac{5}{12} = \frac{39-35}{84} = \frac{4}{84} = \frac{1}{21}$$

Аралаш сондан аралаш сонни айириш учун, уларнинг бутун қисмларини алоҳида, каср қисмларини алоҳида айириш керак, агар камаювчи каср айрилувчи касрдан кичик бўлса, у холда камаювчи аралаш соннинг бутунидан биттани, унга тегишли каср маҳражига майдалаб (бир бутунни каср маҳражига майдалаш деб, уни каср маҳражини ўз-ўзига бўлинган кўринишда олишини айтамиз) уни камаювчи касрга құшиб, кейин айириш керак.

$$\text{Масалан: } 5\frac{12}{25} - 2\frac{11}{15} = 3\frac{36-55}{75} = 2\frac{75+36-55}{75} = 2\frac{111-55}{75} = 2\frac{56}{75}$$

Касрни касрга кўпайтириш учун уларнинг суратини суратга кўпайтириб сурат, маҳражини маҳражгага кўпайтириб; маҳраж қилиб ёзиш керак. Масалан;

$$\frac{7}{12} \cdot \frac{5}{6} = \frac{7 \cdot 5}{12 \cdot 6} = \frac{35}{72}$$

Кўпайтиришда (мумкин бўлса) қисқартириш керак.

Касрни касрга бўлиш учун бўлинувчи касрнинг суратини бўлувчи касрнинг маҳражига кўпайтириш, бўлинувчи касрнинг маҳражини бўлувчи касрнинг суратига кўпайтириш ва биринчи кўпайтмани сурат, иккинчи кўпайтмани эса маҳраж қилиб ёзиш керак.

$$\text{Масалан: } \frac{122}{175} : \frac{4}{25} = \frac{122 \cdot 25}{175 \cdot 4} = \frac{61 \cdot 1}{7 \cdot 2} = \frac{61}{14} = 4 \frac{5}{14}$$

Агар касрларни кўпайтириш ва бўлишда, касрлар аралаш сонлардан иборат бўлса, дастгаб улар нотўғри касрга айлантирилади, кейин кўпайтириш ёки бўлиш амаллари бажарилади.

Бутун сонни каср сонга ёки каср сонни бутун сонга кўпайтириш учун бутун сон каср маҳражига қисқарса қисқартириб, қолган сонни суратга кўпайтириб сурат, маҳраждан қолган сонни эса маҳраж қилиб ёзиш керак.

$$24 \cdot \frac{7}{8} = \frac{3 \cdot 7}{1} = \frac{21}{1} = 21; \quad \frac{7}{8} \cdot 24 = \frac{21}{1} = 21$$

Бутун сонни каср сонга бўлиш учун бутун сон каср сурати билан қисқарса қисқартириб, қолған бутун сонни маҳражга кўпайтириб сурат, суратдан қолган сонни эса маҳраж қилиб ёзиш керак.

$$\text{Масалан: } 24 : \frac{8}{15} = \frac{3 \cdot 15}{1} = 45$$

Бутун сонни аралаш сонга бўлиш учун аралаш сонни нотўғри касрга айлантириб, сўнгра бутун сонни каср сонга бўлгандек бўлиш керак.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Каср деб нимага айтилади?
2. Касрларнинг турларини санаб чиқинг.
3. Касрларнинг қандай хоссалари бор?
4. Касрларнинг энг кичик умумий маҳражга келтириш услубиятини ёритиб беринг.
5. Оддий касрлар билан тўрт арифметик амалдан ҳар бирининг алгоритми билан таништириш услубиятини очиб беринг.

VI-боб. ЎНЛИ КАСРЛАР. ДАВРИЙ КАСРЛАР

Ўнли касрлар оддий касрларга қараганда ҳәётда күпроқ қўлланади ва катта амалий қўлланишга эга.

Махражи 10, 100, 1000 ва ҳоказо бўлган касрлар, яъни маҳражи бир ва ундан кейин (битта ёки бир неча) ноли бўлган касрлар ўнли касрлар дейилади.

$$\text{Масалан: } 5,2379 = 5 + \frac{2}{10} + \frac{3}{100} + \frac{7}{1000} + \frac{9}{10000}$$

Оғзаки айтилган ўнли касрни ёзма тасвирилаш учун биринчи галда бутун ёзилади, вергулдан сўнг айтилган маҳражининг ноллар сонидан айтилган каср хоналар сони қанча кам бўлса, шунча нол ёзиб ундан кейин каср сони ёзилади. Масалан; 4 бутун юз дан беш, уни бундай ёзма тасвириланади: 4,05.

Ёзилган ўнли касрни ўқиши учун, бутундан кейин касрнинг охирги хонасидан бошлаб вергулгача бўлган хоналарини билиб, ундан ҳам бир хона ортиғи билан айтиб, ундан сўнг касрдаги кўринган сонни айтиш керак. Мисол: 4,2536; хоналари: 6-бирлик, 3-ўнлик, 5-юзлик, 2-минглик, ундан бир хона юқоридан минглик. Шунинг учун бундай ўқилади: 4 бутун ўн мингдан 2536.

Икки ўнли касрнинг бир хил ўринда турган рақамлари тенг бўлса, ундан ўнли касрлар тенг бўлади. Агар бир ўнли касрнинг бутун сони иккинчи ўнли касрнинг бутунидан катта бўлса, биринчи ўнли каср албатта иккинчисидан каттадир. Агар иккала ўнли касрнинг бутунлари тенг бўлиб, қайси бирининг биринчи ўнлик хоналари катта бўлса, ўша каср катта бўлади. Биринчи ўнлик хоналари тенг бўлса, юзлик хоналарини қараймиз ва ҳоказо. Мисол: $25,45 > 25,42$.

Ўнли касрнинг хоссалари. Ўнли касрни оддий касрга айлантириш учун унинг бутунини ёзиб, каср чизиги чизилади ва қандай ўқилса, маҳражига ўша даражали ўнни ёзиб, суратига касрини ёзиш кифоя.

Мисол: 9,564, бу тўққиз бутун мингдан беш юз олтмиш тўрт деб ўқилади. Шунинг учун ҳам: $9 \frac{564}{1000}$.

Ўнли касрнинг охирига исталганча нол қўйган билан ёки охиридаги нолларни ўчирган билан қиймати ўзгармайди, лекин қисмни йириклаб ёки майдалаб айтиш мумкин.

Ўнли касрни қўшиш ва айриш

Ўнли касрларни қўшиш ёки айриш учун бутун қисмини бутун қисм тагига, каср қисмини каср қисм тагига (хоналарга риоя қилиб), баъзи касрларнинг ўнг томонига, дилда бўлса ҳам, ноллар ёзиб, кейин бутун сонларни қўшиш каби қўшиб ёки айриб, натижага вергулларнинг тўғрисидан вергул қўйиш керак. (Чунки, ўнли каср оддий касрнинг хусусий холидир). Бу қоидани ушбу мисоллар билан ойдинлаштирамиз:

$$\begin{array}{r} 1) \quad 4.2835 \\ + \quad 1.036 \\ \hline 5.3195 \end{array} \quad \begin{array}{r} 2) \quad 12.706 \\ + \quad 3.0925 \\ \hline 15.7985 \end{array} \quad \begin{array}{r} 3) \quad 5.3195 \\ - \quad 4.2835 \\ \hline 1.0360 \end{array} \quad \begin{array}{r} 4) \quad 6.000 \\ - \quad 2.763 \\ \hline 3.237 \end{array}$$

Ўнли касрни кўпайтириш ва бўлиш

Ўнли касрларни бир-бирига кўпайтиришда уларнинг вергулларига эътибор қилмай, бутун сонларни кўпайтиргандек кўпайтириш керак, сўнгра кўпаювчи билан кўпайтuvчида қанча каср хонаси бўлса, кўпайтмада ўнгдан чапга қараб шунча каср хонани вергул билан ажратиш керак.

Масалан:

$$\begin{array}{r} \times \frac{2.175}{3.212} \\ \hline 4350 \\ + 2175 \\ \hline 4350 \\ \hline 6525 \\ \hline 6.986100 \end{array} \quad \begin{array}{r} \times \frac{42.51}{2.06} \\ \hline 25506 \\ + 8502 \\ \hline 87.5706 \end{array}$$

Ўнли касрни бутун сонга бўлишда бўлинувчи бўлувчидан кичик бўлса, бўлинмага нол бутун ёзиб уни вергул билан ажратамиз, сўнгра бўлиш амалини, бутун сонларни бўлишдаги каби бажарамиз, бўлишдан чиқсан қолдиқларни эса майда ўнли улушларга айлантириб бориб, бўлишни давом эттирилади.

Мисол:

$$\begin{array}{r} \overset{5,154}{\text{---}} \overset{6}{|} \\ \overset{48}{|} \quad \overset{0,859}{|} \\ \underline{35} \\ \underline{30} \\ \underline{54} \\ \underline{54} \\ 0 \end{array}$$

Үнли касрни үнли касрга бўлиш учун, олдин бўлувчини бутунга айлантирамиз. Унинг вергулини охиригача неча хона сурилган бўлса (каср хонаси қанча бўлса), бўлинувчининг вергулини ҳам шунча хона каср томонга суриш керак. Сўнгра үнли касрни ёки бутун сонни бутун сонга бўлишдек иш кўраверамиз.

Мисол: 21,34 ни 2,5 га бўлинг.

$$\begin{array}{r} \overset{213,4}{\text{---}} \overset{25}{|} \\ \overset{200}{|} \quad \overset{8,536}{|} \\ \underline{134} \\ \underline{125} \\ \underline{90} \\ \underline{75} \\ \underline{150} \\ \underline{150} \\ 0 \end{array}$$

Даврий касрлар

3 касрнинг суратини маҳражига бўлсак, натижаси аниқ үнли каср бўлмас, бўлинмада 6 чексиз қайтарилаверади:

$$\begin{array}{r} \overset{20}{\text{---}} \overset{3}{|} \\ \overset{18}{|} \quad \overset{0,666...}{|} \\ \underline{20} \\ \underline{18} \\ \underline{20} \\ \underline{18} \\ 2 \end{array}$$

Шунга ўхшаш $\frac{5}{7} = 0,714285714285\dots$ бу бўлинмада олти хонали сон чексиз қайтарилимоқда.

$$193 : 88 = 2,1931818 \dots$$

Бундай даврий ўнли қатор билан XVII асрнинг охирларида инглиз олим Ньютон, америкалик олим Валлис, XVIII асрнинг ўрталарида эса Россияда академик Эйлер шугулланди. Улар бўлинмада чексиз қайтарилаётган бир ёки бир неча рақамлар тўпламини давр деб атадилар.

Ўнли даврий касрларни, қуйидаги қоидага асосан, оддий касрлар билан ифодалаб ёзиш мумкин.

Қоида. Ҳар қандай ўнли даврий касрни оддий каср холида ёзиш учун, ундаги вергулдан кейинги иккинчи давргача бўлган сондан биринчи давргача бўлган сон айримасини суратта, маҳражига эса даврда қанча рақам бўлса ўшанча тўққиз (9) ёзил, унинг ўнг ёнига вергул билан биринчи давр орасида қанча рақам бўлса, ўшанча нол ёзиш керак (касрнинг бутун қисми эса, бутун қилиб ёзилаверади).

$$\text{Масалан: } 5,8333\dots = 5\frac{83-8}{90} = 5\frac{75}{90} = 5\frac{5}{6};$$

$$7,5123123\dots = 7\frac{5123-5}{9990} = 7\frac{5118}{9990} = 7\frac{2559}{4995};$$

$$3,888\dots = 3\frac{8-0}{9} = 3\frac{8}{9} \text{ ва ҳоказо.}$$

Машқлар.

Куйидаги ўнли даврий касрларни оддий касрлар билан ифодаланг:

- 1) 0,555...;
- 2) 4,171717...;
- 3) 2,41212...;
- 4) 5,1366...;
- 5) 16,231231...;
- 6) 6,51373737...;
- 7) 4,78333...;
- 8) 0,623555....

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ўнли каср деб нимага айтилади?
2. Ўнли касрлар қандай ёзилади ва ўқилади?
3. Ўнли касрларнинг асосий хоссаларини айтиб беринг.
4. $\frac{1}{2}, \frac{1}{4}, \frac{3}{4}$ ва $\frac{1}{8}$ касрларни ўнли касрларга айлантиринг.
5. Ўнли касрлар устида тўрт арифметик амаллар бажаришнинг ҳар бирини алгоритми билан танишириш услубиятини ёритиб беринг.
6. Қандай касрга ўнли даврий каср дейилади?
7. Куйидаги ўнли даврий касрни оддий каср холида ёзинг.
6,51373737 ... =

VII-боб. ГЕОМЕТРИК МАТЕРИАЛ

Геометрия – геометрик фігурапарнинг хоссалари ҳақидаги фандир. «Геометрия» сўзи грекча бўлиб, ўзбекча «ер ўлчаш» деган маънони билдиради. Бундай аталиши геометрияниң ер устида ўлчаш ишлари билан боғлиқлигидан дарак беради. Геометрия амалда кенг қўлланилади.

Нуқта ва тўғри чизик

Нуқта ва тўғри чизик текисликдаги асосий геометрик фігурапар ҳисобланади. Нуқталарни лотин алфавитининг бош ҳарфлари A, B, C, D, ... билан белгилаш қабул қилинган. Тўғри чизиклар лотин алфавитининг кичик ҳарфлари a, b, c, d, ... билан белгиланади.

1-расмда A нуқтани ва a тўғри чизикни кўриб турибсиз. Тўғри чизик чексизdir. Биз расмда тўғри чизиқнинг бир қисминигина тасвирлаймиз, аммо бу қисмни ҳар икки томонга чексиз давом эттирилган деб қабул қиласиз.


2-расмга қаранг. Сиз a, b тўғри чизикларни ва A, B, C нуқталарни кўриб турибсиз. A ва C нуқталар a тўғри чизиқда ётибди A ва C нуқталар a тўғри чизиқка тегишли ёки a тўғри чизик A ва C нуқталар орқали ўтади дейиш ҳам мумкин.

В нуқта a тўғри чизиқда ётибди. У a тўғри чизиқда ётмаяпти. С нуқта a тўғри чизиқда ҳам, b тўғри чизиқда ҳам ётибди. a ва b тўғри чизиқларни С нуқтада кесишади. С нуқтада a ва b тўғри чизиқларнинг кесиши нуқтасидир.

Кесма

3-расмга қаранг. Сиз тўғри чизиқни ва шу тўғри чизиқдаги A, B, C нуқталарни кўриб турибсиз. В нуқта A ва C нуқталар орасида ётибди, у A ва C нуқталарни бир-биридан ажратиб турибди. Шунингдек, A ва C нуқталар В нуқтанинг турли томонида ётибди, дейиш ҳам мумкин. В ва C нуқтлар A нуқтанинг бир томонида ётибди, уларни A нуқта ажратмайди. A ва B нуқталар С нуқтадан бир томонда ётибди.

Түғри чизикнинг берилган икки нуқтаси орасида ётган ҳамма нуқталаридан иборат қисми кесма дейилади. Берилган бу икки нуқта кесманинг охирлари дейилади. Кесма ўз охирларини кўрсатиш билан белгиланади. АВ кесма дейилганда ёки ёзилганда охирлари А ва В нуқталардан иборат кесма тушунилади.



Кесмаларни ўлчаш

Кесмаларни ўлчаш учун турли ўлчаш асбобларидан фойдаланилади. Бўлиниш нуқталарига эга чизгич бундай асбобларнинг энг соддасидир. 4-расм АВ кесма 10 см га teng, АС кесма 6 см га teng, ВС кесма эса 4 см га teng. АВ кесманинг узунлиги АС ва ВС кесмалар узунликларининг йигиндисига teng.

Ҳар бир кесма нолдан катта тайин узунликка эга. Кесма узунлиги шу кесманинг ҳар қандай нуқтаси ажратган қисмлари узунликларининг йигиндисига teng.


Бу эса агар АВ кесмада ихтиёрий С нуқта олинса, у ҳолда АВ кесманинг узунлиги АС ва ВС кесмалар узунликлари йигиндисига teng демакдир. АВ кесманинг узунлиги А ва В нуқталар орасидаги масофа ҳам дейилади.

Айланинг узунлиги

Олимларнинг аниқлашича ҳар қандай айлананинг узунлиги унинг диаметридан таҳминан $3,14$ марта катта. Демак, айлананинг узунлигини хисоблаш учун унинг диаметрини ўлчаш ва ҳосил бўлган сонни $3,14$ га кўпайтириш керак. Айлананинг диаметри қанча катта бўлса, унинг узунлиги шунча катта бўлади. Ҳамма айланалар учун айлана узунлигининг диаметрига нисбати бир хил сон бўлади. Бу сон грекча π ҳарфи билан белгиланади (“пи” деб ўқилади). Агар айлананинг узунлигини C ҳарфи билан диаметри d ҳарфи билан белгиланса, у ҳолда $C : d = \pi$ бўлади. Шунинг учун $C = \pi d$ Айлананинг диаметри радиусидан икки марта катта бўлгани учун r радиусли айлананинг узунлиги $2\pi r$ га teng бўлади. Айлана узунлигининг иккинчи формуласи ҳосил бўлади.

$$C=2\pi r$$

Доиранинг юзи



5-расм

Расмда доира ҳамда АВСД ва ЕFKM квадратлар тасвирланган. Доиранинг радиуси r га teng, шунинг учун АВСД квадратнинг томони $2r$ га, юзи $4r^2$ га teng. EOF учбурчакнинг юзи АEOF квадрат юзидан икки марта кичик, шунинг учун ЕFKM квадратнинг юзи АВСД квадрат юзидан икки марта кичик, яъни $2r^2$ га teng. Доиранинг S юзи ЕFKM квадрат юзидан катта, лекин АВСД квадрат юзидан кичик.

$$2r^2 < S < 4r^2$$

Тўғри бурчакли параллелепипеднинг ҳажмини ўлчаш ва хисоблаш.

Тўғри бурчакли параллелепипеднинг ҳажмини хисоблаш учун унинг бўйини, энини, баландлигини ўлчаш ва чиқсан сонларни кўпайтириш керак.

Мисол: Параллелепипеднинг бўйини a ҳарфи билан, энини b ҳарфи билан, баландлигини h ҳарфи билан ҳажмини V ҳарфи билан белгилайлик: $V=a \cdot b \cdot h$

Тўғри бурчакли параллелепипед ҳажмини ҳисобланг: Бўйи 5 см, эни 3 см, баландлиги 6 см; Бўйи 6 дм, эни 5 дм, баландлиги 4 дм.

Кубнинг ҳажмини ўлчаш ва ҳисоблаш

Куб – буйи, эни ва баландлиги тенг бўлган тўғри бурчакли параллелепипед. Кубнинг ҳажмини ҳисоблаш учун унинг кирраси узунлигини ўлчаш ва чиқсан сонни кўпайтиувчи килиб уч марта олиш керак.

Куб қиррасининг узунлигини a ҳарфи билан белгилаймиз. У ҳолда кубнинг ҳажмини ҳисоблаш формуласи бундай кўринишни олади. $V=a \cdot a \cdot a$

Кубнинг ҳамма қирралари тенг, демак бўйи 10 см, эни 10 см ва баландлиги 10 см.

Шу кубнинг ҳажмини ҳисоблаймиз:

$$V=10 \text{ см} \times 10 \text{ см} \times 10 \text{ см} = 1000 \text{ см}^3$$

Киррасининг узунлиги 1 дм бўлган кубнинг ҳажмини куб дециметр деб аталади.

Куб диаметр сонлар ёнида қўйидагича ёзилади: 1 куб дм, 5 куб дм ёки 1 дм^3 , 5 дм^3 .

Кутининг тўла сиртини ўлчаш ва ҳисоблаш

Бўйи 100 см, эни 50 см, баландлиги 40 см бўлган кутининг тўла сиртини ўлчаш ва ҳисоблаш.

1. Олдин остки асосни юзини топамиз. Бунинг учун бўйини энига кўпайтирамиз: $100 \text{ см} \times 50 \text{ см} = 5000 \text{ см}^2$.

2. Остки ва устки асоснинг юзи нимага тенг?

$$5000 \text{ см}^2 \times 2 = 10000 \text{ см}^2$$

3. Битта ён томонининг юзини топамиз. Бунинг учун бўйини баландлигига кўпайтирамиз: $100 \text{ см} \times 40 \text{ см} = 4000 \text{ см}^2$

4. Иккала ён томонининг юзи нимага тенг: $4000 \text{ см}^2 \times 2 = 8000 \text{ см}^2$

5. Иккинчи ён томонининг юзини топамиз. Бунинг учун энини баландлигига кўпайтирамиз: $50 \text{ см} \times 40 \text{ см} = 2000 \text{ см}^2$

6. Иккинчи иккала ён ёғининг юзи нимага тенг?

$$2000 \text{ см}^2 \times 2 = 4000 \text{ см}^2$$

Энди қутининг тўла сирти топилади. Бунинг учун:

$$\begin{array}{r} + 10000 \text{ см}^2 \\ + 8000 \text{ см}^2 \\ \hline 4000 \text{ см}^2 \\ \hline 22000 \text{ см}^2 \end{array}$$

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Айлананинг узунлигини қандай топиш мумкин?
2. Тўғри бурчакли параллелепипеднинг ҳажмини топишни мисоллар ёрдамида ёритиб беринг.
3. Кубнинг ҳажмини ҳисоблаш учун нима қилиш керак?
4. Қутининг тўла сиртини қандай топиш мумкин?

II БЎЛИМ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ УСЛУБИЯТИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

VIII боб. МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ УСЛУБИЯТИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР ВА ТАЪЛИМНИНГ БОШҚА УСЛУБИЯТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Математика ўқитиши услубияти бошқа фанлар ва энг аввало бошланғич математика ўқитиши услубиятига боғлиқ. Бу услубият томонидан белгиланган қонуниятлар ақли заиф ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олаган ҳолда ёрдамчи мактабда математика ўқитиши услубияти томонидан ҳам ишлатилади.

Махсус математика ўқитиши услубияти ақли заиф болалар тарбияшунослиги (олигофренопедагогика) ва умумий руҳшунослиқ фанлари (психология) билан узвий боғлиқ бўлиб, бу фанларнинг қонуниятларига таянади. Ақли заиф болаларни тарбиялаш тарбияшунослиги билан ўмумий тарбияшуносликнинг мақсадлари бир. Шу билан бир қаторда ақли заиф болалар тарбияшунослиги умумий тарбияшуносликнинг бўлими бўлмасдан, балки ўзича мустақил фандир.

Махсус математика ўқитиши услубияти ақли заиф бола руҳшунослиги, тарбияшунослик руҳшунослиги ва ёш руҳшунослиги билан боғлиқ таълим ва тарбиянинг кўргина масалаларни ҳал қилишда ёрдамчи мактаб ўқитувчиси бу фанларга оид кўргина билимлардан фойдаланиши керак. Ақли заиф болалар, руҳшунослиги (олигофренопсихология) таълим таъсирида киши маънавий қиёфасининг шаклланиш қонуниятларини, турли ёцдаги ақли заиф болаларнинг руҳшунослик хусусиятларини, шунингдек ақли заиф болаларнинг билим, ўкув ва малакаларни ўзлаштиришларининг руҳшунослик қонуниятларини, уларнинг мустақилликларининг ривожланишини, ақли заиф ўқувчилар шахсининг камол топиш қонуниятларини ўрганади. Бу фан ёрдамчи мактабда ўкув-тарбия ишини ташкил қилишда катта аҳамиятга эга.

Ёрдамчи мактаб шароитида математика ўқитишининг умум-таълимий, коррекцион-тарбиявий ва амалий вазифалари математика

таълимининг бошқа фанлар, айниқса меҳнат таълими билан чамбарчас боғлаб олиб борилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Фанлараро боғланишни тўғри амалга ошириш учун ўқитувчи буни ҳисобга олиши жуда муҳимdir.

Ёрдамчи мактабнинг юқори синфларида фанлараро боғланишни амалга ошириш анча қийинлашади, чунки ҳар қайси фанни маълум бир ўқитувчи олиб боради, бунинг устига фан ўқитувчilarининг ишилашида яқиндан алоқа бўлмаса, фанлараро боғланишни амалга ошириш масаласи анча мураккаблашиб кетади. Бошлангич синфларда эса бундай эмас. Ҳамма фанларни бир ўқитувчи олиб боради ва шу сабабли унинг олдида фанлараро боғланишни амалга ошириш учун кенг имкониятлар очилади.

Ёрдамчи мактабнинг амалий иш тажрибаси шуни кўрсатяптики, математикани яхши ўзлаштираётган ўқувчилар, одатда бошқа фанлардан берилган амалий вазифаларни ҳам яхши бажарадилар.

Ақли заиф ўқувчилар турли ўқув фанларидан эгаллаган билимлар орасидаги ўзаро алоқани мустақил аниқлай олмайдилар. Ҳар бир ўқув фани ўқитувчисининг, шу билан бирга математика ўқитувчисининг вазифаси, турли ўқув фанларига оид дарслардан эгалланган билимлар бошқа ўқув фанига оид билимларни тўлдириши, бойитиши ва кенг қўлланиши мумкинлигини кўрсатишdir.

Математика дарсларида ўқувчilarнинг табиатшунослик, жўғрофия, тарих, расм, чизмачилик, меҳнат, жисмоний тарбия ва бошқа фанлардан олган билимларидан фойдаланиши шарт.

Бу фанларга оид маълумотлар арифметик масала ва мисоллар тузиш учун материал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, тарихий воқеалар ҳакида билим бериш, Ватанимиз ва бошқа мамлакатлар чегараларининг узунлиги, мамлакатлар эгаллаган майдонларнинг юzlари, дарёларнинг узунлиги, тоғларнинг баландлиги, денгиз, кўлларнинг узунлиги ва чуқурулиги математика дарсларида арифметик масала ва мисоллар тузишда, сонларни таққослаш ва таҳлил қилишда жуда қизиқарли материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчи томондан, математик билим бошқа дарсларда кенг қўлланилиши лозим.

Масалан, қўл меҳнати дарсида ўқувчилар математика дарслари учун қофоздан гул солиб кесадилар, пластилиндан дидактик материаллар ясайдилар. Бундан ташқари, геометрик шаклларни (квадратлар, учбурчаклар, тўғри тўртбурчаклар, айланалар) қаламда айлантириб

чиқадилар ва қирқадилар, уларни фарқлаш ва номини айтишни ўрганадилар. Математика дарсларида ўқувчилар нарсаларнинг куйидаги белгилари: узун-киска, кенг-тор, йўғон-ингичка ва бошқалар билан танишадилар. Кўл меҳнати дарсида эса турли буюмлар тайёрлашда, масалан, ўйинчоқларни ясашда ўқувчилар уларни мустаҳкамладилар.

Математика дарслари каби кўл меҳнати дарсларида ҳам ўқувчиларнинг фазони аниқлаши ривожланади. Ўқувчилар қофознинг ўртасини, юкори-куйи, ўнг ва чап томонларини кўрсатишни ўрганадилар.

Жўғрофия дарсларида айрим мавзуларни ўрганишда, масалан, масштабларни ҳисоблаш, мактаб участкасининг режасини, ўз туар жойининг содда режасини тузишда ўқувчиларнинг математика ва чизмачиликда олган билимлари кенг қўлланилиши мумкин. Чунки масштаб ҳақидаги тушунча фақат ўлчаш малакаларининг мустаҳкам асосидагина тўғри шаклланади.

Тарих дарсларида ўқитувчи ўқувчиларнинг вақт тасавурларини аниқлайди ва кенгайтиради ҳамда тарихий ҳодисалар орасида ўтган вақтни ҳисоблашга оид масалаларни ечишда уларнинг бу кўнилмаларидан фойдаланади.

Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчилар миқдор устида олган билимларини мустаҳкамладилар (масалан, узунлик, масса каби). Бу ерда миқдорлар, айниқса югуришда, у ёки бу масофага сузишда, баландликка ёки узунликка сакрашда, ўзининг аниқ ифодасини топади.

Математика таълими билан она тилининг боғликлиги ўзига хосдир. Математика дарсида ўқитувчи, ўқувчиларнинг математик нутқларини ривожлантириш, уларнинг математик луғатларини бойитиш масаласини ечади. Тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатадики, аниқ, равон математик нутқ математика тушунчаларини ўзлаштиришга ижобий таъсир кўрсатар экан. Математика ўқитувчиси ўқувчиларни фақат масала ва мисолларни тўғри ечишга эмас, балки саводли ёзишга, галларни тўғри тузишга ҳам ўргатади.

Она тили дарсларида сонлар ва бошқа математик атамаларни ва ифодаларни ёзишни мустаҳкамлаш шарт.

Математика ўқув мавзуси ҳам, математика таълимини меҳнат таълими билан боғлаш масаласини ечади. Математика дарсларида олинган билимлар ўқув устахоналарида, мактаб тажриба майдонларида, шу билан бирга ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётни

Ўтайдиган саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлатилиши ва мустаҳкамланиши лозим.

Тарбияшунослик ва руҳшунослик текширишлари шуни кўрсатадики, ақли заиф ўкувчилар билимларни эгаллаган тақдирларида ҳам бу билимларидан меҳнат ва турмуш масалаларини ечища фойдалана олмайдилар.

Математик таълим жараёнини шундай тузиш керакки, унда меҳнат дарсларида эгалланган билимлар ҳамда ўкувчиларнинг меҳнат тажрибасидан математика дарсларида фойдаланилсин, ўкувчиларнинг бу фанни ўрганишга бўлган қизиқиши ортирилсин, математик билимларнинг ҳаётий зарурлиги намойиш этилсин.

Математика дастурида кўзда тутилган билим, ўқув ва амалий малякалар (ўлчаш, ҳисоблаш) фаолиятнинг ҳар қандай турида, ҳар қандай касбда кенг кўлланилади. Бироқ математика ва меҳнат ўқитувчилари бу билимларни кўллашга ўкувчиларни ўргатишсагича ва уларни амалий-ҳаётий масалаларга киритсаларгина, ўқувчи бу билимларни меҳнат дарсларида кўллаши мумкин.

Ўз синф ўкувчилари эгаллай оладиган касб ва меҳнат тури, устахонадаги амалий дастур билан тўлиқ танишиб, математика ўқитувчиси математика курсининг қайси мавзулари, айниқса меҳнат билан маҳкам боғланганлигини, математика таълимида эгалланган билимлар, қандай қилинса, ўкувчиларнинг меҳнат жараёнларини эгаллашга яхшироқ тайёрлаши, уларнинг меҳнатини мазмунлироқ қилишини белгилайди.

Масалан, маълумки, математика дарсларида ўкувчилар ҳамма узунлик ўлчовлари билан танишадилар. Меҳнат дарсларида меҳнат таълими ўқитувчиси бу узунлик ўлчовларини амалда қандай ишлатилишини ўкувчиларга кўрсатиши керак.

Ўз ўрнида матемтика ўқитувчиси ўкувчиларнинг меҳнат дарсларида эгал аган билим ва тажрибаларидан фойдаланиши керак. Масалан, ўқиту чи сўраши мумкин: меҳнат дарсларида қандай буюм тайёрладингиз? У қандай материалдан тайёрланган? Металлнинг қалинлиги қанча? Металлнинг қалинлигини аниқлаш учун қандай ўлчов бирлигини танлаш керак? ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, математика ўқитувчиси ўкувчиларнинг назарий билимларини, ҳисоблаш ва ўлчаш кўникма ва малакаларини устахонадаги меҳнат дарсларида, мактаб тажриба майдонларида, ишлаб чиқариш амалиётида кўллашга ўргатади.

Меҳнат ўқитувчиси ўз ўрнида математика дастури ва дарслигини яхши билиши ва ўкувчиликнинг математик билимларни ишлатиш бўйича қўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва чукурлаштиришга ҳаракат қилиши керак.

Факат математика ва меҳнат ўқитувчиларининг биргаликдаги ҳаракатлари математика ва меҳнат таълимими ўзаро бойитиши мумкин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ёрдамчи мактаб ўкувчиларига математикани ўқитищда қандай умумий ва маҳсус вазифалар ҳал этилади? Уларни мисоллар билан тўлдиринг.
2. Ёрдамчи мактабда математика курсининг мазмуни нималардан иборат?
3. Математика таълимининг коррекцион-тарбиявий аҳамияти нимадан иборат?
4. Математика ўқитиши методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси нимадан иборат?
5. Маҳсус математика методикасининг таълимнинг бошқа методикалари билан боғлиқлиги нимадан иборат?
6. Математика ўқитиши меҳнат таълими билан алоқаси нимадан иборат?

IX боб. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ

Ёрдамчи мактабнинг асосий вазифаси – ақли заиф ўқувчиларнинг ақлий жиҳатдан етилишидаги камчиликларини бартараф қилиш, уларни ижтимоий ҳаётда ва қўлларидан келадиган ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлашдан иборатdir.

Ақли заиф ўқувчиларнинг келгуси касблари, кундалик турмушлари учун зарур бўлган математик билим ва малакаларни ўргатиш ҳамда бу билим ва малакаларини бутун ҳаётлари давомида қўллай олишларини шакллантириш математика ўқитишининг бош умумтаълимий вазифасидир.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларига математика ўқитиши вазифаларини аниқлашда ана шу асосий вазифаларга асосланиш лозим. Бошка ҳар қандай ўқув фани каби математика курси ҳам таълимий, тарбиявий ва амалий вазифаларни ҳал қилиши керак.

Ёрдамчи мактабда ўқиши давомида ўқувчилар қўйидаги математик билим, кўнікма ва малакаларга эга бўлишлари керак:

1. Натурал сонлар ва ноль; натурал сонлар қатори ва унинг асосий хусусияти ҳақида тушунча; оддий ва ўнли касрлар ҳақида тушунча.
2. Асосий миқдорлар (кесма узунлиги, баҳо, нарсаларнинг массалари, фигуralарнинг юзи, жисмларнинг сифими ва ҳажми, вақт), миқдорларнинг ўлчов бирликлари ва улар орасидаги муносабатлар ҳақида тасаввурлар.
3. Метрик ўлчов системасининг аҳамияти, вақт ўлчови ва ундан амалий фойдалана олиш;
4. Оддий ўлчаш малакалари, ўлчаш асбобларидан (чизғич, тарози, соат ва бошқалар) фойдалана билиш;
5. Кўп хонали сонлар ва касрлар устида тўртта асосий арифметик амални бажара билиш.
6. Содда ва мураккаб (3-4 амалли) арифметик масалаларни еча олиш.
7. Геометрик фигуralарни фарқлай олиш, уларнинг хусусиятларини билиш, бу фигуralарни чизмачилик асбоблари ёрдамида чиза олиш.

Математика ўқитиши ақли заиф болаларнинг маълум билим ва ма-лакаларини ўзлаштириб олишларинигина эмас, балки уларда идрок, хотира, тафаккур, тасаввур каби билиш қобилиятларини умумий ри-вожлантиришини ҳам назарда тутади. Бу йўналишда олиб бориладиган иш уларга ақлий фаолиятнинг муҳим усусларини ўргатиш, анализ, синтез, тақослаш, умумлаштириш, конкретлаштириш каби ақлий операцияларни бажаришга имкон беради.

Математик таълим жараёнида ўқувчиларнинг нутки ривожланади, уларнинг луғатлари маҳсус математик атамалар ва ифодалар билан бойиди. Математика таълими шахсада озодлик, батартиблик, иродани шакллантириш имконини беради.

Математика дарсларида амалий вазифаларни бажариш жараёнида ўқувчиларнинг моторикаси ривожланади. Бундан ташқари, ёрдамчи мактабда математик таълим тарбиявий вазифаларни ҳал этишга ҳам имкон беради.

Математика фанидан берилган материаллар ва улар билан ишлаш болаларда мантикий фикрлашни, оғзаки ва ёзма нутқда ўз фикрларини аниқ ва равон баён қила билишни тарбиялашга катта ёрдам беради.

Болаларни меҳнат фаолиятига тайёрлашда математикадан билимларни бериш жуда катта аҳамиятга эгадир. Масалан, майдонни ўлчаш, бирон-бир маҳсулот учун керак бўлган материални олдиндан ҳисоб-китоб қилиш, оғирликни ўлчаш, савдо-сотик қилишда ҳисобни билиш, вақтни белгилаб олиш ва шунга ўхшаш барча билим ва малякарни ўқувчилар математика дарсларида ўрганишлари керак.

Ёрдамчи мактабда математика ўқитишининг таълимий ва тарбиявий вазифаларини ҳал қилиш кўп жиҳатдан ақли заиф ўқувчиларнинг бу курсни ўрганишга тайёргарлик даражасига, ақли заиф болалар боғчаларининг тайёрлов гуруҳлари дастурида ва ёрдамчи мактабларнинг биринчи синфларида тайёрлов даври дастурида назарда тутилган ривожлантирувчи ва ўргатувчи характеристдаги масалаларни ҳал қилиш даражасига боғлиқ ва кўп жиҳатдан шулар билан аниқланади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларига математикани ўқитишда қандай умумий ва маҳсус вазифалар ҳал этилади? Уларнинг мисоллар билан тўлдиринг.
2. Математика дастури ва меҳнат таълими дастурини қиёсий таҳлил этинг. Фанлараро алоқани амалга ошириш мумкинлигини кўрсатинг.

~~Х~~боб. ЁРДАМЧИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАТЕМАТИК БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки математика ёрдамчи мактаб ўқувчилари учун энг қийин фанлардан бири ҳисобланади. Бу, бир томондан, математика фани тушунчаларининг абстрактлиги, иккинчи томондан, ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг математик билимларни ўзлаштиришларининг ўзига хослиги билан тушунтирилади.

Элементар математик тушунчаларни эгаллаш боладан мантикий тафаккурлаш жараёнлари – анализ, синтез, умумлаштириш, таққослашнинг етарлича юқори даражада бўлишини талаб қиласди.

Ақли заиф болалар учун ақлий етишмовчилик характеристидир. Бу ҳол уларда мавҳум умумлаштиришга, атроф-мухитдаги нарсалар ва воқеалар ўртасидаги алоқа ва боғлиқликни белгилай олмасликка, таҳлил ва синтез қилишга қобилият йўклигига ифодаланади. Ақли заиф боланинг тафаккури яққол-образли ситуациян характеристерда бўлади ва бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Ақли заиф ўқувчиларининг математикани муваффақиятли ўзлаштиришлари кўпинча бир томондан, уларнинг математик билимларни ўзлаштириш хусусиятларига ва қийинчиликларни ҳисобга олишга, иккинчи томондан, ўқувчиларнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олишга боғлик бўлади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари таркиби ҳаддан ташқари турличадир, шу сабабли ҳар бир ўқувчининг мавжуд имкониятлари ва қийинчиликлари ҳам ўзига хосдир. Одатда синфда математик билимларни ўзлаштириш имкониятлари турлича бўлган бир қанча гурӯхни ажратиш мумкин. Агар улар реал нарсалар гурӯхлари ёрдамида кўрсатиладиган бўлса, бу ўқувчилар арифметик масалани онгли ечишлари мумкин.

Биринчи гурӯх болалари учун ёрдамчи мактаб дастури бўйича билимларни ўзлаштириш қийинчилик тугдирмайди. Улар ҳисоблаш усусларини, масалалар ечиш йўлларини тез эслаб қоладилар, предметли кўрсатмага учча муҳтож бўлмайдилар.

Одатда уларга маълум бўлган ҳодиса, кузатишларга нисбатан оғзаки кўрсатмалар бериш етарли бўлади. Ўқувчилар ўзлаштирилган билимларни ўхшаш шароитда қўллай оладилар.

Иккинчи гурух ўқувчилар математика дарсларида айрим қийинчиликларга дуч келадилар. Бу ўқувчилар уларга маълум қилинаётган ҳақиқий ходиса, воқеа ва нарсаларни яхши тасавур эта олмайдилар. Улар миқдорий муносабатларни, миқдорларнинг ўзгаришини, катталикларни фақат бевосита уларни кузатиш орқали маъносига тушунишлари мумкин.

Учинчи гурух ўқувчилар математик тушунчаларни ўзлаштиришда катта қийинчиликларга дуч келадилар. Амалий фаолиятни уюштириш, кўрсатма воситаларини кўллаб ўқитиш ҳам уларда тўлиқ билимларни вужудга келтиришни таъминламайди. Бу ўқувчилар жуда катта қийинчилик билан ва фақат ўқитувчининг ёрдамидагина ўзлаштирган билимларини ўхшаш шароитга кўчиришни амалга оширишлари мумкин. Агар ўқитиувчи бу ўқувчиларни доимо амалий ҳаракатларга ўргатса, юз берадиган ўзгаришлар, реал фаолиятни содир бўлиш маъносини, аҳамиятини тушунарли шаклларда (уларнинг ўзидан кутиб ўтирасдан) ўзи маълум қилсагина, бу ўқувчиларни ўқитиш муваффақиятли бўлиши мумкин.

Ёрдамчи мактабнинг қуйи синф ўқувчиларида кўпинча рақамни «ойнали ёзиш» кузатилади. (1-расмга қаранг). Ўқувчилар кўпинча, 3 ва 6, 9 ва 2, 5 ва 7 рақамларини чалкаштирадилар.

3-5 1-1 2-2 7-5
i-rasm

Бу болаларда тафаккурнинг жуда камбағаллиги ҳисоб ўрганишда айниқса намоён бўлади, чунки энг содда ҳисоблаш амалини бажариш ҳам абстракциялашни талаб қиласди. Ақли заиф болалар қўшиш ва айришга доир энг оддий арифметик мисолларни ечишда ҳам жуда қийналадилар, «қўшиш», «айриш» деган арифметик мисолларни яхши ажратадилар, уларнинг номини ва улар билан боғлиқ амалларнинг моҳиятини чалкаштириб юборадилар.

Ақли заиф болаларнинг ўзига хос хусусияти шуки, улар кам ҳаракат, руҳий жараёнлари инерт ҳолатда, шу сабабли улар «бир жойда тўхтаб қолишига», тафаккур ва ҳаракатларида турғунликка мойил бўладилар. Масалан, ақли заиф бола қўшиш амалига оид мисолларни ҳал этаётган бўлса, айришга оид мисолларни бажариш вақтида ҳам қўшиш амалини давом эттираверади. Масалан:

$$7 + 3 = 10, \quad 5 + 4 = 9, \quad 6 + 3 = 9, \quad 8 - 2 = 10.$$

Мураккаб мисолларни ечишда ўкувчи битта амални бажариб, иккинчи амални бажаришга ўтолмайди: $55 + 35 - 30 = 120$.

Ақли заиф ўкувчилар кўпинча берилган вазифани ўзларининг билимлари ва имкониятларига мослаштирадилар. Масалан,

$$\begin{array}{r} 825 \\ - 353 \\ \hline 532 \end{array}$$

Ўкувчи айрилевчининг ўнликларидан камаювчининг тегишли ўнлигини айиради, чунки камаювчининг ўнликларидан айрилевчининг ўнликларини айириб бўлмайди, битта юзликни «қарз» олиб, 10 ўнлик билан алмаштириш керак эди.

Яна шунга ўхшаш характерли хатолар кузатилади: $45 - 17 = 32$.

Битта амални иккинчи амал билан алмаштириш кузатилади. Масалан: $64 - 16 = 80$ $17 + 2 = 15$.

Ёки кичик сондан катта сонни айиришади: $17 - 38 = 21$.

Кўп хотолар зеҳнда ҳосил бўлган ўнлик ёки юзликни қўшишини эсдан чиқариш ҳамда “ қарз олинган” ўнлик ёки юзликни ўкувчиларнинг эсдан чиқаришлари натижасида қилинади.

Масалан, + 375	- 375
<u>226</u>	<u>226</u>
591	159

Улар амалларни бажаришда жавобини текширмайдилар. Масалан, кўпинча бўлинмада бўлинувчидан катта ёки қўпайтмада кўпаювчидан кичик сон ҳосил қиласидилар. Масалан,

$$\begin{array}{r} 735 \quad | \quad 3 \\ \underline{-} \quad 3 \quad | \quad 1145 \\ \underline{\quad 4 \quad} \\ \underline{\quad 3 \quad} \\ \underline{\quad 13 \quad} \\ \underline{\quad 12 \quad} \\ \underline{\quad 15 \quad} \\ \underline{\quad 15 \quad} \\ \hline 00 \end{array} \qquad 2015 \cdot 3 = 645$$

Ақли заиф ўкувчилар ўлчашда ҳосил қилинган сонлар билан амаллар бажаришда айниқса катта қийинчиликларга дуч келадилар. Масалан:

$$5\text{ см} + 8 \text{ мм} = 13 \text{ см} \text{ ёки } 13 \text{ мм.}$$

Үлчашда ҳосил қилинган сонлар устида амалларни натурал сонлар устида бажаргандек бажарадилар:

$$\begin{array}{r} 4 \text{ т } 50 \text{ кг} \\ - 2 \text{ т } 60 \text{ кг} \\ \hline 1 \text{ т } 90 \text{ кг} \end{array}$$

Бу мисолда 50 кг дан 60 кг ни айириб бўлмайди, 1 т ни 1000 кг билан алмаштириш керак эди.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари ўз билимларини янги вазиятда ҳамда амалий фаолиятда қўллашда қийналадилар. Масалан, кўпайтириш жадвалини ўзлаштирган ақли заиф бола уни мисол ва масалалар ечишда қўллай олмайди.

Бу хусусият масала ечишда ҳам намоён бўлади. Масалан, матни сонлар ва номлар ўртасидаги боғланишларнинг мураккаб системасини вужудга келтириш ақли заиф болалар учун айниқса қийиндир. Ўқувчи масалани ечаётганида ундаги боғланишлар системасини тушуниб олиши ва ана ўу боғланишлар доирасида иш кўриши керак бўлади. Ҳатто икки амала билан ечиладиган масала ҳам, шартларида баён қилинмаган саволлар қўйишини талаб қиласди. Масалан, масала шартларида, бир болада 4 қалам бор, иккинчисида ундагидан битта ортиқ қалам бор. Иккала болада нечта қалам бор? – дейилган. Ўқувчи иккинчи болада нечта қалам бор эди? деган саволни мустақил тузиши ва шундан кейин масалани ечиши керак. Ақли заиф ўқувчи, одатда, масалани мустақил тушуна олмайди: у масалани бир савол билан $4 + 1 = 5$ тарзида «ечади».

Ақли заиф бола арифметик амалларни танлашда саволни зътиборга олмайди ва масаладаги сонли маълумотлар «айтиб берган» амали бажаради, яъни масаланинг қолган бутун мазмундан ажратиб олинган муайян бир сўзга суюниш майли бўлади. Чунончи, масаланинг шартида, «учиб кетди», «қолди» деган сўзни учратиш билан баъзи ўқувчилар айришни бажараверадилар, ҳолбуки, масала матнида бундай сўз бўлиши ҳамма вақт ҳам айришни талаб қиласвермайди. Масалан, ушбу «Дараҳт шоҳига кушлар қўниб турган эди, 3 таси учеб кетди, 2 таси қолди. Дараҳт шоҳига нечта куш қўниб турган эди?» Масалада «учиб кетди», «қолди» деган сўз бор, лекин масала айриш амали билан эмас, балки кўшиш амали билан ечилади.

Ёки масала шартида: «Эрталаб аэропортда учта самолёт турган эди. Кечга яқин уларнинг сони олтита бўлди. Аэропортда нечта само-

лёт қўшилди». Ақли заиф болалар «бўлди», «қўшилди» сўзларини эшитиб, қўшаверишади: $3 + 6 = 9$.

Ақли заиф ўқувчилар оғзаки масала тузишда кўпинча ўқитувчи ёки бир ўқувчи томонидан тузилган масалани тақрорлайдилар.

Арифметик масалаларни ечишда ўқувчиларга табақаташтириб ва якка тартибда ёндошган ҳолда мустақил ишлашга кўпроқ эътиборини қаратиш керак.

Таълим жараёнида ўқувчиларда намоён бўлган якка тартибда руҳий фарқларини ҳисобга олиш орқасидагина ўқитишда юқори на-тижаларга эришиш мумкин. Шу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, шахсий қийинчиликларни ҳисобга олиб, якка тартибда ёндошиш ўқитишнинг барча босқичларида: янги материални баён этишда, машқларни мустақил бажаришда, ўқувчилардан сўрашда ва уй вазифа беришда мунтазам равишда олиб борилгандагина самарали бўлиши мумкин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

1. Ёрдамчи мактаб ўқувчилари таркибини ёритиб беринг.
2. Ақли заиф ўқувчиларнинг тўрт арифметик амаллар бажаришни эгаллаш хусусиятларини айтиб беринг.
3. Ақли заиф ўқувчиларнинг арифметик масалалар ечиш ва оғзаки масалалар тузишдаги ўзига хос хусусиятларини таърифлаб беринг.

XI боб. МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ

Дидактиканда ўқитиш услуби дейилганда ўқитувчи ва ўкувчиларнинг биргаликдаги фаолиятлари услубиятларини тушуниш қабул қилинган, бу фаолият ёрдамида янги билим, малака ва кўнижмаларга эришилади, ўкувчиларнинг дунёқарашлари шаклнади, уларнинг қобилиятлари ривожланади.

Шундай қилиб, ўқитиш услублари ўзлаштириш, тарбиялаш ва ривожлантириш каби учта асосий вазифани бажаради.

Таълим усулларини танлаш бир қатор факторлар билан боғлиқ бўлади. Мактабнинг ҳозирги кундаги вазифалари ўқув фани, ўрганиладиган материалнинг мазмуни, ўкувчиларнинг ёши ва уларнинг ривожланиш давоми ўқув материалини эгаллашга тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади. Таълим усулларининг танланишига ёрдамчи мактабда таълимнинг коррекцион йўналганлиги, ўкувчиларни муайян касб-хунар эгаллашга тайёрлаш ҳамда ижтимоий вазифани ечиш таъсир кўрсатади.

Математика дарсларида ўқитиш усулларидан фойдаланиш хусусияти. Ёрдамчи мактаб шароитида ўкувчиларнинг билиш фаолияти, эмоционал-ирода соҳасидаги камчиликларини ҳисобга олиб, боловларда энг аввало серҳаракат, ишчан фаолиятни ривожлантириш зарур.

Ўкувчиларга у ёки бу билимларни маълум қилишдан олдин, уларда бу билимларни идрок қилиш ва маъносига тушунишлари учун аниқ йўл-йўрик яратиш лозим. Бу ўйин ёки амалий-ҳаётӣ шароит яратиш билан амалга оширилади; бунда, ўкувчилар ўзларини қизиқтираётган муайян ҳаётӣ ёки ўқув масалаларини ҳал қилиш учун билимлари етишмаётганligини хис қилсинлар. Масалан, ўкувчиларни тўғри тўртбурчакнинг юзини ҳисоблаш билан таништиришдан олдин ўқитувчи ўкувчилардан сўрайди: тўғри тўртбурчакнинг юзини аниқлашда, юз ўлчов бирлигини устма-уст кўйиш билан аниқлаш қулями? Ўзингиз бир тасаввур қилинг, бизга сизнинг устахонангизнинг юзини аниқлаш керак бўлсин, у ерда оғир станоклар, дастгоҳлар, тахталар ва ҳ.к. бор. Ахир бу юзни квадрат метрларни устма-уст кўйиш йўли билан ўлчаш учун устахонадаги ҳамма нарсани ташқариға чиқариш керак бўлади. Бу кўп куч ва вақт талаб

қилади. Сиз билмайсизми, устахонанинг юзини бошқача қандай аниклаш мумкин? Ўқувчилар бу саволга жавоб беролмайдилар. Лекин улар энди ўқитувчининг тушунтиришини эшитишга тайёрдирлар.

Тушунтириш – бу янги материални мантикий изчиллик билан баён этишдир. Бу усул ўқувчиларни назарий билимлар (коида, амаллар хусусияти, атамалар, амаллар тартиби), ҳисоблаш усуллари, у ёки бу асбоблардан (транспортирдан, тарозидан ва ҳ.к.) фойдаланиш коидалари билан таништиришда қўлланилади.

Таништиришда ўқитувчи янги материални ўтилган материал билан боғлайди, уни билимлар системасига киритиб, ўқувчиларда бор билимлар билан яна эгалланадиган билимларнинг ўзаро боғлиқлигини аниклади. Бу ўзаро боғлиқликни аниклашда ўқитувчи ўқувчиларнинг олдинги тажрибасига таяниб, уларни бор билимларни эслашга жалб қилади.

Куйи синфларда ўқитувчи кўрсатмали қуролларни кенг қўллайди; нарсали қўлланмалар, тарқатма дидактик материаллар, схемалар, чизмалар.

Ёрдамчи мактабда янги материални тушунтириш, айниқса қуйи синфларда узоқ чўзилмаслиги керак. Янги материални унча катта бўлмаган қисмларга бўлиш керак. Битта дарсда ҳажми унча катта бўлмаган материал баён қилинади. Ўқитувчи тушунтиришни аҳён-аҳёнда тўхтатиб ўқувчиларга саволлар бериши мумкин: «Сизлар қандай ўйлайсизлар, энди нима қилиш керак?» ёки «Устун остига олиб қўшишда ўнликларни қаерга ёзиш керак?» Бу саволлар ўқувчилар баён қилинаётган материални тушуняптиларми, уни кузатишга улгуряптиларми ёки уларнинг диққати тарқалдими, шуларни аъқлаш мақсадида берилиб турилади. Бундай саволлар ўқувчиларни ғилиш фаолиятини фаоллаштиради, уларнинг диққатини йўналтиришга имкон беради. Кўпинча ўқитувчининг тушунтириши, дидактик материал билан ўқувчиларнинг амалий иши бирга кўшиб олиб борилади. Ўқитувчининг тушунтириши билан йўналтирилган амалий иш умумлаштириш учун база бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, ўқитувчи 2-синфда ўқувчиларни учбурчак элементарларининг сони ва номи билан таништиради. Ҳар бир ўқувчига кўриниши, ўлчамлари, ранги турлича бўлган учбурчаклар тарқатилади. Учбурчакнинг модели ҳам синф олдида кўрсатилади. Ўқитувчи ҳар бир учбурчак бурчакларга эга эканлигини ўқитувчиларга тушунтиради, уларни кўрсатади. Шундан сўнг ўқувчиларга амалий иш таклиф қилинади. Ҳамма ўқувчилар ўзларидаги учбурчаклар моделидан бур-

чакларини топиб кўрсатиши ва уларни сонини санаб чиқиб, ҳар қайси учбурчакнинг учта бурчаги борлиги ҳақида хулоса чиқаришлари керак. Шундан сўнг ўқитувчи учбурчакнинг бошқа элементлари ва уларнинг номи билан ўқувчиларни таништиради (учлари, томонлари). Ўқувчилар ўзларининг моделларидан уларни топадилар, сонини санайдилар ва учбурчакнинг томонлари ҳам, учлари учта эканлиги ҳақида хулоса чиқарадилар.

Математика дарсида тушунтириш усули билан бир қаторда сұхбат усули кенг татбиқ қилинади.

Сұхбат дарснинг турли босқичларида, ҳар хил ўқув мақсадларида, яъни берилган топшириқларни ва мустақил ишларни текширишда, янги материални тушунтиришда, мустаҳкамлаш ва тақрорлашда қўлланилиши мумкин.

Сұхбатда ўқитувчининг берган саволлари олдиндан пухта ўйлаб қўйилган бўлиши керак. Улар лўнда ифодаланган, қисқа, мазмун жиҳатидан тушунарли бўлиши керак. Албатта, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаларини ва билим запасларини ҳисобга олиш керак. Ёрдамчи мактаб шароитида қўш саволлар бўлиши мумкин эмас. (Масалан, 6 сони қандай ҳосил бўлади ва у қайси сонлар йигиндисидан иборат?) Саволларнинг ўзида жавоби бўлмаслиги керак. (Тўғри тўртбурчакнинг ҳамма томонлари тенгми ёки фақат қарама-қарши томонларими?).

Ҳикоя. Ўқитувчининг дарсни тушунтириши ҳикоя шаклида амалга оширилиши мумкин. Бунда асосан математика ривожланиши тарихи, ўлчов системаларининг ривожланиши (масалан, вақт ўлчови) ҳақида тарихий маълумотларни бериш учун фойдаланилади.

Бундай саволларга ўқувчилар ўйламай, фикр юритмай, тахминан жавоб берадилар.

Синф билан фронтал ишни уюштиришда, сұхбатда ҳар бир боланинг шахсий имкониятларини ҳисобга олиш керак. Содда саволларга жавоб беришга, айниқса бўш ўқувчиларни жалб қилиш керак.

Янги билим беришда ўқитувчи тушунтириш ёки сұхбат усулидан фойдаланиб, дидактик материал, арифметик ёзувларни ўқувчилар томонидан кузатилишини кенг қўллайди. Айрим ҳолларда кузатишнинг ўзи тушунтириш ёки сұхбат усули билан биргаликда етакчи усул бўлиб хизмат қиласди. Ўқитувчи кузатиш усулидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини шундай ташкил этадики, улар мустақил равишда ўзлари учун осон умумлаштириш, хулоса чиқаришлари мумкин.

Масалан, 4-синф ўқувчилари кузатишлиар асосида бир хонали сонларни 10 га кўпайтириш устида хулоса килишлари мумкин. Ўқитувчи 10 га кўпайтиришга оид бир устун мисолларни доскага ёзиб, ўқувчилардан кўпайтиришни қўшиш билан алмаштириб ечишни сўрайди.

$$2 \cdot 10 = 2 + 2 + 2 + 2 + 2 + 2 + 2 + 2 + 2 + 2 = 20$$
$$3 \cdot 10 = 3 + 3 + 3 + 3 + 3 + 3 + 3 + 3 + 3 + 3 = 30$$

$$2 \cdot 10 = 20$$
$$3 \cdot 10 = 30$$

Мисоллар ечилгандан сўнг, ўқитувчи биринчи мисолда кўпайтма билан кўпаювчини таққослашни сўрайди. Қайси сонни кўпайтиргандигиз? Уни 10 га кўпайтиргандан сўнг қайси сонни ҳосил килдингиз? Кўпаювчи ва кўпайтмани ўхшашик томони нимада? Уларнинг фарқи нимада? Шундан сўнг ўқувчилар умумлаштирадилар. Сонни 10 га кўпайтириш учун унинг ўнг томонига, ёнига битта ноль ёзиш кифоя. Ўқувчилар бир хонали сонни 10 га кўпайтиришни кузатиш асосида умумлаштирадилар.

Дарслик билан ишлаш. Ўқитиши жараёнининг ҳамма босқичлари китоб билан ишлаш орқали амалга оширилади, аммо бу иш ўқувчилардан маълум малака ва ўқитувчининг ёрдамини талаб қиласди. Математика дарслкларида кўпдан-кўп вазифалар, мисол-масалалар бор. Бу материалнинг бир қисми ўқитувчи раҳбарлигига ишлаш учун фойдаланилади, катта қисми бўлса, синфда мустақил ишлаш учун ва уй вазифаси учун фойдаланилади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг дарслик билан мустақил ишлай олишлари учун уларни бу ишга 1-синфдан тайёрлаш, яъни уларнинг вазифаларни бажаришларидағи мустақиллик даражаларини астасекин ошириб бориш лозим. Ўқувчиларни дарсликдан керакли бетни топишга ва масала ёки мисолнинг номерини топишга, вазифани ўқишига ва уни тушунишга ўргатиш керак. Шунинг учун дарслик билан ишлаш иши кўпинча синфда, бошида ўқитувчи раҳбарлигига, кейин эса мустақил ўтилиши керак.

Ўқувчиларни расм, жадвал, схемаларни диққат билан кўздан кечиришга, уларнинг нима учун берилганлигини, улар масала матни билан қандай боғланганлигини тушунишга ўргатиш керак.

Ўқувчилардан у ёки бу машқлар учун берилган ҳамма вазифаларни тўлиқ бажаришларига эришишга ҳаракат қилиш керак.

Ўқитувчи дарсликда турли даражага қийинликдаги вазифаларни топади. Шунинг учун ўқувчиларнинг мустақил ишларини уюштиришда

уларнинг математикадан билимларининг ҳолатини ва имкониятлари ни билган ҳолда табақалаштириб муносабатда бўла олади. Лекин, шуни эсда тутиш керакки, бу янги билимларни ҳосил қилиш усулидан ҳамма ўкувчилар ҳам эмас, балки дарслик матнини мустақил ра-вишда тушуна оладиган ўкувчиларгина фойдаланадилар. Уларни янги мавзу билан бирламчи танишириш учун зарур бўлган материални ўқитувчи дикқат билан ажратиши керак. Масалан, кўп хонали сон-ларни битта хонадан ўтиб қўшишни ўрганилгандан сўнг, ўкувчиларга дарсликдан қўшишга оид мисолларнинг иккита (ёки учта) хонадан ўтиб ечишни тушунишлари учун имконият яратиш мумкин.

Табийики, бу усулни дарсликда материал етарли даражада мукам-мал, тўғри танланган мисол-нусхалар билан баён этилган тақдирдагина қўллаш мумкин.

Дарсликларда ҳар хил машқлардан олдин берилган кўрсатмаларни ўқишига катта эътибор бериш керак.

Математика ўқитишида расмларни, чизмаларни ва схемаларни «ўқиши» малакаси, дарсликнинг асосий мазмунини ташкил қилувчи математик ёзувларни тушуниш малакаси катта аҳамиятга эга. Дарслик билан ишлаш усули ўкувчиларнинг мустақил ишлари билан уз-вий боғланган.

Ёрдамчи мактаб шароитида мустақил иш усулини қўллаш масала-си кўп йиллардан бери тортишув ҳисобланарди. Ақли заиф болалар мустақил равишда билимларга эга бўла олмайдилар, деган фикр юра-ди. Бироқ энг яхши ўқитувчилар тажрибаси шуни кўрсатаяптики, ай-рим ўкувчилар муайян шароитда янги материални мустақил равишда тушуна олар эканлар. Масалан, 6-синфда аралаш сон билан каср сонни қўшиш амали таниширилгандан сўнг ўкувчиларга аралаш сонни аралаш сон билан қўшишни мустақил аниқлашни таклиф қилиш мумкин. ($1\frac{1}{3} + 2\frac{1}{2}$). Бундай мисолнинг ечилишини мустақил тушуниб ва унинг маъносига етиб, ўз билимларини ўхшашиб мисолларни ечишга кўчиришилари мумкин. Математикадан деярли ҳар бир дарсда 1-2 та қисқа вақтли мустақил иш ўтказиш мумин. Шу вақтнинг ўзида ўкувчиларни мустақил ишлашга етарлича тайёrlамай туриб, уларга топширикни бажаришда мустақиллик бериш кўпинча ўкув вақтининг исроф бўлишига олиб келади.

Кўрсатмали усувлар. Ўқитишининг кўрсатмали усувлари ўкувчиларга кузатишлар асосида билимлар олиш имконини беради. Атроф-муҳитдаги нарса ва ҳодисалар ҳамда уларнинг турли-туман

моделлари (турли хилдаги күрсатма-қўлланмалар) кузатиш обьектлари ҳисобланади. Бундан ўқитишда, айниқса, қуи синфларда кенг фойдаланилади.

Ўқитишининг кўрсатмали усуllibарини ўқитишининг оғзаки усуllibаридан ажратиб кўйиб бўлмайди. Кўрсатма қўлланмаларни намойиш килишни ҳар доим ўқитувчининг ва ўқувчиларнинг тушунтиришлари билан биргаликда олиб борилади.

Машқ деб, бирор амални, шу амални ўзлаштириш ёки мустаҳкамлаш мақсадида режали равища ташкил қилинган такрорий бажаришга айтилади.

Машқлар, саноқ малакаларини, ҳисоблаш кўникма ва малакаларини, арифметик масалаларини ечиш кўникмаларини вужудга келтириш учун ишлатилади. Машқлар муайян системада, енгилдан мураккабга ўтиш принципига амал қилинган ҳолда ишлатилиши керак. Масалан, сонларни 3 га кўпайтириш жадвалини мустаҳкамлашда олдин бир амалли мисоллар берилади (3×2 , 3×4) ва ушбу $3 \times \square = 12$ кўринишдаги мисоллар ечилади, шундан сўнг мураккаб мисолларни ечиш киритилади: $3 \times 8 - 20$ ва ҳ.к.

Машқларнинг мураккаблик даражаси фақат мисолнинг қўйинлиги билан эмас, балки ўқувчиларнинг шахсий имкониятлари билан ҳам аниқланиши керак. Машқларнинг сони ҳам ҳар бир бола учун шахсий аниқланиши керак.

Мустаҳкамлаш учун машқлар ўқувчиларнинг мустақиллигини ривожлантириши керак. У ёки бу амални, усулини, масала ечишни мустаҳкамлаш учун дастлабки машқлар ўқитувчи раҳбарлигида баъзирилади. Ўқитувчи айrim ўқувчиларга бирмунча вақт у ёки бу ёрда ини кўрсатади. Шундан сўнг машқлар мустақил бажарилади.

Машқлар ўқувчиларда ижодиёт, ташаббускорликни ривожлантириши керак. Шу максадда ўқувчилардан у ёки бу амалларнинг бажарилишида мақсадга мувофиқ ечиш йўлини танлашни талаб қиласидиган машқлар танланади. Масалан, ушбу $250 + 126 + 34 + 350$ мисолни ечишда ўқувчилар қўшишининг ўрин алмаштириш қонунини ишлатишлари керак. Бироқ $199 + 75$ кўринишдаги мисолни ечишда яхлитлаш усулини ишлатадилар. Бундан ташқари, улар берилган кўринишдаги мисол ёки масалаларни мустақил тузা олишлари керак.

Ўқувчиларга вазифалар варианти берилаётганда уларнинг қобилияtlари, мавжуд имкониятлари, ишларининг тезлик даражаси ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Амалий ишлар бу тарқатма дидактик материал билан ўкувчиларнинг кўл фаолиятидир: ясаш, расм солиш ва ҳ.к.

Амалий ва лаборатория ишларидан микдорлар ва уларнинг ўлчаниши билан таништиришда, геометрик материални ўрганишда кенг фойдаланилади. Амалий ва лаборатория ишларини ўтказиш ўкувчиларнинг билим, малака ва кўнимкамларни фаол эгаллашларига имкон беради ва билим доираларини кенгайтиради. Амалий иш усули кўнимкамларни мустаҳкамлашда ва турли асбоблар билан ўлчаш мала-каларини вужудга келтиришда (чизғич, транспортир, тарози ва ҳ.к.), узунлик, юза ҳажмларни ўлчаш учун ўлчов асбоблари тайёрлашда кенг кўлланилади.

Лаборатория ва амалий ишларни ташкил қилиш уларнинг мазмунига қараб бир хилда бўлмаслиги мумкин. Бир хил ҳолларда фронтал лаборатория амалий ишни бутун синф билан уюштириш мумкин бўлади: ҳамма ўкувчилар мураккаблиги ва мустақил бажарилиш даржаси бир хил ёки яқин бўлган ишларни бажарадилар (масалан, нарсалар, шаклларнинг узунлигини ўлчаш, кесмаларни чизиш, юз ва ҳажмларни ўлчаш). Айрим ҳолларда бундай қилиш мумкин бўлмайди ва синф ўкувчиларини гурухларга бўлишга тўғри келади. Масалан, тортиш, айрим ҳисоблаш олиб бориладиган ишларга болаларни ўргатишида бир гуруҳ синфнинг юзини ҳисобласа, иккинчи гуруҳ коридорнинг юзини, учинчи гуруҳ досканинг юзини ҳисоблайди.

Дидактик ўйинлар. Ёрдамчи мактаб шароитида дидактик ўйинлар мухим аҳамиятга эга. Дидактик ўйинларда фикрлашнинг асосий жараёнлари таҳлил, таққослаш, хулоса чиқариш ва ҳ.к. ривожлантирилади.

Ўқитиши жараёнида дидактик ўйинларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар ўргатиши мақсадларида ўйлаб топилади, ўкувчиларни ўқитиши, тарбиялаш ва ривожлантиришга хизмат қиласи. Ўйинлар вақтида пайдо бўладиган ижобий туйғулар болалар фаолиятини фоллаштиради. Ўйинда ўкувчилар ўзлари пайқамаганлари ҳолда жуда кўп математик амалларни бажарадилар, санашини машқ қиласи, масалалар ечадилар ва ҳ.к.

Ёрдамчи мактабнинг математика дарсларида болаларнинг микдорий, фазовий ва вақт тасаввурларини ривожлантирувчи кўпгина ўйинлар яратилган. Ҳаммага маълум ўйинлардан «қизиқарли ҳисоб», «Тирик ракамлар», «Арифметик лото», «Доиравий мисоллар», «Зинача», «Жим», «Магазин» ва бошқалар.

Дидактик ўйинларни ўтказиш услубияти ўқитувчидан катта педагогик маҳорат талаб қиласи. Янги дидактик ўйин билан таништириш пухта ўйланган бўлиши керак.

Программалаштирилган ўқитишини айрим элементлари. Программалаштирилган топшириқлар математика дарсларида ўз ўрнини топади. Бу вазифалар шундай тузиладики, ўқувчи вазифани мустақил бажаради, жавобини топиб, уни вазифани текшириш учун берилган гурухдаги жавоблар билан ёки асбобларнинг кўрсатишлари билан таъқослайди. Агар вазифа нотўғри бўлса, яъни вазифанинг жавоби берилган жавобларнинг ҳеч бирига тўғри келмаса, ёки сигналда маъқулланса, унда ўқувчи уни қайтадан ечишга уриниб кўришга киришади. Бу иш токи тўғри жавоб олмагунича давом эттирилади.

Ёрдамчи мактабнинг юқори синфларида эса ҳозирги вақтда баъзи хил программалаштирилган топшириқлардангина фойдаланилмоқда. Шулардан бирини мисол калтирамиз.

Мисоллар	Жавоблар	Шифрлар
$165 + 257$	53	1
$100 - 47$	56	2
75×5	183	3
$280 : 5$	375	4
$175 + 48 : 6$	422	5

Ўқувчилар «мисолларни еч», деган топшириқдан ташқари шифрлар билан биргаликда жавобларни оладилар. Жавоблар кичик сондан катта сонга қараб (ёки аксинча) жойлаштирилади. Ўқувчи мисолни ечгач, жавобни берилган жавобларга солиширади. Топган жавобни ёзади, чилган мисоли қаршиисига дафтар ҳошиясига шифрни кўяди. Агар ўқувчи мисолни нотўғри ишласа, у жавобни тополмайди ва мисолни яна ечишига тўғри келади, то тўғри ечмагунча бу иш давом эттирилаверади. Ўқитувчи топшириқларнинг тўғри бажарилганини шифр бўйича осон текширади. Масалаларда оралиқ натижалар ҳам шу усулда шифрланади.

Мисолларни назорат қилишнинг бошқа шакли ҳам мавжуд. Карточкага топшириқ ва унинг мумкин бўлган бир нечта жавоби ёзилади. Масалан, $6 + 5 \text{ кг} - 3 + 8 \text{ кг} = ?$ Мумкин бўлган жавоблар: $2 + 7 \text{ кг}$; $2 + 97 \text{ кг}$; $2 + 997 \text{ кг}$. Ўқувчи ҳамма мумкин бўлган жавоблардан тўғрисини танлаши керак.

Программалаштирилган ўқитишининг кучли томони ўқитувчи билан ўқувчи орасида ахборот алмаштириш частотаси (тўғри ва тескари алоқа ташкил қилиш)дир.

Математика дарсларида тескари алоқа сигналлари (ракамлар, амал ишоралари, чўплар, расмлар ва бошқалар) кенг қўлланилмоқда, бунда ўқитиш ўзига хос математик диктант тарзида боради.

- менинг кўлимда нечта чўп бўлса, шунча чўп кўрсатинг.
- 9 сонидан кейин келадиган сонни кўрсатинг.
- 1 та ўнлик ва 5 та бирликдан иборат сонни кўрсатинг.
- қандай тўртбурчакнинг барча бурчаклари ва барча томонлари тенг? (Ўқувчилар квадрат моделини кўрсатишади).
- Куйидаги ифодаларда охирги бажарадиган амални кўрсатинг.

$$15 \text{ K } 3 \times 5, \quad 75 : 3 - 10 \times 2.$$

Юқорида қаралган усуллардан фойдаланиш асосида ақлий амаллар: анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш ва абстракциялаш ётади.

Бутунни унинг ташкил этувчи қисмларига ажратишга йўналтирилган фикрлаш усули **анализ** деб аталади.

Нарсалар ёки ҳодисалар орасида болганишлар ўрнатишга йўналтирилган тафаккур усули **синтез** деб аталади. Масалан, ўқитувчининг бир ўнлик ва беш бирликдан тузилган сон қандай аталади, деган саволига жавоб беришда ўқувчилар синтездан фойдаланишиади (бир ўнлик ва беш бирликдан иборат сон 15 дир); ўқитувчининг 15 сонида нечта ўнлик ва нечта бирлик бор, деган саволига жавоб беришда ўқувчилар сонни анализ қилишиади. Ўқувчиларда ҳеч бир тушунча анализ ва синтезни амалга оширмасдан туриб шакллантириши мумкин эмас. Анализ билан синтез ўзаро боғлиқдир.

Таққослаш усули қаралаётган сонлар, арифметик мисоллар, масалаларнинг ўхшаш ва фарқли аломатларини ажратишдан иборат.

Психологик текширишлар ва ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёнини кузатишлар шуни кўрсатадики, янги тушунчалар таққослаш ва қарама-қарши қўйиш билан ўрганилганда ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилади ва табақаланади. Математика курсида ўхшаш ва қарама-қарши тушунчалар жуда кўп. Масалан, қарама-қарши тушунчалар: кўп-оз, узун-қисқа, орттириш-камайтириш, кўшиш-айриш, кўпайтириш-бўлиш амаллари ва ҳ.к.

Үхашаш тушунчалар: сонни бир неча бирлик орттириш ва сонни бир неча мартта орттириш; сонни бир неча бирлик камайтириш ва сонни бир неча марта камайтириш, тенг бўлакларга бўлиш ва мазмунига қараб бўлиш. Математика дарсида ўхашаш ва қарама-қарши тушунчаларни таққослаш алоҳида аҳамиятга эга.

Умумлаштириш – бу ўрганилаётган объектларнинг умумий муҳим томонларини уларнинг муҳиммас томонларидан ажратишдан иборат.

Ақли заиф болалар учун ақлий етишмовчилик хосдир. Бу ҳол уларда мавхум умумлаштириш, атроф-муҳитдаги нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги алоқа ва боғлиқликни белгилай олмаслик, анализ ва синтез қилиш қобилиятининг йўқлигига намоён бўлади. Ақли заиф боланинг тафаккури яққол сиймоли ҳолат тарзида бўлади ва бир қанча ўзига хос хусусиятлари бўлади. Масалан, ақли заиф бола нарсани кўздан кечирар экан, бу нарсадаги унга хос бўлмаган белгиларни пайқайди, факат кўзга яққол кўриниб турадиган қисмларнигина системасиз равишда идрок эта билади, бу белгиларни эса одатда энг муҳим белгилар деб бўлмайди.

Математикани ўқитиш жараёнининг ҳамма босқичларида ўқувчиларни предмет-амалий фаолиятларидан кенг фойдалиниш зарур.

Билим, кўнишка ва малакалар сифатини назорат қилиш. Математика ўқитиш жараёни доимо назорат қилиш билан бирга олиб борилади. Назорат қилиш ўқувчиларнинг билимлар даражасини ва билимларини ўзлаштириш сифатини аниқлайди, билимлар, кўнишкалар ва малакалардаги камчиликни аниқлайди ва унинг олдин олишга ёрдам беради. Математика дарсларида кўпроқ назоратнинг уч тури: дастлабки, кунлик ва якуний текшириш амалга оширилади.

Ўқувчиларнинг билимларни дастлабки текшириш ўқув йилининг бошида ёки янги мавзуни ўрганишдан олдин, янги материални баён этишда ўқувчиларнинг қандай билим ва тажрибасига таяниш мумкин, қандай билимларни эсга тушуриш кераклигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Кунлик текшириш билимларни бирламчи мустаҳкамлашдан олдин, ўқувчилар янги мавзуни тўғри тушунадиларми-йўқми, шуни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Якуний текшириш ўқувчилар янги материални қанчалик онгли ўзлаштиряптилар, улар тушунтишни тушуняптиларми-йўқми, билимларни ўзлаштириш ва идрок қилишда қандай қийинчиликларга

дуч келяптилар ва уларнинг сабаби нимада эканлигини аниқлашда ўқитувчига ёрдам беради.

Математикадан билимларни назорат қилиш усусли турли-тумандир. Бу ҳам оғзаки сўраш, ҳам ёзма ва амалий ишлардир.

Оғзаки сўраш фронтал ва якка тартибли бўлиши мумкин. Фронтал сўрашда саволлар бутун синфга берилади, бироқ саволларнинг мурakkablik даражаси бир хилда бўлмайди. Ҳар бир боланинг имкониятини ҳисобга олиб ва шу билан бирга ҳаммани фаол ишлашга жалб этишда ўқитувчи синф ўқувчиларига табақалаштириб ёндашади.

Ўқитувчи якка тартибда сўраш учун кўпинча ўқувчининг жавобига бутун синф дикқатини жалб қилиш максадида ўқувчини доска олдига чиқаради. Ўқитувчи якка тартибда сўрашда ўқувчига топшириклар кўрсатилган карточка бериб, уни бажаришга вақт ажратиши мумкин. Масалан, $25 + 16, 36 : 3$ амалларини бажаринг, кўшиш ва бўлиш амалларини компонентлари (ташкил этувчилари) номини айтинг.

Математика дарсларида ўқувчиларни ёзма билимларини текшириш мустақил ва текшириш ишларини ўтказиш йўли билан олиб борилади. Унча катта бўлмаган мустақил ёзма ишлар ўқитувчи томонидан ҳар куни ўтказилади. Улар бутун синф ўқувчиларининг билимларни ўзлаштириш даражасини текшириш, айrim ўқувчилар дуч келаётган қийинчиликларни ҳамда бутун синф ўқувчиларининг характеристли хатоларини аниқлашга имкон беради.

Мустақил ишлар учун машқлар ва вазифалар ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи томонидан тузилади. Ҳар бир мустақил иш, албатта, текширилиши керак. Мустақил ишларга берилган баҳо ўқитувчининг ихтиёри билан журналга қўйилиши мумкин.

Ёзма текшириш ишлари мавзу ёки бўлим ўрганилгандан кейин ўқув чораги ёки ўқув йилининг охирида ўтказилади.

Чорак ёки йилнинг охиридаги текшириш ишларига мўлжалланган саволлар математиканинг турли бўлими юзасидан берилади.

Чорак ёки йиллик текшириш ишлари одатда масала ва 6-8 мисолдан иборат бўлади.

Ўқитувчи доскага ёзилган ҳамма вазифаларни ўқиб бериши, ўқувчилар масаланинг ҳамма сўзларига тушунган-тушунмаган-ликларини аниқлаш керак. Дидактик материалдан (саноқ чўплари, чўтдан) фойдаланадиган болаларга текшириш ишида ҳам бу қўлланмалардан фойдаланишга рухсат бериш мумкин. Текшириш

иши ўқувчи томонидан мустақил, ўқитувчининг ёрдамисиз бажарилиши керак. Текшириш иши ўқитувчи томонидан диққат билан текширилиши ва таҳлил қилиниши лозим.

Ўқитувчи текшириш ишини сифатли таҳлил қилиб, ҳар бир синф ўқувчисининг хатоларини, қийинчиликларини ва уларнинг сабабларини кўрсатиши керак.

Кейинги дарсда текшириш ишида қилинган хатолар устида иш олиб борилади.

Ҳар бир текшириш иши албатта баҳоланиши керак. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг билим, кўнкма ва малакаларини баҳолашда, уларнинг ақлий ривожланишининг шахсий ҳусусиятларини, ҳиссий-иродавий соҳасининг ҳолатини ҳисобга олиши зарур. Ақлий камол топиш даражаси паст бўлган ўқувчига бироз енгилроқ бўлган вазифалар вариантини таклиф қилиш мумкин, моторикаси бузилган болаларга ёзув ва чизмаларнинг сифати устида қатъий талаблар қўйилмаслиги, ҳиссий-иродавий соҳаси бузилган болаларга уларни рағбатлантирувчи қўшимча усуслар қўлланиши керак (берилган вазифаларни бажариш вақтида ўқувчиларни рағбатлантириш ва мақташ зарур ва х.к.).

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ўқитиш усуслари дейилгандан нимани тушунасиз?
 2. Кўрсатмали усусларни қўлланишининг аҳамияти ва ҳусусиятлари нимадан иборат?
 3. Ақли заиф болаларга математика ўқитишида амалий ишларнинг қандаған кўринишларидан фойдаланилади ва уларнинг таълимий аҳамияти нимадан иборат?
 4. Дијактик ўйинларнинг аҳамияти нимада?
 5. Мактабда математика дарсини кузатинг ва ўқитувчи қайси ўқитиш усусларидан фойдаланганлигини кўрсатинг.
- Ёрдамчи мактабда математика ўқитишида программалаштирилган ўқитиш элементларидан фойдаланишига оид мисоллар келтиринг.

XII бөб. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ёрдамчи мактабда дарсларнинг хусусиятлари ўқувчиларнинг математик материални ўзлаштириш хусусиятларига боғлик: материалнинг абстракт характерда бўлиши кўрсатма воситаларини, ўқитишнинг фаол усусларини тўгри танланишини, дарс давомида ўқувчи фаолиятининг турли-туман бўлишини, ўқувчиларга якка тартибда ва табақалаштириб ёндошишни талаб қиласи ва ҳ.к.

Ўқитувчининг маълум бир ўқувчилар гурухи билан ўкув ишига тайёрланиши ўкув йили бошидан олдинроқ бошланади. Янги ўкув йилида қайси синф билан иш олиб боришлигини билган ҳолда, ўқитувчи олдиндан шу синф учун дастурлар билан танишиб чиқади, дарслекларни, кўшимча адабиётни, кўргазмаларни ўрганиб боради. Методик адабиётларни ўқиёди, дарслекларни таҳлил қиласи ва тажрибали ўқитувчилар билан сұхбатлашади.

Ўқитувчи болаларни биринчи йил ўқитадиган бўлса, ўкув йили бошланмасдан келгуси ўқувчилари ҳақида бўлган маълумотлар билан, ўқувчиларнинг ота-оналари билан танишиб чиқади. Ўқувчилар билан сұхбат олиб боради. Ўқувчиларни математикадан тайёргарлигини олдиндан текшириб кўради. Ҳар бир ўқувчининг синфга математикадан қандай тайёргарлик билан келганини текшириб кўриш, ўқитишнинг дастлабки босқичида, синфда машғулотларни тўгри ташкил қилишда ўқитувчига ёрдам беради.

Мактабда ва шу жумладан ёрдамчи мактабларда расм бўлган одатга мувофиқ ўқитувчи ярим йиллик режа ва ҳар бир чоракка ажратилган тақвим режаси ва ҳар бир дарсга алоҳида кундалик дарс режаси тузилади.

Чорак режаси куйидаги қисмлардан ташкил топади:

1. Номерлар тартиби.
2. Мавзу бўлимларининг номи.
3. Соатлар миқдори.
4. Бажарилиш вақти.
5. Дарсда фойдаланиладиган жиҳозлар
6. Эслатма.

Режани директор тасдиқлагач, у расмий ҳужжатга айланади ва ўқитувчи унга амал қиласи; мактаб раҳбарлари бу ҳужжат асосида унинг ишини назорат қилиб борадилар.

Кейинчалик чорак режаларидан ташқари тематик режалар ҳам тузылади.

Тематик режалар ҳар бир дарснигина эмас, балки дастурнинг берилган мавзуи чегарасида дарслар системасини аниқ режалаширишга ёрдам беради. Тематик режалашириш дарсларнинг тўла ишланмасидан иборат бўлмай, балки ҳар бир дарс учун маажбурий бўлган асосий моментларини ўз ичига олади.

Ўқитувчи математика дарсига тайёрланар экан, у чорак режасига албатта амал қилиши ва ундан четга чиқмаслиги лозим.

Ўқитувчи чорак режасига амал қилган ҳолда ўтилиши керак бўлган ҳар бир мавзу юзасидан кундалик дарс режаси тузиши керак. Бу режага куйидагилар киритилган бўлиши керак:

1. Дарснинг ўтказилиш вақти ва унинг мавзу режаси бўйича тартиб саноги.

2. Дарс мавзусининг номи.

3. Дарснинг асосий дидактик мақсадлари, таълимий, тарбиявий ва коррекцион вазифалари.

4. Дарсда фойдаланиладиган жиҳозлар.

5. Дарснинг тузилиши, яъни дарснинг асосий қисмлари ёки босқичларини, уларнинг тартиби ва ўтказиш учун кетадиган вақтни тахминан аниқлаш.

6. Янги материални ўрганиш, мустаҳкамлаш ва такрорлашга оид ишларнинг мазмуни.

7. Дарснинг ҳар бир қисмида бажариладиган ўкув ишининг усуллари.

8. Дарснинг боришида сўралиши керак бўлган ўкувчилар фаолиятлари.

9. Уй вазифаси.

Дарсни ўтказишга тайёргарлик кўришда энг олдин дарснинг асосий мақсадларини пухта ойдинлашириб олиш зарур.

Дарс мақсадларини муваффақиятли амалга оширишнинг тўғри йўлларини топища дарснинг таълимий, тарбиявий ва коррекцион вазифаларини, ақли заиф боланинг иродавий соҳа сферасини, ҳиссиётини, ўкувчиларнинг билишга оид қизиқишлигини ва қобилиятларини ривожлантирувчи вазифаларни аниқлашга ёрдам беради.

Дарснинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинганидан кейин ўқитувчи дарсда қилинадиган ишлар мазмунини аниқлашга киришади.

Дарс мазмунини аниқлаш учун ўқитувчи ҳозирги замон дарси мазмунига қўйиладиган ушбу талабларга риоя қилиши керак.

1. Дарснинг мазмуни дастурга мувофиқ бўлиши лозим.

2. Ҳар бир дарс аниқ мавзуни ва мақсадни кўзда тутиб тузилган бўлиши лозим. Шунга кўра математика дарси ҳам арифметик, ҳам геометрик материални ўз ичига олади ва дарснинг ичидаги бир неча материал киритилади. Лекин ҳар бир математика дарсида битта бош дидактик мақсад бўлиши керак. Ўқув мақсади қаторида математика дарсларида яна коррекцион-тарбиявий мақсад ҳам киритилади.

3. Ўқув материалы мазмуни ўтилаётган мавзуга, якка тартибда табақалаштириб ёндашиш талабларига жавоб бериши, дарснинг мақсадига мос келиши, ўқувчига тушунарли бўлиши, илмий бўлиши, хаёт ва меҳнат билан боғлик бўлиши керак.

Дарсда арифметик материал ва геометрик материал, назарий ва амалий материал, ҳисоблаш машқлари ва масалалар ечиш бир-бири билан боғлик бўлиши керак.

4. Математика дарсида иш услубияти ва усуллари ўқувчининг ёш хусусиятларига жавоб бера олиши, уларнинг билиш фаолиятини тузиши ва ривожлантириши, ақлий ва амалий анализ ва синтез қилиши, умумлаштириш фаолиятларини шакллантиришга қаратилган бўлиши керак.

5. Математика дарснинг ҳар бир босқичида ўқувчилар томонидан дарсларни, билим ва малакалари қандай ўзлаштирилаётгани текшириб борилиши лозим.

6. Дарс зарур бўлган барча ўқув қуроллари, жумладан, дарслик, дафтар, кўргазмали қурол ва дидактик материаллар, ўлчов ва техник асбоблар билан таъминланиши керак.

7. Ҳар бир математика дарси ташкилий аниқлиги билан ажralиб туриши, яъни дарснинг ҳар бир қисми аниқ мақсадга эга бўлиши ва дарснинг асосий мақсадига бўйсуниши, дарсни пухта режалаштириш ва ҳар бир қисмлари орасида вақтни тўғри тақсимлаш керак.

Фронтал иш якка тартибда ва табақалаштириб ёндошиш билан кўшиб олиб борилади.

8. Математика дарсларида ўтилганларни такрорлаш ҳар бир дарсда олиб борилиши керак, яъни узлуксиз такрорлаш принципига амал килиш керак.

9. Ҳар бир дарсда ўқитувчи ўқувчининг нуткини ўстириши, сўз lugatini янги математик атамалар, иборалар билан бойитиши, бола

нүтқининг аниқлигини, грамматик тўғри тузилишини кузатиши керак.

10. Математика дарслари бошқа фанлар билан, меҳнат дарслари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

11. Математика дарслари амалий йўналган бўлиши, ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг ижтимоий мослашиш ва реабилитация масалаларини ҳал қила олиши керак.

12. Математика ўқитувчиси ўқувчиларга намуна бўлиши керак. У ўқув материалини яхши билиши, ўқитиш услубиятини пухта эгалланган бўлиши, нутқи равон, болаларга тушунарли, ҳиссиётли бўлиши керак.

13. Математика дарси ўқувчиларда фикр уйғотибгина қолмай, балки уларда сезишни ҳам равонлаштириши керак.

Ўқитувчи дарснинг ҳиссий томонини эсдан чиқармаслиги керак. У математик ҳолат ва фактларга қизиқувчанликни тарбиялаши керак.

14. Математика дарсларида химояловчи режим талаблари амалга оширилиши керак. Дарсда иш фаолиятининг бир тури иккинчи тури билан алмашиниб турилиши, жисмоний машқлар дақиқалари ўtkазилиши, дарс материали ақли заиф ўқувчиларнинг руҳий ва жисмоний ҳолатларини, ишлаш қобилиятларини ва тез чарчашибарини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак.

Доскада (дафтарда) бажарилиши керак бўлган ёзувларни алоҳида ажратиб ёзиш максадга мувофиқдир.

Дарснинг мазмуни пухта ўйлаб чиқилган ва ўқувчилар янги билим оладиган қилиб режалаштирилган бўлиши керак. Ҳар бир дарсда ўқувчилар билан биргалиқда бугунги дарсда қилинган иш якунланиши лозим.

Ўқи тувчи ҳар бир дарсга пухта тайёрланиши ва бунда ҳар бир боланинг билимларини назарга олиши керак. Дарсдан кейин ҳар бир ўқитувчи ўз дарсини таҳлил қилиши лозим. Дарс материалларини тушунтиришда рўй берган қийинчиликлар дарсдан кейин таҳлил қилинмаса, бу албатта, ўқитувчининг бундан кейинги дарсларида юкори натижаларга эришувига тўсқинлик килади.

Маълумки, математика фани асосий фанлардан бири бўлиб, ақли заиф болалар учун энг қийин фандир. Бунда улгурмовчилар фоизи анча баланд бўлади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг камчиликларини якка тартибда ҳисобга олган ҳолда математикадан дастурда белгиланган ўқув материалини

ўзлаштиромовчи ўқувчилар учун шахсий режа тузади, улар билан кўшимча машғулотлар ўтказади.

Математика дарсларининг хусусиятлари ақли заиф ўқувчиларнинг математик материални ўзлаштириш хусусиятларига боғлиқ: маълумки математика ёрдамчи мактаб ўқучилари учун энг қийин фанларидан бири ҳисобланади. Бу, бир томондан, математика фани тушунчаларининг абстрактлиги, иккинчи томондан, ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг математик билимларини ўзлаштиришларининг ўзига хослиги билан тушунтирилади.

Таълим жараёнида ўқувчиларда намоён бўлган якка тартибда руҳий фарқларини ҳисобга олиш орқасидагина ўқитишда юқори натижаларга эришиш мумкун.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари ўз билимларини янги вазиятда ҳамда амалий фаолиятда кўллашда қийналадилар. Улар янги эгалланган билимларни тезда эсдан чиқарадилар. Шу сабабли ёрдамчи мактабда ўтилганларни тақрорлашга катта зътибор берилади. Тақрорлаш ҳар бир дарсда олиб борилиши керак, яъни узлуксиз тақрорлаш принципи пига амал қилиш керак.

Тақрорлаш асосида билимлар бойитилади: малакалар секин-аста мукаммалаштирилади, янги ва эски билимлар орасида боғланиш ўрнатилади, маълум система яратилади.

«2 га кўпайтириш жадвали» мавзуси бўйича дарсларнинг тахминий режалаштириш системасини кўриб чиқамиз.

1-дарс. Мавзу: «Кўпайтириш - бу бир хил қўшилувчиларни қушиш ҳақида тушунча бериш. Тенг қўшилувчиларни қўшишни кўпайтириш билан алмаштириш».

Мақсад. Кўпайтириш бу бир хил қўшилувчиларни қўшиш эканлиги билан, бир хил қўшилувчиларни қўшишни кўпайтириш билан ва аксинча кўпайтиришни - қўшиш билан алмаштириш, кўпайтириш амалини белгиси х ёки · , уни ёзилиши ва ўқилиши билан таништириш.

2.-дарс. Мавзу: «2 га кўпайтириш жадвали (2×5 , 2×4 , 2×3 ҳоллари)».

Мақсад. 2 га кўпайтириш жадвалини ўрганишни бошлаш. Кўпайтириш амали ҳақида тушунчани мустаҳкамлаш, тенг қўшилувчиларни қўшишни кўпайтириш билан алмаштириш ва аксинча малакаларини шаклланитириш.

3-дарс. Мавзу: «2 га кўпайтириш жадвали (2×5 , 2×4 , 2×6 ҳоллари)».

Мақсад. 2 га күпайтириш жадвалининг ўрганишни давом эттириш. Жадвалда күпайтиришнинг 2×3 , 2×5 , 2×7 холлари устида билимларни мустаҳкамлаш, бир хил қўшилувчиларни қўшишини күпайтириш билан алмаштириш ва аксинча малакаларини шакллантиришини давом эттириш.

4-дарс. Мавзу: «2 га күпайтириш жадвали (2×2 , 2×8 , 2×7 холлари)».

Мақсад. 2 га күпайтириш жадвалини ўрганишни давом эттириш. Жадвалда күпайтириш устида билимларни мустаҳкамлаш.

5-дарс. Мавзу: «2 га күпайтириш жадвали (2×10 , 2×9 ҳоллари)».

Мақсад. 2 га күпайтириш хақида ўқувчиларнинг билимларини умумлаштириш. 2 га күпайтириш жадвалини тузиш.

6-дарс. Мавзу: «Кўпайтириш ва бўлиш амалларини солишишириш».

Мақсад. Амалларнинг ва уларни натижаларини таққослаш: 2×3 , $2 + 3$ ва $2 + 2 + 2$ ва ҳ.к. Кўпайтиришни қўшиш билан алмаштириш ва аксинча. Кўпайтириш ва қўшиш хақида билимларни дифференциялаш.

7-дарс. Мавзу: «Тенг қўшилувчиларнинг йигиндисини топишга оид масалалар».

Мақсад. Ўқувчиларни янги содда маслалар хили билан таништириш. Уларнинг ечимини кўпайтириш ва қўшиш амаллари орқали ёзиш мумкинлигини кўрсатиш.

Ёрдамчи мактабларда ўқув ишларини ташкил этишнинг асосий шакли турли усуллар кўлланиб ўтказиладиган дарс бўлиши керак.

Дарс ўқув-тарбиявий жараённи ташкил қилиш шаклларидан бири ҳисобланади. Ёрдамчи мактабда математика дарсининг хусусияти ўқув фанининг ўзига хослиги, уни мақсад ва вазифалари, ўқувчилар таркиби ва ёрдамчи мактаб олдида турган умумий вазифалар билан белгиланади.

Математика дарсида ўқувчиларни ҳар хил математик билимлар билан қуроллантириш, уларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш, масала ечишга ўргатиш билан бирга, ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг шахси, уларнинг билиш фаолиятидан етишмовчиликлари тузатилади.

Ёрдамчи мактаб математика дастурида кўзда тутилган ўқув материали мазмунни математика дарсларининг мазмунуда ва тузилишида акс эттирилади.

Математика дастурида, арифметик ва геометрик материални ўрганиш, ўқувчиларни микдорлар билан, ўлчов асбоблари билан та-

ништириш ва уларни ўлчов бирликлари (м, см, дм, мм) билан ўлчашлари кўзда тутилган. Шунинг учун кўпинча битта математика дарсига ҳар хил бўлим материаллари киритилади, бу эса бу дарсни уюштиришга, тузилишига, усувларни танлашга таъсир қиласи.

Муайян математик тушунчаларни шакллантиришнинг зарурлиги, шунингдек, кўникма ва малакаларни ишлаб чиқиш, математика дарсларининг хусусиятларини белгилайди, ўқувчилардан турли кўринишдаги ҳам ақлий, ҳам амалий фаолиятни талаб қиласи.

Дидактика курсидан маълумки, дарсда умумтаълим – коррекционтарбиявий масалалар ҳал қилинади. Битта математика дарсида, қоидага биноан ўқитувчи, материалнинг мазмуни ва ўрнига ҳамда ўқувчиларнинг имкониятларига қараб бир қанча ўқув масалаларни ҳал қиласи. Битта материал билан фақат ўқувчиларни таништириш ва уни бирламчи мустаҳкамлашни режалаштиrsa, шу дарснинг ўзида бошқа материални чукурлаштириши, умумлаштириши, системалаштириши керак, бир хил билимлар эса мустаҳкам кўникма ва малакаларни ишлаб чиқиши ва мустаҳкамлашни ҳамда уни янги вазиятда кўллашни талаб қиласи. Дарсга кўпинча ўқувчиларни янги билимларни идрок қилишларига тайёрлайдиган материал киритилади.

Дарсда ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш даражалари ҳам ҳар хил бўлади. Бир хил ўқувчилар янги материални фақат баъмани идрок қилишса, бошқалар бу билимларни ўхшаш вазиятларда кўллай ҳам оладилар. Битта синф ўқувчиларига сон ёки шаклларни хисоблашнинг янги усулини, амалларнинг янги хусусиятини эслаб қолишилари учун ва уни масала ечишда фақат ўхшаш вазиятдагина эмас, балки янги вазиятда ҳам кўллай олишлари учун ҳар хил микдорда дарслар талаб қилинади.

Ўқувчилар томонидан билимлар турли даражада ўзлаштирилишини ва материалнинг аста-секин ўрганилишини ҳисобга олиш учун ўқитувчи материални тўғри режалаштириши шарт. Мавзу бўйича ҳамма дарслар системасини, ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ҳамда уларнинг билимлари ҳолатини, кўникма ва малакаларини аниқ тасаввур қилиши шарт.

Математика дарсларининг турлари.

Дидактик мақсадларига қараб математика дарсларининг ушбу турлари бир-биридан фарқ қилинади.

1. Янги материални ўрганиш дарси.
2. Билимлар, малакалар ва кўникмаларни мустаҳкамлаш дарслири.

3. Ўтилганларни тақрорлаш-умумлаштириш ва системалаштириш дарслари.

4. Билимларни текшириш, баҳолаш дарслари.

5. Мураккаб (комбинация қилингандарс.)

1. Янги материални ўрганиш дарси. Ёрдамчи мактабда бутунлай янги материални ўрганишга бағишенгандарслар камдан-кам олиб борилади. Бу, ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг ҳиссий-иродавий доирасининг ва билиш фаолиятининг ўзига хос ҳусусиятлари билан туширилди.

Бу ўқувчиларга янги материални кичик-кичик микдорда, кетидан мустаҳкамлаб бориш йўли билан бериш мақсадга мувофиқдир. Шунга қарамай, айниқса юқори синфларда вақтнинг катта қисми ўқувчиларни янги материал билан таништириш ва уларни дастлабки мустаҳкамлашга ажратилиди. Дарснинг кейинги босқичлари қоидага биноан, шунингдек, дарснинг асосий дидактик мақсадига бўйсунади, уларда ўқитувчи ўқувчилар билан ўтилган материални тақрорлашга киришади.

Янги материални ўрганиш дарси ичига куйидаги босқичларни киритиш мумкин: 1) ўқувчиларни дарсга уюштириш; 2) уй вазифасини текшириш; 3) оғзаки ҳисоблаш; 4) ўқувчиларни янги материални ўрганишга тайёрлаш; 5) дарс мавзусини маълум қилиш; 6) янги материални ўрганиш; 7) янги материални дастлабки мустаҳкамлаш; 8) уйга вазифа бериш; 9) дарсни якунлаш.

Дарснинг мақсади ва унинг тузилишига боғлиқ ҳолда дарс босқичлари ўзгариши ҳам мумкин.

Янги материални ўрганиш дарсининг тузилиши бошқача бўлиши ҳам мумкин. Масалан, янги материални ўрганиш дарсига ҳар доим ҳам уй вазифасини текширишини киритиш мақсадга мувофиқ бўлавермайди: уй ишини бажаришда ўқувчиларнинг қўллайдиган билимлари янги материал билан боғлиқ бўлиши мумкин, бу эса уни идрок қилиш ва маъносига тушунишга ёрдам бермайди. Бундай ҳолда ўқитувчи уй вазифасини қандай бажарилганлигини текшириш учун дафтарларни йиғишириб олади. Янги материални ўрганиш дарсида оғзаки ҳисоблаш ҳам доимо ўтказилавермайди. Агар дарснинг асосий дидактик мақсади ўқувчиларни геометрик фигураларнинг ҳусусиятлари билан таништириш, янги микдорлар, уларнинг ўлчов бирликлари ёки янги ўлчов асбоблари ва улардан фойдаланиш қоидалари (торози ва тортиш қоидалари, соатлар ва соатдан вақтни аниқлаш, рулетка ва унинг ёрдамида ўлчаш қоидалари ва х.к.) билан

таништириш бўлса, оғзаки ҳисоблаш ўрнига ўқувчиларнинг шуларга оид билим ва кўникмаларини ёдга тушириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина уларни янги материал билан боғлашга имкон яратилади ва умумий билимлар, кўникма системасига киритилади.

Дарснинг мавзуси ва мақсади янги материални тушунтирилмасдан олдин эълон қилиниши ҳам мумкин, ўқувчиларни янги ҳисоблаш суули, хусусияти билан таништирилгандан сўнг, якунлаш-хулоса чиқариш ўрнида ҳам эълон қилиниши мумкин. Масалан, ўқитувчи кўп хонали сонни бутун сонларга қандай кўпайтириш кераклигини тушунтиради (125×30). Ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчилар кўпаювчи уч хонали сон, кўпайтувчи ноль билан тугайдиган икки хонали сон деб эълон қиласидилар.

Мавзу доскага ва дафтарга ёзилади.

Янги материални ўрганишда ўқитувчи ўқувчиларнинг имкониятларига боғлиқ табақалаштириб ёндашади. У айниқса кучли ўқувчиларга янги мисолни карточка ёки дарсликда берилган нусхасига қараб мустақил ечишга имконият яратади. Колган ўқувчиларга тушунтиради, ўрта ўқувчиларни саволлар ёрдамида идрок қилишларини фаоллаштиради. Бўш ўқувчилардан айрим ўринларни такрорлашни талаб қилиб боради. Бу ҳолда янги билимларни идрок қилиш жуда ҳам фаоллашади ва синфнинг ҳар бир ўқувчисининг имкониятларига жавоб беради.

2. Билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш дарслари. Бу дарсларнинг асосий дидактик мақсади билимларни мустаҳкамлаш, кўникма вужудга келтириш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган. Мадомики, кўникмаларни вужудга келтириш ва малакаларни шакллантириш узоқ вакт ва бир талай машқларни талаб қиласар экан, бундай дарс турига ёрдамчи мактаб математика таълими жараёнида муҳим ўрин ажратилади. Шунинг учун мустаҳкамлашни дарслар системаси дейиш мумкин, чунки ҳар бир бундай дарсда турли даражада мустаҳкамлашга: билимларни дастлабки мустаҳкамлаш ва кўникмаларни шакллантиришдан тортиб, то малакаларнинг автоматлаштирилишини вужудга келтириш, ҳамда билимларни янги вазиятда қўллаб, масалаларни ечишда фойдаланишгача эришиш мумкин.

Ҳар бир синфнинг таркиби бир хил эмаслиги, уларнинг математик билимларни ўзлаштириш имкониятлари, билимларни мустаҳкамлаш даражасининг ҳар хиллиги сабабли битта дарснинг ўзида малака ва кўникмаларни шакллантириш турли ўқувчиларда турлича бўлади.

Бундай ҳолда ўкувчиларга уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириб муносабатда бўлиш талаб килинади. Билимларни мустаҳкамлаш дарсида номерлашни мустаҳкамлаш машқлари, оғзаки ҳисоблаш, мисол ва масалаларни ечиш, чизма ва ўлчаш ишларини бажаришга катта ўрин ажратилади.

Ўқитувчи раҳбарлигига ва мустақил бажарилиши керак бўлган машқларни тўғри тақсимлаш мухим аҳамиятга эга. Биринчи дарсда билимларни мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантириш машқларининг кўплиги ўргатиш характерга эга бўлиб, улар ўқитувчи раҳбарлигига ўтказилади. Кейинги дарсларда кўпроқ мустақил ишлар катта ўрин топиши керак. Маслан: берилган қўшишга оид мисолга қараб, учта: биттаси қўшишга ва иккитаси айришга доир мисол тузиш:

$$5 + 4 = 9, \quad 9 - 5 = 4, \quad 9 - 4 = 5.$$

Тушуриб қолдирилган рақамни қўйиш: $2 \square 5 = 115$.

Масала шартини шундай ўзгартириш керакки, у бир амал билан эмас, икки амал билан бажарилсин.

Берилган жавобига қараб мисол ўйлаб топиш (масалан, битта мисол ўйлаб топинглар, жавоби 7 бўлсин) ва ҳ.к.

3. Ўтилганларни такрорлаш – умумлаштириш ва системалаштириш дарслари. Ўтилганларни такрорлаш материални тартибга солиш, умумлаштириш ва чукурлаштириш, уни ҳаёт билан ва ўкувчиларнинг амалий фаолиятлари билан боғлаш, билимларини янги вазиятда ишлатиши каби мақсадларни кўзда тутади.

Математика ўқитиши жараённида такрорлаш турли босқичларда ўтказилади: ўкув йили бошида ва кундалик такрорлаш дарслари (муайян мавзу, бўлимни ўрганилгандан кейин), чорак охирида ва ўкув йили охирида. Ўкув йили бошида ўтказиладиган бундай такрорлаш дарсларидан мақсад ўкувчиларнинг олдинги ўкув йилида олган билимларини кайтадан тиклаш, уларни тартибга солиш ва аста-секин янги материали билан боғлашдир. Мавзу ёки бўлим ўрганилгандан кейин ўтказиладиган такрорлаш дарслари билимларни чукурлаштириш мақсадини кўзда тутади. Ўкувчилар диққатини сонлар, амаллар, геометрик фигуralар, тушунчалар ва ҳ.к. ни таққослашга ўхшаш тушунчалар, амалларни таққослашга, билимларни янги вазиятда, ўкувчини меҳнат фаолиятида, ҳаётий-амалий масалаларни ечишларида ишлатишга жалб қилиши керак.

Такрорлаш билан мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан ўхшаш, аммо дарсларни ташкил қилишда уларнинг фарқини кўра билиш зарур. Одатда баъзи қоида ва қонунлар бевосита янги материални ўтиб бўлиниши билан мустаҳкамланади. Мустаҳкамлаш вактида дастлабки малака ва кўникмалар шаклланади. Такрорлаш дарсларида эса асосан ўкув материали тартибга солинади ва умумлаштирилади.

4. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш дарслари. Ўкувчиликнинг билимлари, малака ва кўникмаларини текшириш ҳар бир дарсда амалга оширилади. Даставвал янги материал баён этилганидан кейин унинг қай даражада тушунилганлигини текшириб кўриш лозим.

Дарснинг мақсади таълим бериш эканини, ўкувчилар билимни асосан дарсда олишлари кераклигини ёдда тутиб, ўқитувчи ўзининг шу мақсадга эришган эришмаганлигини ҳар бир дарсда текшириб бориши зарур.

Ўзлаштириш даражасини турли йўллар билан текшириш мумкин. Илгаридан тайёрлаб кўйилган текшириш саволларига жавоб олиш, олинган назарий хулосаларни масала ёки мисол ечишга тадбиқ этиш, айрим дарсларда 10-15 минутга мўлжалланган кичик ёзма ишлар текширилади. Бундан ташқари, маҳсус мустақил ва текшириш иши дарслари ҳам ўтказилади, уларга дарснинг катта қисми ажратилади. Бундай дарслар одатда мавзу ёки бўлим ўрганилгандан кейин чорак ва ўкув йили охирида ўтказилади. Бу хил дарсларнинг тузилиши куйидагича: 1) ўкувчиларни дарсга уюстириш 2) дарснинг мақсадини айтиш; 3) текшириш ишининг мазмуни ва унинг бажариш тартиби билан таништириш; 4) ўкувчиларнинг текшириш ишларини мустақил бажаришлари; 5) ишни йиғиб олиш (танаффусдан 3-5 минут олдин).

Ўқитувчи текшириш ишларини диққат билан текширади ва унда қилинган хатоликларни пухта таҳлил қиласди. Кейинги дарсларда текшириш ишида қилинган хатолар устида ишлаш дарснинг бир босқичи ўрнида киритилади. Олдин кўп хатоликларларга йўл кўйилган мисол ва масалалар ечилади, сўнг шу қилинган хатоликларга ўхшаш бўлган мисол ва масалалар ечилади. Текшириш ишида хотоликларга йўл кўйган ўкувчилар доскага чиқарилади. Агар бу ўкувчилар яна шу хотоликларга йўл кўйишса, унда ўқитувчи қўшимча тушунтириш олиб боради, уларнинг билимидаги бўшликларни тўлдириш мақсадида бу ўкувчиларга якка тартибда иш беради.

Буларнинг ҳаммаси синфда бажарилган ишнинг натижасини текширишга ва шу билан бирга ўтилган материални мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг билимини текшириш бир томондан айрим ўқувчиларнинг ўзлаштирмаслиги ва улгурмаслигининг олдини олишга имконият яратса, иккинчи томондан у ёки бу синф ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришларида қандай саралари услугият ишлатиш зарурлигини аниқлайди.

Ёрдамчи мактабларда болаларнинг билими 5 балли системада баҳоланади. 5 баҳо хатосиз бажарилган ишга қўйилади. 4 баҳо яхши бажарилган ишга, 2 та хатоси-биттаси мисолда, биттаси масаланинг жавобида бўлса қўйилади. 3 баҳо ҳамма мисоллар ишланиб, факат масала ечилмаган бўлса қўйилади.

5. Мураккаб дарслар. Юқорида қайд килингандарнинг ҳар бири алоҳида бир дарсни қамраб олса, маълум дарс тури дейилади. Агар бир дарснинг ўзида икки ва ундан ортиқ турлари кўлланса, унда дарснинг элементи ҳисобланиб бундай дарс мураккаб дарс тури дейилади.

Бундай дарсда ҳар хил дидактик масалалар ҳал этилади: ўқувчилар янги билим, малака ва кўникмалар билан таништирилади, шу таништирилганларни дастлаб пухталанади, илгари ўтилганлар тақрорланади, бундан кейин ўрганиладиган материални ўргатишга тайёрланилади, билимлар ҳисобга олинади (баҳоланади).

Мураккаб дарсларга, айниқса бошлангич синфларда, ҳам арифметик, ҳам геометрик материал киритилади. Мураккаб дарслар математик билимларни тақрорлашни узлуксиз амалга ошириш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, билимларни янги вазиятда қўллаш, янги материалларни кичик-кичик ҳажмда ўргатиш имконинин беради, бу эса ақли заиф болалар учун айниқса тушунарли ҳисобланади.

Ҳозирги замон мураккаб дарси тузилишида унинг қўйидаги таркибий қисмлари турли тартибда ва ҳар хил ҳажмда киради: уй вазифасини текшириш, маҳсус оғзаки машқлар, ўқувчилар олдига дарс мақсадини қўйиш, ўқувчиларни янги материални идрок қилишга тайёрлаш, янги материални ўргатиш, ўқитувчи раҳбарлигида билимларни дастлабки мустаҳкамлаш, илгари ўтилган материални тақрорлаш ва мустаҳкамлаш, дарсни якунлаш ва уйга вазифа бериш.

Ҳар қайси алоҳида дарсга бу санаб ўтилган элементларнинг ҳаммаси ҳам киравермайди, аммо буларнинг ҳаммаси ҳам ҳар бир мавзу бўйича дарслар системасининг зарур ташкил этувчиларидар.

Ўқувчиларнинг уй ишлари. Ўқувчиларнинг уй ишлари уларнинг дарсдаги иш билан чамбарчас боғлиқидир.

Уй ишининг бажарилишида у ёки бу материал тақрорланибигина қолмай, балки мухим малака ва кўникмалар шаклланади. Тўғри ташкил қилинган ва мустақил бажариладиган уй ишининг боришида шахснинг меҳнатсеварлиги, уюшқоқлиги, интизомлилиги, топширилган ишнинг масъулиятини хис этиши шаклланади ва ривожланади, ўз ишини режалаштириш ва бошлаган ишини охиригача олиб бориш малакаси, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмалири мукаммаллашади.

Уй ишининг муваффақиятли бажарилиши дарс қандай ўтилганлигига ва ўқитувчи уй топшириғини қай тарзда берганлигига боғлик. Демак, ўқувчиларнинг уй вазифаларини муваффақиятли бажаришлари кўп жиҳатдан ўқитувчи ишининг сифатига боғлик бўлади.

Уй ишларини ташкил қилиш ушбу талабларга жавоб бериши лозим.

1. Уйга вазифалар беришда ҳар бир ақли заиф боланинг шахсий имкониятларини хисобга олиш керак, янги бериладиган вазифалар уларнинг куч ва билимларига мос келиши керак.

2. Уй вазифаларини мунтазам равишда бериш керақ, ҳафтанинг охирги кунлари ва байрам олди кунлари бундан мустаснодир.

3. Уй вазифаларини ташкил этишнинг мухим масаласи – бу вазифалар ҳажмидир. Турли синф ўқувчилари уй топшириқларини бажаришга ҳар хил вақт сарфлашлари керак; 1-синфда ҳамма вазифани бажаришга 1 соатгача, 2-синфда 1,5 соатгача, 3 ва 4-синфларда 2 соатгача вақт ажратилади.

4. Ёрдамчи мактабда, айниқса бошлангич синфларда уй вазифасини бажаришга доир кўрсатмалар бериш зарур. Ўқитувчи ўқувчиларга уй вазифаларини қандай бажариш кераклигини икки-уч мисол асосида кўрсатиши, уй вазифаларининг энг мухим томонларини синфда таҳлил қилиши, нимага алоҳида эътибор бериши кераклиги, учраган қийинчиликларни қандай бартараф қилиш, мисол ва масалаларнинг ёзилиши қандай бўлиши бажарган вазифани ўқувчининг ўзи қандай текшириши мумкинлигига оид кўрсатмалар ҳам бериши керак. Шуни назарда тутиш мухимки, уйга вазифалари осойишта вазиятда, ўқувчилар дарсга тўла эътибор бериб турган пайтда, шошил масдан берилади. Шунинг учун уй вазифаларини танаффусда бериш мақсадга мувофиқ келмайди.

5. Ҳар қандай уй иши ўқитувчи томонидан текширилган бўлиши керак. Уй вазифаларини текшириш кўпинча синфни айланиб чиқиб ўқувчиларнинг дафтарларини кўриб чиқиш йўли билан бажарилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ўқитувчининг математика дарсига тайёрланишини ёритиб беринг.
2. Ёрдамчи мактабда математика дарслари турларини санаб чиқинг.
3. Мураккаб дарс бошқа дарслардан нимаси билан фарқ қиласди?
4. Ёрдамчи мактабда математика дарсига қўйиладиган талабларни айтиб беринг.
5. Бир-иккита математика дарсининг режасини ёзма равишда тузинг.
6. Қуий ва юқори синфларда математика дарсларини қузатинг ва таҳлил қилинг.
7. Уй вазифаларини ташкил қилишга нисбатан қўйиладиган асосий талабларни санаб чиқинг.

XIII боб. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА МАТЕМАТИКАДАН СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШ

Математикадан синфдан ташқари иш дейилгандың үкүвчилар билан дарсдан ташқари вақтда ташкил қилинадиган машгулотлар тушунилади

Синфдан ташқари иш ниҳоятда мұхым ақамиятта эга. Синфдан ташқари ишлар болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларнинг ажралмас қисми бўлиши билан бирга, ақли заиф үкүвчиларни тарбиялашда катта ақамиятта эга. Синфдан ташқари иш үкүвчиларнинг билимларини ва амалий кўникмаларини ривожлантиришига ва кенгайтиришига таъсир этади. Синфдан ташқари иш үкүвчиларда маданий хулқ-автор малакаларини тарбиялайди, үкүвчиларни бўш вактларини уюштиришига ёрдам беради.

Синфдан ташқари иш ақли заиф үкүвчиларни ҳартомонлама ривожлантиришига, уларни ижтимоий фойдали фаолиятда актив қатнашишига тайёрлашда кўмаклашади. үкүвчиларнинг мантикий тафқурини, хотирасини, сезгирили, зийракли ва фикрлашда мустақиллигини ривожлантиради. Математикага қизиқишларни орттиради, нутқларини ўстиради, талабчанлик, иродани, меҳнатга муносабатни, уюшқоқликни тарбиялайди.

Ёрдамчи мактаб амалиётида математикадан синфдан ташқари машғулотларнинг ушбу турлари мавжуд: математик ўн минутликлар, қизиқарли математика соатлари, математика тўғараклари. Шунингдек синфдан ташқари ишга математикадан газета чиқариш, математика бурчакларини ташкил қилишлар киради.

Олдин синфдан ташқари ишлар қандай ташкил қилиниши ва ўтказилишини кўриб чиқамиз.

III-синфда математикадан 1 соатлик синфдан ташқари машғулотини тахминий режасини келтирамиз.

Бугун биз қизиқарли математика машғулотини ўтказамиз. Сиз жуда зийрак бўлишингиз керак. Мени саволларимга ким биринчи бўлиб тез ва тўғри жавоб берса шу үкүвчи ғолиб чиқади.

I. Сехрли ҳалтacha ўйини.

Ўйин материали: ҳалтачада геометрик шакллар: доира, квадрат, тўғри тўртбурчак, учбурчак ёки геометрик жисмлар: куб, брус, шариклар бўлади.

Ўйиннинг мазмуни

1-вариант. ўқитувчи доирани кўрсатиб ўқувчилардан сўрайди: «Бу қандай фигура?», ўқувчилар-«доира» деб жавоб берадилар. Ўқитувчи бир ўқувчининг доска олдига чиқариб шундай дейди: «Доирани қўлинга ол». Ҳалтачани ичига қарамай пайпаслаб шундай доирани топ ва уни ҳалтачадан ол».

2-вариант. Ҳалтачадаги геометрик фигуналардан бирини қўлинга олиб, пайпаслаб у қандай шакл эканини аниқла, уни номини айтиб ҳалтачадан ол, болалар сени шаклни номини тўғри айтдингми йўкми текширадилар».

3-вариант. «Ҳалтачадан пайпаслаб квадратни топ. Уни болаларга кўрсат».

Ҳамма топшириқларни ҳатосиз бажарган бола ўйинда ғолиб чиқади.

II. Ўйлаб топ.

Ўғли отасидан ёшингиз нечидан деб сўради. Отаси шундай жавоб берди. «Агар мени ёшимга юзни ярмини ва яна 5 йил қўшса, унда мен 100 га кираман». Отаси неча ёшда?

III. «Нима ўзгарди?» ўйини.

Ўйин материали: кўргазмали қуроллар-геометрик шакллар ёки жисмлар (доира, учбурчак, куб, квадрат, брус, шар).

Ўйиннинг мазмуни: ўқитувчи учта геометрик шаклни стол устига териб қўяди ва ўқувчилардан дикқат килиб қараб уларни жойлашиш тартибини эслаб қолишни таклиф қиласди.

Ўқитувчини «тун» деган командаси бўйича ўқувчилар кўзларни юмадилар, ўқитувчи эса тезда битта-иккита шаклларнинг ўринларини алмаштириб қўяди ёки биронта шаклни олиб қўяди. Ўқитувчи «кун» деб команда беради ва ўқувчилардан «нима ўзгарди?» деб сўрайди.

Ўқувчи қайси шакл йўклигини ёки фигуналарни жойлашувида қандай ўзгаришлар рўй берганини айтиши керак.

Шаклларнинг жойлашиш тартибини ўзgartирмай қандай бўлса шундай қолдириш ҳам фойдалти. Бундай ҳол ўқувчиларда доимо жонланиш туғдиради.


IV. Қизиқарли квадратлар.

ўйин материали:

1-вариант.

Үйиннинг мазмуни:

Ўқитувчи квадратда жойлаштирилган сонларни қаторлар, устунлар ва диагоналлар бўйича қўшишни таклиф қиласди.



Ўқувчилар сонларни қўшиб ҳамма ҳолларда ҳам йигинди бир ҳил 15 эканига ишонч ҳосил қиласдилар. Ўқитувчи шунинг учун ҳам бу ўйинни қизиқарли квадратлар дейилади - дейди.

2-вариант. ўқувчиларга куйидаги қизиқарли квадратлар таклиф қилинади:

	2	9
8	6	
3		5

		11
	9	
7		3

12		
	10	
4		8

Ўқувчилар 1-чи квадратни бўш катакларини қаторлар, устунлар ва диагоналлар бўйича 18 гача, 2-чисини 17 гача, 3-чисини 30 гача тўлдиришлари керак.

Ким биринчи бўлиб тўғри тўлдирса ўша бола ғолиб чиқади.

IV синфда математикадан 1 соатлик синфдан ташқари машғулотни тахминий режасини келтирамиз.

I. Кизиқарли масала (4-синф)

Онаси олма ва нок сотиб олди. Ўгли ундан қанча олма ва қанча нок сотиб олганини сўради. Онаси шундай жавоб берди: «Ҳамма мевалар 25 та, уларнинг бешдан бир қисми-нок, қолгани олма. Қанча нок ва қанчаси олма эканини ўзинг санаб ол».

II. Геометрик фигуруларни таҳлил килишга доир амалий машқлар.

Жиҳозлаш. Ҳар бир ўқувчидаги узунлиги бир ҳил, 10-15 см бўлган 5 та чўп ёки қаламлар тўплами бўлади.

Ўқитувчи тўпламдан учта чўпни ажратиб олиб улар ёрдамида геометрик фигура ясашни таклиф қиласди. Қандай фигура хосил бўлди?

Ким айтади нега бу фигура учбурчак дейилади?

Учбурчакнинг нечта учи бор?

Учбурчакнинг нечта томони бор?

Учбурчакнинг нечта бурчаги бор?

Шундан кейин ўқувчилар, ўзлари ясаган учбурчак моделидан унинг элементларини ажратишиади. Бунда ўқувчилар уч бу нукта эканини, томон эса кесма эканини аниқ тушуниб олишлари керак.

Шундан сўнг ўқитувчи тўпладан 4 та чўпни ажратиб олиб улар ёрдамида янги геометрик фигура ясашни таклиф килади.

Қандай фигура хосил бўлди?





Қандай фигурага квадрат дейилади?

Квадратнинг томонлари тўғрисида нима дейиш мумкин?

Шундан сўнг ўқувчиларга қуйидаги топшириқ берилади. Ўқитувчи ўқувчиларга шундай мурожат қилади ҳаммайлада биттадан чўп колди. Чўпни қўлизга олинг! Ким менга ўзи ясаган квадрат моделидан тўғри тўртбурчак ясад беради? Агар ўқувчилар топшириқни уласидан чиқмасалар, унда қўшимча саволлар берилади. Агар чўпни квадрат моделининг ўртасига жойлаштирасак қандай фигура ҳосил бўлади? Агар чўпни квадрат моделининг қарама-қарши бурчаклари (диограммаси) бўйича жойлаштирасакчи? Ким айтади, квадрат тўғритўртбурчақдан нимаси билан ўхшаш? Нимаси билан фарқ қилади?


Бунда ўқувчилар квадратнинг тўртта томони тенг эканини, тўғри тўртбурчакнинг эса қарама-қарши томонлари тенг эканини аниқ тушуниб олишлари керак.

Бунда геометрик фигуralарни тузишни талаб қиласидиган ҷашқларни болалар катта қизиқиш билан бажарадилар.



Ш. «Лабиринт» ўйини.

Бўш жойларни ким тез ва тўғри тўлдиради?



Машгулотни охирида дарсни яқунлаш керак

Юқори синфларда «Сонли фокус» ўйинини ўтказиш мумкин. Шуни айтаб ўтиш керакки юқори синфларда ўқувчилар арифметик амалларни ёзма ҳисоблаш усулидан фойдаланиб ечадилар. Масалан: ўқитувчи ўқувчиларга шундай дейди: «Бирор сон ўйланг, унга бирни күшинг. Йиғиндини 3 га кўпайтиринг, кўпайтмага бирни күшинг. Чикқан натижага дастлаб ўйлаган сонни күшинг. Ҳосил бўлган сонни айтинг, мен сиз ўйлаган сонни топаман!».

Бунинг учун ўқитувчи, ўқувчи айтган сондан 4 ни айиради. Айирмада ҳосил бўлган сонни 4 га бўлиб ўқувчи ўйлаган сонни топади.

Масалан, ўқувчи ўйлаган сон 14 бўлсин. Унга 1 ни кўшамиз 15 бўлади. 15 ни кўпайтирамиз 3 га жавоби 45 бўлади. Унга яна 1 ни кўшсак 46 бўлади, 46 га дастлаб ўйланган сонни (14 ни) кўшсак 60 бўлади.

Ўқитувчи ўқувчи ўйлаган сонни топиш учун $60-4=56$. Чикқан натижани (56 ни) 4 га бўлиб у ўйлаган сонни (14 ни) топади.

Ёки, бирор сон ўйланг. Унга 11 ни кўшинг. Йиғиндида ҳосил бўлган сонни 2 га кўпайтиринг. Чикқан натижадан 20 ни айиринг. Айирмада ҳосил бўлган сонни 5 га кўпайтиринг ва янги кўпайтмадаги сондан дастлаб ўйлаган сонингиздан 10 марта катта сонни айиринг.

Мен топдим: «Айирмада 10ҳосил бўлди. Тўғрими?»

Қайси числода ва ойда тугилганингизни ёзинг. Уни иккига кўпайтиринг. Ҳосил бўлган сонни 10 га кўпайтиринг, кўпайтмага 73 ни кўшинг. Йиғиндини 5 га кўпайтиринг. Ҳосил бўлган сонга қайси ойда тугилган бўлсангиз ўша ойнинг тартиб рақамини кўшинг. Натижани айтинг. Мен сизни қайси числода ва қайси ойда тугилганингизни айтаман.

Бунинг учун ўқитувчи ўкувчи айтган сондан 365 ни айиради. Айирмада ҳосил бўлган соннинг олдинги 1 та ёки 2 та рақами қайси числода туғилганини, охирги иккитаси эса-туғилган ойнинг тартиб рақамини кўрсатади.

Математика тўгарагини уюштириш

Тўгаракда қатнашувчиларни рўйхати тузилади. Гуруҳ сардори сайланади. Тўгарак гуруҳ сардорининг вазифасига тўгарак журналини олиб бориш киради. Бунинг учун алоҳида дафтар тутилиб унда тўгаракда қатнашувчиларнинг исми, шарифи ва ўувчиларнинг давомати, тугарак машғулотида олиб бориладтган ишларнинг турлари ёзib борилади. Тўгарак ишларнинг режаси, ўқитувчи томонидан бир чоракка ёки ярим йилга мўлжаллаб тузилади. Унга қуйидаги ишларнинг турларини киритиш мумкин: а) экспурсия ўтказиш; б) кўргазмә куроллари тайёрлаш (кўпинча абак, саноқ чўплари тайёрланади); в) математикадан газета чиқариш; г) математика кечаларини ўтказиши. Математика тўгараги математикадан системали равишда ўтказиладиган синфдан ташқари ишларнинг энг кенг тарқалганидан биридир. Унинг асосий вазифаси-математикага алоҳида қизиқиши бор ўқувчилар билан бажариладиган иш.

Математик тўгарак иши қизиқарли математика соатларини ўтказишдан фарқи қизиқарли математика соатларини ўқитувчининг ўзи тайёрлайди ва ўтказади. Тўгарак машғулотини тайёрлаш ва ўтк. зиҳда эса ўқувчилар ташаббус кўрсатадилар. Кўпинча абаклар турлї математик ўйинларни ўтказиш мисоли карточкалар тайёрлайдилар. Тўгарак машғулотлари учун материал танлашда энг аввало дастурга амал қилиш лозим. Дастурдан четга чиқмаслик керак. Тўгарак машғулотларига ҳар хил қизиқарли математик ўйинлар: 100 ичидаги номерлаш, оғзаки ҳисоблаш усуулларини эгаллаш ва масалалар ечиш кўникмаларини ривожлантиришга оид машқлар, топишмоқлар, «Жим ўйини», «Ажойиб халтача», «Қизиқарли квадратлар билан ишлаш», «Сонли фокус», «Мен қандай сон ўйладим?», «Лабиринт» ўйинлари ва хоказолар киради.

Математика газетасини чиқариш

Математика газетаси ўқитувчи раҳбарлигига тугарак аъзолари ёрдамида ҳар бир чоракда бир марта чиқарилади. Деворий газета мак-

таб хаётини акс эттириш билан бирга билим учун ва интизом учун курашмоги зарур. Математика газетаси материаллари қизиқарли масалалар, топишмоқлар, «Сонли фокус»лар, бошқотирмалар бўлиши мумкин. Газета тайёр бўлганда уқитувчи болалар дикқатини унинг мазмунига қаратиши керак. Щу максадда газета материалидан синфда, дарсда фойдаланиш мумкин. Бу газетани аҳамиятини яна ҳам оширади. Газетада берилган мисол ва масалаларни биринчи былиб ечган ўкувчиларни рағбатлантириш зарур.

Математика бурчаги

Математика бурчагида ҳар хил асбоблар: геометрик фигуранларни расмлари, модели, синфдан ташқари машғулотлар учун кўргазма куроллар ҳам сақланади.

Математика бурчагини ташкил қилишни дефектология факультети талабалари ёрдамида синф раҳбари амалга оширади.

ІІІ БЎЛИМ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ УСЛУБИЯТИ КУРС

XIV Боб. МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ДАВРИ

Ёрдамчи мактабда математик таълим тайёргарлик машғулотларидан бошланади. Тайёргарлик машғулотларининг зарурлиги 1-синф ўқувчилари таркибининг одатдан ташқари, ўзининг руҳийжисмоний маълумотларига ҳамда ўқишга тайёргарликларига қараб бир хилда эмаслиги билан белгиланади. Биринчи синфга оммавий мактабда маълум вақтгача ўқиган болалар қабул қилинади. Бунинг устига уларнинг оммавий мактабда бўлган муддати бир неча кундан то бир-икки йилгача бўлиши мумкин. Шу билан бирга биринчи синфга оммавий мактабдан ёки маҳсус болалар боғчасидан, даволаш муассасаларидан, оиласардан болалар келадилар.

Табиийки, оила ҳам, шу муассасаларнинг ҳеч бири ҳам ҳамма болаларга бир хилда тайёргарлик бера олмайдилар, уларнинг мақсадлари ҳам ҳар хилдир. Тайёргарлик даврининг вазифалари қўйидагилардан иборат: биринчидан, болаларда бор билимларни аниқлаш, иккинчидан, математика систематик курсини ўрганишга тайёрлаш, учинчидан, умумий ўқув, малака ва кўнникмаларни ҳамда жамоада хулқ-одат коидаларини (ўқитувчи талабларини эшлиш, тўғри тушуниш ва ўз вақтида бажариш, партада тўғри ўтириш, туриш, партадан чиқиш, ўқитувчи топшириклиарни такрорлаш, саволлар бериш, саволларга жавоб бериш ва ҳ.к.) ўзлаштириш. Тайёргарлик даври дарсларида ўқувчилар дафтарларни, турли фанлар бўйича дарсликларни фарқлашга ўрганадилар, математика дафтари ва дарслигининг айrim белгилари орқали таниш дидактик материаллар билан ишлаш, рақамларни ёзишга тайёргарлик машқларини бажаришга ўрганадилар ва ҳ.к.

Ўқувчиларнинг тайёргарликларига боғлиқ равишда тайёргарлик даври бир ойдан икки ойгача, яъни бутун биринчи чораккача чўзилиши мумкин.

Ўқитувчи болаларнинг тайёргарликларини факат уларнинг кужжатларини, математика дафтарини (агар у мактабда ўқиган

бўлса), ҳар бир боланинг расм дафтарини машғулотларнинг бошланишига қадар диққат билан ўрганибгина қолмай, балки биринчи кундан бошлаб унинг билим савиясини ҳам пухта аниқлаши керак.

Математикадан болаларнинг билим савиясини ўрганиш учун дарслекнинг биринчи бетидаги дидактик материалдан, теварак-атрофдаги нарсалардан, расмлар, ўйинчоқлар ва ҳ.к. дан фойдаланилади.

Амалайи характерга эга бўлган вазифалар бериш йўли билан ўқувчиларнинг фазовий тасаввурлари аниқланади («қаламни ўнг қўлингга ол», «дафтарни чап қўлинг билан ушлаб тур», «досканинг тепасини (пастини) кўрсат», «Рустамнинг ёнига ўтири», «Гулчехра билан Ботирнинг ўтрасига тур» ва ҳ.к.).

Шу фазовий тасаввурлар билан бирга нарсаларнинг белгиларини, миқдорини тавсифловчи тушунчаларни аниқлаш зарур: катта-кичик, кўп-кам, миқдорлари бўйича teng, узун-қиска, узунрок-қискароқ, узунликлари бўйича teng, баланд-паст, баландроқ-пастроқ, баландликлари бўйича teng, кенг-тор, кенгрок-торроқ, кенгликлари бўйича teng ва ҳ.к.

Шундан сўнг ўқитувчи, ўқувчилар санай олиш-олмасликларини, нечагача санай олишларини аниқлайди. Шу билан бирга ўқитувчи ўз диққатини кўйидагиларга қаратади. Ўқувчи ихтиёрий берилган сондан бошлаб санай оладими, йўқми (3 дан 7 гача сана) ва санашда ўқитувчи айтган сонга келганда у тўхтайдими ёки сонлар қаторини оддий тарзда ёдлаб олганлиги туфайли санашни давом эттираверадими.

Ўқувчилар нарсалар грухини ўзаро қандай таққослайдилар (масалан, қайси айланалар кўп, қизилми ёки кўкми?) нарсаларни санаб чиқиб, кейин сонларни таққослайдиларми ёки нарсаларнинг бирбирини остига жойлаштириб, уларнинг миқдорини кўз билан аниқлайдиларми? Ўқувчилар рақамларни танийдиларми, гартиб билан кўрсатилаётган ва сочилиб ётган рақамларнинг номини аита олиш-олмасликлари текширилади, масалан, «Беш рақамини кўрсат», «санаб кўр, бу ерда нечта олма бўлса, тегишли рақамни кўрсат», «бу ерда рақам нечани кўрсатса, шунча қалам кўй».

Геометрик фигуналарни билишларини текшириб кўриш зарур: геометрик фигуналарни нусхасига қараб топиш кўнникмаси (айлана, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак), фигуналарнинг номини айтиш кўнникмаси, ўқитувчи айтган фигурани кўрсатиш, фигурани нусхасига қарамай чизиб бериш.

Үқитувчи 10 ичидә қүшиш ва айришга оид бўлган мисоларни ўқувчилар қай даражада еча олишларини текширади ($3+2=.....$, $5-2=.....$)

Йифинди ва қолдиқни топишга оид бир амалли арифметик масалаларни ечиш кўникмаси текцирилади.

Боланинг майдага мускул ҳаракатларини қанчалик ривожланмаганигини аниқлаш айниқса муҳимдир. Ақли заиф боланинг майдага мускул ҳаракатларини ривожланмаганилиги ёзиш, дидактик материал билан ишлашда қийинчилик туғдиради.

Ҳар бир ўқувчининг синфга математикадан қандай тайёргарлик билан келганини, уларнинг арифметик билимларини, кўникма ва ма-лакаларини, нутқини, майдага мускул ҳаракатларини текшириб кўриш ўқитишининг дастлабки босқичида, синфда фронтал ишни тўгри ташкил қилишда ҳар бир ўқувчининг шахсий хусусиятини ҳисобга олиш имконини беради. Ишни бундай режалаштириш – ўқитувчига, ўқувчиларга табақалаштирилган муносабатда бўлиш имкониятини яратади.

Ёрдамчи мактабнинг 1-синфида таълим олишга етарли тайёргарлиги бўлган ўқувчиларни (билиш фаолияти учнчалик нуқсонга эга бўлмаганлар) илгарилатиш ва анча тез ривожлантириш учун имконият яратилади. Ўқишга етарли тайёргарлиги бўлмаган болаларнинг ва ақли заиф болаларнинг оғир даражаси ҳам уларнинг билим даражасига мумкин қадар етказиш имкониятини беради.

Ёрдамчи мактабда математика ўқитишининг таълимий ва тарбиявий вази ғаларини ҳал қилиш кўп жиҳатдан, ақли заиф болаларнинг бу курси ўрганишга тайёргарлик даражасига ақли заиф болалар боғча тарининг тайёрлов гурухлари дастурида ва ёрдамчи мактабларнинг биринчи синфларида тайёрлов даври дастурида назарда тутилган ривожлантирувчи характердаги масалаларни ҳал қилиш даражасига боғлиқ ва кўп жиҳатдан шулар билан аниқланади.

Катта кичик ва узун қисқа тушунчаларини ривожлантириш

И.Г.Радишевани текширишлари шуни кўрсатадики, ақли заиф болаларга катта-кичик, йўғон-ингичка тушунчалари кўпроқ таниш ва тушунарли бўлиб, узун-қисқа, кенг-тор ва ҳ.к. тушунчалар улар учун анча қийин экан. Балки ёрдамчи мактабда ишни дастлаб катта-кичик, йўғон-ингичка тушунчаларидан ва тасаввурларни аниқлаш ва вужуд-

га келтиришдан бошлаб, кейин нарсаларнинг бошқа белгилариға ўтиш керакдир.

Нарсаларнинг катта-кичиклиги ҳакида тушунча ва тасаввурларни шакллантириш кўргазмали қўлланмалар, дидактик материални ҳамда боланинг теварак-атрофидаги нарсалар билан у кунда дуч келадиган вазиятни пухта ажратишни талаб қиласди.

У ёки бу тушунчаларни шакллантириш устидаги биринчи дарслар учун дидактик материаллар, нарсалар улар бир-биридан фақат битта белгиси билан фарқ қиласди қилиб танланиши лозим. Масалан: нарсаларнинг узунлик белгисини шакллантиришда лента, қоғоз тасмалари ва ҳ.к. ни шундай танлаш керакки улар фақат узунлиги билан фарқланиб, бошқа ҳамма белгилари (эни, материали, ранги) бир хилда бўлиши керак. Кўргазма материални бундай танлаш муҳим белгилар билан муҳим бўлмаган белгиларни аралаشتирмасликнинг олдини олади. Кейинги дарслар учун бир-биридан иккита, сўнг учта белгилари билан фарқланадиган нарсалар танланади. Масалан, битта лента узун ва энсизорқ, бошқа лента эса қисқа ва энлирок.

Нарсаларни бундай танлаш ўқувчилар олдига анча қийин масалани, яъни бир қанча белгилардан ўқитувчи талаб қилганини ажратишни талаб қиласди.

Ўқувчиларни нарсаларни ёнма-ён ёки бир-бирининг устига қўйиб таққослашга ўргатиш жуда муҳим. Бошида ўқувчилар турли узунлика эга бўлган иккита лентани оладилар. Ўқитувчи бир лентанинг устига иккincinnisinи қўйиб, уларнинг учларини бирлаштиришни сўрайди. Ўқитувчини ўзи буни ўқувчиларга кўрсатади. Ҳамма ўқувчилар олдин кузатиб, ўзлари нарсалар билан иш бажарадилар. Бундай ишлар бир неча бор тақрорланганидан сўнг ўқувчилар қайси лента узунроқ, қайсинаси қисқароқ эканлигини аниқлаб, хулоса чиқарадилар. Масалан, ўқувчилар шундай дейишиади: «қизил лента оқ лентага қараганда узунроқ, оқ лента қизил лентага қараганда қисқароқ». Шундан сўнг ўқувчилар нарсаларнинг узунлигини тасаввурлари бўйича таққослайдилар. Масалан, улар ромнинг энини деворнинг узунлиги билан таққослайдилар.

Фазовий тасаввурларни ривожлантириш

Ақли заиф бола мактабга биринчи синфга келганда у кўпинча ўз тана аъзоларининг айримларини билмайди, кўкраги, елкаси, ўнг қўли, чап қўлини аниқ тасаввур қила олмайди.

Ақли заиф болаларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш иш системаси қуидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- 1) «Ўзи устида мўлжал олиш ўз тана аъзоларини ўзлаштириш: бош-тепеда, оёклар пастда, ўнг оёқ, чап оёқ, ўнг қулоқ, чап қулоқ»;
- 2) кўлларини олдига, орқага, ўнгта чапга, тепага, пастга чўзиш, шу йўналишларда ҳаракат қилиш кўникмаси;
- 3) ўз ҳолатига нисбатан предметларни фазода қандай жойлашганлигини аниқлаш (олдида, орқасида, ўнгда, чапда, тепада, пастда) яъни берилган буюм қаерда турибди? Саволига жавоб бериш кўникмаси;
- 4) болаларда кўрсатилган йўналишда (олдинга, орқага, ўнгга, чапга) ҳаракат қилиш малакасини тарбиялаш
- 5) буюмларни ўқувчидан узоқ, яқинда жойлашганлигини (узоқда – узоқроқ, яқинда – яқинроқ) аниқлаш.
- 6) қофоз вараги устида буюрилган йўналишда мўлжал олиш (масалан, қофоз варагининг тепасига, пастига, ўнг томонига, чап томонига нукта кўй).

Ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш учун маҳсус дарслар ажратиш керак эмас, балки 1-синфдаги ҳамма ўқув ва тарбиявий ишлар системаси болаларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак: математика, ритмика, ашула, қўл меҳнати дарсларида, ўйинларда, ўқитувчи ва тарбиячи билан сухбатлашишда, ҳар бир амалий ҳарактерга эга бўлган вазифаларни бажаришда: узоқ-яқин, баланд-паст, олди-орқаси, ёни, ўртаси, ўнг-чап тушунчалари аниқланади.

Машғулотнинг биринчи кунидан бошлаб, яъни ўқувчиларни парталарга ўтказишида ўқитувчи улар билан фазовий тасаввурларни аниқлаш имконини берадиган сухбат уюшибиди.

Фазовий тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида доскага биттаккита болани чиқариб саволлар берилади. Сен қаерда ўтирибсан? «Ўнг ёнингда ким ўтиради? Чап ёнингда ким ўтиради?». «Олдида туриш», «Орасида туриш», «Орқасида келиши» каби тартиб муносабатлари ушбу саволлар ёрдамида мустаҳкамланади. «Бу қаторда ким биринчи бўлиб турибди? Ундан кейин ким келяпти? Ким учинчи (тўртинчи) бўлиб келяпти? Баҳодир билан Равшаннинг орасида ким турибди? Баҳодирдан олдинда ким турибди? Баҳодирдан кейин ким турибди?

Сухбат тахминан қуидагича ўтказилиши мумкин: «Болалар, ҳаммангиз синфда ўз жойингизни, қайси партада ўтиришингизни эс-

лаб қолинг. Ким ўқитувчи столига яқин ўтирибди? Ким ўқитувчи столидан узок ўтирибди? Баҳодир кўрсатчи, сенинг олдингда ким ўтирибди? Орқангда ким ўтирибди?» Сўнг ўқитувчи биринчи навбатда қайси фазовий тасаввурларни аниқлаши ва вужудга келтиришини аниқлайди. Масалан, ўнгда-чапда тушунчасини шакллантиришда, олдин ўқитувчи ўқувчилар ўнг қўллари қайси, чап қўллари қайсилигини биладиларми, йўқми шуни аниқлайди, ўнг қўллари, чап қўллари билан улар кунда нима қилишади. Кейин ўнг ва чап қўлларини кўрсатишларини сўрайди. Болани узоқ муддат битта ҳолатда туриб қолиши билан боғлиқ бўлган зўриқиши тушуниш учун ўқитувчи ҳар бир дарсда унча катта бўлмаган жисмоний машқлар ўтказади. Бу машқлардан ўз гавда аъзоларининг фазода жойлашган томонларининг номларини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи болаларни аста-секин ўз гавдаларини бошқаришга ўргатади, улар ўнг ва чап оёқлари билан қадам босадилар, ўнг ва чап оёқларини кўтаришади, ўнг қўлларини ўнг биқинига, чап қўлларини чап биқинига қўядилар ва х.к.

Ўқувчиларни дафтарда ориентация қилишга ўргатиш жуда муҳим, дафтарнинг ўнг, чап томони, ўнг, чап чеккаси, дафтар бетининг тепаси, пасти, ўртаси, дафтар бетининг бурчаклари: устки ва пастки бурчаги, ўнг ва чап бурчаги.

Ҳаётий вазиятларни яратиш, маҳсус ўйинлар, нарсаларнинг фазода жойлаштиришга қаратилган фаолиятлари, жисмоний тарбия, қўл меҳнати машғулотлари ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини ўстириш ва камолотга етказишга ёрдам беради.

Микдорий тасаввурлар ва тушунчаларни ривожлантириш

Маълумки ёрдамчи мактабнинг 1-синфига келган кўпчилик ўқувчиларнинг микдорий тасаввурлари мукаммал бўлмайди. Кўпчилик ўқувчилар тўпламнинг микдорини аниқлашда бу тўплам элементларининг сонига қараб баҳоламай, балки уларнинг фазода тутган ўрнига қараб баҳолайдилар. Масалан, агар ўқувчиларга 5-6 та катта шарлар ва 8-10 та кичик шарларни кўрсатиб шарлар қаерда кўп, қаерда кам деган савол қўйилса – улар, қаерда катта шарлар бўлса у ерда шарлар кўп, қаерда кичик шарлар бўлса, у ерда шарлар кам деб кўрсатадилар.

Үқувчилар түпламларни таққослашни билмайдилар, түпламлар элементлари ўртасидаги ўзаро бир қийматли мосликни аниклаш усулларига эга бўлмайдилар.

Одатда, ўзларини нутқларида, бир неча – озгина сўзларидан фойдаланмайдилар. Бу сўзларнинг қўлланиши жиҳатдан аниқ чегараси йўқ, шу сабабли болалар учун қийиндир.

Үқувчиларни сон, саноқ тушунчаларининг шаклланишига тайёрлашда, ўқувчилар билан нарсалар түпламлари устида ишлаш ишлари олиб борилади.

Кўргазмали воситаси сифатида нарсали қўлланмалар хизмат қиласди: ўқув қуроллари, мевалар, сабзвотлар, ўйинчоқлар, табиий материал, нарсаларнинг нусха кўринишидаги тасвири расмлари, жадваллар, сонли фигуralар, ўйин наборлари, расмли лото, домино ва ҳ.к. Ўқитувчи ўйин, экспурсия вақтида ўқувчилар нутқига микдорий баҳолашни: кўп, оз, озгина, бир нечта, битта кабиларни киритишга ҳаракат қиласди. Масалан, боққа сайр қилиш вақтида ўқувчилар кузги сариқ баргларни йиғишидаи. Ўқитувчи ўқувчиларни рағбатлантиради: «Баҳодир кўп барг йиғди, Раъно ҳам кўп барг йиғди. Баракалла, болалар! Менда барглар озгина. Менда барглар қанча? (озгина). Қани мен билан бўлишинг, ҳар бирингиз менга биттадан барг беринг. Энди менда барглар кўп бўлди. Энди менда барглар қанча? (кўп). «Бошида қанча эди?» (оз).

Ўқитувчи нарсалар йиғиндинисининг микдорини баҳолашни кўп, оз, озгина, бир нечта, битта кабиларни тўғри қўллашга болаларни ўргатади.

Ақли заиф ўқувчиларнинг микдорий тасаввурларини ривожлантиришда, фақат кўриш эмас, балки эшитиш ва сезиш анализаторларига ҳам таяниш зарур. Шу мақсадда ўқувчилар билан ўйинчоқ, мусиқа асбоблари чиқарган товушини, битта нарсани бошқасига секин-аста уришдан ҳосил бўлган товушлар микдорини эшитиш орқали аниқлашга имкон берадиган дидактик ўйинлар ўюштириш лозим.

Мускулий сезишни ривожлантириш ўйинларини ўтказиш зарур: «Ўнг қўлинг билан халтачадан кўп кубиклар ол, чап қўлинг билан кам кубиклар ол», ёки «қани топчи, қайси қўлингга кўп, қайсинисига кам ёнғоқлар соламан» (Ўқитувчи ўқувчининг орқасида туриб унинг кафтига ёнғоқлар солади).

Ўқувчиларнинг диққатини, агар тўплам (нарсалар) элементларидан маълум қисмини айирганда (олинганда) улар камайишига, қўшилганда эса кўпайишига қаратиш керак. Масалан, иккита саноқ

чўпига яна бешта-олтига чўп кўшилди. «Чўплар озгина эди, яна чўплар кўшдик» – дейди ўқитувчи. Чўплар қанча бўлди? Ўқувчилар «чўплар кўп бўлди», деб жавоб бердилар.

«Ортиқ», «кам», «тeng» («ўшанча») муносабатларини шакллантириш учун нарсаларнинг икки гурухини (катта кублар ва кичик кублар, катта доирачалар ва кичик доирачалар, қизил квадратчалар ва кўк квадратчаларни) таққослашга оид жуда кўп машқлар ўтказиш керак. Бу ҳолда нарсалар гурухларнинг қайси бирида кўп (кам) ёки улар (гурухлардаги нарсалар) teng эканини аниқлашага доир топшириклар жуда муҳимдир. Болалар нарсалар таққосланаётган тўпламнинг бирида ортиқ дейилганда бу иккинчи гурухда нарсалар кам эканини англатишини тушунишлари муҳимдир. Бу тушунчаларни мустаҳкамлаш учун «ортиқ», «кам» муносабатлари бир-бирига боғланган ҳолда қараладиган топширикларни бажариш керак (агар қизил кубчалар кам бўлса, у ҳолда яшил кубчалар қизил кубчалардан ортиқ).

Нарсаларнинг берилган тўплами саноғини биттадан мос келтириш усули билан таққослаш керак. (Катта кублар сонини кичик кублар сони билан таққослаш керак, яъни топшириқни ҳар бир катта куб устига биттадан кичик куб кўйиш билан бажариш керак, агар катта куб жуфтсиз қолса, у ҳолда катта кублар кўп бўлади). Нарсаларнинг икки тўплами саноғини таққослашни санашиб билан ҳам боғлаш зарур. (Олдин қизил доирачалар нечталигини, кўк доирачалар нечталигини санашиб, шундан кейин таққослаб, қайси доирачалар ортиқ, қайси доирачалар кам эканини аниқлаш керак).

Саноқдан нарсаларнинг teng гурухларини таққослашда фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Иккита тўпламни уларни хосил қилган элементларининг сони бўйича таққослаш ва тенглаштириш, «ортиқ» («катта»), «кам» («кичик»), «тeng» («ўшанча») тушунчаларни тўғри таркиб топтириш учун болаларни таққосланаётган гурухлардан биридаги нарсалар иккинчи сидагидан нечта ортиқ (кам) эканини аниқлашга ва иккала гурухдаги нарсалар сонини қандай қилиб тенглаштириш мумкинлигини аниқлашга ўргатиш зарур. Бу амалий жиҳатдан қўйидагича бажарилиши мумкин: ўқитувчи катакли тахтачага бир қатор қилиб олмаларни (3 та) териб қўяди, иккинчи қаторга эса нокларни (2 та) териб қўяди.

Дастлаб «биттага-битта» қилиб мос келтириш мумкин, бунда олмалар ортиқ экани аниқланади. «Ноклар нечта бўлса, олмалар шунча бўлиши учун нима қилиш керак?» (Битта олмани олиш керак) «Олма-

лар ва ноклар сони тенг бўлиши учун яна нима қилиш мумкин?» (Битта нок қўшиш мумкин). Шундай қилиб, иккита тенг эмас тўпламларни тенглаш учун икки усул мавжуд: ортиқча нарсани олиш ёки кам гурухга таққослананаётган гурухларнинг иккинчисида нечта ортиқ бўлса, шунча нарса қўшиш керак.

Тайёргарлик даврида математика ўқитишни ташкил қилиш

Пропедевтик даврда дарслар математикага қизиқиш уйғотадиган қилиб ташкил қилиниши керак. Шунинг учун машғулотларни уюштириш шакли бир хилда бўлмаслиги керак. Шу даврда экскурсиялар ўтказиш маъқул бўлади. Бу вақтда ўқувчиларга нарсаларнинг миқдори, фазода жойлашиши, шакли ва ҳ.к. ларга қараб таққослашга оид кенг шароит яратилиши керак. Экскурсиялар мактаб устахонасига, мактаб майдонига, бокқа ва ҳ.к.ларга уюштирилади. Дарсда шундай ҳаётий вазиятлар тутдириш керакки, унда ўқувчилар фазода тўғри йўналиш олиш, нарсаларни миқдорларига қараб аниқлаш кўникмаларини кўрсата олсинлар.

Дарсларни ташкил қилишда математика ўқитишнинг турмуш билан узвий bogлиқлигини эсда тутиш зарур. Дарсга танлананаётган материал, бола учун амалий-ҳаётий аҳамиятга эга бўлиши керак. Ўқувчи дарсда ўзлаштираётган билимлар ўйин ва амалий фаолиятда, кундаклик турмушда зарурлигини тушуниши керак. Бу даврда математика дарслари етарли даражада кўргазма қуроллар ва дидактик материаллар билан ёритилган бўлиши керак.

Тайёргарлик даврининг математика дарсларида ўқитувчи сухбат, экскусиya, кузатиш, таққослаш усуллари билан бир қаторда, қаламда айлантириб чиқиб елимлаш, пластилиндан берилган миқдорда шарчалар, кубиклар ва бошқа нарсаларни ясаш каби амалий ишларни ва дидактик, ҳаракатли ўйинларни кенг қўллайди.

Тайёргарлик даврида ўқув машғулотларини ташкил этишда билимларни ўзлаштириш даражаси турлича бўлган ўқувчиларнинг умумий ривожланиш учун якка тартибда ва табакалаштириб ёндошишни амалга ошириш, ҳар бир дарсда ўқувчиларни мустақил ишлашларини ташкил этишда бутун синф жамоаси билан ўқитувчининг фронтал ишини асосий принципи бўлиши керак.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг тез чарчашларини, уларнинг дикқати ва қобилиятини 45 минут муддатида ушлаб туриш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, мактаб тарбия кенгашининг қарори билан

тайёргарлик даврида дарс 30-35 минутгача қисқартирилиши мумкин. Дарсдан қолган 10-15 минутта ўқитувчи ўқувчилар билан уларнинг микдорий, фазовий ва вакт тасаввурларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракатли ўйинлар ташкил қиласди.

Ўқитувчи ўқувчиларни математика дафтари билан таниширади. Математика дафтари бошқа дафтарлардан нимаси билан фарқ-қилишини кўрсатади. («Бу дафтар катакдан иборат»). Бу дафтар билан қандай муомалада бўлишни тушунтиради, дафтарни қандай эҳтиёт қилиш малакаси шакллантиради.

Болалар дафтарлар дарсликда берилган намуналар бўйича рақамларни ёзишга тайёрловчи расмларни, машқларни бажарадилар.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг математика таълимига тайёрлашда тайёргарлик даврининг зарурлиги нима билан боғлиқ?
2. Математика ўқитища тайёргарлик даврининг асосий вазифалари нимадан иборат?
3. Ёрдамчи мактабнинг 1-синф ўқувчиларида сонларни ўрганишга қадар қандай тасаввурларни таркиб топтириш зарур?
4. Математика дарслиги ва дастурдан фойдаланиб, «Узун-қиска, узунроқ-қискарек, тенг» мавзулари бўйича дарслар системасини режалаштиринг.
5. Юқорида келтирилган «ўқувчиларнинг билимларини аниқлашга бағишлиланган мавзулар» бўйича ёрдамчи мактабнинг 1-синфига қабул қилинган ўқувчиларнинг математикадан билимлари ҳолатини ўрганишни ўтказинг.

XV боб. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ОҒЗАКИ ҲИСОБ

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларнинг оғзаки ҳисоблаш кўникмаларини ривожлантириш барча тўққиз йиллик таълим бўйича ўқув дастурида назарда тутилади. Бироқ оғзаки ҳисоблашни ривожлантиришига оид асосий иш дастлабки I-IV синфларда ўтказилиш зарур.

Оғзаки ҳисоб асосий математик тушунчаларни шакллантиришига сонларни қўшилувчилардан, кўпайтувчилардан иборат таркиби билан чуқурроқ танишишга, арифметик амалларнинг қонунларини, амалларнинг ташкил этувчилари орасидаги боғланишларни ўрганишга ёрдам беради. Оғзаки ҳисоб ақли заиф болалар хотирасини, фаоллигини, чаққонлигини, сезгирилигини, зийраклигини, кузатувчалигини ва фикрлашда мустақиллигини ривожлантиради. Оғзаки ҳисоб ёрдамчи мактабнинг таълимий, тарбиявий ва маҳсус коррекцион вазифаларини ечишда хам катта аҳамиятга эга.

Оғзаки ҳисоблашнинг амалий аҳамияти шундаки, ҳаётда, айниқса амалларни ёзма бажариш имкони бўлмаган ҳолларда, масалан, харид қилаётганда ва ҳоказо ҳолларда тўғри ва тез ҳисоблаш зарур бўлади. Оғзаки ҳисоб машқлари математика дарсларини жонлантиради ва уларни ўқувчилар учун кизиқарли қиласди.

Оғзаки ҳисоб машғулотларида тарбияланадиган бундай хусусиятларни амалга ошириш учун ўқитувчи бу машғулотларнинг методикасини тўла эгаллаган бўлиши, уларни системали равищада ўтказишида ақли заиф болаларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олиши керак.

Оғзаки ҳисоб шакллари турли тумандир:

Оғзаки ҳисоб машқларини бошлишдан олдин ўқитувчи ҳар бир ўқувчига “занжирли мисолларга” оид жадваллар тарқатиши мумкин ва мисолларни дикқат билан кўздан кечириб жавобларини ўйлаб топишни таклиф қиласди.

II синф

$$\begin{array}{l} 8 - 5 = \\ + 3 = \\ - 2 = \\ + 4 = 8 \end{array}$$

II синф

$$\begin{array}{l} 9 + 1 = \\ 10 - 4 = \\ + 2 = \\ - 3 = 5 \end{array}$$

II синф

$$\begin{array}{l} 15 + 2 = \\ - 7 = \\ + 5 = \\ - 10 = 5 \end{array}$$

III синф

$$\begin{array}{l} 9 + 2 = \\ - 3 = \\ + 2 = \\ + 5 = 15 \end{array}$$

III синф

$$\begin{array}{l} 8 : 2 = \\ \times 3 = \\ : 4 = \\ \times 3 = 9 \end{array}$$


IV синф

$$\begin{array}{l} 100 - 60 = \\ : 5 = \\ \times 3 = \\ + 26 = 50 \end{array}$$

Оғзаки ҳисоб машғулотларини ўтказиша ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиш учун синф ва индивидуал жадваллар, синф доскасида ёзувлар, тарқатма материаллар бўлиши шарт.

Жим ўйинини ўтказиш учун ўқитувчи синф доскасига квадратлар ёки айланалар чизади ва уни ичига қўшиш, айриш, кўпайтириш ва бўлиш амалларига оид мисоллардан бир нечтасини жойлаштиради. Ўқувчилар уларни оғзаки ечишлари керак.

Жим ўйини (4-синф).



Ўқитувчи синф доскасига қўйидаги сонларни ёзди: а) 50, б) 75, в) 80, г) 100. Сўнгра, ўқувчиларга шундай мурожаат қиласди. Ҳар бир арифметик амалга биттадан тўртта шундай мисоллар тузингки, натижада берилган сонлар ҳосил бўлсин.

Саноқ карталар тўплами билан ишлаш.

2, 3, 4, ... 10 талаб санаш.

IV – синф ўкувчилариға күйидаги вазифалар берилади. Бұш катақларни тұлдиринг.

2				
				20

4				
				40

8				
				80

3		9		15
	21		27	

6		18		30
	42		54	

7			28	
	49		63	70

9			36	
	63			90

5		15		25
	35		45	

10				
				100

Қизықарлы квадратлар (III синф)

Хар бир ўкувчи 9 та катақдан иборат (хар бир қаторда уттадан уч устун) квадрат карточка олади ёки шундай квадратні дафтариға чи-зади. Ўқитувчи эса шундай квадратлардан бирини синф досжасига чи-зиб ўртадаги ва бурчаклардаги катақларга сонлар қўйиб чиқади. Сўнгра ўкувчилардан бұш катақларни қаторлар ва устунлар бўйича 15 гача тўлдиришни таклиф қиласди.

6		2
	5	
8		4

8		4
	5	
6		2

4		8
	5	
2		6

4		2
	5	
8		6

6		8
	5	
2		4

IV синфда ўқувчиларга қуидаги қизиқарлы квадрат тақлиф қилиниши мүмкін:

		11
	9	
7		3

Квадратни бүш катақларини қаторлар, усутунлар ва диагоналлар бүйіча 27 гача тұлдириң.

Оғзаки ҳисоб усуллари

Оғзаки ҳисоб усулларини икki гурухға бўлиш мүмкін:

1) умумий, 2) хусусий. Оғзаки ҳисобнинг умумий усулини кўпчилик ақли заиф ўқувчилар системали равишда ўтказиладиган кундалик машқлар жараёнида эгалладилар.

Оғзаки ҳисобнинг умумий усуллари деб ҳамма сонларга тегишли усулларни айтиш қабул қилинган.

Оғзаки ҳисобнинг хусусий усуллари деб фақат айрим муайян сонларга тегишли усулларга айтилади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари хусусий гурухға киравчы усуллардан фақат айримларинигина ўзлаштиришлари мүмкін, шунинг учун оғзаки ҳисобга ўргатиш жараёнида уларга фақат шу усулларнингина маълум қилиш керак.

Яхлитлаш усули (5 синф)

$$\begin{array}{r} 39 + 46 = \\ \hline 39 + 1 = 40 \\ 40 + 46 = 86 \\ 86 - 1 = 85 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 48 + 27 = \\ \hline 48 + 2 = 50 \\ 50 + 27 = 77 \\ 77 - 2 = 75 \end{array}$$

Масалан, ушбу $27+45+23$ мисолни ечишда ўқувчилар кўшишнинг ўрин алмаштириш қонуидан фойдаланишлари керак. ($27 + 23 + 45$). Бироқ $299+55$ кўринишдаги мисолни ечишда яхлитлаш усулини кўллайдилар. Бундан ташқари, улар берилган кўринишдаги мисолларни мустақил туза олишлари керак.

Оғзаки ҳисобнинг хусусий усуллари билан ўқувчиларни VIII синфда, яъни умумий усулларни қатъий ўзлаштириб олганларидан кейин таништириш мумкин.

5 га кўпайтириш:

$$38 \times 5 = (38 \times 10) = 380 : 2 = 190$$

9 га кўпайтириш

$$34 \times 9 = (34 \times 10) - 34 = 340 - 34 = 306$$

11 га кўпайтириш

$$35 \times 11 = (35 \times 10) + 35 = 350 + 35 = 385$$

99 га кўпайтириш

$$31 \times 99 = (31 \times 100) - 31 = 3100 - 31 = 3069$$

Энди биз ҳар бир синф бўйича оғзаки ҳисобнинг умумий усуллари билан алоҳида танишамиз.

XVI боб. БИРИНЧИ ЎНЛИКНИЙ ЎРГАНИШ УСЛУБИЯТИ

Биринчи ўнлик сонлари ва улар билан амаллар бажариш биринчи ўкув йили давомида ўрганилади.

Биринчи синфга келган ақли заиф болаларда сон, саноқ тушунчаси ва натурал сонлар қаторининг хусусиятлари устида тасаввурларини таркиб толтириш масаласи – жуда мураккабдир.

Ақли заиф ўқувчиларнинг тафаккурларининг конкретлиги, кузати-лаётган ҳодисаларни умумлаштириш малакасининг бўшлиги шунга олиб келадики, бу ўқувчиларда сон ва саноқ тушунчаси жуда секин вужудга келади.

Ёрдамчи мактабнинг биринчи синфига санаашда ниҳоятда турли малака ва кўниммаларга эга бўлган болалар келадилар. Айрим болалар мутлақо санай олмайдилар. Масалан, бир, икки, тўрт, беш, етти, олти, ўн. Улар бир нарсаларни санаашда, айримларини санамай ўтказиб юборадилар ёки уни икки марта санайдилар. Айрим болалар 10 дан юқори ҳам санай оладилар. Булар ҳали болалар онгли равища санайдилар дейишга асос бўла олмайди. Бу болаларнинг кўпчилиги механик равища санайдилар. Масалан, сонларни тартиб билан тўғри айтсалар-да (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10) бироқ шу ўзлари ўзлаштирган сонларнинг номлари микдори устида тасаввурлари йўқ. Агар улардан ўзлари номлаган сонга тенг нарсаларни кўрсатиш талаб қилинса, улар бешнинг номини айтиб, беш ўрнига олтинчи ёки учинчини кўрсатадилар. Бу болалар саноқ натижаси бўлмиши «қанча?» деган саволга жавоб беришда ҳар доим нарсаларни қайта-қайта санай бошлайдилар, бироқ саноқ натижасини айттолмайдилар.

Ўқувчилар санаашда қаердан бошлаб санаашни билмайдилар. Кўпчилик ақли заиф ўқувчилар горизонтал қатордаги нарсаларни факат чапдан ўнгга қараб санааш сўралса, улар уни санамасдан, шунчаки 10 дан 1 гача бўлган ҳамма сонларни беихтиёр талаффуз этадилар.

Ўқувчилар биринчи ўнликдаги ҳар бир сон билан алоҳида танишадилар. Биринчи ўнликдаги ҳар қандай сон устида олиб бориладиган ишнинг ҳар бир босқичини алоҳида кўриб чиқамиз.

Сонни ҳосил қилиш. Бу даврда ўқувчиларни арифметик амалларни ўрганишга тайёрлаш керак. Бунда нарсалар билан кўп машқлар

бажариш, бу машқларни амалда кўрсатиш катта аҳамиятга эга. Амалий иш натижасидагина арифметик амалларни ўрганиш учун асос яратиш мумкин, чунки бунда ўқувчилар сонларни ҳосил қилишнинг турли усуллари билан ва сонларнинг таркиби билан танишадилар. Амалий машқлар системаси, кўргазмалилик, дидактич материаллар – ўқувчиларни зарур умумлаштиришга олиб келувчи асосий омилдир.

Масалан, 4 сонинининг ҳосил бўлишини кўриб чиқамиз. Ўқитувчи учта элементдан иборат бўлган нарсалар тўпламини санаб чиқишини таклиф қиласди. Ўқитувчи учта баргни кўрсатиб: «Бу ерда сариқ барглар нечта?», деб сўрайди. Ўқувчилар санаб чиқиб, «бу ерда барглар 3 та», деб жавоб беради. «Дараҳтдан яна битта қизил барг тушди, – санаб кўрамиз ҳаммаси бўлиб барглар нечта бўлади?» «Сариқ барглар нечта эди?» «Нечта қизил барг тушди?» «Барглар нечта бўлади?».

Шундан сўнг ўқувчиларнинг ўзлари умумлаштирадилар. 4 сони 3 га 1 ни қўшиш орқали ҳосил бўлади. 1-синф ўқувчиларининг ҳаммаси бўлмасада, айримлари ана шундай хulosани қила олишади. Кейин ўқитувчи агар тўртта баргдан битта барг «учиб кетса», 3 барг қолишини кўрсатди. Ўқувчилар 3 сонининг янги усул билан ҳосил қилинишига ишонч ҳосил қиласди.

5 сони ўрганилаётганда ўқитувчи 4 сонини ҳосил қилишнинг иккинчи усули билан таништиради.

Партага тўртта кўк доирача қўйинг, уларга 1 та қизил доирачани яқинлаштиринг. Доирачалар қанча бўлди? 5 сонини қандай ҳосил қилдик? Энди 5 та доирачалардан 1 та доирачани олинг. Доирачалар нечта қолди? 4 сонини қандай ҳосил қилдик?

1-синфнинг охирида ўқувчилар биринчи ўнликнинг ҳар бир сони ўзидан олдинги сонга бирни қўшиш билан ва ўзидан кейинги сондан бирни айриб ҳосил қилишини билиши керак.

Сонни рақам билан белгилаш ва рақамни ёзиш.

Сонни ҳосил қилиш таништирилгандан сўнг, ўқитувчи бу сонни ҳам босма, ҳам қўлёзма рақам билан белгилашга ўқувчиларни ўргатади. Рақамни ёзишга ўргатиш бу жуда мураккаб жараёндир. Рақам дикқат билан кузатилиб унинг элементлари ажратилгандан сўнг болаларни рақамни ёзишга ўргатиш керак.

Болаларни рақамнинг ёзилиши билан таништириш ҳамда уйда ва синфда тегишли ишлар ўтказиш услубияти қўйидагича:

1. Рақамнинг қўлёзма нусхаси кўрсатилади.

2. Ўқитувчи доскада рақамнинг ёзилиши намунасини (қаердан бошлаш, қаерда тугатишни) тушунтириб беради.

3. Ҳамма ўқувчилар биринчи босқичда ўқитувчи ёзіб күрсатған рақамлар устидан бармоқ ёки күрсаткыч таёқча билан юргизишиади.

4. Ҳавода рақамни ёзиш.

5. Болаларнинг ўтиришларини, дафтарнинг ва ручканинг түғри ҳолатини текширади.

6. Бир неча ўқувчилар рақамларни ҳавода ёзадилар.

7. Ўқувчилар олдиндан ёзилиш намунаси берилгандан сатрдан бошлаб ёзишиади.

8. Олдин 2-3 та рақамгина ёзилади, ўқитувчи бу рақамларнинг ёзилишини текширгандан кейин яна 3-5 та рақам ёзишга рухсат беради.

9. Рақамларни ёзишга оид малака ҳосил қилиш бүйича иш бутун ўқув йили давомида ўтказилади, иш якка тартибли мақомига эга бўлади. Ўқитувчи ҳар гал дафтарларни текширас экан, рақамларнинг ёзилишига маҳсус эътибор беради, агар бунда у бирор ўқувчи қийналётганлигини кўрса, яна шу ўқувчи дафтарига рақамнинг ёзилиш намунасини ёзисб, кўрсатиб беради.

Агар ўқувчининг моторикаси бузилган бўлса, қўл бармоқларининг майда ҳаракати қийинлашган бўлса, унда улар рақамни битта катақка ёза олмайдилар. Бундай ўқувчиларга рақамни иккита катақка сиғдириб ёзишга ва ундан ҳам катта ёзишга рухсат берилади.

Соннинг натурал қатордаги ўрни.

Соннинг натурал қатордаги ўрнига оид масалани ҳал қилиш учун энг олдин биринчи ўнлик сонларнинг кетма-кетлигини ўзлаштиришга эришмоқ керак, биринчи ўнликда сонлар кетма-кетлигини түғри ва тескари йўналишда исталган сондан бошлаб айта олиш малакасини ҳосил қилиш зарур.

Болалар натурал сонлар қаторида ўнта соннинг ҳар бири қайси ўринни эгаллашини, саноқда у қайси сондан кейин келишини, саноқда у қайси сондан олдин келишини, қайси сонлар орасида бўлишини, қайси сон саноқда берилгандан сондан олдин учрашини ва қайси сон саноқда берилгандан сондан кейин келишини ўзлаштириб олишлари керак.

Бунда қуйидаги машқлар мақбулдир.

– Саноқда 3 (5...) сонидан кейин келадиган сонни айтинг.

– Қаторда 3 ва 5 сонлари орасида турадиган сонни ёзинг.

Масалан, 4 рақами 3 рақамидан кейин келади, чунки саноқда 4 сони 3 сонидан кейин келади. Ўқувчилар 4 сони 3 сонидан кейин ва 5 сонидан олдин келишини билишлари керак. 3 сонини «ён кўшнилари» – 2 ва 4. 4 сони 3 ва 5 сонлари орасида туради.

Тұғри ва тескари тартибда санаш. Үқувчиларни берилған сонида санашга үргатиши бу сонни ҳосил килиш билан таништирилгандан кейин бошланади.

Саноқ малакаларини шакллантиришда сонларнинг кетма-кетлигини тұғри айтишни алохидა ҳисобға олишга, нарсаларни санаңда саноқ натижасига сонларни тұғри мөс қўйишгә, саноқ натижаси санаалаётган гурухда нечта нарса бор деган саволга жавоб беришини алохидა ҳисобға олиш керак.

Нарсаларни санашга оид машқлар сонларни бир, икки, уч, түрт ... деб товуш чиқарып санаңдан иборат бўлмаслиги керак, бу жараённинг объектларни санаш жараёни билан боялаш лозим.

Ақли заиф боланинг санаш жараёни такомиллашмаган. Уни санаңга үргатиши керак:

- 1) нарсаларни битталаб қўшиб санаш ва ажратиб санаш;
- 2) нарсаларга бармоғини теккизиб санаш;
- 3) кўз билан санаш ва бу санашни сонларнинг номларини кетмакет айтиш билан кузатиб бориш;
- 4) ичида санаш ва кейин натижасини айтиш.

Болаларни санашга үргатища шунга эътибор бериш керакки, санаш учун қўйилған нарсалар бир хилда жойлашиши керак эмас. Масалан, ҳар доим қатор қилиб жойлаштирилған нарсалар берилмайди. Ҳаётда нарсалар бутунлай қотиб қолган шаклда бўлмайди. Үқувчиларнинг нарсаларни горизонтал, вертикал, оғма қаторини санашга үргатиши керак. Шундай қилиб, санаш чапдан ўнгга, ўнгдан чапга, тепадан пастга, пастдан тепага қараб олиб борилади. Дастрлаб ўқувчилар битталаб қўшиб санашга, кейин иккиталаб (жуфтлаб), бешталаб, (масалан, тугмалар бешлиги) учталаб, тўртталаб санашга ўрганадилар.

Тескари тартибда санаш ўқувчилар учун анча қийин, шунинг учун у бошида тайин, ўқувчилар кўлларига олса бўладиган нарсаларни санаш билан боғланган бўлиши керак. Масалан: «Қаламларни санаймиз». Ўқувчи санаб чиқади: «Ҳамма қаламлар 5 та. Битта қаламни кутичага соламиз. 4 та қалам қолди. Яна битта қаламни соламиз. 3 та қалам қолди» ва ҳ.к. Сўнг чўтда тескари тартибда санаш машқ қилинади ва ниҳоят абстракт санаш машқ қилинади.

Ўқувчиларни берилған сондан бошлаб санашга ва берилған сонгача санашга үргатиши лозим: «3 дан бошлаб сана», «4 дан 8 гача сана», «10 дан 5 гача сана» ва ҳ.к.

Нарсалар йигиндисини таққослаш. Сонларни таққослаш. Ўқитувчи биринчи ўнлиқдаги сонларни ўрганиш давомида ўқувчиларни фақат берилган сонни натурал сонлар категоридаги ўрни билан эмас, балки бу сонни ёнма-ён турган сонлар ҳамда бошқа сонлар билан таққослашга ўргатади.

«Ортиқ», «кам», «тeng» муносабатларини шакллантириш учун нарсаларнинг икки гурухини (кatta доирачалар ва кичик доирачалар, қизил доирачалар ва кўк квадратчаларни) таққослашга оид жуда кўп машқлар ўтказиш керак. Бу ҳолда нарсалар, гурухларнинг қайси бирида кўп (кам) ёки улар teng эканини аниқлашга доир топшириклар жуда муҳимdir.

Нарсаларнинг берилган тўплами саноғини биттадан мос келтириш усули биттадан таққослаш керак.

Нарсаларнинг teng гурухларини таққослашдан саноқдан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

«Ортиқ», «кам», «тeng» тушунчаларини тўғри таркиб топтириш учун болаларни таққослаётган гурухлардаги нарсаларнинг бири иккинчисидан нечта ортиқ (кам) эканини аниқлашга ва иккала гурухдаги нарсаларнинг сонини қандай қилиб tengлаштириш мумкинлигини аниқлашга ўргатиш зарур.

Иккита tengmas тўпламни tengлаш учун икки усул мавжуд: ортиқча нарсани олиш ёки таққослананаётган гурухларнинг камига иккинчисида нечта ортиқ бўлса, шунча нарса қўшиш керак.

Бу ишларнинг ҳаммаси тарқатма дидактик материаллар билан амалий ишлар бажариш асосида ҳамда шахсий катакли тахтачадан фойдаланилган ҳолда ўтказилиши керак.

Масалан, 2 сонини ўрганишдан бошлабоқ ўқитувчи 2 нинг 1 дан катталигини ўқувчиларга кўрсатади. Бу таққослаш олдин нарсалар тўпламларида кўрилади: устки қаторда битта айлана, пастдагида эса-иккита айлана. Айланалар қаерда кўп? Қаерда кам? Нега? Қайси қаторда ортиқча айлана? Қайси қаторда айланалар етмайди? Битта айлана ёнига қайси рақамни қўямиз? Иккита айланалар ёнига қайси рақамни қўямиз? Қайси сон катта: 2 ми ёки 1? Қайси сон кичик: 2 ми ёки 1? Нима учун 2 катта 1 дан?

Шундан сўнг ўқитувчи иккала қатордаги (устки ва пастки) айланаларни tengлаштиришни сўрайди. Устки қатордаги айланани пастки қатордаги айланалар билан tengлаш учун нима қилиш керак? (устки қаторга битта айлана қўшиш керак). Пастки қатордаги айланаларни

устки қатордаги айланага тенглаш учун нима қилиш керак? (Битта ортиқча айланани олиб ташлаш керак).

Шундан сүнг ўқувчилар сонларни таққослайдилар:

«Қайси сон катта: 5 ми ёки 6? 6 сони 5 дан нечта бирлик ортиқ? 5 сони 6 дан нечта бирлик кам? Сонларни тенглаштириш учун нима қилиш керак?» ва ҳ.к.

Биринчи ўнликни ўрганиш 10 сони билан тугалланади.

10 сони олдинги ўрганилган сонлардан фарқ қиласы. 10 сони битта эмас, балки иккита рақам: 1 ва 0 билан белгиланади. Шу ўринда ўқувчиларга бир хонали ва икки хонали сон атамаларини бериш ўринли бўлади.

Бир хонали сонлар битта рақам (1 та белги) билан ёзилади (масалан, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9). Икки хонали сонлар иккита рақам (бир хил ёки ҳар хил) билан ёзилади (масалан 10)

Болалар сочилган саноқ чўплар ва 1 боғ чўпдан фойдаланиб, 10 та бирликни 1 та ўнликка бирлаштириши ўрганадилар, 10 та бир сўмликни 1 та ўн сўмлик тангага алмаштирадилар.

10 ичидаги кўшиш ва айришга ўргатиш.

Арифметик амаллар билан ўқувчилар 2 сонини ўрганишлари биланоқ танишадилар. Биринчи ўнликдаги ҳар бир сонни (1 дан ташқари) ўрганиш шу сон ичидаги кўшиш ва айриш амалларини ўрганиш билан тугалланади. Кўшиш ва айриш амаллари биргаликда ўрганилади.

Бу мавзуни ўрганиш натижасида ўқувчилар 10 ичидаги сонларни кўшиш ва айриш усулларини яхши билиш ва уларни кўллай олиш кўникласига эга бўлишлари керак:

- сонни бўлаклаб кўшиш усули;
- кичик сонга катта сонни кўшиш керак бўлган ҳолда кўшилувчиларнинг ўринларини алмаштириш усули;
- кўшиш усулини йиғинди билан кўшилувчилар орасидаги боғланишни билганликка асосланган айриш усули.

Ўқитувчи кўшиш ва айриш арифметик амаллар эканини тушунтиради.

Ўқувчиларни кўшиш ва айриш амалларига ўргатишга ҳамма ўқувчиларнинг нарсалар тўплами устида машқ қилишни эгаллашладирандан яъни кўшишда нарсалар тўпламининг элементларини бирлаштиришдан бошлаш зарур. Масалан, «Битта саноқ чўпига яна битта чўпни кўшсак, нечта чўп ҳосил бўлади?». Бу бундай ёзилади: $1+1=2$.

Ўқувчилар турли-туман материалларда тегишли ҳисоблаш усууллари билан танишадилар, ечимларни тўла тушунтириб беришни машқ қиласидилар, бунда ўз мулоҳазаларини нарсалар устида амаллар бажариш билан бирга қўшиб олиб борадилар.

Ўқувчилар парталари устида битта нарсага яна битта нарсани қўшиб, натижани санайдилар. Мисолларни доскага ва дафтарга ёза-дилар. Ўқувчилар мисолларни ўқишини ўрганадилар. «Бирга бирни кўшсак, икки ҳосил бўлади». Шу дарснинг ўзида айришга оид мисолларнинг ёзуви ва ечими билан танишадилар.

Мисол бундай ўқилади: «Иккidan бирни айирсақ, 1 қолади».

Бирдан бошлаб ўрганилаётган сонгача бўлган натурал сонлар қатори бу усуулларни эгаллашда қўлланма бўлиб хизмат қиласиди. Синфда ва ўқувчилар столи устида доимо сонлар қатори бўлиши керак. Масалан $3+1$ кўринишидаги мисолни ечиш учун ўқитувчи сонлар қаторидан 3 рақамини топиб ундан битта ортиқ бўлган сонни кўрсатишни таклиф қиласиди. Сонлар қаторидаги 3 дан кейинги сон, бу -4 . Демак $3+1=4$. Масалан, $3-1$ ни бундай ечиш мумкун. З сонини топамиз ундан битта кам бўлган сон бу - 3 сонидан олдин турган сон бўлади, яъни 2 сони. Демак $3 - 1 = 2$.

Кўшишнинг сонларнинг таркиби ва айришнинг мос ҳолларига тўғри келадиган жадвал ҳолларини, $2+2=$ ва $4-2=$ кўринишидаги мисолларни мукаммалроқ қараб чиқамиз. Бунга тайёргарлик сифатида ўқувчиларни кўшиш ва айришга оид шундай мисоллар билан таништириш керакки, уларда 1 ни икки марта кўшиш (айриш) талаб қилинсин. Ишни кўрсатмали саноқ материалидан фойдаланиб бошлаш керак. Масалан, катакли тахтачага 2 та қизил квадрат кўйилади ва уларга олдин битта кўк квадрат, сўнгра яна битта кўк квадрат яқинлаштирилади. Болалар кўрсатмалиликка таянган ҳолда ҳисоблашларни бажаришади, бунда улар оралиқ натижаларини ҳам айтишади: «иккига бирни кўшсак, 3 ҳосил бўлади, учга 1 кўшилса, 4 чиқади» ёки қисқача: «2 кўшув 1 = уч, уч кўшув 1 = тўрт».

$$2 + 2 = 2 + 1 + 1; \\ 4 - 2 = 4 - 1 - 1;$$

$$2 + 1 = 3, \\ 4 - 1 = 3,$$

$$3 + 1 = 4, \\ 3 - 1 = 2.$$

«5 ни кўшиш ва айриш» ҳолларидан бошлаб қўшилувчиларнинг ўринларини алмаштириш усулидан фойдаланилади. Ўқувчиларни

кўшишнинг ўрин алмаштириш хоссаси билан таништиришни амалий ишдан бошлаган маъкул. Ўқитувчи доскада (катакли тахтачага) масалан, 3 та қизил ва 2 та кўк доирачани кўяди. Кўк доирачалар қизил доирачаларга яқинлаштирилади ва $3 + 2 = 5$ мисоли тузилади. Шу доирачаларнинг ўзидан фойдаланиб ўқитувчи 2 га 3 кўшилса, яна ўша 5 ҳосил бўлишини тушунтиради. Шундан кейин бошқа дидактик мисоллар жуфтини ёзишади. $2 + 1 = 3$, $3 + 2 = 5$, $1 + 2 = 3$, $2 + 3 = 5$.

Болалар бу мисолларнинг ҳар қайси жуфтини таққослаб, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлашади ва ўқитувчи раҳбарлигига бундай хulosса чиқаришади: кўшилувчиларнинг ўринларини алмаштириш билан йиғинди ўзгармайди.

10 ичидаги кўшиш ва айришни ўрганишдаёқ ҳисоблаш усусларини ёзма тушунтириш мақсадида иккита тенглик белгиси билан ёзишдан фойдаланиш мақсадга мувофик. Масалан,

$$5 + 4 = 5 + 2 + 2 = 9, \quad 8 - 3 = 8 - 2 - 1 = 5.$$

Ўқувчилар 3+6 каби ҳолларда кўшишни бажариб, бундай мулоҳаза юритадилар: 6 бу 3 ва 3 сонларининг йиғиндиси. $3 + 3 + 3 = 9$.

$$\begin{array}{lll} 9-7 \text{ а)} 7 = 5 + 2; & \text{б)} 9 - 5 = 4; & \text{в)} 4 - 2 = 2; \\ 9 - 7 = 2. & & \text{г)} \end{array}$$

Бундай мисолларни ечишда сонларни бўлаклаб кўшиш ва айриш сулларидан фойдаланилади.

Нол сони ва нол рақами билан таништириш 5 гача бўлган сонлар ўрганилгандан кейин киритилади. Тайёргарлик кўргазмали қуроллардан кейин расмлардан ва ниҳоят сонлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.

Ўқувчилар нол сони бирор сондан шу сондаги ҳамма бирликларни кетма-кет айриш натижасида ҳосил бўлишини тушунишлари қерак. Нол сони натурал қаторнинг исталган сонидан кичик ва бирдан кам бўлиб, 1 сонидан олдин туради.

Нол сонини ўрганиш муносабати билан бажариладиган амалий ишни бундай ўтказиш мумкин. Ўқитувчи бундай дейди: «Учта квадрат кўйинг. Битта квадратни олинг. Нечта квадрат қолди? (2 та) Яна битта квадратни олинг. Нечта квадрат қолди? (1 та). Яна битта квадратни олинг, яъни охирги квадратни олинг. Нечта квадрат қолди? (1

та ҳам қолмади)». Охирги мисол бундай ёзилади: $1 - 1 = 0$ сони ҳосил бўлади. 0 сони битта ҳам нарса қолмаганлигини кўрсатади.

Нол билан амаллар бажаришга турли машқларни киритиш керак:

$$\begin{array}{llll} 1 - 1, & 2 - 2, & 5 - 5, & 1 - 0 \\ 1 + 0, & 0 + 3, & 0 + 0, & 2 - 0 \end{array} \quad \text{ва х.к.}$$

Биринчи ўнлик сонларни ўрганишда ўқувчиларнинг диққатини ҳар қандай сонларни қўшиш мумкинлиги, аммо айришда фақат катта сондан кичик сонни айриш мумкинлиги, яъни 3-4 кўринишидаги мисолни ечиш мумкин эмаслигига қаратиш керак. Агар ўқитувчи ақли заиф ўқувчиларнинг диққатини бунга қаратмаса, унда улар айришга оид мисолларни ечишда ва мисоллар тузишда хатоларга йўл қўядилар: $5 - 7 = 2$ кўринишида бўлган мисоллар тузилади.

10 ичидаги кўшишнинг қолган барча ҳоллари ($5, 6, 7, 8, 9$ ни қўшиш) машқларга киритилади. Машқ қилиш натижасида ўқувчилар қўшишга оид мисолларни тез ва тўғри бажариш малакасини олишлари, биринчи ўнлик сонларнинг икки қўшилувчидан иборат таркибини яхши ўзлаштиришлари керак. Бу иш ҳар бир дарсда оғзаки ва ёзма шаклда ҳам ўтказилиши керак.

Сонлар таркибини ўқувчилар иккита нарсалар тўпламини бирлаштириш ҳамда уларни икки гурухга бўлиш ва ҳар бир гуруҳдаги нарсалар сонини аниқлаш орқали ўзлаштирадилар. Масалан, 5 сонини ўрганишда ўқувчилар 5 та нарсани санаб, уларни икки гурухга ажратишади ва ҳар бир гуруҳдаги нарсаларни яна қайтадан санаб чиқиб, уларнинг сонини тегишли рақам билан белгилашади.

Соннинг икки қўшилувчидан иборат таркибини ўрганишда боланинг кўл бармоқларидан дидактик материал сифатида фойдаланиш зарур. Болани биринчи ўнликдаги ҳар бир сонни бармоқларида кўрсата олиш ва уни бармоқлар ёрдамида икки гурухга ажратади билан ўргатиш керак. Масалан, 5, бу 4 ва 1; 3 ва 2.

Қўшиш амалининг ташкил этиувчилари ва натижаси орасидаги боғланиш саноқ материаллари билан амалий ишлар бажариш ёрдамида очиб берилади.

Ўқитувчи доскада (катакли тахтачада), масалан, 5 та қизил ва 2 та кўк доирачани қўяди. Кўк доирачалар қизил доирачаларга яқинлаштирилади ва $5 + 2 = 7$ мисол тузилади. Шундан сўнг ўқитувчи 5 та қизил доирачани тўнкариб, орқаси билан синфа қаратиб қўяди ва қўшилувчилардан бири (5) айрилса, иккинчиси (2)

ҳосил бўлишини ва аксинча тушунтиради. Ўкувчилар 9 – 6, 7 – 5 каби холларда айришни бажариб, бундай мулоҳаза юритадилар: 9, бу 6 ва 3 сонларининг йифиндиши. Агар 3 айрилса, 6 қолади: агар 6 айрилса, 3 қолади. Бир хил сонлар билан қўшиш ва айришга оид берилган тўртта мисол: $6 + 3$, $3 + 6$, $9 - 3$, $9 - 6$ ни ечишга қаратилган машқлар жуда фойдалидир.

Мисолларни солиштириш, уларни ўзаро боғлиқлигини, ўхшашлик белгилари ва фарқини белгилаш зарур.

Уч ташкил этувчи мисолларни ечишда уларни икки ташкил этувчи мисоллар билан такқослаб, уларнинг фарқини аниқлаш керак. Чунки кўпчилик ақли заиф болалар, уч ташкил этувчи мисолларни худди икки ташкил этувчи мисолларни ечиш каби бажарадилар, яъни битта амалини бажариб, дарҳол жавобини ёзадилар. Масалан: $5 + 2 - 3 = 7$

Биринчи босқичда, биринчи амалнинг натижасини амал ишораси-нинг устига ёзишга рухсат бериш мумкин. Масалан:

7

$$5 + 2 - 3 = 4.$$

Бу ўз-ўзини текшириш усулидан бири ҳисобланиб, 1-сinf ўкувчиларини бунга ўргатиб бориш керак.

10 ичида номерлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган машқлар турларини келтирамиз:

1. 2 сонидан олдин келадиган сонни айтинг.
2. 2 сонидан кейин келадиган сонни айтинг.
3. Партанинг четига 3 та чўп қўй, яна 1 та чўп қўй. Чўплар нечта бўлди?
4. Кўлингга 4 та қалам ол. 1 та қаламни олиб ташла. Нечта қалам қолди?
5. 1 дан 5 гача сонларни кетма-кет айтинг. Шу сонларни ичидан энг каттасини ва энг кичигини топинг.
6. Доскада ёзилган (5, 2, 3) сонларнинг энг кичиги қайси?
7. Сонларни таққосланг ва $>$, $<$, $=$ белгиларидан мосини қўйинг:
8. Тушириб қолдирилган сонларни ёзинг:

1	2			5			8	
---	---	--	--	---	--	--	---	--

9. 1 дан 5 гача, 5 дан 1 гача сананг.
10. 5 сонинг ён қўшинларини ёзинг.

	5	
--	---	--

11. Сонларни таққосланг ва $>$, $<$, $=$ белгиларидан мосини ўқинг:
3...5, 3...2, 5...5, 7...4

12. Жавобида 5 чиқадиган мисоллар тузинг:

$$5 = \square + \square, \quad 5 = \square + \square, \quad 5 = \square + \square$$

13. Чап қўлингга 5 та чўп ол, ўнг қўлинга эса 1 та. Қўлингда ҳаммаси бўлиб нечта чўп бор?

14. Сенда 5 та чўп бор. Уларни қўлингга ол. Қўлингда 7 та чўп бўлиши учун яна нечта чўп олишинг керак

15. 10 дан 1 айрilsа қандай сон ҳосил бўлади?

16. 1 дан 10 гача бўлган сонларни тўғри ва тескари тартибда ёзинг.

17. Тушириб қолдирилган сонларни ёзинг.

10	9		7		5		3		
----	---	--	---	--	---	--	---	--	--

18. Сонларни таққосланг ва $>$, $<$, $=$ белгиларидан кераклисини ўқинг:

$$\begin{array}{ll} 10 \dots 2 & 8 \dots 3 \\ 9 \dots 8 & 10 \dots 10 \\ 7 \dots 8 & 5 \dots 6 \end{array}$$

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. 10 ичида номерлашда қандай масалалар ҳал қилинади?

2. 10 ичида қўшиш ва айиришнинг баъзи усуллари (ихтиёрий) билан ўқувчиларни танишириши назарда тутувчи бир неча дарс бўлакларини ишлаб чиқинг.

3. «10 ичида қўшиш ва айириш» мавзуси бўйича дидактик ўйинлар, машқлар системаси ва кўрсатма қўлланмалар системасини ишлаб чиқинг.

XVII боб. 20 ИЧИДА НОМЕРЛАШНИ, ҚҰШИШ ВА АЙИРИШНИНГ ЎРГАНИШ УСЛУБИЯТИ

20 ичида номерлашни ўрганиш услугияти 20 ичида номерлашва амалларни ўрганиш (иккинчи концентр) ёрдамчи мактабнинг 2-синфига мансуб бўлади. Вазифаларни қўйидагича ифодалаш мумкин: сон ҳақида тушунчани кенгайтириш; янги саноқ бирлиги – ўнлик ҳақида тушунча бериш; 20 гача санашга ўргатиш; битталаб, 10 талаб, 2, 5, 4 лаб санаш, соннинг ўнлик таркиби билан танишириш; бир хонали ва икки хонали сонлар ҳақидаги тасаввурларни уйготиш; иккинчи концентренинг 11 ва 20 гача бўлган сонларни рақамлар билан белгилашга ўргатиш; рақамларнинг ўрни бўйича қийматлари принципи ҳақида тушунча бериш; 20 ичида қўшиш ва айришга ўргатиш.

Кузатишлар кўрсатадики, иккинчи ўнликдаги сонларни ўрганиш вақтига келиб, кўпчилик ўқувчилар 20 гача санашни биладилар. Бирор бу хисоб такомиллашган, бу сонлар тартиб билан номланган тақдирда ҳам сон ва сонлар қатори ҳақиқий тушунилмайди. Кўпинча сонлар қатори ҳақида етарли мустаҳкам билимлар бўлмаслиги кузатилади: бугун хатосиз санаган ўқувчи эртасига бир қанча хатоларга йўл қўяди.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари 20 ичида ёзма номерлашни айниқса қийин ўзлаштирадилар. Улар узоқ муддатгача рақамларнинг сондаги ўрин қийматини ўзлаштирумайдилар. Кўпчилик ўқувчилар сонларни ўқишида қийналадилар. Шунинг учун 20 ичида номерлашни ўрганишга катта аҳамият берилади. Ҳар бир ақли заиф боланинг онгига ҳар бир сонни ёзма белгилаш хусусиятларини, рақамларнинг сондаги ўрин қийматларини етказиш керак. Бунинг учун номерлашни ўрганиш пухта ўйлаб кўрилган системани, доимо кўрсатма воситарабига таяниш, кўриш, эшлиш анализаторлардан фойдаланиш, бутун ўқув йили давомида бу мавзу устида системали равишда ишлашни, ўқувчининг доимий билимларидан кундалик турмушларида амалий фойдаланишга қаратилган диққатни таълаб қиласди.

20 ичида номерлашга ўргатиш. Иккинчи ўнликдаги сонларни ға биринчи ўнликдаги сонларни ўрганишда қўлланган ҳамма куроллардан фойдаланиш керак. Фақат нарсаларнинг сони инг расми 20 гача орттирилган бўлиши керак. Махсус

қўлланмаларни танлаш ва тайёрлашда шуни эсда тутиш керакки, уларда ўнликдаги сонларнинг ўнлик таркибини кўрсатиш зарур. Шунинг учун ўнлик ва бирликлар якъол ажратилган бўлиши керак. Бундай кўрсатма қўлланмаларга 20 та саноқ чўп (10 таси сочиғган ва 10 таси бир бор қилиб боғланган, 1 та ўнлик); 20 та кубиклар, 10 та кубчалардан иборат бўлган 2 та тахтча; 20 та квадрат ва 10 та квадратчадан иборат бўлган 2 та тасма, узунлиги 20 см ли чизғич, тангалар кассаси; синф ва шахсий чўтлар, синф ва шахсий абаклар; бирлик ва ўнлик хоналардан иборат бўлган хоналар жадвали; рақамлар кассаси, бир ва икки қатор қилиб ёзилган 1 дан 20 гача бўлган сонлар жадвали.

20 ичидаги сонларни номерлаш устидаги иш бир неча босқичдан иборат:

- 1) битта ўнликни ҳосил қилиш;
- 2) 11 дан 19 гача бўлган иккинчи ўнлик сонларни 1 та ўнликка бир неча бирликни қўшиш йўли билан ҳосил қилиш;
- 3) 20 сонини иккита ўнликдан ҳосил қилиш;
- 4) 11 дан 20 гача бўлган сонларни ёзма номерлаш, 20 ичидаги санаш.

Иккинчи ўнлик сонларини ўрганишга оид ишларни анча илгари, «Биринчи ўнлик» мавзусини тақоррлашдан бошлаш керак.

Бошида 10 ичидаги битталаб санаш тақоррланади ва ўнлик қандай ҳосил қилиниши кўрсатилади (ўқитувчи чўпларни кўрсатади, ўкувчилар биргаликда уларни санашади). 10 та бўлгандан кейин, ўқитувчи сўрайди: бу ерда чўплар нечта? (10 та). 10 та чўпни бир даста (боғ) қилиб боғлаймиз. Бу 1 та ўнлик бўлади. Битта ўнликда нечта чўп бор? (1 та ўнликда 10 та чўп бор). 10 та чўпнинг ҳаммасини санаб чиқинг ва бир даста қилиб боғланг. Ўқитувчи битта ўнлик чўпни кўрсатишни сўрайди, 10 та чўпни алоҳида санаб кўрсатинг, битта ўнлик ҳосил қилиш учун, нечта чўп олиш керак, агар битта ўнликни - боғни ечсан, нечта чўп ҳосил бўлади?

Битта ўнликни 10 та сочиғган нарсалардан қандай ҳосил қилишини бошқа қўлланмаларда ҳам кўрсатади. Ўкувчилар ўнта кубчани битта тахтacha билан алмаштирадилар, чўтнинг остки симидан 10 та сокқани ажратадилар ва пастдан иккинчи симидан бу битта ўқликини битта сокқа билан алмаштирадилар ва аксинча, битта ўнликни 10 та бирлик билан алмаштирадилар.

Иккинчи ўнлик сонларини ҳосил қилишни турли қўлланмаларда: даста ва чўпларда, тахтачаларда ва кубчаларда, узунлиги 10 см бўлган тасмаларда ва томонлари 1 см бўлган квадратларда қўрсатса бўлади.

Ўқитувчи 10 та кубча санаб олишни ва уларни битта тахтacha билан алмаштиришни таклиф қиласди, шундан сўнг 10 та кубчани бошқача қандай аташ мумкинлигини сўрайди. Ўкувчилар: «Битта ўнлик кубчалар» деб жавоб берадилар.

Тахтачага (ўнлик) яна битта кубча қўйилади. Шундай қилиб, янги сон ҳосил бўлади. Бу сон 11. Бу сонни бир неча бор бўғинларга ажратиб айтиш керак: Ўн бир. Сўнг ўнликка иккита кубча қўйилади. Ўн икки сони ҳосил бўлади. ўн иккida 1 та ўнлик ва 2 та бирлик борлиги қўрсатилади ва ҳ.к. Охирги 20 сони – ҳамма олдинги сонлар қатори 19 га яна битта кубчани қўшиш йўли билан ҳосил бўлади, бироқ тахтачада 10 та кубча бўлиб қолади. Ўқитувчи, 10 та кубчани нима билан алмаштириш мумкинлигини сўрайди. Болалар 10 та кубчани битта тахтача билан алмаштирадилар. Иккита тахтача ҳосил бўлади, яъни иккита ўнлик – бу 20 сони. Агар битта ўнликка яна битта ўнликни кўшсак, 2 та ўнлик ёки 20 ҳосил бўлади.

Иккинчи ўнлик сонлари устида ишлашнинг кейинги босқичи 20 гача санашиб саноқ турли қўлланмаларда, шу билан бирга абак ва чўтда ҳам олиб борилади.

Шу вақтда сонларни ўнлик таркиби, яъни ўнлик ва бирликлардан сэнлар тузиш ва сонни ўнлик ва бирликларга ажратиш кўникмаси мустаҳкамланади. Бу ёзма номерлашни ўрганишга тайёргарлик ҳ.с. собланади.

Дарсни қизиқарли қилиш, болаларнинг диққатини жалб қилиш учун машқлар турини кенгайтириш ва бу ишга ўйин элементларини киритиш керак.

Ўқитувчи

Бир қўлига 10 та чўпдан тузилган
чўплар богини, иккинчи қўлига 1 та
чўпни олади.

Ўнг қўлимда нечта чўп бор?
Бошқача қандай айтиш мумкин?
Чап қўлимдачи?
Бошқача қандай айтиш мумкин?
1 та ўнликка 1 та бирликни кўшсак,
нечта бўлади?
1 та ўнликка 2 та бирликни кўшсак,
нечта бўлади?

Ўкувчилар

Аҳмад-1 та
битта ўнлик
1 та
битта бирлик
Манзура-11 та
Карим-12 та ва ҳ.к.

1. 10 чўп кўй (1 боф) ва яна 3 та чўп кўй. Чўплар нечта бўлди?
2. Чап қўлингга 10 та (1 боф) чўп ол, ўнг қўлингга эса 2 та. Кўлингда ҳаммаси бўлиб нечта чўп бор?
3. Сенда ўнта (бир боф) чўп бор. Уларни қўлингга ол. Кўлингда 11 та чўп бўлиши учун яна нечта чўп олишининг керак?
4. Партанинг четига 2 та чўп кўй, яна ўнта чўп кўй (1 боф). Айтчи, ҳаммаси бўлиб нечта чўп бўлди? Бу сонда нечта ўнлик ва нечта бирлик бор?
5. Расмда қанча чўп бўлса, шунча чўп кўй (олдин битта расм, кейин иккинчи расм осилади). Бу сонларда нечта ўнлик ва нечта бирлик бор?
6. Кутичада 10 та қалам бор (ўқитувчи қутичадаги қаламларни кўрсатади), қутичадаги қаламлар 12 та бўлиши учун яна нечта қалам қўшиш керак?
7. Қандай сон 1 ўнлик ва 7 бирликдан иборат?
8. 15 сонида нечта ўнлик ва нечта бирлик бор?
9. Қайси сон 8 дан 2 та ортиқ?
10. Қайси сон 12 дан 2 та кам?

Бу чўплар устида ўтказилган машқлардан ташкари синф чўтида ҳам машқ қилинади. Олдиндан қаердан ўнликлар ва қаердан бирликлар ажralиши тушунтирилади. Шундан сўнг ўқитувчининг ўзи болалар айтган бир катор сонларни чўтда ташлайди ва ўқиди. Чўт ёрдамида иккинчи ўнликдаги сонларнинг таркиби, яъни 1 та ўнлик ва бир неча бирлик ҳақида болаларга умумлаштирилган тушунча бериш мумкин.

Ёзма номерлашни ўрганиш. Абак ёзма номерлаш билан таништириш учун қимматли кўрсатма қўлланмадир. У бундай ясалган: бир бўлак картон (қалин коғоз) тик чизик билан иккига бўлинади, бу қисмларнинг ҳар бирига икки қатордан чўнтаклар ёпиштирилади: устки қатор чўнтаклари чўпларни кўйиш учун, пастки қатор чўнтаклари босма рақамлар ёзилган карточкаларни кўйиш учун мўлжалланган. Юқоридаги чўнтакларнинг ўнгдан биринчисига саноқ чўплари (биликла), иккенисига эса 10 та чўпдан тузилган чўплар боғи (ўнликлар) кўйилади; пастки чўнтакларга эса рақамлар ўйгдан биринчисига бирликларни ифодаловчи рақамлар, иккенисига эса ўнликларни ифодаловчи рақамлар кўйилади.

Ўқитувчи абакда 11 дан 19 гача бўлган сонларнинг белгиланишиний ўнта чўпдан иборат чўплар боғламидан ва алоҳида бирликлардан фойдаланиб босма рақамлар ёрдамида кўрсатади.

Бунда, ўнгдан биринчи ўринга қўйилган 1 рақами бирликни англатишини, ўнгдан иккинчи ўринга қўйилган худди шундай рақам ўнликни англатишини тушунитиради. Бир қанча шундай машқлардан кейин тескари машқлар бажарилади: рақамлар билан белгиланган сонларни ўкиш, ҳар қайси рақамнинг қийматини тушунитириш ва бу сонда нечта ўнлик ва нечта бирлик борлигини чўплар ёрдамида кўрсатиш таклиф қилинади.

Ёзма номерлаш билан бир қаторга йўл-йўлакай оғзаки номерлаш ҳам тақорланади. 11 сони сонлар қаторида қайси сондан кейин келади? Бу сонни сонлар қаторига 10 дан кейин (келади) ёзамиш. Бу сонда нечта ўнлик ва нечта бирлик бор? 11 сонидан кейин келадиган, 13 сонидан олдин келадиган сонни белгиланг ва ҳ.к. 10 ва 20 сонларининг ёзилиши алоҳида қараб чиқилади: 1 рақами сонда 1 ўнлик, 2 рақами 2 ўнлик борлигини кўрсатади, 0 эса берилган сонда бирликлар йўлигини кўрсатади. Ўқувчилар 1 дан 20 гача, 11 дан 20 гача бўлгган сонларни тартиб билан ёзишни билишлари керак, уларни ўқитувчи айтиб турганда ҳам ёза олишлари керак.

1 дан 20 гача икки қатор қилиб ёзилган сонлар жадвали биринчи ва иккинчи ўнликдаги ҳамма сонларни таққослаб кўришга, уларни ёзувдаги ўхшашлик ва фарқини пайқаш ва бу сонларни ўқиш имкониятини яратади.

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20

Бирликларни билдирувчи рақамларни бир хил ранг билан, ўнликларни бошқа ранг билан ёзиш мумкин. Бу жадвалда бир хонали ва икки хонали сонларни кўрсатиш қулай.

Шуни таъкидлаш керакки, дастлабки вақтларда болалар сонларнинг ўнли таркибини таҳлил қилишларини ва рақамларнинг ўрин қиймати принципини ўзлаштиришларини осонлаштириш учун ўқувчилар ўз дафтарларида чизган сонларнинг хоналарига бўлинган жадвалларига сонларни кисқартириб (ў – ўнликлар ва б – бирликлар) ёзib қўйишади, ёзилган рақамларнинг ораси жуда яқин бўлиши ва улар битта сонни ифодалашиб кўриниб туриши керак.

Сонларни таққослаш олиб борилади. Болалар куйидаги қоидани – қаралаётган сон сонлар қаторида ўзидан олдин келадиган сонларнинг

ҳаммасидан катта, ўзидан кейин келадиган сонлардан кичик эканини ўзлаштириб олишлари керак.

Иккинчи ўнликдаги сонлар таққосланади: қайси сон катта (кичик), катта сонда қанча бирлік ортиқ ва кичик сонда улар қанча етишмаёт-ганды аниқланади.

Сонлар орасидаги миқдорий муносабатлар > (катта), < (кичик), = (тeng) белгилари билан ёзилади ва 2-сinf ўқувчилари томонидан ўзлаштирилади.

Берилган сонлар орасидаги миқдорий муносабатларни онгли ўзлаштиришда қуидаги машқларга ўхаш машқларни бажариш фойдалы бўлади:

Берилган сонларни таққосланг ва «>», «<» ёки «=» белгиларидан кераклisisini қўйинг:

5...12, 16...15, 17...17

Соннинг натурал қатордаги ўрнини топиш ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш учун тушириб қолдирилган сонларни ва қўшни сонларни топишга оид, сонларни тартиб билан кичикдан каттага қараб ёки каттадан кичикка қараб ёзиш, энг катта бир хонали ва энг кичик бир хонали ва икки хонали сонларни ва ҳ.к. аниқлаш машқлари ўтказилади.

Иккинчи ўнлик устида олиб борилаётган иш мобайнида онгли санаш малакаларини мустаҳкамлаш зарур. Саноқ фақат 1 дан эмас, балки исталган берилган сондан бошлаб олиб борилади. («б дан 20 гача сана, 8 дан 18 гача сана, 20 дан 10 гача, 15 дан 5 гача тескари тартибда сана»). Ўқувчилар факат битталаб кўшиб санаш ва ажратиб санашнига эмас, балки 2, 3, 4, 5 талаб санашни ҳам ўрганадилар.

Ва ниҳоят тартиб саноғига оид машқларни миқдорий саноққа оид машқлар билан боғлаш ва таққослаш кераклигини таъкидлаб ўтамиз. Ўқувчилар қуидаги саволларга жавоб бера олишлари керак: Сен қайси қаторда ўтирибсан? Сен ўтирган қаторда нечта бола борлигини санаб чиқ ва ҳ.к.

20 ичидаги ўнликдан ўтмасдан туриб қўшиш ва айириш. 20 ичидаги қўшиш ва айиришнинг оғзаки усулларини эгаллаш 10 ичидаги яхши ўзлаштирилган қўшиш ва айириш билимларига, 20 ичидаги номерлаш ва сонларни таркибига ажратса олиш билимларига асосланади.

20 ичидаги қўшиш ва айириш амалларини ўрганишда, худди 10 ичидаги тегишли амалларни ўрганилгандек кўрсатмалилик катта аҳамиятга

эга. Шунинг учун номерлашни ўрганишда фойдаланилган ҳамма кўрсатма қўлланмалар тури арифметик амалларни ўрганишда ҳам қўлланилади.

Кўшиш ва айриш амалларини биргаликда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: $10+5$, $5+10$, $15-5$ ва $15-10$. Ўқитувчи ҳар доим дикқатини бу амалларнинг ўзаро боғлиқлигига қаратиш керак.

2-синфда ўқувчилар кўшиш ва айриш амаллари ташкил этувчи-ларининг номларини билишлари керак.

$$\begin{array}{rcccl}
 10 & + & 5 & = & 15 \\
 1- & & & & \\
 \text{кўшилувчи} & & 2\text{-кўшилувчи} & & \text{йигинди} \\
 15 & - & 5 & = & 10 \\
 \text{камаювчи} & & \text{айрилувчи} & & \text{айрма}
 \end{array}$$

Ўқитувчи болаларга кўшишда сонлар ўз номларига эгалигини, шу номларни эслаб қолиш зарурлигини, чунки улар математикада жуда кўп ишлатилишини айтади.

Шундан кейин биз кўшадиган сонлар кўшилувчилар, кўшиш на-тижасида ҳосил бўладиган сон эса йигинди деб аталиши болаларга айтилади.

20 ичидаги кўшиш ва айришни ўрганиш усуллари ва тартибини кўрсатамиз.

I. Кўшиш ва айриш усулларининг сонларнинг ўнлик таркиби ($10+3$, $13-3$, $13-10$) ва 20 ичидаги номерлаш ($16+1$, $17-1$) ҳақидаги билимларга асосланган ҳоллари. Бу мисолларни ечиш натижасида кўшиш ва айриш, кўшишнинг ўрин алмашиниши хоссаси, амаллар ташкил этувчиларининг номи ва натижаси орасидаги боғланиши мустаҳкамланади.

Амалларни бажариш ташкил этувчиларни ўнлик ва бирликларга ажратишга асосланган.

а) икки хонали сонга бир хонали сонни кўшиш.

Хонадан ўтмасдан кўшиш ва айришни бажариш учун, хоналарни сонда туттган ўрнини билиш зарур: ўнликларни ўнликлар билан, бирликларни бирликлар билан ўзаро боғлай олиш, сонларни ўнлик таркибини билиш, бир хонали сонларни кўшиш ва айриш усулларини билиш керак.

Бошида икки хонали соннинг бирликлар сони иккинчи кўшилувчидан катта бўлган ҳоллари ($13+2$; $15+3$), шундан сўнг $12+5$,

13+5 күринишдаги ҳолларини киритиш керак, гарчи улар ечилиши бир хил бўлса ҳам. Бундай мисолларни ечишда бирликларни қўшиш ва айришни доимо таъкидлаш зарур. Мисолларни ёзишда ўқувчилар бирликларнинг остига чизишлари мумкин. $13 + 2 = 15$, $15 - 2 = 13$. Аҳён-аҳёнда ўнликларни ва бирликларни турли рангда ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Кўшишга оид мисолларни ечишда ўқувчиларни қўшилувчиларнинг ўрнини алмаштириш хоссасидан фойдаланиш кўникмалари мустаҳкамланади: $2+15$ күринишидаги мисолни ечиш $15+2$ мисолини ечиш асосида олиб борилади.

20 ичida қўшиш ва айришга оид мисолларни 10 ичida тегишли амаллар иштирокида мисоллар билан таққослаш фойдалидир.

$$\begin{array}{llll} 5 + 2 = 7 & 8 - 2 = 6 & 5 + 3 = & 8 - 3 = \\ 2 + 5 = 7 & 8 - 6 = 2 & 3 + \dots = & 8 - \dots = \\ 15 + 2 = 17 & 18 - 2 = 16 & 15 + 2 = & 19 - 2 = \\ 2 + 15 = 17 & 18 - 16 = 2 & 2 + \dots = & 19 - \dots = \end{array}$$

Иккинчи синфда олдин ўнлик ва бирликларни ($10 + 5$ ва $5 + 10$) қўшиш, икки хонали сонлардан ўнлик ва бирликларни айриш ҳоллари ўрганилади ($15 - 10$ ва $15 - 5$).

Тушунтириш саноқ чўплари ёрдамида олиб борилади. Шу мақсадда 10 та (1 боғ) чўп олинади ва уни ёнига яна 5 та чўп қўйилади. Ҳамма болалар ҳосил бўлган йигиндини айта оладилар, чунки улар ўнлик ва бирликлардан икки хонали сон ҳосил қилишни биладилар. Буни қуйидагича ёзиш мумкин: $10+5=15$. Кейин ўқитувчи 5 та чўпни 10 та (1 боғ) чап томонига ўтказиб қўйишни таклиф қиласди. Шундай қилиб ўқувчилар чўплар илгари қанча бўлса шунчалигича қолди, яъни 15 та, фақат улар бошқача тартибда жойлаштирилди деган холосага келадилар. Буни бундай ёзиш мумкин: $5 + 10 = 15$.

б) йигиндида 20 ҳосил қилиш ва 20 дан бир хонали сонни айриш:

$$15 + 5 \quad 16 + 4 \quad 20 - 5 \quad 20 - 3$$

$20 - 5$ күринишдаги мисолни кўриб чиқамиз. 20 сонида бирликлар йўқ, ундан 5 бирликни айриш керак. Битта ўнликни қарз олиб, уни 10 бирликка алмаштирамиз ва 5 бирликни айрамиз, 5 бирлик ҳосил қиласми. Ҳаммаси бўлиб 1 ўнлик ва 5 бирлик қолади ёки 15. Бундай мuloҳазаларни қуйидагича ёзиш мумкин.

$$20^{10} - 5 = 15$$

в) икки хонали сондан икки хонали сонни айириш: 15-12, 20-15.
Бундай күринишдаги мисолларни ечишни турли усуллар билан ту-
шунтириш мумкин:

1) камаювчи ва айрилувчини ўнлик ва бирликларга ажратимиз ва
ўнликлардан ўнликларни, бирликлардан бирликларни айрамиз;

2) айрилувчини ўнлик ва бирликларга ажратимиз.

Камаювчидан ўнликларни айрамиз, ҳосил бўлган сондан бирли-
ларни айрамиз.

Айиришни тушунтириш кўрсатма қўлланмалар ёрдамида
ўтказилади. Масалан, 15 – 12, «кайси амални бажариш керак? Бу сон-
лар нечта хонадан иборат? Бугун сизлар билан икки хонали сондан
икки хонали сонни айиришни ўрганамиз. 15 сони нечта ўнлик ва не-
чта бирлиқдан иборат? Уни чўтга солинг. Камаювчи нечта ўнлик ва не-
чта бирлиқдан иборат?». Айиришни қуидагича бажарамиз: 15 дан
1 ўнликни айрамиз. Нечта қолдик 5 бирлиқдан 2 бирлиқни айра-
миз. Қолдикда қандай сон ҳосил бўлди? Демак, $15 - 12 = 3$.

Ўкувчилар билан саноқ материали устида ишлашдан чўтда иш-
лашга ўқтишга унча шошилмаслик керак.

Чўтда болалар бирор топшириқни бажараётгандарнида ўқитувчи
уларни соққаларни суришларини эмас, балки бирликларни қандай
битталаб кўшиб ва ажратиб санашларини кузатиши керак.

Ўкувчилар саноқ чўплари ва чўтлар ёрдамида ишлаш усулларини
ўрганиб олганларидан кейин, улар билан ишлашга ахён-ахёнда муро-
жаат килиш мумкин. Бундан бўён амалларнинг ечимини тушунтириш
қўлланмалар ёрдамида тўлиқ ёзуви билан олиб борилади. Масалан, 20
- 13 ни бундай мисолни ечишда бола қуидагича мулоҳаза юритади:
«20 дан 13 ни айириш керак. Олдин битта ўнликни айрамиз, 20-со-
нида битта ўнлик қолади. Уни ўнта бирлиқка алмаштирамиз» $10 - 3 = 7$
 $\text{ёки } 20 - 13 = 7$.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. 20 ичидаги номерлаш вазифаларини айтиб беринг.
2. «1-20 сонларини номерлаш» мавзусига оид дидактик ўйинлар
ва машқлар турларини ишлаб чиқинг.
3. 20 ичидаги ўнликдан ўтмасдан туриб қўшиш ва айиришни
ўрганиш усуллари ва тартибини очиб беринг.
4. «20 ичидаги номерлаш, қўшиш ва айириш» мавзуси бўйича ди-
дактик ўйинлар, машқлар турлари ва кўрсатма қўлланмалар системасини
ишлаб чиқинг.

XVIIІ боб. 100 ИЧИДА НОМЕРЛАШНИ, ҚЎШИШ ВА АЙРИШНИНГ ОҒЗАКИ УСУЛЛАРНИ ЎРГАНИШ УСЛУБИЯТИ ІІ СИНФГА МАНСУБ БЎЛАДИ

Ўқув йилининг бошида ўқитувчи 20 ичидаги сонларни номерлаш, хонадан ўтмасдан қўшиш ва айришни такрорлашни ташкил қиласди.

20 ичидаги ўнликдан ўтиш билан қўшиш ва айриш.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари учун хонадан ўтиб қўшиш ва айриш айниқса қўйиндир.

Бундай мисолларни ечиш ёрдамида мактаб ўқувчилари учун жуда катта қўйинчилик туғдиради. Сабаби, 7 ва 5 сонларини қўшиш учун кўйидаги ишларни бажариш керак бўлади:

1) иккинчи қўшилувчини шундай қўшилувчилар йигиндиси билан алмаштириш керакки, бу қўшилувчилардан бири биринчи сонни 10 га тўлдирсинг;

2) 7+5 кўринишидаги ҳолларда ҳисоблашни бажариш учун тўғридан-тўғри сонни (5 ни) икки қўшилувчининг йигиндиси кўринишида тасвирлаш эмас, балки шу қўшилувчиларни шундай танлаш керакки, улардан бири сонни (7 ни) 10 га тўлдирадиган бўлсин (бизнинг мисолда 5 сони 3 билан 2 нинг йигиндиси шаклида тасвирланиши керак);

3) ҳосил қилинган сон (10) га қолган сон (2) қўшилади.

Ўнликдан ўтиш билан айриш (12-5) ҳам бир қатор ишларни талаб қиласди:

1) айрилувчи (5) ни кулай қўшилувчилар йигиндиси билан шундай алмаштириш керакки, улардан бири камаювчи (12) нинг бирликлар сонига тенг бўлсин (бизнинг мисолда 5 сони 2 билан 3 нинг йигиндиси шаклида тасвирланиши керак);

2) олдин биринчи қўшилувчи (2) айрилади;

3) чиққан натижадан иккинчи қўшилувчи (3) айрилади.

Бундай кўринишидаги мисолларни ечиш катта тайёргарлик ишларини талаб қиласди. Тайёргарлик ишлари кўйидагиларни такрорлашдан иборат:

а) 10 ичидаги қўшиш ва айриш жадвали;

б) биринчи ўнликдаги сонлар таркиби (сонларнинг икки қўшилувчидан иборат таркибининг мумкин бўлган барча ҳоллари; масалан:

$7 = 6 + 1, \quad 7 = 1 + 6, \quad 7 = 5 + 2, \quad 7 = 0 + 5, \quad 7 = 4 + 3, \quad 7 = 3 + 4.$

в) сонларни ўнга тўлдириш:

$$10 = 3 + \dots, \quad 10 = 5 + \dots, \quad 10 = 8 + \dots, \quad 10 = \dots + \dots \text{ ва х.к;} \\ 6 + 4 + 2 \quad 8 + 2 + 3 \quad 7 + 3 + 5 \quad 9 + 1 + 7$$

- г) ўндан бир хонали сонларни айириш;
д) қуидаги күринишдаги мисоллар $17 - 7, 15 - 5;$

$$\begin{array}{l} 9 + 1 = 10 \\ 10 + 1 = 11 \\ 9 + 1 + 1 = 11 \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 12 - 2 = 10 \\ 10 - 1 = 9 \\ 12 - 2 - 1 = 9 \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 12 - 4 = 12 - 2 - 2 \\ 12 - 5 = 12 - 2 - \dots \\ 12 - 6 = 12 - \dots - \dots \end{array}$$

Бундай тайёргарлик ишлари изчил равища үтказилиши керак.

Күшиш ва айириш амалларининг ечимини тушунтириш күрсатма қўлланмалар ёрдамида тўлиқ ёзуви билан олиб борилади. Масалан,

$8 + 3$ – ўнта бирлик битта ўнлик билан алмаштирилади.
 $3 = 2 + 1$ – Ўнликка қолган бирликлар (1 та бирлик) қўшилади.
 $8 + 2 = 10$ – 11-3 мисолини қандай ечиш мумкин? Айиришнинг янги усули билан таништиришда кўшиш усулларини очиб беришда фойдаланилган катакли тахтачанинг ўзидан фойдаланишади.

8+3. Доскада катакли тахтачага 8 та доирача қўйилади ва уни ўнтага тўлдирилади (яъни унга яна иккита доирача қўшилади).

Ўқитувчи доскада катакли тахтачага 11 та доирача қўяди.

$11 - 3$ – 11 дан 3 ни қандай қилиб (кулай) айирш мумкин,
 $3 = 1 + 2$ – деган савол қўйилади. Ўқитувчи олдин 1 ни айиришни
 $11 - 1 = 10$ – (катакли тахтачадан 1 та доирачани олади), сўнгра 2 ни
 $10 - 2 = 8$ – айиришни (катакли тахтачадан 2 та доирачани олади)
таклиф қиласи, яъни 3 сони кулай қўшилувчилар 1
билан 2 нинг йигиндиси билан алмаштирилади ва

олдин биринчи қўшилувчини, сўнгра чиққан натижадан иккинчи қўшилувчи айирилади.

Кўшиш ва айиришга ўргатиш масалалари мухокамасини тугатар эканмиз, оммавий мактабдан ёрдамчи мактабга тез-тез үтказиладиган усуллардан бири устида тўхтаб ўтамиз. Хонадан ўтиш билан айиришда ақли заиф болаларни айрилувчини икки сон қўшилувчисидан иборат таркибиға ажратиб айириш ўрнига уларни ўнликдан айиришга ўргатадилар: $12 - 5 = , 10 - 5, 5 + 2 = 7.$

Ақли заиф болаларни бундай усул билан ечишга ўргатишга эътиroz билдирамиз. Биринчи кўринишда бу юкорида келтирган усулга қараганда анча енгилроққа ўхшаса ҳам бироқ бу таассурот ёлғончи. Биринчидан амалларни бундай усул билан ечиш бир-бирига зид

бўлган иккита босқичдан иборат бўлади. Иккинчидан, бу усул ўқувчиларни 100 ичида айришни ўзлаштиришларини таъминламайди. Масалан, 35 - 7, мисолни ечишда 7 ни ўнликдан айришга тўғри келади. Бунда иш тартиби қуйидагича бўлади:

$35 - 7 =$, $35 - 10 = 25$, $10 - 7 = 3$, $25 + 3 = 28$. Бундай мисолни ечишда бола бир-бирига зид бўлган учта амалларнинг босқичларини «мияда» бажаришга тўғри келади. Ақли заиф болалар учун бу жуда мураккабдир.

100 ичида номерлашни ўрганиш услубияти 100 ичида номерлашни ўрганишда ақли заиф болалар қуйидаги билим, кўникма ва ма-лакаларни эгаллашлари керак.

1. 100 гача битталаб ва ўнталаб тўғри ва тескари тартибда санаши ўрганиш.

2. 1 талаб кўшиб ва айриб санаши, 10 талаб ва teng сонлар гурухларини 2, 5, 20 талаб нарсали кўлланмаларда ва абстракт шаклда санай олиш.

3. Тартиб саноғидан фойдалана олиш.

4. 100 ичида ҳар бир соннинг натурал сонлар қаторида эгаллаган ўрнини билиш, бу қаторнинг хусусиятини тушуниш: ҳар бир сон ўзидан олдинги сондан битта катта ва ўзидан кейинги сондан битта кичик.

5. Соннинг ўнли таркибини тушуниш. Сонни хона кўшилувчиларига ажратиш ва хона кўшилувчиларидан сонни тузা олиш, хоналарни (бирликлар, ўнликлар, юзликлар) билиш.

6. Сонни таққослай олиш, яъни қайси сон бошқасидан катта, кичик ёки унга tengлигини аниқлай олиш.

7. Биринчи юзлик сонларини ўқишини ва ёзишини билиш, рақамларнинг сондаги ўрни қийматини тушуниш.

100 ичида номерлашни ўрганиш ақли заиф ўқувчилар учун бир қатор қийинчиликларнинг олдини олиш билан боғлиқдир. 100 ичида сонларни ўрганиш босқичида ўнли саноқ системасининг моҳиятини тушунишга асос солинади: 10 та оддий саноқ бирликларидан янги (мураккаб) саноқ бирлиги-ўнлик хосил бўлади. 10 та ўнликдан янги саноқ бирлиги-юзлик хосил бўлади. Мана шу қонунни ақли заиф болалар катта қийинчилик билан ўзлаштирадилар. Бунда асосланган кўрсатма база талаб қилинади, биринчи, иккинчи ўнлик ва 21-99 сонларини доимий таққослаш, масалан: 2 ва 20, 2 ва 12, 1, 10, 100 ва ҳ.к. Ўқувчилар нол билан тугалланган сонларнинг номларини, уларнинг кетма-кетлигини эслаб қолишида ва айниқса уларни тўғри ва тескари

тартибда санаңда катта қийинчиликларга дуч келадилар. Күпинча санокда янги ўнликка ўтишда қыйидагича санашади: «йигирма тұққиз, йигирма ўн, йигирма ўн бир» ва х.к.

Езма номерлашни ўрганишда күпчилик үқувчилар рақамларни сондаги ўрин қийматини узоқ муддатгача ўзлаштира олмайдилар: 35 нинг ўрнига 53 ёзадилар. Оғзаки номерлашни ўзлаштирган айрим үқувчилар езма номерлашни ўзлаштира олмайдилар (оғзаки тұғри санаб, 1 дан 100 гача бўлган сонларни тартиб билан ёзишда қийналадилар).

Бу мавзуни ўрганишда қыйидаги кўрсатма қўлланмалар ва дидактик материаллардан фойдаланиш мумкин: ўнтадан қилиб дасталаб боғланган 100 чўп, арифметик ящик (ўнта кубчани битта тахтача билан алмаштириш, бу тахтачада рангли сиёҳ ёки рангли қалам билан 10 та кубчага бўлнишини белгилаш), абаклар (синф ва шахсий), сонларнинг натурал кетма-кетлигини кўрсатиш учун узунлиги 20 см бўлган чизғичлар, сантиметр ва дициметрлар кўзга аниқ ташланадиган ранглар билан ажратилган 100 см ли лента, тангалар кассаси – ўнталиклар, 100 та (10x10) катакли квадратни бирлаштирувчи қўлланма (1 дан 100 гача бўлган сонлари билан), хоналар жадвали (бирликлар, ўнликлар, юзликлар хоналари билан), рақамлар кассаси ва ноллар билан тугайдиган икки хонали сонлар (10, 20, 30, ..., 100) жадвали.

100 ичида номерлашни ўрганиш тартиби: 10 ва 20 ичида номерлашни такрорлаш, 21 дан 99 гача бўлган сонларни номерлашни ўрганиш (олдин оғзаки, кейин ёзма).

Нол билан тугайдиган икки хонали сонларни номерлашни ўрганиш. Бундай дарсни ўнликнинг оддий бирликлардан ҳосил бўлишини такрорлашдан бошлаш зарур. Шу мақсадда 10 та чўпни санаб олиш ва уларни бир даста қилиб боғлаш таклиф қилинади. Бир даста қилиб боғланган 10 та чўп битта ўнлик чўплардир. 20 гача санаш давом эттирилади. 10 та чўпни яна бир даста қилиб боғланади. 1 та ўнлик, бу 10 та чўп, 2 та ўнлик, бу 20 та чўпдир. Ўнлик чўпларни битталаб қўшиб санаймиз. Битта ўнлик ёки ун иккита ўнлик ёки йигирма учта ўнлик ёки ўттиз, тўртта ўнлик ёки кирқ, ..., тўққизта ўнлик ёки тўқсон, яна битта ўнлик кўшсақ, 10 та ўнлик ёки юз ҳосил бўлади. Битта ўнлик (ўн) – бу 10 та бирлик, иккита ўнлик (йигирма) – бу йигирмата бирлик ва х.к. Бундай машқлар бошқа қўлланмаларда ҳам олиб борилади.

Үқитувчи болаларнинг дикқатини ҳар доим ўнликларни оддий бирликларни санаш каби олиб борилишига қаратади. Бу ерда ушбу жадвални кўрсатиш фойдали.

1	2	3	4	5
10	20	30	40	50

Биринчи қаторда саноқ оддий бирликларда, иккинчи қаторда бўлса, ўнликларда олиб борилади. 10 ва 20 сонларининг ёзилиши алоҳида қараб чиқилади: 1 рақами (2 рақамли) сонда 1 ўнлик (2 ўнлик) борлигини кўрсатади, 0 эса берилган сонда бирликлар йўқлигини кўрсатади. 10 дан катта нол билан тугайдиган икки хонали сонларни ёзма номерлаш саноқда бирликларни ўнли гурухларга ва рақамларнинг ўрин қийматлари принципини қўллашга асосланган: ўнгдан чапга қараб саналганда бирликлар биринчи ўринга, ўнликлар иккинчи ўринга ёзилади.

Масалан, 10 сонида битта ўнлик бор, 1 рақами ўнгдан чапга иккинчи ўринга ёзилади, бирликлар ўрнига нол ёзилади, 20 сонида иккита ўнлик бор, уни ҳам алоҳида бирликлари йўқ (абакда четда кўрсатиш керак), 2 рақами иккинчи ўринга ёзилади, бирликлар ўрнига 0 ёзилади ва ҳ.к.

Биринчи ўнлик сонлари ва нол билан тугайдиган икки хонали сонларни таққослаш учун жадвалдан фойдаланиш фойдалидир. Ўқувчилар ёнма-ён турган сонларни қатори бўйича ҳам таққослашга ҳам ўрганишлари керак:

$2 > 1$ дан 1 та бирликка, 2 ўнл. > 1 ўнл, 1 ўнл.

$20 > 10$ дан 10 бир.

100 ичидаги сонларни номерлаш. 100 сонларни номерларни ўрганиш ўқувчиларнинг иккинчи ўнлик сонларини номерлашда олган билимларига асосланади ва 20 ичидаги сонларни номерлаш ўрганилган тартибда боради:

1. Юқорида келтирилган 10, 20, 30 ва ҳ.к. сонларнинг ҳосил бўлиши ва аталиши.

2. Сонларнинг ўнликлардан ва бирликлардан ҳосил бўлиши. Икки хонали сонларнинг ўнлик таркиби, 100 ичидаги сонларнинг натурал кетма-кетлиги.

3. Икки хонали сонларни ёзма номерлаш, ёзиш ва ўқиши, биринчи ва иккинчи хона бирликлари.

4. Сонларни номерлашни билишга асосланган күшиш ва айриш усуллари ($25 + 1$ күринишидаги мисолларни ечиш), шунингдек, икки хонали сонларнинг ўнли таркибини билганилгика асосланилган күшиш ва айриш усуллари ($20 + 7, 28 - 8$ күринишидаги мисоллар).

5. Икки хонали сонни хона сонларининг йигиндиси билан алмаштириш (масалан, $23 = 20 + 3$).

21 – 99 сонлари икки сўздан тузилади. Олдин ўнликлар, кейин бирликлар талафуз этилади. Ўкувчилар ўнлик ва бирликлардан исталган икки хонали сонни аниқ, саноқ материалдан фойдаланиб шундай ҳосил қилиш ва уни номлай олишни ўрганиб оишлари керак.

Синфдаги ҳар бир ўкувчини столи устида чўтлар бўлиши лозим. Чунки, илгари фойдаланилган (иккита симли) чўтлар энди 100 ичидаги ишларнинг ҳамма шартларини қониқтира олмайди, ўкувчиларни оддий (уларга таниш) чўтлар билан таъминлаш лозим.

Шу вақтда улар бу сонларни рақамлар ёрдами билан ёзма белгилашни ўрганадилар.

Ёзма номерлаш билан таништиришни абак ёрдамида ўтказиш кулади.

Ўқитувчи абакда 21 дан 99 гача бўлган сонларнинг белгиланишини босма рақамлар ёрдамида кўрсатади. Бунда, ўнгдан биринчи ўринга кўйилган 1 рақами бирликларни англатишини, ўнгдан иккичи ўринга кўйилган рақам ўнликларни англатишини тушунтиради. Бир қанча шундай машқлардан кейин (биринчи 2-3 та машқ ўқитувчи томонидан, кейин эса ўкувчиларнинг ўзлари томонидан бажарилади) тескари машқлар бажарилади: рақамлар билан белгилangan сонларни ўкиш, ҳар бир рақамнинг қийматини тушунтириш ва бу сонда нечта ўнлик ва нечта бирлик борлигини чўплар ёрдамида кўрсатиш таклиф килинади. Янги ўнликни ҳосил қилишга алоҳида дикқатни жалб этиш зарур.

$$29 + 1 = 2 \text{ ўнлик} + 1 \text{ ўнл.} = 3 \text{ ўнл.} = 30.$$

$$30 - 1 = 2 \text{ ўнл.} 9 \text{ бир.} = 29.$$

$$99 + 1 = 9 \text{ ўнл.} + 1 \text{ ўнл.} = 10 \text{ ўнл.} = 100.$$

$$100 - 1 = 9 \text{ ўнл.} 10 \text{ бир.} - 1 \text{ бир.} = 9 \text{ ўнл.} 9 \text{ бир} = 99.$$

Ўнликдан ўтиш билан (29, 30, 31) берилган сондан берилган сонгача санашга алоҳида эътибор бериш керак.

100 ичидаги номерлашни ўрганища ўкувчилар хона жадвали билан танишадилар.

3-хона юзлар	2-хона ўнлар	1-хона бирлар
	1	3
	2	5
1	0	0

Ўқитувчи ўқувчиларни янги атама «хона сони» сўзи билан таништиради (хона сони бирор хона бирликларидан иборат бўлиб, улар 9 тадан ортмайди; 100 ичидаги эса бу сонлар ё фақат бирликлардан, ёки фақат ўнликлардан тузилган сонлардан иборат), бирликлар биринчи хонага тегишли, улар сонда ўнгдан биринчи ўринга ёзилади, ўнликлар иккинчи хонага тегишли, ўнгдан иккинчи ўринга ёзилади, юзликлар бўлса, учинчи хонага тегишли, ўнгдан учинчи ўринга ёзилади.

Хона сони тушунчасини эгаллаб олиш учун меҳнат дарсларида ўқувчилар билан 1, 2, 3, ... 9, 10, 20, 30, ..., 90 каби хона сонлари ёзилган карточкалар ясаш фойдалидир. Бу карточкалар ёрдамида ўқувчилар исталган икки хонали сонни белгилай оладилар.

Масалан, 5 сони ёзилган карточкани 10 сонидаги бирликлар устига кўйиб, 15 сонини ҳосил қиласилар. Куйидаги вазифалар берилади: ўнлар хонасидан бошланадиган сонни айтинг; 100 қайси хона сонларидан ташкил топган? 16 ва 61, 42 ва 24, 63 ва 77 сонларини таққосланг. Сонларни таққослашни юқори хоналаридан бошлаш керак (агар ўнлик сонлари катта бўлса, унда бирликларига қарамаса ҳам бўлади, чунки у сон катта бўлади: $83 < 95$, чунки 8 ўнлик < 9 ўнликдан).

Ўқувчиларни сонларнинг турли ёзув шакллари билан танишириш керак. Масалан, 55 ни куйидагича ёзиш мумкин: 5 ўнлик ва 5 бирлик, ёки $50 + 5$.

100 ичидаги қўшиш ва айириш.

100 ичидаги қўшиш ва айиришини ўргатишда 20 ичидаги амалларни бажаришга ўргатишда кўйилган ҳамма талабларга риоя қилинади.

Айириш ва қўшиш ҳолларини ўрганиш қийинлиги ортиб борадиган тартибда киритилади:

- Нол билан тугайдиган икки хонали сонларни қўшиш ва айириш ($20+10, 30-10$).

2. Хоналардан ўтмасдан қўшиш ва айриш.

$$\begin{array}{llllll} 20+5 & 20+16 & 35+20 & 25-5 & 36-20 & 37-2 \\ & 5+20 & 16+20 & 35+22 & 35-30 & 36-16 \\ & & & & 57-22 & 57-37 \end{array}$$

3. Икки хонали сонларни бир хонали сонлар билан қўшиш, йигиндида ўнликлар ҳосил бўладиган ҳоллари. Нол билан тугайдиган икки хонали сонлардан бир хонали ва икки хонали сонларни айриш:

$$\begin{array}{ll} 45 + 5 = 40 + 5 + 5 & 50 - 5 \\ 5 + 25 = 20 + 5 + 5 & 30 - 13 = 30 - 10 - 3 \\ 35 + 45 = 35 + 40 + 5 & 50 - 23 = 50 - 20 - 3 \end{array}$$

Бу 1, 2, 3 гурӯҳдаги мисоллар оғзаки ҳисоблаш усуллари билан бажарилади, яъни ҳисоблашни юқори хона бирликларидан (ўнликлардан) бошлаш керак. Мисолларнинг ёзуви бир сатр килинади.

Қўшиш ва айриш амаллари биргаликда ўрганилади. Қўшишнинг ҳар бир ҳоллари айришнинг тегишли ҳоллари билан таққосланади, уларни ўхшашлиги ва фарқи белгиланади.

100 ичидаги қўшиш ва айриш амалларини бажариш усулларини кўриб чиқамиз.

$$1) 20 + 10 = \quad 30 - 10 =$$

Нол билан тугайдиган икки хонали сонларни қўшиш ва айришни очиб беришда болаларга бундай сонларни қўшиш ва айриш бир хонали сонларни қўшиш ва айришга ўхшаш бажарилишини кўрсатиш керак. Масалан, биринчи мисолда йигиндини топиш учун 2 та ўнликка 1 та ўнликни қўшиш етарли, $30 - 10$ айирманни топиш учун 3 та ўнликдан 1 та ўнликни айриш етарли. Бундай ёзилади:

$$\begin{array}{ll} \underline{20 + 10 = 30} & \underline{30 - 10 = 20} \\ 2 \text{ ўнл.} + 1 \text{ ўнл.} = 3 \text{ ўнл.} = 30 & 3 \text{ ўнл.} - 1 \text{ ўнл.} = 2 \text{ ўнл.} = 20 \end{array}$$

$$2) 20 + 16 \quad 16 + 20 \quad 36 - 20$$

Бундай кўринишдаги мисолларнинг ечилишини тушунтириш номерлашни ўрганишда фойдаланилган қўлланмаларда (абак, арифметик ящик, чўтларда) олиб борилади. Ўқувчиларга амаллар бажарилишининг тўла ёзувини кўрсатиш фойдаидир:

$$\begin{array}{ll} \underline{20 + 16} & \underline{36 - 20} \\ 16 = 10 + 6 & 36 = 30 + 6 \\ 20 + 10 - 30 & 30 - 20 - 10 \\ 30 + 6 = 36 & 10 + 6 = 16 \\ \text{ёки } 20 + 16 = 20 + 10 + 6 = 30 + 6 = 36. & \\ 3) 35 + 2 \quad 37 - 2 & 4) 35 + 13 \quad 48 - 12 \quad 49 - 17 \quad 49 - 42 \\ 32 + 7 \quad 49 - 7 & 32 + 17 \end{array}$$

Үқувчилар бирликларни бирликларга қүшиш, бирликлардан бирликларни айириш қулай эканини күрадилар.

Үқувчининг, масалан, $35 + 2$ мисолини ечишда олиб борган мулоҳазасини келтирамиз: 35 сонини унинг хона қўшилувчилари 30 ва 5 сонлари йигиндиси билан алмаштираман. Ушбу мисол ҳосил бўлади: $35 + 2 = 30 + 5 + 2$. 30 ва 5 сонлари йигиндисига 2 ни қўшаман; 2 ни 5 сонига иккинчи қўшилувчига қўшиш қулай, 7 чиқади, буни биринчи қўшилувчи 30 га қўшаман, 37 чиқади. Шу билан бир вақтда ушбу ёзув бажарилади:

$35 + 2$ Шундан кейин расмдан ва ечимнинг ёзилишидан
 $35 = 30 + 5$ фойдаланиб ўқувчилар $35 + 20$, $35 + 2$ мисоллари-
нинг

$5 + 2 = 7$ ечилишини батафсил тушунтирадилар. Бунда
ўқитувчи ушбу
 $30 + 7 = 37$ саволларни беради: 35 сонини қандай алмаштиридик?
Қандай мисол ҳосил бўлди?
Мисолни қулай усул билан қандай ечиш мумкин?

Ўқитувчи биринчи мисолни ечишда нима учун сонни биринчи қўшилувчига, иккинчи мисолни ечишда эса сонни иккинчи қўшилувчига қўшилганини тушунтириш бундай тартибда олиб борилса, бу каби мисолларни ечиш осон бўлишини айтади.

$35 + 13 = 35 + 10 + 3$ $48 - 12 = 48 - 10 - 2$
45 + 5, 5 + 25 ҳоллари учун ҳисоблаш усуллари очиб берилади. Бу ҳоллар олдин қаралган ҳоллардан принципиал фарқ қилмайди, биринчи ҳолда бирликлар йигиндиси ўнликни ташкил қиласи, уни ўнликларга қўшиш керак:

$45 + 5$ Иккинчи ҳолда қўшилувчилар ўринларини
алмаштириш усулидан

$45 = 40 + 5$ фойдаланиш керак.

$5 + 5 = 10$

$40 + 10 = 50$

$$\begin{array}{r} \underline{50 - 5} \\ 50 = 40 + 10 \\ 10 - 5 = 5 \\ 40 + 5 = 45 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} \underline{80 - 23} \\ 23 = 20 + 3 \\ 80 - 20 = 60 \\ 60 - 3 = 57 \end{array}$$

50 – 5 ҳолини тушунтиришда ўқувчилар ҳар бирида 10 тадан чўп бўлган беш боғ чўпдан фойдаланишади. Улар бир боғ чўпни ечишади

ва ундан 5 та чўпни олишади, 5 чўп қолади.
Энди бу 5 та чўп қолган 40 та чўпга қўшилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. 100 ичидаги номерлашни ўрганишда ақли заиф болалар қандай билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари керак?
2. Иккинчи ўнлик сонларини кўшиш ва айиришда янги ҳисоблаш усуллари билан таништириш мақсадига қаратилган дарс бўлагини ишлаб чиқинг.
3. 100 ичидаги кўшиш ва айиришни ўрганиш ҳоллари қандай қийинлиги ортиб борадиган тартибда ўрганилади.
4. $35 + 20, 27 + 2, 37 - 3, 36 - 20, 35 - 2, 40 - 5$ мисолларини ечишда ҳисоблаш усуллари қандай назарий асосда очиб берилади?

XIX боб. 100 ИЧИДА НОМЕРЛАШНИ, ҚҰШИШ ВА АЙИРИШНИНГ ЁЗМА УСУЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ УСЛУБИЯТИ IV СИНФГА МАНСУБ БҮЛАДИ

Такрорлаш. Янги ҳисоблаш усули – құшиш ва айиришни ёзма усулларини ўрганишга ўтишдан олдин ўқитувчи такрорлашни ташкил этади. Бунда у вазифаларни қуйидагича ифодалаши мүмкін: 100 ичидә номерлаш, 100 ичидә хонадан ўтмасдан құшиш ва айириш, биринчи ўнлик сонларни таркиби, 20 ичидә хонадан ўтиб құшиш ва айириш.

Номерлашни такрорлаш билан бир вақтда ўқитувчи бир хонали сонларни таркиби, 100 ичидә сонларни хонадан ўтмасдан құшнш ва айириш устида иш олиб бориши мүмкін, чунки бу вазифалар бир-бирига жуда яқин. Масалан, ўқитувчи 8 сони таркибини такрорлаяпты дейлик. Соннинг икки қўшилувчидан иборат таркибини тузиш ва сонни қўшилувчиларга ажратиши машқ қиласди.

8	8
1 + 7	7 + 1
2 + 6	6 + 2
3 + 5	5 + 3
4 + 4	4 + 4
5 + 3	3 + 5
6 + 2	2 + 6
7 + 1	1 + 7

Қўшишнинг ўрин алмаштириш хоссаси такрорланади.

Биринчи чоракка ажратилган вақтнинг асосий қисми бир хонали сонларни хонадан ўтиб құшиш ва айириш усулларини мустаҳкамлашга бағишлиланган бўлиши керак.

$$\begin{aligned}6 + 5 &= 6 + 4 + 1 \\6 + 6 &= 6 + 4 + \square \\6 + 7 &= 6 + \square + \square \\6 + 8 &= 6 + \square + \square \\6 + 9 &= 6 + \square + \square\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}12 - 5 &= 12 - 2 - 3 = 7 \\15 - 8 &= 15 - 5 - 3 = 7 \\17 - 7 - 5 &= 5 \\13 - \dots - 4 &= 6 \\19 - \dots - 5 &= 5\end{aligned}$$

Хонадан ўтиб қўшиш ва айириш.

Дастурда 100 ичидаги қўшиш ва айиришнинг энг қийин ҳоллари ёзма усулда бажарилиши назарда тутилган. Бундай ҳолларга икки хонали сонларга бир хонали сонларни хонадан ўтиш билан айириш ҳамда икки хонали сонларга икки хонали сонларни хонадан ўтиб қўшиш ва икки хонали сонлардан, икки хонали сонларни хонадан ўтиш билан айириши киритиш мумкин.

$$28 + 3 \quad 31 - 3$$

Тушунтириш одатда абак, чўплар арифметик яшикнинг кубчалари, чўт ёрдамида олиб борилади.

Ўқитувчи ўқувчилардан мисолни ўқиб чиқиб, абакда 28 сонини ажратишини таклиф қиласди, кейин биринчи мисолдаги иккинчи қўшилувчи (3) ни шундай қўшилувчилар йифиндиси билан алмаштириш керакки, бу қўшилувчилардан бири биринчи сонни ўнликларга тўлдирсан (2 + 1). Шундан сўнг 28 га олдин 2, сўнгра йифиндидаги ёсил қилинган 3 ўнликка яна 1 қўшилади.

Айриш юқорида 20 ичидаги ўнликдан ўтиб айиришда кўрсатилган усулда олиб борилади. Ўқувчилар абакда 31 сонини ажратишиади. Кейин айрилувчи 3 кулай қўшилувчилар 1 ва 2 нинг йифиндиси билан алмаштирилади ва олдин бир қўшилувчи, сўнгра чиқсан натижадан иккинчи қўшилувчи айрилади.

Бу амаллар ечилишининг тўла ёзуви қуйидагича:

$$\begin{array}{r} 28 + 3 = 31 \\ 28 + 2 = 30 \\ 30 + 1 = 31 \end{array} \qquad \begin{array}{r} 31 - 3 = 28 \\ 31 - 1 = 30 \\ 30 - 2 = 28 \end{array}$$

$$\text{ёки } 28 + 2 + 1 = 31, \quad 31 - 1 - 2 = 28.$$

Ўқитувчи ёзма қўшиш (оғзаки ҳисоблашларда қилинганидек) юзликдан эмас, балки бирликдан бошланишига болаларнинг эътиборини қаратиши керак.

$$\begin{array}{r} +55 \\ 6 \end{array} \qquad \begin{array}{r} -53 \\ 4 \end{array}$$

Олдин мисоллар мукаммал тушунтиришлар билан ечилади:

Масалан: 1-мисолнинг ечилишини тушунтирамиз: 5 бирликка 6 бирликни қўшамиз, 11 бирлик чиқади ёки 1 ўнлик ва 1 бирлик чиқади. 1 бирликни бирликлар остига ёзамиз, 1 ўнликни эса ўнликларга қўшамиз.

Ақли заиф болалар қўшишда онгида ҳосил бўлган ўнликни эсдан чиқариб қўйишларини ҳисобга олиб, уни тегишли хонанинг устига ёзишга рухсат бериш мумкин. Масалан,

$$\begin{array}{r} 1 \\ + 55 \\ \hline 6 \\ 61 \end{array}$$

1 ўнлик + 5 ўнлик = 6 ўнлик чиқади. Йигиндиси 61 га тенг.

Айришни ёзма усулини тушунтиришга мисол тариқасида 53–4 кўринишидаги айришни келтирамиз.

$$\begin{array}{r} .53 \\ - 4 \\ \hline \end{array}$$

Тушунтириш. З бирликдан 4 бирликни айира олмаймиз; 5 ўнликдан бир ўнликни оламиз. Буни эсдан чиқармаслик учун 5 рақами устига нуқта қўямиз. 1 ўнлик ва 3 бирлик – бу 13 бирлик, 13 бирликдан 4 бирликни айрамиз, 9 бирлик қолади. Жавобни (9 ни) бирликлар тагига ёзамиз, 5 ўнлик ўрнида 4 ўнлик бор, 4 ўнликни ўнлар хонаси тагига ёзамиз. Айримда 49 қолади.

Ўқувчилар икки хонали сонларни ўнликдан ўтиб қўшиш ва айришга оид ҳисоблаш усувларини ($35 + 28$, $75 - 38$) ўзлаштиришлари керак.

$$+ 35$$

28 мисолининг ечилишига доир мукаммал тушунтиришлар бундай бўлади:

«5 бирликка 8 бирликни қўшамиз, 13 бирлик чиқади ёки 1 ўнлик ва 3 бирлик чиқади. 3 бирликни бирликлар остига ёзамиз, 1 ўнликни эса ўнликларга қўшамиз, 1 ўнлик + 3 ўнлик + 2 ўнлик, 6 ўнлик чиқади. Йигиндида ўнликлар ўрнига 6 ни ёзамиз. Йигинди 63 га тенг».

$$\begin{array}{r} .75 \\ - 38 \\ \hline \end{array}$$

38 мисолининг ечилишига доир мукаммал тушунтиришлар бундай бўлади: «5 дан 8 ни айриб бўлмайди, шу сабабли 7 ўнликдан 1 ўнликни оламиз. Буни эсдан чиқармаслик учун 7 рақами устига нуқта қўямиз. 1 ўнлик ва 5 бирлик – бу 15 бирлик, 15 бирликдан 8 бирликни айрамиз, 7 бирлик қолади, жавобни (7 ни) бирликлар тагига ёзамиз. Энди ўнликларни айрамиз. 7 рақами устидаги нуқта бирликларни

айирганимизда бир ўнлик олганимизни эслатади. Олтита ўнликдан 3 ўнликни айрамиз, 3 ўнлик қолади, уни ўнлар хонасига ёзамиз. Айримада 37 қолади».

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ёрдамчи мактабда 100 ичидә кўшиш ва айришнинг ёзма усууллари неchanчи синфга мансуб бўлади?
2. Кўшиш ва айришнинг ёзма усуулларини оғзаки усууллардан фарқи нимада?
3. 100 ичидә хонадан ўтиб кўшиш ва айришни ўрганиш ҳоллари қандай қийинлиги ортиб борадиган тартибда ўрганилади?
4. $49 + 5$, $30 - 14$, $23 + 28$ каби топширикларни бажаришда ўқувчи берадиган қисқа ва мукаммал тушунтиришларни келтиринг.

ХХ боб. ЖАДВАЛДА КҮПАЙТИРИШ ВА БҮЛИШГА ЎРГАТИШ УСЛУБИЯТИ

III синфда 20 ичида жадвалда күпайтириш ва бўлишни ўргана-дилар.

Ёрдамчи мактаб амалиётида күпайтириш ва бўлиш амалларини ўрганишнинг кўйидаги тартиби мавжуд.

1. Кўпайтириш ҳақидаги тушунчани бир хил сонларни қўшиш асосида киритиш.
2. 2 сонини кўпайтириш жадвалини тузиш.
3. Тенг бўлакларга бўлиш ҳақида тушунча.
4. 2 га бўлиш жадвалини тузиш.
5. 20 ичида кўпайтириш жадвалини тузиш.
6. 20 ичида бўлиш жадвалини тузиш (тенг бўлакларга бўлиш).

20 ичида жадвалда кўпайтиришга ўргатиш З-синфда қаралади. Ўқитувчи 2 сонини кўпайтириш жадвалини олдиндан тайёрлаб қўяди. Жадвални эслаб қолишини осонлаштириш учун унинг тузилишини ҳийла ойдинлаштириб кўрсатиш керак. Жадвалда сонлар йирик рақамлар билан тасвирланган бўлиб, кўпаювчилар бир хил рангда, кўпайтувчилар эса бошқа рангда, кўпайтмалар алоҳида ранглар билан ажратилган бўлиши керак.

Ўкувчилар кўпайтириш жадвали сатрларини кўздан кечирав эканлар кўпаювчи 2 сони биринчи ўринда туришини кўпайтувчи бўлса доимо 1 дан 10 гача ўзгариб боришини ва уни ёнида турган сон – жавоби 2 талаб санаш натижасида ҳосил қилинишини (2, 4, 6 ва ҳ.к.) осон аниқлашлари мумкин.

Бўлиш жадвали ҳам кўпайтириш жадвалига ўхшаб тузилган бўлиши керак.

Ҳисоблаш усууллари болаларга тўла тушунарли бўлиши учун уларни кўрсатма қўлланмалар ёрдамида аниқлаштириш мақсадга мувофик, бунда буюмларнинг расмлари иккитадан, учтадан ва ҳоказодан қилиб чизилган карточкалардан, сонли фигуралардан фойдаланиш керак.

Шу мақсадда ўқитувчи кўрсатма қўлланмалар, тарқатма материаллар тайёрлайди.

Масалан, ўқитувчи шундай дейди:

– Синфимизда ҳар бир партада 2 тадан ўқувчи ўтирибди. Синфи-миздаги ҳамма ўқувчиларни санаб чиқамиз. Тезроқ санаб чиқиш учун 2 талаб санаймиз.

– Ҳамма олмаларни саватга солиш ва саватда қанча олмалар борлигини санаб чиқиш керак. Тез санаб чиқиш учун олмаларни бирданыга 2 тадан олиб санаймиз: 2, 4, 6, ... 18, 20. Ҳамма олмалар қанча? 2 тадан неча марта олдик?

– 2 тадан 3 марта учбурчак кўйинг. Нечта учбурчак кўйдингиз?
 $2 + 2 + 2 = 6$ та.

Бу мисол ва масалаларнинг асосий вазифаси болаларни «шунчадан» «шунча марта» «колиш» деган ифода мазмунини тушунишга ўргатишдан иборат. Бунда болаларнинг эътибори ҳар гал кўшилувчилар бир хил эканлигига қаратилади, ҳар гал бундай кўшилувчилар қанча, уларнинг йигиндиси нимага тенг экани аниқланади.

Ўқитувчи кўпайтириш бир хил сонларни қўшиш демакдир, деб айтади, биз бажарган ёзувни бундай ўқиши мумкин: 2 тадан 3 марта учбурчак кўйиш керак, б чиқади. Бу кўпайтириш амали белгиси (x, \cdot) ёрдамида бундай ёзилади: $2 \times 3 = 6$. Мисолнинг ёзилишидаги белгилар кўпайтириш белгисини билдиради. У ёзувда 2 сони қандай кўшилувчилар қўшилганини кўрсатади, 3 сони эса улар нечта эканини билдиради.

Ўқувчилар кўпайтириш устида биринчи тасаввур олганларидан кейин ҳамда кўпайтириш белгиси ва бу амалнинг ёзуви билан танишганларидан сўнг 2 сонини кўпайтириш жадвалини ўрганишга ўтиш мумкин.

Қўшиш билан кўпайтириш орасидаги боғланишни ўқувчилар онгли ўзлаштиришлари учун қуидагича машқларни бажариш мақсадга мувофик:

1. Кўшишга оид мисолларни кўпайтиришга доир мисоллар билан алмаштиринг: $2 + 2 + 2 + 2 = 3 + 3 + 3 + 3 =$

2. Кўпайтиришга доир мисолларни қўшишга доир мисоллар билан алмаштиринг ва натижаларни ҳисобланг: $2 \times 5 = 3 \times 5$.

3. Натижаларни ҳисобланг ва мумкин бўлган ўринларда қўшишга доир мисолларни кўпайтиришга доир мисоллар билан алмаштиринг:

$$2 + 2 + 2 + 2 + 2 =, \quad 3 + 3 + 3 + 3 + 4 =,$$
$$5 + 5 + 5 + 5 =,$$

20 ичида жадвалда бўлишга ўргатиши. Ёрдамчи мактабда кўпайтириш ва бўлиш амаллари алоҳида-алоҳида кўрилади. Болалар бўлишнинг моҳиятини яхши ўзлаштириб олганларидан кейингина бўлиш кўпайтириш билан таққосланади, бу икки амал орасидаги боғланиш аниқланади.

Маълумки, икки хил бўлиш мавжуд: тенг бўлакларга бўлиш ва мазмунига кўра бўлиш.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ақли заиф болаларучун бўлишнинг иккала тури ҳам катта қийинчилик түғдиради. Ёрдамчи мактабда бўлишнинг конкрет маъноси олдин тенг қисмларга бўлишга доир масалалар ечишда, сўнгра мазмунига кўра бўлишга доир масалалар ечишда очиб берилади.

Кўпайтириш ва бўлиш амаллари биргаликда ўрганилади, яъни 2 сонига кўпайтириш ўргалигандан сўнг, тенг икки қисмга бўлиш ўрганилади, бу икки амал таққосланади ва улар орасидаги боғланиш аниқланади.

Тенг қисмларга бўлиш амалининг маъноси ақли заиф ўқувчилар нарсалар тўпламлари билан амаллар бажаришгандагина тушунарли бўлиши мумкин. Ҳар бир ўқувчи факат кузатибгина қолмай, балки турли нарсалар тўпламларини тенг қисмларга бўлиш ишини мустақил бир неча марта бажариши керак.

Ўқитувчи аниқ ҳаётий вазият яратади: она бозордан 4 та анор олиб келди. Онанинг иккита боласи бор – Аҳмад ва Ботир. Анорларни Ботирга бериб, иккалови тенг бўлиб олишини таклиф қилди. Ботир анорларни қандай бўлди?

Ўқитувчи икки ўқувчини доскага чиқарди. Улардан бири анорларни бўлади. Анорларни икки гуруҳга ҳар хил бўлиш мумкинлиги аниқланади.

Шундан кейин уч ўқувчини доскага чиқариб, улардан бирига 8 та дафтарни бошқа икки ўқувчига тенг бўлиб беришни таклиф қилиш мумкин. Олдин ўқитувчи биттадан қандай бўлиш кераклигини тушунишиб беради. Ўқитувчи ўқувчилар олдига саволлар кўяди: «Ҳамма дафтарлар қанча эди? Нечта тенг қисмларга бўлдингиз? (Ўқувчилар нечта эди?) Қандай бўлдингиз? Ҳар бир ўқувчидан нечта-дан дафтар бўлди? Дафтарлар тенг бўлиндими?».

Ўқувчилар иккита тенг қисмларга бўлиш жараёнини тушунгандаридан кейин, 2 га бўлиш жадвалини тузишга ўтиш мумкин. Ўқувчилар бўлиш белгиси (:) ва бўлиш амалининг ёзуви билан танишадилар.

Үқувчиларга иккитадан доирача санаб олиб, уларни тенг икки қисмга бўлиш таклиф қилинади. Мисолни ёзиб оладилар: $2 : 2 = 1$.

Шундан сўнг 4 та нарсани тенг икки қисмга бўладилар ва мисолни ёзиб оладилар:

$4 : 2 = 2$. 20 ичида тенг қисмларга: учга, тўртга, бешга бўлиш жадвали шундай тузилади.

100 ичида жадвалда кўпайтириш ва бўлишга ўргатиш.

100 ичида кўпайтириш ва бўлишни ўрганишнинг қуидаги тартиби мавжуд:

1. Кўпайтириш ва бўлиш жадвалини тузиш.

2. Кўпайтиришнинг ўрин алмасиниши хоссаси билан амалий танишириш.

3. Кўпайтириш ва бўлишнинг ўзаро боғлиқлигини таққослаш.

4. Бирга кўпайтириш ва бирни кўпайтириш. Бирга бўлиш.

5. Нолни кўпайтириш ва нолга кўпайтириш. Нолни бўлиш.

6. Қолдиқли бўлиш.

Агар учинчи синфда 30 гача 3 талаб санаши етарли бўлса, тўртинчи синфда 90 гача санашига ўргатиш лозим.

100 ичида жадвалда кўпайтириш ва бўлишни ўргатиша машқлар муайян системада, енгилдан мураккабга ўтиш принципига амал қилинган ҳолда ишлатилиши керак.

Масалан, сонларни 4 га кўпайтириш жадвалини мустаҳкамлашдан ўлдинбир амалли мисоллар берилади.

$(4 \times 2, 4 \times 5)$ ва ушбу $4 \times \square = 12$ кўринишдаги мисоллар ечилади.

Шундан сўнг мураккаб мисолларни ечиш киритилади:

$4 \times 5 - 12, 4 \times 3 + 28, 4 \times 4 + 38, 4 \times 5 + 29$ ва ҳ.к.

100 ичида амалларни ўрганиш амаллар тартиби қоидасини тушунтириш билан тугалланади. Ўқувчилар, агар мисолда қўшиш, айриш, кўпайтириш ва бўлиш амаллари бўлса, у ҳолда олдин кўпайтириш, бўлиш (бу амаллар биринчи даражали), кейин тартиб билан қўшиш ва айриш (бу амаллар иккичи даражали) бажарилишини билиб оладилар.

Навбатдаги қадам ўқувчиларни кўпайтиришнинг ўрин алмасиниши хоссаси билан таниширишдан иборат. Кўпайтиришнинг ўрин алмасиниши хоссаси кўрсатмалиликдан кенг фойдаланилган ҳолда тушунтириллади. Ўқитувчи ҳамма ўқувчилардан 2 тадан 3 марта чўплар олиб, уларни жуфтлаб қўйишни ва ҳамма чўплар қанчалигини айтишни сўрайди.

Бундан кўпайтиришга қандай мисол тусса бўлади? $(2 \times 3 =)$.

Шундан сўнг 3 тадан 2 марта чўплар олиб, уларни 3 тадан қилиб кўшишни ва ҳамма чўплар қанчалигини айтишни сўрайди. Кўпайтиришга қандай мисол тузса бўлади? Чўпларнинг сони ўзгарадими? Ҳамма чўплар қанча эканлигини икки усул билан билиш таклиф қилинади. ($2 \times 3 = 6$, $3 \times 2 = 6$). Шундан кейин ҳосил бўлган мисолларни таққослаб, улар нималари билан ўхшаш (кўпайтувчилар бир хил, натижалар teng) ва нималари билан фарқ қилишлари (кўпайтувчиларнинг ўринлари алмашган) аниқлашади. Шунга ўхшаш бир қанча топширикларни бажаргандаридан кейин айрим ўқувчилар хоссасини мустақил ифодалашлари мумкин: кўпайтирувчиларнинг ўринларини алмаштиришдан кўпайтма ўзгармайди.

Кўпайтириш ва бўлиш орасидаги боғланишни тушунишга шундай кўринишдаги мисолларни ечиш ва тузишга кўмаклашади:

$$\begin{array}{lll} 5 \times 3 = 15 & 5 \times 3 = 15 & 18 : 3 = 6 \\ 15 : 3 = 5 & 3 \times 5 = 15 & 18 : 6 = 3 \end{array}$$

Бўлишга доир мисол бўйича кўпайтиришга доир иккита мисол туз:

$$\begin{array}{ll} 24 : 6 = 4 & 30 : 6 = \square \\ 4 \times 6 = 24 & \dots \\ 6 \times 4 = 24 & \dots \end{array}$$

Юзгача бўлган сонларни ўрганиш тўртинчи синфда тугатилади. Йил охирида ҳамма ўқувчилар 100 ичida абстракт ҳисоблаш малакаларини ўзлаштириб олишлари керак.

1 ни 1 га кўпайтириш ва 1 га бўлиш билан ўқувчилар кўпайтириш ва бўлиш жадвалини тўлиқ ўргангандаридан кейин танишадилар. Бундай кўпайтириш ҳолларини 1 ни катта сонга кўпайтиришдан бошлаш керак. Шу мақсадда ўқувчиларга, масалан, 1×4 , 1×6 ва ҳ.к. сонларнинг кўпайтмасини кўшиш билан топиш таклиф этилади. Бундай машқларни бажариш натижасида ўқувчилар бир сони иккинчи кўпайтувчидан қанча бир бўлса, шунча марта қўшилувчи қилиб олинини ва кўпайтмада ҳар доим иккинчи кўпайтувчига teng сон бўлишини кўришлари керак. Ўқувчилар 1 ни ҳар қандай сонга кўпайтиришда кўпайтмада шу сон ҳосил бўлади деган холосани ҳаётий-амалий мазмундаги масалалар ечиш асосида қилишлари мумкин.

1 га кўпайтириш қоидасини (ҳар қандай сонни 1 га кўпайтириш натижасида шу кўпайтирилган сон чиқади) ўқитувчи маҳсус ҳол сифатида киритади. Бу ҳолни кўпайтиришнинг ўрин алмаштириш хоссаси орқали тушунтириш мумкин, чунончи, агар $5 \times 1 = 5$ бўлса, биз биламизки, $1 \times 5 = 5$, шу сабабли $5 \times 1 = 1 \times 5$.

Шундан кейин кўпайтириш билан бўлиш орасидаги боғланиш асосида сонни 1 га бўлиш қоидаси киритилади:

$$3 : 1 = 3, \text{ чунки } 1 \times 3 = 3, 5 : 1 = 5, \text{ чунки, } 1 \times 5 = 5.$$

Нол билан кўпайтириш, нолга кўпайтириш ва нолга бўлиш. Нолни кўпайтириш ($0 \times 5, 0 \times 7$ ва ҳ.к.) кўпайтириш амалининг конкрет маъносини билганлик асосида (кўпайтириш бу тенг кўшилувчиларни кўриш демакдир) бажарилади. Масалан, $0 \times 5 = 0 + 0 + 0 + 0 + 0 = 0$. Демак, $0 \times 5 = 0$.

Нолга кўпайтириш ҳоли «маҳсус» ҳолдир, чунки бу ҳол (1 га кўпайтиришдаги каби) кўпайтириш амалининг конкрет мазмунига жавоб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, берилган сонни нол марта кўшилувчи қилиб олиб бўлмайди. Шу сабабли ўқитувчи болаларга ҳар қандай сонни ноль билан кўпайтмаси нолга тенг деб олинишини тўғридан-тўғри айтади. Бу ерда кўпайтиришнинг ўрин алмашиниш хоссасини бундай қўллаш мумкин: агар $5 \times 0 = 0$ бўлса, у ҳолда $0 \times 5 = 0$, бунда $0 \times 0 = 0 \times 5$.

Амалларнинг ташкил этувчилари 0 ва 1 дан иборат бўлган мисолтарда ўқувчилар кўп хатоларга йўл қўядилар. Шунинг учун бу туғуничаларни табақалаштиришга ёрдам берувчи машқлар фойдалидир:

$$\begin{array}{llll} 0 : 0 & 4 \times 0 & 0 : 5 & 6 : 6 \\ 3 : 1 & 4 \times 1 & 0 \times 5 & 6 - 6 \\ 2 : 2 & 4 + 0 & 0 + 5 & 7 \times 1 \\ 5 - 5 & 4 + 1 & 5 - 0 & 7 : 1 \end{array} \quad \begin{array}{l} 6 \times 6 \\ 6 : 6 \\ 6 + 6 \\ 6 - 6. \end{array}$$

Қолдиқли бўлиш жадвалда бўлиш ҳоллари ўрганилгандан кейин (4-синф) қаралади. Қолдиқли бўлишда ўқувчилар кўп хатоларга йўл кўйишади. Улар ё қолдиқни ёзишмайди ($5 : 2 = 2$), ё уни бўлинмага кўшадилар. $5 : 2 = 3$ -бўлинмага 1 қолдиқни кўшадилар.

Қолдиқли бўлиш қўйидаги тартибда қаралади.

1. Ўқувчилар қолдиқли бўлишнинг маъноси билан таништирилади. Буни амалий машқлар мисолида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Масалан, уч ўқувчини доскага чиқариб, улардан бирига 4 та ёнғоқни бошқа икки ўқувчига тенг бўлиб беришни тақлиф килиш

мумкин. Натижа доскага ёзилади: $4 : 2 = 2$. сүнгра шу ўқувчининг ўзи 5 та ёнғоқни 2 га тақсимлайди. Бунда ўқитувчи 5 та ёнғоқни икки ўқувчига бўлганда ҳар бир ўқувчига бир хилда 2 тадан ёнғоқ тегиб, битта ёнғоқ ортиб қолишини тушунтиради. Ҳар қайси намойишни ўқитувчи доскада тегишли ёзув билан олиб боради: $5 : 2 = 2$ (қолдик 1).

2. Ўқувчилар бўлишда чиқадиган қолдик бўлувчидан кичик бўлиши керак, деган хulosага келтирилади.

Қолдиқли бўлишга оид мисоллар ечишда ўқитувчи ечиладиган мисолларни куйидаги тартибда танлайди: олдин қолдик бирга тенг бўлиши керак, сўнг 2, 3 га, ундан кейин исталган сонга.

$$\begin{array}{ll} 3 : 2 = 1 \text{ (қолд. 1)}, & 7 : 3 = 2 \text{ (қолд. 1)}, \\ * \quad 4 : 3 = 1 \text{ (қолд. 1)}, & 7 : 4 = 1 \text{ (қолд. 3)}, \\ 5 : 2 = 2 \text{ (қолд. 1)}, & 11 : 4 = 2 \text{ (қолд. 3)}. \end{array}$$

Бундай топшириқларни бажариш натижасида ўқувчилар тўла мустақиллик билан ушбу хulosага келтирилади: агар бўлишда қолдик чиқса, у ҳар доим бўлувчидан кичик бўлади.

Хulosани онгли ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш учун ҳар хил машқлардан фойдаланилади, масалан, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12 сонлар қаторидан 3 га қолдиқсиз бўлинадиганларнинг тагига чизинг, 3 га бўлинмайдиган сонларнинг тагига қолдигини ёзинг.

Икки хонали сонни бир хонали сонга қолдиқли бўлишни ўрганиш ўқув йилининг охирида кўзда тутилади.

$$49 : 5 = 9 \text{ (қолд. 4)}$$

Юзгача бўлган сонларни ўрганиш тўртинчи синфда тугатилади. Йил охирида ҳамма ўқувчилар 100 ичida абстракт ҳисоблаш малакаларини ўзлаштириб олишлари керак.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ёрдамчи мактабда жадвалда кўпайтириш ва бўлиш қандай тартибда ўрганилади?

2. Куйидаги мавзуларга доир дарс бўлакларини тузинг: «Бўлиш», «2 сонини кўпайтириш жадвали», «3 га бўлиш жадвали», «Кўпайтиришнинг ўрин алмашиниш хоссаси».

3. Жадвалда кўпайтириш (бўлиш)ни мустаҳкамлашга 10-12 та машқ келтиринг.

4. IV учун математика дарсلىкларидан ўқувчиларнинг хотира-ларини ривожлантиришга қаратилган кўпайтириш (бўлиш) жадвалини мустаҳкамлашга оид 8-10 та машқни ёзиб олинг.

5. Кўйидаги топширикларни ўқувчиларга кўпайтириш амалини ўрганишнинг қайси босқичида ва қандай мақсадда бериш керак? 4-синф дарслигидан шундай топширикларни топинг.

а) кўшишни кўпайтириш билан алмаштиринг: $5+5+5$; $7+7+7+7$.

б) кўпайтмани ҳисобланг, уни биринчи натижа билан таққосланг:

$$4 \times 7 = 28, 4 \times 8 = \quad \quad \quad 5 \times 6 = 30, 5 \times 7 =$$

в) биринчи мисолни иккинчиси билан таққослаб ечинг. $25 : 5 = 5$,

$$5 \times 5 = 25, \quad \quad \quad 36 : 4 = 9 \quad \quad \quad 9 \times 4 = 36.$$

XXI боб. МЕТРИК ЎЛЧОВ СИСТЕМАСИНИ ЎРГАНИШ УСЛУБИЯТИ

Ёрдамчи мактабда ўқувчилар киймат (бахо), узунлик, масса (оғирлик) сиғим, юз, ҳажм ва вакт ўлчов бирликлари билан танишадилар. Оддий асбоблар ёрдамида миқдорларни ўлчаш, ишларини баҗаришга ўрганадилар.

Миқдорларни ўрганиш арифметик материални ўрганиш билан узвий боғланишда амалга оширилади. Жумладан, ўлчовларни ўрганиш санашини ўрганиш билан боғланади; янги ўлчов бирликлари тегишли саноқ бирикмалари киритилганидан сўнг киритилади.

Шу мавзу юзасидан ўтказиладиган машғулотлар умумлаштириш, амалларни тўғри ва мақсадга йўналтирилганлигини такомиллаштириш, ҳар қандай ишни охирига етказиш кўникмасини тарбиялаш, ўз-ўзини текшириш қобилиятини ўргатишга имкон беради.

Амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда дикқат, хотира, кузатувчанлик ривожланади, майда мушаклар ҳаракати мушак сезги-лари такомиллашади. Бунинг ҳаммаси ақли заиф ўқувчиларнинг шахсий фазилатини тузатиши масаласини ҳал этишга хизмат килади.

Ўлчов бирликлари ва ўлчаш ишлари билан таништириш жараёнида ўқувчиларнинг сон устидаги тушунчалари кенгаяди. Масалан, болаларни ўлчов бирликлари билан таништириш ва улар билан ўлчаш ишлари олиб бориш натижасида ўқувчилар ўлчаш ёрдамида ҳам сонлар ҳосил қилиниши мумкинлигига ишонч ҳосил қиласидилар.

Бу материални ўрганиш ўнлик саноқ системасининг қонуниятларини яхши тушунишга имкон беради.

Бу мавзуни ўрганиш математика ўқитишни турмуш билан узвий боғлаш имконини беради: ўқувчилар кундаклик ҳаётда ва келгусида қасб-хунарларни эгаллашда зарур бўлган ўлчаш малака ва кўникмаларини амалий эгаллайдилар: ўлчаш асбоблари бўлмиш чизгич, рулетка, соат ва ҳ.к дан тўғри фойдаланишини ўрганадилар.

Бу мавзуу математиканинг бошқа бўлимларига караганда анча аник бўлишига қарамай, ёрдамчи мактаб ўқувчилари учун катта қийинчилик туғдиради.

Куйи синф ўқувчиларида ҳам, юқори синф ўқувчиларида ҳам миқдорлар ва уларнинг ўлчов бирликлари устида реал тасаввурлари

к. Микдор ўлчов бирликларини яхши билмаслик ва уларни фарқлай маслик ўлчов бирликлари орасидаги муносабатларни аниклашда та кийинчилик туғдиради.

Бу мавзу устида арифметик амаллар бажаришда ўқувчилар турли өларга йўл кўядилар. Масалан, $10 \text{ м} + 25 \text{ см} = 35 \text{ м}$ ёки $35 \text{ см. } 20 - 5 \text{ мм} = 15 \text{ см}$ ёки 15 мм . Бу шундан дарак берадики, ўқувчилар ҳдай сонларни кўшиш ва айришда сонларнинг исмига (нарса змуунмга) зътибор бермай, балки амалларнинг ташкил этувчи ғларнинг ташкил белгиларига таянадилар ва уларга маълум бўлган ўш усулларини кўлладилар. Демак, ўлчашдан хосил бўлган ғларни ҳар доим ўлчовларининг исми билан ёзиш керак. Агар ўаш битта ўлчов бирлигига олиб борилса унда битта исмига эга ғлан сонлар хосил бўлади. (5 м, 35 см, 15 мм ва ҳ.к.) Агар ўлчаш сита ўлчов бирлигига олиб борилса, унда иккита исмига эга бўлган ғлар хосил бўлади. (5 м 50 см, 10 см 5 мм).

Бу хатоларнинг асосий сабаби ҳар бир ўлчов бирликларининг та-кичичклиги устида аник тасаввурларнинг йўклиги хисобланади. Кўпчилик муаллифлар ўқувчиларнинг узунлик ўлчов бирликлари ҳдаги тассаввурларининг йўклиги ёки аниқмаслигига сабаб, улар у 1 бу ўлчов бирликларини ҳеч қачон кўз билан чамалаб кўришга ишмасликларида, бу мавзуга боғланган дарслар деярли ҳар доим облар ёрдамида факат амалий ишларни бажариш билан фояланишида деб биладилар.

Бу кийинчиликларни бартараф этиш учун куйидаги талабларга ыл килиш лозим: 1) ўлчовларни ўрганиш ўқувчиларнинг ўзларини ол амалий фаолиятлари билан бирга кўшиб олиб борилиши керак; ўлчовларни ўрганиш кўз билан чамалаш ва мускулий сезгилари тан бирга бориши керак; 3) ҳар бир ўлчов бирликларини ўнтиришда (см, дм, м, мм, км, кг, г, ц, т), бу ўлчов ғларининг микдорини ўқувчилар олдин кўз билан талашлари, кейин шу ўлчов бирликларига тенг бўлган кесмаларни када 2-3 киши чизиши, сўнг чизилган кесмаларни ўлчаб, килинган оларга болаларнинг диккатини жалб килиш максадга мувофиқдир. Микдорларни ўлчов бирликларини ўрганишда ўлчашга ва ўлчаш ижаларнинг турли бирликларда ифодалашга оид мумкин кадар роқ амалий ишлар ўтказиш керак. Масалан, қозогзга чизилган маларни ўлчаш, дафтар, китоб ва бошқа унча катта бўлмаган саларни ўлчаб, ўлчаш нағижаларни дафтарига ёзиш таклиф инади. Бундай ишларни бажаришда битта микдорни турли ўлчов

бирликлари билан ўлчаш ҳам фойдали: масалан, олдин сантиметрлар билан кейин дециметрлар билан ва ҳ.к. Ўлчаш натижаларини ўлчов бирликларининг исми билан ёзиш керак, моделни ўлчашдада ҳосил бўлган сон танланган ўлчов бирликларига боғлик бўлади. Масалан, битта кесманинг узунлиги куйидагича ёзиб олиниши мумкин: 1 дм, 10 см, 100 мм.

Агар бунга ўқувчиларнинг дикқатини алоҳида жалб қилинмаса, улар ҳар хил сонлар (масалан, 1 м, 10 дм, 100 см, 1000 мм) ҳар хил микдорларни характерлайди, деб ҳисоблайдилар.

Қиймат (баҳо) ўлчов бирликларини ўрганиш

I синфда ўқувчилар баҳо ўлчов бирликлари билан танишадилар. Баҳо ҳақидаги тушунча ақли заиф ўқувчилар учун мураккаб мавзулардан биридир. Агар нормал бола мактабга боргунга қадар баҳо ўлчовлари бўлмиш пул билан етарлича амалий тажрибага эга бўлса, кўпчилик ақли заиф болалар кузатувчанликнинг етарли бўлмаслиги, сустлик сабабли тангаларнинг қадр-қийматини билмайдилар.

Холбуки, баҳо ўлчовини ўрганиш болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, баҳо ўлчовини ўрганиш натурал сонларни номерлашни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Тангалар билан таништириш. Ёрдамчи мактаб ўқитувчиларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқувчиларни тангалар билан бирламчи таништириш тегишли сонларни ўрганиш билан бирга қўшиб олиб борилса, улар тангаларни яхши эслаб қолар ва уларни бир-биридан фарқлай олар эканлар.

Масалан, 1 сонини ўрганишда ўқувчилар 1 сўмлик танга билан 5 сонини ўрганишда 5 сўмлик танга билан танишадилар ва ҳ.к.

Тангалар билан таништириш кўйидаги тартибда олиб борилади:

1. Танганинг ташқи кўриниши: ранги, шакли, катта-кичиклиги, тангага ёзилган рақам билан таништириш.
2. Кўрсатилган қийматга эга бўлган тангани бошқа тангалар орасидан танлаш.
3. Тангани номига қараб танлаш (1 сўмлик, 5 сўмлик ва ҳ.к. тангаларни топинг).
4. Дафтарда танганинг устидан қалам билан айлантириб чизиб чиқинг.

5. Тангаларни майдалаш ва йириги билан алмаштириш.

Тажриба шуни кўрсатадики, тангаларни майдалаш ва йириги билан алмаштириши 1-5 сонларини тақорглашда, яъни ўқувчилар сонларнинг таркибини билиб олганларидан кейин ўтказиш мақсад мувофиқ бўлади.

10 сўмлик танга билан таништириш битта «ўнлик» тушунчасига ўқувчилар ўзлаштириб олганларидан кейин киритилади. 10 та би сўмлик танга 1 та ўн сўмлик тангани, яъни қиймати 10 сўмга э бўлган тангани хосил қилишини ўқитувчи тушунтиради. 10 сўмликтангани 1 сўмлик, 5 сўмлик тангалар билан майдалаш майкилинади.

Учинчи синфда болаларни баҳо ўлчов бирлиги билан таништири давом эттирилади.

Ўқувчилар 25 сўм 50 сўм ва 100 сўмлик қоғоз пул билан 100 ичи, номерлашни ўрганганларидан кейин танишадилар. Ўқувчиларга 10 гача ўнталаб даста килиб боғланган чўпларни санаш такли қилинади, сўнг бу санокни 100 гача 10 сўмлик тангалар билан санаға қаратиш мумкин: ўқувчилар санайдилар: «10 сўм, 20 сўм, ..., 100 сўм», кейин ўқитувчи улардан сўрайди: 100 сўмни хосил қилиш учун нечта 10 сўмлик олдик? Ёки 10 та 10 сўмлик тангани битта яхлит 10 сўмлик билан алмаштираса бўладими? Шундан кейин 25 сўм, 50 сўм 100 сўмлик қоғоз пулларни майдалаш ва йириги билан алмаштири машқ қилинади.

Учинчи синфда «Магазин» ўйинини уюштиришда куйидаги ташибга риоя қилиш керак 1) қайтимсиз битта нарсани сотиб олиш; . қайтимини олиш билан сотиб олинган нарсага ҳақ тўлаш; қайтимсиз иккита ёки учта нарсани сотиб олиш; 4) қайтимини оли билан иккита нарсани сотиб олиш. Ҳамма ўқувчилар сотовучи ва хидор бўлиб чиқишилари керак.

Узунлик ўлчов бирликларини ўрганиш услубияти. Ҳамма узунлик ўлчовлари ва улар орасидаги муносабатлар билан ёрдам мактаб ўқувчилари I-V синфларда танишадилар. Бу ўлчовлар мустаҳкамлаш мактабда бутун ўкув йили мобайнида олиб борилади.

2-синфда ўқувчилар узунлик ўлчов бирлиги сантиметр билан танишадилар. Ўқитувчи одатда, симдан ёки картондан тайёрланган сантиметрни кўрсатади. Кейин сантиметр дафтарнинг икки катаги узулиги, бармоқнинг кенглиги билан таққосланади.

Ўқувчилар сантиметр ҳакида аён тасаввур олишлари учун, ул ўқитувчи раҳбарлигида сантиметрнинг бир канча моделини тайё

лашлари лозим. Бунинг учун катакли қоғоз варагидан эни икки каттака тенг бўлган тасма, сўнгра ундан 1 см ли тасма қирқишилари керак. Тасмаларнинг устма-уст қўйиб, болалар улар ўзаро тенг эканига ишонч ҳосил қиласидилар. Бундай тасмаларнинг ҳар бири сантиметрининг модели эканини ўқитувчи айтади. Сантиметр модели ёрдамида ўкувчилар: 1) берилган кесмани ўлчаш; 2) берилган узунликдаги кесмани ясаш (чишиш) масалаларини ҳал қилишни ўрганиб олишлари керак.

Берилаган узунликдаги кесмани сантиметр модели ёрдамида чишида, ҳар қайси ўкувчи олдин дафтарда тўғри чизик ўтказиши керак; кейин тўғри чизикда нуқта (кесма охирларидан бири) белгилайди ва бу нуқтадан бошлаб бирор йўналишдаги сантиметрларни керагича сонда қўйиб чиқади (ҳар гал қалам билан белгилаб), қалам билан кесманинг иккинчи охирини белгилайди.

Олдин болалар бир сантиметр узунликка эга бўлган нарсаларни ўлчайдилар. Кейин аста-секин қаламдон, дафтар, китоб ва бошқа унча катта бўлмаган нарсаларни ўлчаш бўйича ҳам машқ қилдириш керак. Шундан кейин сантиметр моделидан фойдаланишдан чизғич (қоғоз тасма) моделидан фойдаланишга ўтиш тавсия этилади, чизгични ўкувчилар катакли қоғоз варагидан ясашади.

Бир сантиметрли кесма бу қоғоз тасмага ҳаммаси бўлиб 10 марта кетма-кет қўйилади ва ҳар гал бўлинишларга белги қўйиб борилади. Узунлиги 1 дм бўлган тасманинг охирлари кесилишидан ҳосил бўлган қоғоз тасма чизгичнинг модели бўлади. Бундай чизгичнинг сантиметрли шкаласи бўлинишлари остига ўкувчилар 0 дан 10 гача бўлган сонларни тартиб билан ёзиб чикишади.

Ўкувчиларни узунликнинг янги бирлиги – дециметр билан таништириш иккинчи ўнликни ўрганиш муносабати билан бошланади. Юқорида қаралган чизғич (қоғоз тасма) аслида дециметрнинг қоғоз моделидир. Ўқувчилар дециметр модели билан ҳам сантиметр модели ёрдамида бажарганларидек, ишларни, яъни ўлчашлар ва ясашларни бажаришади. Куйидаги саволларни бериш фойдали: «1 дециметр неча сантиметрдан иборат? 1 дециметрни ҳосил қилиш учун неча сантиметр санаб ажратишамиз керак?».

Ишда навбатдаги қадам кесмаларни сантиметр, дециметр моделини ёрдамида ясаш ва ўлчаш.

Микдорларнинг ўлчов бирликларини ўрганишда ўлчашга ва ўлчаш натижаларини турли бирликларда ифодалашга оид мумкин қадар кўпроқ амалий ишлар ўтказиш керак. Масалан, қоғозга чизилган кес-

маларни ўлчаш, дафтар, китоб ва бошка унча катта бўлмаган нарсаларни ўлчаб, ўлчаш натижаларини дафтарга ёзиш таклиф қилинади. Бундай ишларни бажаришда битта микдорни турли ўлчов бирликлари билан ўлчаш ҳам фойдали: масалан, олдин сантиметрлар билан, кейин дециметрлар билан ва ҳ.к. ўлчаши натижаларини ўлчов бирликларининг исми билан ёзиш керак, моделни ўлчашдан ҳосил бўлган сон танланган ўлчов бирликларига боғлиқ бўлади. Масалан, битта кесманинг узунлиги қўйидагича ёзиб олиниши мумкин: 1 дм, 10 см.

2-синфда ўқувчилар предметларнинг массаси бўйича таққослашни ўрганидилар.

Кузатишлар ва ўқувчиларнинг билим савияларини ўрганиш, уларнинг мускул сезгилари одатдан ташқари бўш ривожланганлигини кўрсатади. Шунинг учун секин-аста болаларнинг мускулий сезгила-рини ривожланишига имкон берадиган машқларни ўюштириш керак. Ўқувчилар бошида нарсаларнинг массасини мускул сезгила-ри орқали фарқлаб, натижада тушунчалар оладилар: оғир-енгил, оғиррок-енгилроқ.

Ўқитувчи дарсга массаси бўйича ҳар хил бўлган нарсалар олиб келади. Бу нарсаларнинг ҳажми, шакли бир хил бўлиб, факат массаси билан фарқланиши керак. Болалар қўлларига навбатдаги нарсанни олиб, улардан қайси бири оғир, қайси бир енгиллигини аниқлайдилар.

Ўқитувчининг топшириғи ҳар хил ифодаланган бўлиши мумкин. Масалан,

- Иккита кутичадан оғирроғини (енгилроғини) ол.
- Қайси кутичанинг оғирлиги таққослаб топ.
- Қўлингга бу кутичани ол, энди бунисини ол.
- Қайси кутичанинг массаси оғир?
- Берилган кутичалар ичидан энг оғирини (енгилини) ол.

Навбатдаги машқлар болаларга нарсанинг массасини унинг ҳажмидан фарқлашга ёрдам беради.

Иккита ҳажми ҳар хил, массаси жиҳатдан эса кичиги каттасига қараганда оғир бўлган нарса олинади. Ўқитувчи стол устига иккала кутичани қўяди ва ўқувчилардан сўрайди: «Қайси кутича катта? (Болалар кўрсатишади). Уни қўлингизга олинг (сўнг бошка кутичани қўлга олишни сўрайди). Қайси кутича оғир? Катта кутичами ёки кичик кутичами?». Бундай машқлар хulosса билан тугайди: бу кутича катта бўлишига қарамай, у енгилроқ. Бу кутича кичик бўлишига қарамай, у оғирроқ.

Бундай машқлар орқали ақли заиф болаларга нарсаларнинг ҳажми катта бўлишига қарамай вазн жиҳатидан енгил бўлиши мумкинлиги ҳакида тушунча берилади.

Учинчи синфда янги ўлчов бирлиги – метр ўрганилади. Ўқувчилар синфнинг бўйи ва энини олдин қадамлаб аниқлайдилар. Шу мақсадда ўқитувчи 2-3 боладан синфнинг бўйини қадам билан ўлчаб, ўлчов натижасини, яъни қадамлар сонини доскага ёзишни таклиф қиласди. Натижада хаммада ҳар-хил сон ҳосил бўлади. Ўқитувчи бир қанча мисолларда улар танлаган узунлик ўлчовлари мукаммал эмаслигини кўрсатади. Шундан сўнг синфнинг бўйини аниқ ўлчайдиган асбоб бор, уни метр деб атаймиз, дейди. Ўқитувчи бир метрли ёғоч чизғични кўрсатади ва бу чизғич метрнинг нусхаси эканлигини айтади.

Дарсда ҳар бир ўқувчи қалин қофоздан тайёрланган, узунлиги 1 метр бўлган қофоз чизғични оладилар. Сўнг ўқитувчи раҳбарлигига синфнинг, досканинг, эшикнинг ва ҳ.к.ларнинг эни ва бўйини ўлчайдилар. Қўйидаги саволларни бериш фойдали: 1 м неча сантиметр (дециметр) дан иборат? 1 м ни ҳосил килиш учун неча сантиметр (дециметр) санаб ажратишимишиз керак ?

Ўқувчилар метр билан таниширилганларидан кейин уларга метр, дециметр, сантиметрларни таққослашга доир кўп машқларни бериш мумкин:

- 1) ўқитувчи ўлчанадиган нарсани кўрсатади. Қани ким айтади, қайси ўлчов бирлиги билан ўлчаймиз? Нима учун?
- 2) ўзингизга маълум бўлган ҳамма ўлчов бирликларини айтинг.
- 3) 1 м, 1 дм, 1 см бу қандай ўлчов бирликлари?
- 4) сиз қандай узунлик бирликларини биласиз? Уларни энг кичигидан (кattасидан) бошлаб айтинг.

5) мен сизларга узунлик ўлчов бирликларини айтаман, сиз менга уларни ичидан энг каттасини (кичигини) айтасиз. Ўқувчиларга узунлиги 1 м бўлган дециметрларга ажратилган чизғичлар тарқатилади. Улар 1 метрда неча дециметр борлигини ҳисоблайдилар. Ўқувчилар 1 м = 10 дм, 1 дм = 10 см га тенг эканлигини қатъий равища ўзлаштирганларидан кейин улар билан мисоллар ечишга ўтиш мумкин.

$$7 \text{ дм} + 3 \text{ дм} = 10 \text{ дм} = 1 \text{ м}$$

$$15 \text{ дм} > 1 \text{ м}$$

$$6 \text{ дм} + 6 \text{ дм} = 12 \text{ дм}$$

$$10 \text{ дм} = 1 \text{ м}$$

$$15 \text{ дм} - 8 \text{ дм} = 7 \text{ дм}$$

$$13 \text{ см} > 1 \text{ дм}$$

$$3 \text{ см} \times 5 = 15 \text{ см}$$

$$5 \text{ см} < 1 \text{ дм}$$

$$15 \text{ см} : 5 = 3 \text{ см}$$

Масса ўлчов бирлигини ўрганиш. З-синфда ўқувчилик массасы бирлиги – килограмм билан танишадилар. Ёрдамчи мактаб ўқувчилирида бир килограмм ҳақида реал тасаввурлари, аник түйғулари йўқ. Шунинг учун улардан бир килограммдан қилиб тортиб кўйилган озиқ-овқат маҳсулотларининг номини айтиш сўралса, улар бир кило шакар билан бир қаторда батон, булочка, тарвуз, массаси 3 кг бўлган картошкани ва ҳ.к ни айтадилар. 1 кг масса ҳақидаги тасаввурни болалар факат ўзларининг амалий ишлари асосида олишлари киррак. Болалар массалари 1 кг га тенг бўлган нарсаларни кўлларида ушлаб кўришлари ва бу нарсаларни оғир ёки енгил нарслар билан таққослашлари керак.

Бу босқичда масса ўлчовини ўрганишга бағишиланган ишларнинг энг муҳими ўқувчиларнинг мускул сезигиларини ривожлантириш, нарсаларнинг массаси таҳминий бўлса-да, «кўлда» аниқлаш кўниумасини ривожлантириш ҳисобланади. Шунинг учун нарсаларни тортишдан олдин ўқувчилардан бу нарсанинг оғирлиги ҳақида қандай фикрда эканликларини сўраш керак. Улар ўзлари ўйлаган сонни ёзиб кўйишсин, ўлчашлардан кейин ўзларининг қанчалик тўғри ўйлаганликларини текшириб кўрадилар.

Ҳажм (сифим) ўлчов бирликларини ўрганиш. III синфда ўқувчилик ҳажм ўлчов бирлиги литр билан танишадилар. Бунда литрнинг ҳар хил намуналарининг бўлиши, яъни бир литрли банка, кружка. Шунингдек, идишларнинг бўлиши жуда катта аҳамиятга эга.

Ўқитувчига мўлжалланган методик кўлланмада дарсни сухбатдан бошлиш тавсия қилинади, бу сухбатда болалардан сут, керосин, бензин, ёғ, умуман, суюклиқ, қайси ўлчов бирлиги билан ўлчанишини сўраб олиш тавсия этилади. Шундан кейин литрни кўрсатиш ва литр ёрдамида ҳар хил идишларнинг ҳажмини (сифимини) ўлчашга ўтиш тавсия қилинади. Шу мақсадда ўқитувчи 1 литрлик кружкага сув кўйиб, кейин ундаги сувни навбати билан бутилка ва банкаларга куяди. Демак, кружкага қанча сув кетган бўлса, бутилка ва банкага ҳам шунча сув кетар экан, яъни бир хил миқдорда – 1 литр, деган хуносага ўқувчилик келтиради. Бу хуносага ўқувчилик тушунарли бўлиши учун ҳар бир ўқувчи учун мураккаб бўлмаган бу ишни ўзи қилиб кўриши керак.

Амалий ишларни ҳар хил шаклда ўтказиш мумкин. Жумладан, баъзиларини келтирамиз:

1. Магазин ўйини. Ўқувчилардан бири сотувчи қилиб тайинланади. Челакларга сут (сув) куйилган. Бир неча ўқувчи билонлар ва бан-

калар олишади – улар харидорлар. Харидорларнинг талабига биноан сотовчи уларга 1л, 2л, 3л сут қуйиб беради. Қолган ҳамма ўқувчилар сотовчи сутни тўғри куйиб беришини кузатиб боришади.

2. Банкага, кострюлкага (бошқа идишга) канча сув сиғишини ўлчаш таклиф қилинади. Бунда олдин ўқувчилардан бирор идишга неча литр суюклик сиғиши ҳақида қандай фикрда эканликларини сўраш керак. Улар ўзлари ўйлаган сонни ёзиб қўйишин, ўлчашлардан кейин ўзларининг қанчалик тўғри ўйлаганликларини текшириб кўрадилар.

IV синфда узунлик ўлчов бирликлари билан танишиш давом эттирилади: болалар ўқув йили бошида миллиметр билан танишадилар. Миллиметр ёрдамчи мактаб ўқувчилари учун, айниқса слесарлик ва дурадгорлик устахоналарида шуғулланадиганлар учун жуда катта амалий аҳамиятга эга. Таништиришни сантиметрга қараганда анча майда бўлган янги ўлчов бирлигини киритиш амалиётнинг талаби эканини кўрсатишдан бошлиш керак. Буни ўқувчиларга сантиметрларга бўлингган қофоз тасмалар ёрдамида олдиндан қофоз варакларига чизилган, масалан, узунликлари 5 см ва 5 см 4 мм бўлган кесмаларни ўлчашни таклиф қилиб амалга ошириш мумкин. Кесмалар тагма-таг чизилган бўлиб, бир хил эмаслиги яхши кўриниб туради. Ўқитувчи бу кесмалар бараварми деб сўрайди, қайси кесма узун, қайсиниси қисқа? Кейин ўқитувчи кесмаларни ўлчашни таклиф қиласди ва сўрайди: «Тепадаги кесманинг узунлиги қанча? Пастдаги кесманинг узунлиги қанча?».

Пастдаги кесманинг узунлигини аниқлашда 5 см ва яна 1 см дан кам қолдик ҳосил бўлади. Ўқитувчи қолдикни ўлчаш мумкини деб сўрайди.

Одатда, масштабли чизгичдан бўлинишларни караб, ўқитувчи, битта майда бўлиниш, яъни чизгичнинг иккита чизикчаси орасидаги битта кесма миллиметр деб аталишини айтади. Болалар 1 см да 10 та мм борлигига ишонч ҳосил қиласдилар. Шундан кейин ўқувчилар ўлчашларга ўтишади, «миллиметр» сўзи доссага ва дафтарларга ёзилади, ўқитувчи бу исмни сонларда белгиланиши билан 1 мм 5 мм ва ҳ.к. таништиради. Улар дарсликда берилган кесмаларни ва шу дарсликда чизилган фигуранларнинг томонларини ўлчашади.

Шундай ўлчаш ишларидан сўнг ўқувчилар ўлчашда ҳосил бўлган сонлар факат битта ўлчов бирлигига ифодаланмай, балки иккита ўлчов бирлигига ҳам ифодаланиши мумкинлиги билан биринчи бор танишадилар. Ўқитувчи ўлчашга доир ишларни ташкил қиласди, бун-

дай ишлар орқали болалар ўлчашда олдин метрдан фойдаланиш қабул қилингандыкимини, агар қолдик метрдан кам бўлган ҳолларда дециметр ёки сантиметрдан, яъни олдин катта ўлчов бирлигидан кейин майдаларидан фойдаланиш кераклигини ўкувчиликлар ўзлаштирадилар.

Ўқитувчи ўкувчиларга кўйидаги кўринишдаги мисолларни таклиф қилиши мумкин:

$$45 \text{ см} + 55 \text{ см} =$$

$$1 \text{ м} - 42 \text{ см} =$$

$$1 \text{ м } 24 \text{ см} - 24 \text{ см} =$$

$$1 \text{ м} - 5 \text{ см} = \text{ва х.к.}$$

$$1 \text{ м } 24 \text{ см} - 1 \text{ м} =$$

Тўртингич синфда ўкувчилар янги масса бирлиги – центнер билан танишадилар. Массаси 1 ц бўлган нарсаларни қўлда «ушлаб туриш» мумкин эмас. Шу сабабли ўкувчиларда янги ўлчов бирлиги ҳакида конкрет тасаввурлар ҳосил қилиш учун ўкувчиларга, масалан, бундай маълумотни айтиши мумкин: Икки қоп уннинг массаси – 1 ц тенг.

Метрик ўлчов системасига оид тасаввурларни шакллантириш ва дарсни қизиқарли қилиш учун машқлар турини кенгайтириш керак

1. 5 сўм, 10 сўм, 25 сўм, 50 сўмлик тангаларни кўрсат.
2. Қиймат (бахо) ўлчовига бешта сон ёз.
3. Каримда учта 5 сўмлик ва битта 10 сўмлик танга бор. Каримда ҳаммаси бўлиб қанча пул бор?
4. 25 сўмлик тангани турли танга ва чақалар билан майдала. Бу танга ва чақалар қандай бўлади?
5. Исталган танга ва чақалар билан 10 сўм, 25 сўм, 50 сўм йиғ.
6. Сен қандай қофоз пулларни биласан?
7. 1 м, 1 дм, 1 см, бу қандай ўлчов бирликлари?
8. Сиз қандай узунлик бирликларини биласиз? Уларни энг кичигидан (кattасидан) бошлаб айтинг.
9. Мен сизларга узунлик ўлчов бирликларини айтаман, сиз менга уларни ичидан энг каттасини (кичигини) айтасиз.
10. Узунлиги 1 м бўлган кесмани доскага чиз. Чизғич ёрдамида қанчалик хато қилганингни текшириш.
11. 1 м узунликни кўлларинг билан кўрсат.
12. Эшикни, доскани узунлигини кўз билан чамалаб аниқла. Рулетка билан текшириш.
13. Сонларни тақкосла ва $>$, $<$, $=$ белгиларидан керак бўлганини қўй.

1 дм ... 10 см
9 см ... 1 дм

10 см ... 10 дм
8 дм ... 8 дм

2 дм ... 18 см
15 см ... 15 дм

14. Ҳамма битта ўлчов бирлигига ифодаланган сонларни ёзиб чиқ.
9 м 15 см 50 см 25 сўм
32 м 5 дм 17 дм 5 см

15. Ҳамма иккита ўлчов бирлигига ифодаланган сонларни ёзиб чиқ.

5 м 20 см, 50 сўм, 10 дм 7 см, 10 сўм, 15 дм, 8 м 90 см.

16. 3 та битта ўлчов бирлигига ифодаланган сон ва 3 та иккита ўлчов бирлигига ифодаланган сон ёз.

17. Мисолларни еч. Агар йигинди 100 см га тенг бўлса, 100 см ни 1 м га алмаштири. Намуна $35 \text{ см} + 65 \text{ см} = 100 \text{ см} = 1 \text{ м}$.

$$\begin{array}{lll} 37 \text{ см} + 3 \text{ см} = & 31 \text{ см} + 19 \text{ см} = & 15 \text{ см} + 35 \text{ см} = \\ 52 \text{ см} + 48 \text{ см} = & 12 \text{ см} + 88 \text{ см} = & 55 \text{ см} + 45 \text{ см} = \end{array}$$

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ўқувчиларни киймат (баҳо) ўлчовлари билан танишириш дарсларидан бир неча бўлаклар ишлаб чиқинг.

2. Узунлик ўлчовлари, ҳажм (сифим) ўлчовлари мавзуларидан бири бўйича машқлар турлари ва дидактик ўйинлар системасини ишлаб чиқинг.

3. Ўқувчиларни масса ўлчовлари билан танишириш дарсларидан бир нечта бўлаклар ишлаб чиқинг.

4. Ўқувчиларнинг ишларидан, кузатишлар натижаларидан фойдаланиб метрик ўлчов системасини ўрганишда ўқувчилар йўл қўядиган ўзига хос хатоларни топинг. Бу хатоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф қилиш йўлларини ўйлаб топинг.

ХХII боб. ВАҚТГА ОИД ТАСАВВУРЛАРНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ, ВАҚТ ЎЛЧОВЛАРИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА ТЕГИШЛИ МАЛАКА ВА КҮНИКМАЛАРНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ УСЛУБИЯТИ

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларни вақт ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш катта амалий, ҳаётий ва тузатиш-тарбиявий аҳамиятга эга.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг вақт ҳақидаги тасаввурларини текшириш шуни кўрасатадики, бу болаларда вақт ҳақидаги тасаввурлар нормал ўқувчиларга қараганда анча кейин шаклланади ва уларнинг тасаввурларидан сифат жиҳатидан фарқ қиласди.

Ёрдамчи мактабнинг I синф ўқувчилари вақт атамаларини деярли билмайдилар. Масалан, «Кеч», «Бугун», «Эртага», атамаларини куйидагича кўлладидилар: «Мен эртага ойим билан кинога бордим», «Бизларда эртага арча байрами бўлади».

Ўқувчилар йил фаслларининг номини, тартибини, ҳар бир йил фаслига хос бўлган табиатдаги ва об-ҳаводаги ўзгаришларни ёд билсалар-да, бироқ ўз билимларини қўллай олмайдилар. Масалан: «Ҳозир қайси фасл», деган саволга, – «Кеч баҳор эди, ҳамма ёқ эриб кетган эди, бугун яна қиши келди, кор ёғди, қаттиқ совук», деб жавоб берадилар.

Ақли заиф ўқувчиларда ҳодисанинг қанча вақт давом этганлиги, бошланishi ва охирини аниқлаш қийинчилик билан таркиб топади. Бу ҳол турли кўрсатма қўлланмалардан кенг фойдаланиш кераклигини кўрсатади.

Тайёргарлик даврида ёк ўқитувчи ўз олдига вақт ҳақидаги тасаввурларини (кеча, бугун, эртага) аниқлаш ва ривожлантириш, айrim вақт тушунчаларини ифодалай олиш масаласини қўяди. У мақсадда у вақтни тавсифловчи ҳодиса ва воқеалар устида кузатишни ўюштиради, болалар катталарнинг фаoliyatини акс эттирувчи расмлардан, навбатчилик календаридан (тақвимдан) фойдаланади. Ҳар кунги биринчи дарс сухбатдан бошланади: Бугун ким навбатчи?, Кече ким навбатчи эди?, Эртага ким навбатчилик киласди? Ҳар бир кун ўрнига бошқа бир кун келади. Бугун улар нима иш билан шуғулланишлари устида сухбат ўтказилади. Кече нима иш

қилингандыктын эслятилади. Ўқув күнининг охирда ўқитувчи эртага ўқувчиларни қанақа ходиса ва воқеалар кутаётгандыгини маълум килади. Натижада ўқувчиларда айрим тажрибалар түпланиб боради ва улар «кеча», «бугун», «эртага» тушунчаларни фарқлашга, уларни муайян ходиса ва воқеалар билан боғлашга ўрганадилар. Болаларнинг дикқатини вақтнинг ўтувчанлигига қаратиш керак: нимаики юз берган бўлса, эртага ўтмишга кетади ва «кеча» атамаси билан боғланади.

II синфда ўқувчилар сутка тушунчалиги билан танишадилар.

Сутка тушунчалиги сутканинг болаларга таниш бўлаклари бўлган эрталаб, кундузи, кечкурун, тун (ёки эрталабдан кечгача ва тун) тушунчаларини аниқлаш орқали киритилади.

Иккинчи синфда ўқувчилар ҳафта кунлари билан танишадилар. Ақли заиф ўқувчилар ҳафта кунларининг номларини айтишда кийналадилар.

Тажриба кўрсатадики, ўқувчилар ҳафта кунлари ва уларнинг тартибини аста-секин, агар улардан ҳар куни бугун ҳафтанинг қайси куни, кеча ҳафтанинг қайси куни эди, эртага ҳафтанинг қайси куни бўлади деб сўраб борилган тақдирдагина эслаб қоладилар. Шу мақсадда йиртиладиган календар билан ишлаш ҳам фойдали бўлади, у навбатчилик календарига маҳкам ўрнатилади. Йиртиладиган календарни варақлари ташлаб юборилмайди, балки душунба кунидан бошлаб календар остидаги чўнтакларга тахланиб борилади. Шанба ва душанбада хулоса қилинади. Ўқитувчи болалардан куйидагиларни сўрайди: «Сизлар неча кун ўқидингиз? (Болалар санайдилар). Эртага қайси кун? Сизлар неча кун дам оласизлар? Бир душанбадан кейинги душанбагача неча кун ўтди? (Бир ҳафта ўтди). Бир ҳафтада неча кун бор?».

Ўқувчилар ҳафта жадвалини тузадилар: 1. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба (устун қилиб ёзилади).

Иккинчи синфда ўқувчилар вақт ўлчов бирлиги – соат ҳақида тушунча оладилар. Улар вақтни 1 соат аниқлиқда белгилашни ўрганадилар.

Болаларнинг бу вақт ораликлари ҳақидаги конкрет тасаввурлари уларнинг амалий фаолиятлари, кузатишлари асосида шакллантирилади. Масалан, 1 соат битта дарс билан катта танаффуснинг давом этишидир. Бу босқичда соат билан таништириш асосий момент бўлиб ҳисобланади. Синфда катта демонстрацион модел бўлиши

керак. Бундан ташқари, ҳар бир ўқувчидаги шундай ҳаракатланадиган стрелкали циферблат бўлиши мумкин.

Циферблатда ўқувчилар ракамларни ўқийдилар, соат ва минут милларини кўздан кечирадилар. Соатларни кўрсатувчи мил бутун соатни кўрсатиши учун минутларни кўрсатувчи мил ўн иккida туриши кераклигини ўқитувчи маълум қиласди.

Вақтни 1 соатгача аниқлик билан белгилашда минутларни кўрсатувчи мил бутун доирани айланиб чиқади, соатларни кўрсатувчи мил бўлса, кейинги сонга сурилади ва 1 соатни босиб ўтганлигини кўрсатади. Шу дарснинг ўзида ўқувчилар соатларда кўрсатилган вақтни ўқишини ўрганадилар: яъни 1 соат аниқлик билан вақтни айтадилар, бунда соат миллари шундай қўйишлари керакки, улар бутун соатлар сонини кўрсатсан.

Ёрдамчи мактаб 3-4 синф ўқувчиларининг вақт ҳақидаги билим ва амалий кўнималарини текшириш шуни кўрсатадики, бу болалар соат циферблатдан фойдалана олмайдилар. Соат милларини тўғри қўя олмайдилар. Саотнинг катта ва кичик милларининг вазифаларини билмайдилар, уларни чалкаштирадилар. Улар у ёки бу вақт ўлчов бирлиги ичida (1 секундда, минутда, соатда ва х.к) нима қилишга улгуриш мумкин, деган саволга мужмал жавоблар берадилар, масалан: «Бир секундда – ухлаш, ёзиш», «Бир секундда 5 та мисол ечиш, минутда – ёзма дарсларни бажаришга улгуриш, полни ювиб чиқиши; бир соатда бир километр масофани босиб ўтиш» мумкин ва х.к.

Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун шу мавзуга бағишиланган дарслар деярли ҳар доим ўқувчиларнинг ўзларни фаол амалий фаолиятлари билан бирга кўшиб олиб борилиши керак.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари вақт ўлчов бирликлари орасидаги муносабатларни ҳам қийинчилик билан ўзлаштирадилар.¹ Улар бир йилда 12 ой, 120 кун, бир ойда 37 кун, бир соатда 100 минут, соат минутдан кичик, ой йилдан катта деб ҳисоблайдилар.

Маълумки вақт ўлчовлари бошқа ўлчовлардан фарқли ўлароқ бевосита ўлчаш (вақтнинг соатга караб ўлчаш мумкин бўлган секунд, минут каби оралиқларини ҳисобга олмагандан) имкониятини бермайди. Шунинг учун вақт тушунчалари ўзлаштириш учун қийин. Вақтни сезги аъзолари билан идрок қилиб бўлмайди. Вақт саноғи ўнлик саноқ системаси орасидаги муносабатлари конуниятларидан

¹ М.Н.Перова. «Методика преподавания математики во вспомогательной школе». М., «Просвещение», 1989, 228-бет.

фарқ қиласи. 1 соат = 60 минут, 1 минут = 60 секунд, 1 йил = 365 (366) кун. 1 ой = 28, 29, 30, 31 кун, 1 йил = 12 ой, 1 сутка = 24 соат ва ҳ.к.

III синфда ўқувчилар сутка бўлаклари билан танишишни давом этирадилар.

Айрим ўқувчилар сутка бўлаклари тартибини чалкаштирадилар, яъни кундан кейин дарров тун келади, тундан кейин бўлса, кун бошланади деб ҳисобладилар.

Сутка бўлакларининг тартибини ҳамда уларнинг ўрин алмашишини кўргазма қуролларда ва дидактик материалларда кўрсатиш ва мустаҳкамлаш керак. Бунинг учун «сутка соатидан» (эрталаб, кундузи, кечкурун, тун) фойдаланиш мумкин.

III ўқувчилар эрталаб, кундузи, кечкурун, тунни битта умумлаштирилган сўз билан «сутка» деб атай олишлари керак. 1 сутка = 24 соат.

Ой. Йил. III–синфда ёрдамчи мактаб ўқувчилари янги .вақт бирлиги – ой ҳақида тушунча оладилар. Бу мавзуни ўрганишда қўйидаги кўрсатма қўлланмалардан фойдаланиш керак: йиртиладиган календар ва табел календар.

Болаларни ой, йил билан таниширишда ўқитувчи табель календардан фойдаланади. Табел календардан ўтган кунлар чизиб ўчирилиб борилади. Ойнинг охирида тўлиқ хафталар сони ва қолган сони натижада 1 ойда ҳаммаси бўлиб неча кун борлиги аниқланади. Шундай ишлар кейинги октябр, ноябр, декабр ойларида ҳам олиб борилади. Болалар кунлари сони бир хил бўлган ойларни ажратадилар, апрел, июнь, сентябр, ноябр 30 кундан, қолган 7 ой эса (февралдан ташқари) 31 кундан иборат. Оддий йилнинг феврали эса 28 кундан, кабиса йилининг феврали эса 29 кундан иборат. Ўқувчилар календардан ойнинг тартиб рақамини аниқлайдилар. Йилнинг иккинчи ойи қандай аталади? Май тартиб бўйича нечанчи ой? ва ҳ.к. лар, агар ой ва сана маълум бўлса, хафтанинг кунини аниқлайдилар ва аксинча, хафтанинг кунлари маълум бўлса, бугун ойнинг қайси чисолосига тўғри келишини аниқлайдилар ва ҳ.к.

III–синфда ўқувчилар соат билан ишлашни давом этирадилар. Ўқувчилар вақтни ярим соат аниқликда белгилашни ўрганадилар (минутлар милли циферблатнинг 6 рақамида турса, унда соат ярим соатни кўрсатади).

Ўқувчиларни вақтнинг янги бирлиги – минут билан таниширишни бу ўлчов бирлигининг қанчалик зарурлиги ҳақида сухбатдан бош-

лаш керак. 1 минутнинг қанча давом этишини шакллантириш учун болалар бир минутда нима қилишга улгuriш мумкинлигини билиб оладиган машқлар бажарилади. Бир минутда қайси сонгача санай оласан? (60 гача).

Үртача қадам билан бир минутда неча метр босиш мумкин? (60-70 метр) ва ҳ.к.

Үқувчилар вақтни 5 минутгача аниқлик билан белгилашни ўрганадилар.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, III синфда ўқувчилар соатларига қараб вақтни белгилашда ўз жавобларида фақат ўтган вақтни кўллайдилар. Масалан, «3 соату 5 минут ўтди», «1 соат-у 20 минут ўтди» ва ҳ.к.

Вақт ўлчовлари билан ифодаланган сонларни қўшиш ва айришга ўргатишида вақтнинг катта қисми оғзаки ҳисоблаш малакаларини таркиб топтиришга қаратилади:

$$4 \text{ ой} + 8 \text{ ой} = 12 \text{ ой} = 1 \text{ йил}$$

$$1 \text{ йил} - 3 \text{ ой} = 9 \text{ ой}$$

$$14 \text{ соат} + 10 \text{ соат} = 24 \text{ соат} = 1 \text{ сутка}$$

15 соат + 10 соат = 25 соат. Топилган натижани 1 сутка билан таққослаш: $25 \text{ соат} > 1 \text{ суткадан ёки } 40 \text{ сутка} - 15 \text{ сутка} = 25 \text{ сутка. } 25 \text{ сутка} < 1 \text{ ойдан ва ҳ.к.}$

IV синфда ўқувчилар вақтни 1 минутгача аниқлик билан белгилашни ўрганадилар.

Ўқувчилар вақтни бошқача ҳисоблаш усули ҳақида тушунча оладилар. Масалан, 3 дан 20 мин ўтди. 5 дан 25 мин ўтди ва ҳ.к. Кейинги босқичда келгуси замон вақт тушунчаси берилади (20 минuti кам беш, 15 минuti кам тўкқиз ва ҳ.к.).

IV синфда ўқувчилар ўзлари учун янги вақт бирлиги секунд билан танишадилар. 1 минут = 60 секунд. Секунднинг давомийлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун болалар, масалан, 1 секундда 1-2 қадам босиб, (яъни 1 м) ўтиш мумкинлигини аниқлашади.

Ўқувчилар секундларни кўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлишга оид мисоллар ечадилар.

Аста-секин бошқа сонлар ҳам киритилади: йил билан сутка, ой билан сутка, йил билан ой.

Вақт ўлчови жадвалидан фойдаланиб ўқувчилар иккита ўлчов бирлигига ифодаланган сонларни тузишни ўрганадилар:

$$1 \text{ мин.} = 60 \text{ сек.} \quad 8 \text{ мин. } 38 \text{ сек.} \quad 5 \text{ мин. } 05 \text{ сек.}$$

$$1 \text{ соат} = 60 \text{ мин.} \quad 12 \text{ соат } 25 \text{ мин.} \quad 15 \text{ соат } 07 \text{ мин.}$$

$$1 \text{ сутка} = 24 \text{ соат} \quad 15 \text{ сутка } 16 \text{ соат} \quad 18 \text{ сутка } 01 \text{ соат}$$

$$1 \text{ ой} = 30 \text{ сутка} \quad 3 \text{ ой } 18 \text{ сутка} \quad 9 \text{ ой } 06 \text{ сутка}$$

$$1 \text{ йил} = 12 \text{ ой} \quad 6 \text{ йил II ой} \quad 4 \text{ йил } 01 \text{ ой}$$

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ўқувчиларни вақт ўлчовларини билан таништириш дарсларидан бир неча бўлаклар ишлаб чиқинг.
2. «Вакт ўлчовлари» мавзуларидан бири бўйича машқлар системаси ва дидактик ўйинлар системасини ишлаб чиқинг.
3. Ўқувчиларнинг ишларидан, кузатишлар натижаларидан фойдаланиб вақт ўлчовларини ўрганишда ўқувчилар йўл кўядиган ўзига хос хатоларни топинг. Бу хатоларнинг олдини олиш ва уларнинг барта-раф қилиш йўлларини йўлаб топинг.

Вақтга оид тасаввурларни таркиб топтириш ва дарсни қизикарли қилиш, болаларнинг диққатини жалб қилиш учун машқлар турини кенгайтириш керак

1. Ҳафта кунларини тартиб билан айт.
2. Ҳафтанинг қайси кунида ўқувчилар ўқишимайди?
3. Феврал ойида неча кун бор? Январ ойидачи?
4. Биринчи ўқиши куни ҳафтанинг қайси куни бўлади?
5. Ҳафтанинг қайси куни ўқитувчи уйга вазифа бермайди?
6. Учинчи, бешинчи, саккизинчи ойларнинг номларини ёз.
7. 1 дан бошлаб бир минут давомида сана. Сен нечигача санадинг?
8. Соат қайси вақтни кўрсатяпти?
9. Агар соатнинг кичик мили 5 да, катта мили 12 да турган бўлса, соат неча бўлади?
10. Агар соатнинг кичик мили 10 да, катта мили 12 да турган бўлса-чи?
11. Иккала мили 12 да турган бўлса, соат неча бўлади?
12. Агар соатнинг кичик мили 1 да, катта мили 12 турган бўлса-чи?
13. Соат милларини шундай кўйки, улар соат 12-ю 15 минутни; соат 5-у 30 минутни ёки беш яримни кўрсатсин.
14. Соат милларини шундай кўйки, улар соат 12 дан 5 минут ўтганини, соат 2 дан 20 минут ўтганини, 15 минути кам ўн бирни, 25 минути кам 10 ни кўрсатсин.
15. Агар минутлар мили 12 дан 1 га, 3 га, 5 га сурилган бўлса, неча минут ўтган бўлади?

ХХII боб. АРИФМЕТИК МАСАЛАЛАР ЕЧИШ УСЛУБИЯТИ

Ёрдамчи мактаб математика курсида арифметик масалалар мухим ўрин эгаллади. Математика дарсларида вақтнинг деярли ярмини масала ечиш эгаллади. Бу ақли заиф ўкувчиларга таълим беришда масала ечишнинг катта таълимий-тарбиявий аҳамияти билан тушунтирилади. Ўкувчилар масала ечиш натижасида амалларнинг мазмуни, уларнинг ҳар бир қўлланишларини, ташкил этувчилари билан натижалари орасидаги боғланишларни ўзлаштиришни ўрганадилар. Бундан ташқари, масала ечиш болаларда назарияни амалда қўллай олиш малакасини таркиб топтиради. Ўкувчиларни ўз билимларини ишлаб чиқариш корхоналарида қўллай олишга тайёрлади.

Арифметик масалалар ечиш жараёнида ўкувчиларда мантиқий тафқур ривожланади. Уларда анализ-синтез килиш, таққослаш, умумлаштириш жараёнлари, зеҳн-фаросат, оғзаки ва ёзма нутклари лугат бойликлари ривожланди.

Масалаларни ечишда математикага бўлган қизиқиш ривожланади, умуман мустақиллик, эркинлик, талабчанлик, меҳнатсеварлик, мақсадга интилишлик ривожланади. Масалалар ўкувчиларнинг фикрлаш доираларини кенгайтиришга ёрдам беради, уларни ўз шаҳрининг ҳаёти билан, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигидаги меҳнатлари билан таништиради.

Ўкувчилар арифметик масалалар ечиш кўникмасини катта қийинчилик билан эгалладилар.

Ўкувчиларни текшириш ишларининг таҳлили, кузатиш ва маҳсус текширишлар масала ечишда ўкувчилар томонидан йўл қўйиладиган хатоларни куйидагича тасниф (классификация) килиш мумкинлигини кўрсатади:

- 1) Ортиқча савол ва амалларни киритадилар;
- 2) Керакли савол ва амалларни истисно қиладилар;
- 3) Саволлар амалларга тўғри келмайди, саволлар тўғри қўйилиб, амаллар нотўғри танланади ёки аксинча, амаллар тўғри танланиб, саволлар нотўғри ифодаланади;
- 4) Сонлар ва амаллар тасодифан танланади;

5) Амалларни бажаришда, миқдорларнинг номини ёзишда хато қиласидилар; а) исмлари ёзилмайди, в) исмлари хато ёзилади, с) исмлар факат айрим амалларни ташкил этувчилардагина ёзилади.

6) Ҳисоблашда хато қилинади;

7) Масаланинг жавоби нотўғри ифодаланади.

Ақли заиф ўкувчи кўпинча масаланинг мазмунини ва унинг маълумотларини бор нарсалар ва уларнинг ўзаро боғланишлари ҳакидаги тасаввурлар билан қиёс қилолмайди. Масалан, матни, сонлар ва номлар ўртасидаги боғланишларнинг мураккаб системасини вужудга келтириш бу болалар учун айниқса қийиндир. Ўкувчи масалани ечаётганда ундаги боғланишлар системасини тушуниб олиши ва ана шу боғланишлар доирасида иш кўриши керак. Ҳатто икки амал билан ечиладиган масала ҳам, шартида баён қилинмаган саволлар қўйишни талаб қиласиди. Масалан, масала шартларида, бир болада 4 қалам бор, иккинчисида ундагидан битта ортиқ қалам бор. Иккала болада нечта қалам бор? – дейилган. Ўкувчи иккинчи болада нечта қалам бор эди? – деган саволни мустақил равищда тузиши ва шундан кейин масалани ечиши керак. Ўқитувчилар бу жараён нормал болалар учун ҳам маълум даражада қийин эканлигини биладилар. Аммо нормал болалар иккинчи болада нечта қалам борлигини билмай туриб, масалани умуман ечиш мумкин эмаслигини анча осон билиб оладилар. Ақли заиф ўкувчи, одатда, масалани мустақил тушуна олмайди: у масалани бир савол билан $4 + 1 = 5$ тарзида «ечади.» .

Ақли заиф бола арифметик амалларни танлашда саволни эътиборга олмайди ва масаладаги сонли маълумотлар «айтиб берган» амални бажаради, яъни масаланинг қолган бутун мазмунидан ажратиб олинган муайян сўзга суюниш майли бўлади. Чунончи, масаланинг шартида «учиб кетди», «қолди» деган сўзни учратиш билан баъзи ўкувчилар айришни бажараверадилар, ҳолбуки, масала матнида бундай сўз бўлиши ҳамма вакт ҳам айришни талаб қиласивермайди. Масалан, ушбу масала: «Дарахт шохига қушлар қўнио турган эди, 3 таси учеб кетди, 2 таси колди. Дарахт шохига нечта қуш қўниб турган эди?» да «учиб кетди», «қолди» деган сўзлар бор, лекин масала айриш билан эмас, балки қўшиш амали билан ечилади.

Ақли заиф болаларнинг ўзига хос хусусияти шуки, улар кам ҳаракат, руҳий жараёнлари инерт ҳолатда бўлади, шу сабабли улар «бир жойда тўхтаб қолишга» тафакур ва ҳаракатларда турғунликка мойил бўладилар. Масалан, ақли заиф ўкувчиларга қўйидаги вазифа таклиф қилинди: «Дарахтда 3 та қуш қўниб турган эди, яна 2 та қуш

учиб келиб күшилди. Дараҳтдаги күшлар нечта бўлди?». Бу масала ечилиди. Шундан кейин болаларнинг ўзига шу турдаги масала тузиш таклиф қилинди. Синфдаги кўпчилик болалар олдинги масалани тақрорладилар.

Ҳар қандай арифметик масалалар устида ишлаш услубиятида куйидаги босқичларни ажратиш мумкин.

Биринчи босқич – ўқувчиларни масалани шарти билан таништириш. Масала устида ишлаш унинг мазмунини ўзлаштиришдан бошланади. Ўқувчилар ҳали ўқиши малакасига эга бўлмаган дастлабки вақтларда уларни ўқитувчи ўқиб ёки сўзлаб берадиган масала матнини тинглашга, шартининг муҳим элементларини товуш чиқариб ажратишга ўргатиш керак. Шундан кейин масала шартида учрайдиган нотаниш сўзлар кўриб чиқилади. Масаланинг матнини ифодали ўқишига II синфдан бошлаб ўқувчиларни ҳам ўргатиш керак.

Иккинчи босқич – ўқувчиларни масалани шартини тушунишга ва эслаб қолишга ўргатиш. Одатда, ёрдамчи мактабда масалалар матни унча катта бўлмайди. Иккинчи ўқув йилида фақат 1-2 амалли масалалар ечилади. Бундай масалаларни эслаб қолиш ўқувчилар учун унча катта қийинчилик туғдирмайди. Масалани шарти билан таништирилгандан сўнг ўқитувчи уни сўзлаб беришни сўрайди. Ҳар бир синфда шундай болалар учрайдики, улар масалани шартидаги сон маълумотларни эсдан чиқарадилар (масалани сўзлаб беришда уларни биронтасини ҳам айттолмайдилар), масаланинг саволини бузиб айтадилар ёки айтмайдилар. Шунинг учун масалада берилганлар билан изланаётганлар орасидаги боғланишни очишига эришиш керак.

Учинчи босқич – масалани қисқа ёзишга, масалани шартли белгилар, расмлар ва чизмалар ёрдамида тасвирлашга ўргатиш керак.

Учинчи синфдан бошлаб болалар масалаларни мустақил равища қисқа ёзишга ўргатилади.

Шуни назарда тутиш керакки, барча ҳолларда ҳам қисқа ёзувни бажариш билан бир вақтда масала шартининг таҳлили ҳам амалга оширилади.

Куйидаги содда масала намунасида қисқа ёзишга ўргатиш ишини қандай ўтказиш мумкинлигини кўриб чиқамиз, бунда масала матнidan масала мазмунини мантиқий тушуниш учун зарур бўлган сон маълумотлар, сўз ва ифодалар кўчириб олинади. Масала (II синф): «Электр симига» күшлар учиб келиб кўнишди. Биринчи қаторига 10 та күш кўнди, иккинчи қаторда ундан иккита ортиқ. Иккинчи қаторга

нечта қүш күнди?» Масалада нима ҳақида гапирилади? (Биринчи ва иккинчи қаторларда қүшлар күнгандыктери ҳақида).

Шуни кисқа қилиб ёзамиш.

I к. –

II к. –

Биринчи қаторга күнгандыктери қүшларнинг сони ҳақида нима маълум? (Биринчи қаторда 10 та қүш күнди). Шуни ёзамиш:

I к. – 10 та к.

II к. –

Иккинчи қаторга нечта қүш күнгандыктери ҳақида нима маълумми? (Йўқ). Буни сўроқ белгиси билан белгилаймиз. Масалада иккинчи қатордаги қүшлар ҳақида нима маълум (Иккинчи қаторда 2 та ортиқ). Буни қўйидагича ёзамиш:


I к. – 10 та к.

II к. – ? 2 та к.ортиқ.

Иккинчи қаторга нечта қүш күнди?

Энди шу масала намунасида шартли чизма чизиш жараёнини кўрсатамиз.

Қаралаётган масала шартини чизма ёрдамида тасвирлаш учун дафтарнинг бир катаги узунлигини битта қүш учун қабул қиласиз. Бу ҳолда биринчи қатордаги 10 та қүш 10 та катак узунлиги билан тасвирланади. Иккинчи қатордаги қүшлар сонига 10 та катак узунлигидаги кесма ва яна 2 та катак узунлигидаги кесма мос келади (6-расм).



Тўртминчи босқич – масалани таҳлил қилишга ўргатиш.

Кўп масалаларнинг матнида шундай сўзлар борки, (ортиқ, кам, қолди, ҳаммаси бўлиб, каби), улар арифметик амалларни танлашни кўрсатиб беради, бироқ амалларни танлашда факат уларга таяниш мумкин эмас, нега деганда айрим ҳолларда ўқувчиларни нотўғри амал танлашга келтириши мумкин. Шунинг учун ўқувчиларга, агар масалада «бўлди», «ҳаммаси бўлиб» ёки «жами» деган сўзлар бўлса,

унда уларни кўшиш; агар масалада «колди» деган сўз бўлса, унда ай-ириш керак дейиш ярамайди.

Масала ечишда амалларни танлаш масаладаги маълум ва но-маълумлар ўртасидаги боғлиқлик билан аникланади.

Афсуски ўқитиши амалиётида масала ечишда масалани таҳлил қилиш кўпинча қуидагича олиб борилади. Ўқитувчи синфга шундай савол билан мурожаат килади: «Ким айтади масалани қандай ечиш мумкин?». Болалардан бири туриб ечилган масаланинг жавобини айтади. Ўқитувчи уни мақтаб доска олдига чиқаради. У масаланинг ечимини доскага ёзади, колган болалар уни кўчирадилар.

Мураккаб масалани ечишда масалани таҳлил қилиш малакаси асосий аҳамиятга эга. Таҳлил қилишнинг иккита усули бор: 1) синтетик таҳлил, 2) аналитик таҳлил.

Ёрдамчи мактабнинг куйи синфларида (1, 3-синфларда) масалани таҳлил қилишда мулоҳазалар кўпинча масаланинг сон маълумотларидан саволига қараб боради. 4-синфдан бошлаб мулоҳазалар аксинча масалани саволидан бошланиб сон маълумотларига қараб боради.

Ушбу масала намунасида синтетик таҳлил қандай амалга оширилишини кўрсатамиз: «Ўқувчилар мактаб боғига 6 туп олма кўчати, олма кўчатидан 4 туп ортиқ анор кўчати ўтқазиши. Ўқувчилар мактаб боғига ҳаммаси бўлиб неча туп кўчат ўтқазишган?».

Синтетик таҳлилда мулоҳазалар маълумлардан номаълумларга қараб боради, яъни масаланинг саволига қараб боради.

– Масалада нима тўғрисида гап боради? (Ўқувчилар мактаб боғига олма ва анор кўчатлари ўтқазишганлиги тўғрисида). Ўқитувчи буни қисқача доскага ёзади.

Олма

Анор

– Масалада нима маълум? (Ўқувчилар мактаб боғига 6 туп олма кўчати ўтқазишган). Буни ёзамиз. Олма – 6 туп.

– Ўқувчилар қанча анор кўчати ўтқазишгани маълумми? (йўқ).

– Буни қандай белгилаймиз? (Сўроқ белгиси билан белгилаймиз).

Олма – 6 туп.

Анор–?

– Яна нима маълум? (Анор кўчатидан олмага қараганда 4 туп ортиқ ўтқазилганлиги). Ёзамиз.

Олма – 6 туп

Анор–? 4 туп кўчат ортиқ.

– Масалада нимани топиш талаб қилинади? (Үқувчилар мактаб боғига ҳаммаси бўлиб қанча дараҳт кўчати ўтқазишганини.) Ёзамиз.

Олма – 6 туп

Анор? 4 туп ортиқ.

Амалларни тўғри танлаш мақсадида масаланинг таҳлили куйидагича давом эттирилади;

– Маълумки, үқувчилар олма кўчатига қараганда анор кўчатидан 4 туп ортиқ ўтқазишибди, бундан нимани билиш мумкин? (Үқувчилар қанча анор кўчати ўтқазишганлигини).

– Қайси амал билан топилади? (Кўшиш: $6 + 4 = 10$ та).

– Энди алоҳида қанча олма кўчати ва қанча анор кўчати ўтқазилганлиги маълум бўлди. Бундан нимани билиш мумкин? (Үқувчиларнинг ҳаммаси бўлиб қанча дараҳт кўчати ўтқазишганлигини).

– Буни қайси амал билан билиш мумкин? (Кўшиш амали билан).

– Масалада нимани топиш керак эди?

– Масаланинг асосий саволига жавоб берса олдикми? (Бера олдик).

Аналитик таҳлил масалани саволидан сон маълумотларига, яъни пастдан юқорига қараб боради. Бошқача айтганда, бир қатор мулоҳазалар тузилади. Бу мулоҳазаларнинг боши масаланинг саволи бўлади. Масалан:

– Үқувчилар ҳаммаси бўлиб неча туп дараҳт кўчати ўтқазишганини билиб бўладими? (Йўқ.).

– Нима учун? (Үқувчилар қанча анор кўчати ўтқазишганини билмаймиз).

– Үқувчилар қанча анор кўчати ўтқазишганлигини қайси амал билсан бўлади? (Кўшиш амали билан).

Энди масаланинг асосий саволига жавоб берсак бўладими? (Бўлади).

– Масалада нимани топиш талаб қилинади? (Үқувчилар ҳаммаси бўлиб неча туп дараҳт кўчати ўтқазишганини).

– Буни қайси амал билан билиш мумкин? (Кўшиш амали билан).

– Нимага нимани кўшамиз? ($10 + 6 = 16$ та).

Жавоби: 16 туп кўчат ўтқазишган.

Шундай қилиб масала таҳлили синтетик-аналитик усул билан амалга оширилди.

Бешинчи босқич – масалани ечиш, ечимини ёзиш ва жавобини ифодалашга ўргатиш.

Ёрдамчи мактабда масаланинг ечимини ёзиш турли шаклларда амалга оширилади. Масала ечимининг ҳамма ёзув шаклларини юқорида ечилган масала мисолида кўриб чикамиз.

а) 1) 6 туп + 4 туп = 10 туп.

2) 10 туп + 6 туп = 16 туп.

Жавоби: ҳаммаси бўлиб 16 туп кўчат ўтқазилди.

б) 1) 6 туп + 4 туп = 10 туп – қанча анор кўчати ўтқазилгани.

2) 10 туп + 6 туп = 16 туп – ҳаммаси бўлиб қанча дараҳт кўчати ўтқазилгани.

Жавоби: ҳаммаси бўлиб 16 туп кўчат ўтқазилди.

в) 1) Қанча анор кўчати ўтқазилди?

6 туп + 4 туп = 16 туп.

2) Ҳаммаси бўлиб қанча дараҳт кўчати ўтқазилди?

10 туп + 6 туп = 16 туп.

Жавоби: Ҳаммаси бўлиб 16 туп кўчат ўтқазилди.

г) Режа.

1) Қанча анор кўчати ўтқазилди?

2) Ҳаммаси бўлиб қанча дараҳт кўчати ўтқазилди?

Ечиш:

1) 6 туп + 4 туп = 10 туп.

2) 10 туп + 6 туп = 16 туп.

Жавоби: Ҳаммаси бўлиб 16 туп кўчат ўтқазилди.

Масалани синфда ечиш учун тайёрлашда ўқитувчи олдин ечимини ёзишнинг қайси шаклидан фойдаланиш кераклигини ўлашиб керак, бунда у масала хусусиятларини, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаларини ҳисобга олиши зарурлиги равшан.

Олтинчи босқич – масаланинг ечимини текширишга ўргатиш. Масаланинг ечимини текшириш фақат умумтаълимий аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки камчиликларни тузатиш аҳамиятига ҳам эгадир.

Масала ечимини текшириш деган сўз, ечимнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш деган сўздир. Бошлиғи синфларда текширишнинг куйидаги усуллари кўлланилиади.

1. Олинган жавоб билан масала шарти ўртасида мослик ўрнатиш. Текширишнинг бу шакли билан ўқувчилар қуи синфдан бошлаб танишадилар. Мисол учун бундай масалани қараймиз: «Баҳромнинг 100 сўм пули бор эди. У 20 сўмлик дафтардан 3 та сотиб олди. Унда қанча пул колди?» Ўқувчи масалани ечиб бўлганидан кейин 20 сўмдан 3 марта олиб ҳамма пул қанча бўлганлигини санайди. Сўнгра 100 сўмдан 60 сўмни айиради. 40 сўм ҳосил бўлади.

2. Жавобнинг реаллигини текшириш (унинг ҳаётий ҳақиқатга мувофиқлиги).

3. Жавобнинг масала шартига ва саволига мос келиш-келмаслигини текшириш.

4. Агар масалани бошқа усуллар билан ечиш мумкин бўлса, у ҳолда олинадиган бир хил натижалар масала тўғри ечилганлигинини тасдиқлади.

Еттинги босқич – ечилган масала устида олиб бориладиган на-вбатдаги иш. Бу иш қандай олиб борилишини бирон масала матни уст�다 кўрсатамиз.

Ўқувчилар мактаб боғидан биринчи куни 75 кг олма тердилар. Иккинчи куни ундан 25 кг ортиқ тердилар. Ўқувчилар ҳаммаси бўлиб қанча олма тердилар? 1) $75 \text{ кг} + 25 \text{ кг} = 100 \text{ кг}$; 2) $100 \text{ кг} + 75 \text{ кг} = 175 \text{ кг}$. Бу масала ечилгандан кейин берилган маълумотларни алмаштириш билан янги масалалар тузишга оид иш ўтказиш мумкин. Чунончи, ўқитувчи, масалан, биринчи амал ишорасини ўзгартиради ($75 \text{ кг} - 25 \text{ кг}$). Ўқувчиларга эса масала шартига тегишли ўзгартиришлар киритишни таклиф киласди.

Берилган масалани алмаштиришга доир иш бошқача ўтказилиши ҳам мумкин. Масалан, иккинчи амал ишорасини ўзгартириш мумкин, болаларга эса масала шартига ўзгартиришлар киритишни таклиф қилиш ёки болаларга масаланинг саволини у уч амал билан ечиладиган қилиб алмаштиришни таклиф қилиш мумкин.

Албатта, ҳар бир ечилган масала устида бундай ишни ўтказишга тўғри келмайди, бироқ шуни эсда тутиш керакки, бу иш ўқувчилари масалани мустақил ечишга ўргатишда фойдаланади.

Кузатишлар кўрсатадики, ёрдамчи мактабнинг тажрибали ўқитувчилари, масала ечишга ўргатиш усулларидан бири ўрнида ўқувчиларнинг ўзлари тузган масалалардан кенг фойдаланадилар. Акли заиф болаларнинг ўзлари тузган масалаларни ечишлари биринчи даражали аҳамиятга эга. Мустақил тузилган масалани ечишнинг аҳамияти шундаки, бу иш бевосита назарий билимларни амалда қандай қўллай олишни кўрсатади. Ёрдамчи мактаб ўқувчилари ҳаётий масалаларни ечишда жуда қийналадилар. Худди шу камчиликни бартараф этишда мустақил масалалар тузиш ва уларни ечишнинг аҳамияти каттадир.

Ўқувчилар томонидан масалалар тузишнинг математика ўқитишини турмуш билан боғлашда, болаларда умумлаштириш малакасини ри-

вожлантиришда, бир қатор математик тушунчаларни чукур ўзлаштиришда аҳамияти катта. Тажриба ва кузатишлар шуни күрсатадики, ўкувчилар учун масалаларни кисман тузиш анча енгил экан. Масала тузишга ўргатишина ана шундан бошлаш керак.

1. Масаланинг тайёр шартига тушурилиб қолдирилган битта, сўнгра иккита сон маълумотлари қўшилади. Масалан: «Ўқитувчи қалам учун 10 сўм, дафтар учун эса ... ҳамма сотиб олинган нарса қанча туради?».

2. Масалани тайёр шартига савол қўйилади. Масалан: «Баҳромнинг 12 та ёнғоги бор эди. У 5 та ёнғогини чақиб еди. Масалага савол қўйинг».

3. Саволга қараб масаланинг шарти танланади.

Масалан: «Қўйидаги саволга асосан масала тузинг: Баҳромнинг ёнғоқлари Аъзамнинг ёнғоқларига қараганда нечта ортиқ?».

Тўлиқ масала тузиш учун ўкувчиларга вариантлар таклиф қилиш мумкин.

1. Саҳналаштиришга қараб масала тузиш. Ўқитувчи битта ўкувчига 5 та қалам, иккинчисига 2 та қалам беради ва уларни кутичага солишини сўрайди. Кейин ўқитувчи кутичани беркитиб «масала тузинг», дейди.

2. Рasm, плакат, схема, чизмаларга қараб масала тузиш.

Масалан, плакатда иккита кутича қаламларнинг расми солинган. Битта кутичадаги 6 та қалам кўриниб турибди. Иккинчи кутича беркитилган бўлиб, устига: 2 қалам кам деб ёзилган. Ўкувчилар расмга қараб масала тузишлари керак.

3. Сон маълумотларига қараб масала тузиш: «8 ва 10 сонлари иштирокида масала тузинг».

4. Тайёр ечимга қараб масала тузиш. «Шундай масала тузингки, у қўйидагича ечилсин: 5 ол. + 3 ол. = 8 ол.».

5. Тайёр режага қараб масала тузиш.

6. Кўрсатилган арифметик амалга доир масала тузиш.

7. Ечилган масалага ўхшаш масала тузиш: «Ўхшаш масала тузинг, бироқ бошқа сонлар ва нарса билан».

Содда арифметик масалалар ечиш услубияти

Масала ечиш малакасига бирнчи синфда асос солинади. Ёрдамчи мактабнинг биринчи синфида фақат йиғиндини ва қолдиқни топишга доир содда масалалар ечилади. Содда масалалар ўкувчиларни

математик муносабатлар билан таништиришнинг муҳим восита-ларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Содда масалалар ўқувчиларда мураккаб масалаларни ечиш учун зарур бўладиган билим, малакалар ва кўникмаларни таркиб топтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Содда масалалар деб, битта амал билан ечиладиган масалаларга айтилади. Бундай масалалар предмет-амалий йўналишдаги машқлар шаклида бўлади. Бу машқларнинг бажарилишида болалар атроф-борлиқдаги бор нарсалар билан иш кўриб, тўпламлар устида, бу тўпламларни бирлаштиришга ёки берилган тўпламдан унинг қисмини ажратишига оид амалларни бажаришади.

Ўқувчиларга математикани ўқитишда содда масалалар ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Айни шу содда масалалар арифметик амалларнинг асосий мазмунини очишига ва конкретлаштиришга, у ёки бу математик тушунчаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Содда масалалар мураккаб масалаларнинг ажралмас қисми хисобланади, бу демак, содда масалалар ечиш кўникмасини шакллантириш билан ўқитувчи ўқувчиларни мураккаб масалалар ечишига тайёрлайди.

Ёрдамчи мактабда арифметик амалларнинг аниқ мазмунини очувчи масалалар ечилади. Бу йигиндини ва қолдиқни топишга доир масалалар (I синф); Сонни бир неча бирлик орттириш ва камайтиришга доир масалалар (II синф); Кўпайтмани (тeng қўшилувчilar йигиндисини) топишга доир, teng бўлакларга бўлиш ва мазмунига қараб бўлишга доир масалалар, (III синф), Сонни бир неча марта орттириш ва камайтиришга доир масалалар (III синф); Ноъмалум қўшилувчини топишга доир масалалар (IV синф); Микдори ва қанча туришига қараб баҳосини топишга доир масалалар билан танишадилар (IV синф).

Ёрдамчи мактабнинг биринчи синфида фақат йигинди ва қолдиқни топишга доир содда масалалар ечилади.

Масала ечишига ўтишдан олдин ўқувчиларга масала хакида тушунча берилади. Масала – бу бирор номаълум нарсани топиш демакдир. Масалада берилган маълумотлар ва савол бўлади. Масалани ечиш – бу унинг саволига жавоб беришdir.

Болалар ҳозир сизлар билан масала ечамиз, диққат билан масалага қулоқ солинг. «Акаси Баҳромга олдин 2 та қалам совға қилди (ўқитувчи болаларга 2 та қаламни кўрсатади ва уларни қаламдонга солади), сўнгра яна 1 та қалам совға қилди (битта қаламни кўрсатади

ва уни қаламдонга солади). Баҳромга акаси нечта қалам совға қилган?».

Мен сизларга масаланинг шартини гапириб бердим, дейди ўқитувчи. Ким масаланинг шартини тақрорлайди? Келинг, биргаликда тақрорлаймиз. Ўқитувчи: «Акаси Баҳромга олдин 2 та қалам совға қилди» (ўқитувчи иккита қаламни кўрсатиб уларни қаламдонга солади). Ўқувчилар тақрорлайдилар (ҳар бир ўқувчи иккита қаламни қаламдонга солади).

Ўқитувчи катакли таҳтачага, ўқувчилар бўлса парта устига 2 рақамини қўядилар.

Ўқитувчи: «Кейин акаси Баҳромга яна 1 та қалам совға қилди». Шу сўзлар билан биргаликда яна битта қаламни болаларга кўрсатиб, қаламдонга солади.

Ҳамма ўқувчилар ўзларининг қаламдонларига яна битта қалам соладилар. Ўқитувчи «Биз яна битта қаламни қаламдонга солдик», – деб 1 рақамини олиб, 2 рақами олдига арифметик амалнинг белгиси учун озгина жой қолдириб қўяди. Ўқувчилар ҳам шундай киладилар.

Бу масаланинг шарти эканлигини ўқитувчи эслатади.

Энди масаланинг саволига кулок солинг. «Баҳромга акаси қанча қалам совға қилди? Масаланинг саволини тақрорланг». Ўқувчилар тақрорлайдилар.

Ўқитувчи масаланинг шартини болаларга эслатади: «Акаси Баҳромга олдин 2 та қалам, сўнг яна 1 та қалам совға қилди, қаламлар ортдими ёки камайдими?». Ўқувчилар ортди деб жавоб берадилар. Ўқитувчи: «2 ва 1 рақами ўртасига қандай белги кўйиш керак, «кўшувми ёки айирувми?» деб сўрайди. Ўзи ёки ўқувчилардан бирортаси «қаламлар ортди, шунинг учун «кўшув» ишорасини кўйиш керак», дейди. Ўқитувчи доскада $2 + 1 = 3$ ёзувни бажаради ва бундай дейди.

Хўш, акаси Баҳромга нечта қалам совға қилибди? (Баҳромга акаси 3 та қалам совға қилибди). Бу масаланинг жавоби, дейди ўқитувчи.

Дастлабки вақтда болаларни ўқитишида масалани шундай секин, кўп марта тақрорлаш билан ечиш зарур.

Қолдиқни топишга доир масала ҳам шунга ўхшаш қаралади.

Биринчи синфда ўқув йилининг бошида хали ўқувчилар ҳарфларни билмайдилар, уларни ёза олмайдилар. Шунинг учун масаланинг ечими арифметик амал билан исмсиз ёзилади. Мисолдан амални ажратиш учун уни сатрнинг ўртасига ёзилади. Ҳарфлар

ўрганиб борилган сари, ўкувчиларни масала ечимини исми билан ёзишга ўргатилади.

Иккинчи синфда ўкувчилар ушбу иккита содда масала билан та-нишадилар: Сонни бир неча бирлик орттириш ва камайтиришга доир масалалар. Бу хилдаги содда масалаларни қарашга тайёргарлик улар-ни киритишдан анча олдин бошланади. Бу иш ушбу муносабатларни ўрнатишдан иборат: агар нарсаларнинг берилган гурухига бир ёки бир неча нарса қўшилса, бу дастлабки нарсалар сонини орттиради, агар айрилса, бу дастлабки нарсалар сонини камайтиради. Бу муно-сабатлар ҳар хил кўрсатма материаллар ёрдамида аниқланади. Дидак-тик материаллар билан иш кўрилар экан, болалар ушбу кўринишдаги машқларни бажаришади: «2 та квадрат кўйинг, уларга яна 1 та квад-ратни яқинлаштиринг. Квадратлар қанча бўлди?» (3). «Қандай бил-дингиз» (2 га 1 ни кўшдик, 3 ҳосил бўлди). «Квадратлар кўпайдими» (кўпайди: 1 ни кўшдик, 1 та кўпайди). Шундан кейин сюжетли рас-млар бўйича ишлашга ўтиш мумкин. Расмлар бўйича ҳам дидактик материаллар бўйича ҳал қилинган саволлар ҳал қилинади.

Ушбу масала намунасида тегишли иш қандай бажарилишини кўрсатамиз. Ўқитувчи масала тузади: «Эркинда 8 та айлана бор (кўрсатади: болалар бўлса, биринчи 8 рақамини кўрсатишади), Ка-римда бўлса 2 та ортиқ айлана бор (кўрсатади, болалар ўнг томонда ётган 8 ва 2 рақамларни кўтаришади). Каримда айланалар қанча?» Каримда айланалар қанчалигини кўрсатишда, бола янгилишиши, фақат 8 рақамини кўрсатиши мумкин. Ўқитувчи уни тўғрилади: «Шун-дайми, Каримда айланалар Эркинда қанча бўлса, шунчами?» ёки бола 2 рақамини кўтаради – ўқитувчи ҳайрон бўлади: «Каримда айланалар фақат иккитами, мен айтдим-ку, унинг айланалари Эркинниидан ортиқ деб!». Ҳар бир бола ўз хатосининг сабабини билиш керак. Шундан сўнг ўқитувчи масаланинг саволига жавоб беришни сўрайди. «Каримда айланалар қанча?» Жавоби «10 та айлана». «Бу сонни қандай ҳосил қилдик? Буни қандай ёзиш мумкин? 8 та айлана ва 2 та айланани нима қилиш керак? Қайси амални бажарамиз?» Шундай ёзув ҳосил бўлади. Каримда 8 айл. + 2 айл. = 10 та айлана.

Бир неча бирлик камайтиришга доир масалалар ҳам шунга ўхшаш ечилади.

Шинифда кўпайтириш ва бўлиш амалларининг аниқ мазмунини очувчи масалалар ечилади. Кўпайтмани топишга доир, тенг бўлакларга бўлишга доир масалалар.

Кўпайтириш амалининг асл мазмунини очишни бир хил қўшилувчилар йиғиндисини (кўпайтмасини) топишга доир масалани ечишдан бошлиш мумкин. Бундай масалаларни ечишда фойдаланиладиган кўрсатмалилик болаларга ҳар бир тайин ҳолда қайси қўшилувчи тақрорланаётганини ва неча марта тақрорланаётганини тушунириб бериш учун ёрдам беради.

Олдин шундай масалалар танладики, уларнинг шартларини оддий расм ёрдамида ҳәтий қилиб кўрсатиш осон бўлади. Шу максадда, масалан, бундай масаладан фойдаланиш мумкин. Масала шарти расмини чизинг ва ечинг: «Ҳар қайси тақсимчада 2 тадан олма бор. 5 та тақсимчада қанча олма бор?» $2 + 2 + 2 + 2 + 2 = 10$.

Шундай масалаларни ечиш бир хил қўшилувчилар йиғиндисини топишнинг осон усулини аниқлаш заруратига – янги арифметик амалнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ўқитувчи кўпайтириш бир хил сонларни қўшиш демакдир, деб айтади, биз бажарган ёзувни бундай ўқиш мумкин: 2 тадан 5 марта олиш керак, 10 чиқади. Бу кўпайтириш амали белгиси ($x \cdot$) ёрдамида бундай ёзилади: $2 \times 5 = 10$. Мисолнинг ёзилишидаги белгилар кўпайтириш белгисини билдиради. У ёзувда 2 сони қандай қўшилувчилар қўшилганини кўрсатади, 5 сони эса улар нечта эканини билдиради. Ўқитувчи ўша ёзувини бошқача ўқиш ҳам мумкинлигини айтади: «2 ни 5 га кўпайтирилса, 10 чиқади».

Кўпайтмани топишга доир содда масалалар одатда икки хил ифодаланади: Улардан бири ақли заиф болалар учун қийинчилик туғдирмайди; иккинчиси, аксинча ҳамма ўкув йилларида ҳам қийинчилик туғдиради. Масалан: «Оила учун 4 та халта туз сотиб олинди. Биринчи халтачада 3 кг, иккинчисида 3 кг, кейингисида ҳам 3 кг ва ниҳоят охирги халтада 3 кг туз бор. Ҳамма халталарда (ёки тўрттала халтада) қанча туз бор?» Одатда, ҳамма болалар бундай масалани осон ечадилар, чунки масалани шарти шундай ифодаланганки, унда бола 3 кг сони 4 марта тақрорлаган.

Афсуски, бундай масалани шарти кўпинча бошқача кўринишда ҳам ифодаланади.

«Оила учун ҳар бири 3 кг дан бўлган 4 та халта туз сотиб олинди. Ҳаммаси бўлиб қанча туз сотиб олинди?».

Бу масала матнида 3 кг сони 4 марта тақрорланмаган. Масала шартини ўқиётган ёки эшитаётган бола, масалада 4 та бир хил сонлар устидаги бораётганини тушуниши, яъни ҳар бирида 3 кг дан бўган 4 халта тузни кўз олдига келтириши керак.

Ақли заиф бола күпинча масаладаги сон мәлімдемелерини ижодий үзгартыра олмайды. Бирок агар унга 4 та халта тасвирланған ва ҳар бирининг тагига 3 кг деган сонлар ёзилған расм берилса унда бола масаланы тездә ечади. Дарсда бундай расмлардан фойдаланиш мүмкін, бирок улар, шубхасиз лукма солмоқчи бўлади. Болаларни астасекин бундай халталарни кўз ўнгидага тасаввур этишга ўргатиш керак.

Бўлиш амалининг аниқ маъноси тенг бўлакларга бўлиш ва мазмұнiga кўра бўлишга доир масалаларни ечишда очилади. Бу босқичда кўрсатмалиликнинг асосий вазифаси тенг бўлакларга бўлиш ва мазмұнiga кўра бўлиш жараёнининг ўзини намойиш килишдан иборат. Шу мақсадда дидактик материал, нарса ва шартли расмлардан фойдаланилади.

Олдин тенг бўлакларга бўлишга доир масалалар киритилади. Шу хилдаги масалан, бундай масалани қараймиз: «Карима 8 та қаламни 2 та кутичага тенг бўлиб солди. Карима ҳар бир кутичага нечта қалам солган?». Ўқувчилар қаламлар билан амалий иш бажариб, бундай мулоҳаза юритишади: «8 та қаламни 2 та кутичага тенг бўлиб солиш керак (бир ўқувчи 8 та қаламни ушлаб туради ва столнинг устида 2 та кутича туради). Ҳар бир кутичага биттадан қалам солиб чиқамиз, ҳаммаси бўлиб 2 та қалам кетди; яна ҳар бир кутичага биттадан қалам солиб чиқамиз, ҳаммаси бўлиб 4 та қалам кетди; яна ҳар бир кутичага биттадан қалам солиб чиқамиз, ҳаммаси бўлиб 6 та қалам кетди ва ниҳоят, 2 та кутичанинг ҳар бирига яна биттадан қалам солиб чиқамиз, ҳаммаси бўлиб 8 та қалам кетади. Ҳар бир кутичага 4 та қалам солган».

Ечилиши: $8 \text{ к} : 2 = 4 \text{ к}$.

Жавоби: 4 та қалам солган.

Энди мазмұнiga кўра бўлишга доир масалани қараймиз. «9 та гулни ҳар бир гулдонда 3 тадан гул бўладиган қилиб гулдонларга солиш керак. Ҳамма гулларни солиши учун нечта гулдон керак бўлади? Бундай мулоҳаза юритилади: «Ҳар бир гулдонга 3 тадан гул солиш керак. Битта гулдонга 3 та гул соламиз. 6 та гул қолади. Иккинчи гулдонга яна 3 та гул соламиз. 3 та гул қолади ва ниҳоят, 3-гулдонга 3 та гул соламиз. Демак, 3 та гулдон керак бўлади. Бу масала гулларни тегишлича намойиш килиб ва улар билан амалий иш бажариб ечилади.

Ечилиши: $9 \text{ г} : 3 \text{ г} = 3$ (гулдон).

Мазмунига кўра бўлиш (нарсаларни тенг гурухларга ажратиш) усулини болаларга бир, икки марта кўрсатиш етарли бўлади ва ҳамма болалар буни уддасидан чиқадилар.

Бу ишда кийинчилик бошқа ёқда – икки хил бўлишнинг фарқини бир-биридан ажратолмасликда. Ўкувчилар мазмунига кўра бўлишни билиб олгач, улар тенг бўлакларга бўлишни ҳам мазмунига қараб бўлиш каби бажарадилар. Бу ўз навбатида шунга олиб келадики, улар бу икки хил бўлишнинг фарқини тушуниб етмайдилар, уларнинг ечимини ҳам бир-биридан фарқини ажрата олмайдилар. $8 \text{ к} : 2 = 4 \text{ к}$. $9 \text{ г} : 3 \text{ г} = 3$ (гулдон)

III синфда ўкувчилар сонларни бир неча марта ортириш ва камайтиришга доир масалалар ечадилар. Бундай масалаларни қарашга ўтишдан олдин, ўкувчиларни «марта ортиқ (кам)» ифодаларни маъносини тушунишга ўргатиш керак. Бундай масалалар амалий иш асосида ҳал қилинади. Стол устига 2 та доира қўйилади. Ўқитувчи бир ўкувчидан столда нечта доира борлигини сўрайди ва бундан 2 марта ортиқ доира олишни таклиф қиласи. Ўқувчи нима учун 4 та доира олганини тушунтириб бериши керак (2 марта ортиқ, демак, 2 тадан 2 марта). Кейин ўқитувчи 6 та квадрат олади ва квадратлар доиралардан неча марта кўплигини қандай билиш мумкинлигини сўрайди. Бунинг учун неча марта 2 тадан квадрат олинганини билиш кераклиги аникланади.

Шундан кейин куйидаги амалий иш бажарилади. Масалан, қаламлар 3 та, ручкалар 4 марта ортиқ. Болалар олдин қаламларни қўядилар, сўнг 4 марта ўшанчадан қилиб ручкаларни қўядилар ва сарайдилар.

Агар қаламлар 12 та бўлиб ручкалар 4 марта кам бўлса, у холда қаламлар қанча бўлса ўшанча ручкалар қўядилар. Сўнг ручкаларни 4 та тенг бўлакларга бўлиб 1 та бўлагини қолдириб қолганлари олиб ташланади.

Сонларни бир неча марта камайтиришга доир масалалар билан ўкувчиларни таништириш қўйдагича олиб борилади. Ўкувчиларга масалани шарти таклиф қилинади: «Битта тақсимчада – 9 та, иккинчисида – уч марта кам олхўри бор». Ҳамма ўкувчилар дидактик материалылар билан иш бажаралилар. Ўқитувчи бўлса (биринчи тақсимчага солиш учун) стол устига 9 та олхўри қўяди кейин иккинчи тақсимчага солиш учун яна бир марта ўшанча олхўри олади. Бироқ, иккинчи тақсимчадаги олхўрилар биринчисидан 3 марта кам дейилган. Демак,

иккинчи тақсимча учун ажратилган олхўриларни 3 та тенг бўлакка бўлади, битта бўлагини қолдириб қолганларини олиб ташлайди.

Ўқитувчи 9 та олхўрини ўқувчиларга кўрсатиб сўрайди. Бу олхўриларни қайси тақсимчага соламиз?, 3 та олхўрини кўрсатиб яна ўша саволни беради. 3 та олхўри қандай ҳосил қилинганлиги аниқланади. Қандай бўлдик? Бўлишни қандай бажардик? Нима учун бўлдик? Доскага ечимини ёзади. «9 та ол : 3 = Зол».

Тўртингчи синфда илгари ўрганилган ҳамма содда масалалар тақорланади. Шу билан бирга ноъмалум қўшилувчини топишга доир масалалар ўқувчилар учун янги содда масала ҳисобланади.

Масалан, «Дилшод билан Шухрат ёнғоқ топиб битта халтачага солдилар. Улар ҳаммаси бўлиб 10 та ёнғоқ топдилар. Шулардан б тасини Дилшод топди, қолган ёнғоқларни Шухрат топди. Шухрат нечта ёнғоқ топди?».

Шуни қисқа қилиб ёзамиш.

Ҳамма ёнғоқлар	Дилшодда – 6 та
10 та	Шухратда – ?

Агар халтачадан Дилшод топган 6 та ёнғоқни олиб унга берса, халтачада Шухратнинг топган ёнғоқлари қолади. Бундай масалалар нарсалар билан амалий кўринишдаги машқлар бажариш шаклида бўлади.

Мураккаб масалалар ечиш услубияти

Мураккаб масала деб, иккита ва ундан ортиқ арифметик амал билан ечиладиган масалаларга айтилади.

Ақли заиф болани мураккаб масала ечишга ўргатиш осон иш бўлмай, балки чидамлиликни, услубиятини билишни, болалар билан катта тайёргарлик ишлари олиб боришни талаб қиласди. Илгари бола содда масалларни ечганда берилган икки сонни қўшиб ёки айириб масаланинг саволига жавоб олар эди. Мураккаб масалани ечишда ўқувчи оралиқ натижани топиши, оралиқ натижани топиши учун қайси берилган маълумотларни олишини ўйлаши ва натижа ҳамда қўшимча маълумотлардан фойдаланиб, масаланинг саволига жавоб бериши керак.

Энг олдин шуни айтиб ўтиш керакки, ўқувчилар содда масала шартини таҳлил килиш ва шу асосда амални танлаш малакасини

эттегаллаб онгларидан кейингина мураккаб масалаларни ечишга ўтиш мүмкин.

Мураккаб масалалар ечишга ўтишдан олдин қуйидаги тайёргарлик иши олиб борилиши керак. Шу мақсадда қуйидаги масалаларни ечиш фойдалидир, бунда иккинчи масала биринчи масаланинг давоми ҳисобланади. Масалан: «Лаганга 10 та кизил ва 5 та сарик олма солинди. Лаганда ҳаммаси бўлиб қанча олма бор?», «Лаганда 15 та олма бор эди, 2 та олма ейилди. Лаганда нечта олма қолди?» Ўқувчилар ҳар бир масалани алоҳида ечадилар. Масалаларнинг ечими тақкосланади. Ўқитувчи нима учун биринчи масала қўшиш амали билан иккинчиси айриш амали билан ечилганлигини тушунтириб беришни сўрайди.

Кейин ўқувчиларнинг ўзлари нарсалар билан амалий ишлашга киришадилар. Масалан: Ўқитувчи ўқувчига вазифа беради: «Кутичада 5 та қалам бор эди. Карим кутичага яна 3 та қалам солди. Сўнгра 4 та қаламни Баҳромга берди. Карим олдин нима иш килди? (Кутичага қаламлар солди) Кейин нима иш килди? (Баҳромга қаламлар берди). Карим нечта амални бажарди? Қайси амалларни?» (қўшиш ва айриш).

Содда ва мураккаб масаланинг ечимини тақкослаш зарур. Шу билан бирга мураккаб масала содда масаладан факат қўшимча сон маълумоти ва саволи билан фарқ килиши керак. Масалан: «Рустамнинг альбомида 8 та марка бор эди. У альбомга яна 2 та марка солди. Альбомда ҳаммаси бўлиб нечта марка бўлди?», «Рустамнинг альбомида 8 та марка бор эди, у альбомига совға қилди. Альбомда нечта марка қолди?» Иккала масала ҳам таҳлил килинади ва ечилади. Масалаларнинг ечими, саволлари ва жавоблари ёзилади.

Шундан сўнг содда ва мураккаб масалаларнинг ечимини ва мазмунини солиштириш зарур.

- Биринчи масала нечта амал билан ечилади?
- Иккинчи масала нечта амал билан ечилади?
- Биринчи масалада ўқувчи нечта амал бажарди?
- Иккинчи масалада-чи?
- Биринчи масаланинг шарти иккинчи масаланинг шартидан яна нима билан фарқ килади?
- Биринчи масаланинг саволи қандай ?
- Иккинчи масаланинг саволи-чи?


– Нима учун иккинчи масаланинг саволига дарҳол жавоб беролмайдик?

– Нима номаълум эди?

Содда ва мураккаб масалаларни таққослаб, ўкувчилар аста-секин мураккаб масаладан ўзларига таниш бўлган, ўзлари олдин ечган содда масалаларни кўриб танишни ўрганадилар.

Амалиёт болалар ўз ичига сонни бир неча бирлик орттириш ва йиғиндини топишга доир содда масалаларни олган мураккаб масалаларда иккита амални хисоблаш зарурлигини тушунишлари қийин бўлаётганини кўрсатмоқда. Болалар кўпинча бу хилдаги масалаларни (иккита қўшиш билан) ечишда битта амалнигина бажаришади. Қисқа ёзув, расм ва чизмалардан фойдаланиш бундай хатоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Мисол тарикасида ушбу масалани қараймиз. «Ўқувчиларнинг биринчи гурухи 8 яшик олма терди. Иккинчи гурух эса улардан 2 яшик ортиқ олма терди. Иккала гурух қанча олма терган?» (7-расм).



7-расм

Масаланинг шартини қисқа бундай ёзиш мумкин:

I г. – 8 я.о.

II г. - ? 2 та я.о. ортиқ.

Чизилган қисқа ёзув бўйича масаланинг синтетик таҳлилини тахминан бундай ўтказиш мумкин: Синтетик таҳлилда мулоҳазалар маълумлардан ноъмалумларга караб боради, яъни масаланинг саволига қараб боради. «Бу масалада гап нима устида бормоқда? Биринчи гурух ўкувчилари қанча олма теришган? Иккинчи гурух-чи? Иккинчи гурух қанча олма терганлигини бирданига (бир амал билан) билиб бўладими? (Бўлади). Бунинг учун нима қилиш керак? (8 га 2 ни қўшиш керак). (Нега?). Масала шартида иккинчи гурух биринчи гурухга қараганда 2 яшик олма ортиқ теришганлиги айтилган. Демак, иккинчи гурух биринчи гурух қанча олма терган бўлса ўшанча (8 я.) ва яна 2 яшик олма терган. Агар 8 га 2 ни қўшсак, нимани биламиз? (Иккинчи гурух қанча олма терганлигини). Энди иккала гурух қанча

олма терганлигини билсак бўладими? (Бўлади). Бунинг учун нима қилиш керак? Биринчи ва иккинчи гуруҳлар терган олмаларни кўшиш керак. Шунда масаланинг асосий саволига жавоб берган бўламиزمи?» (Ҳа).

Энди қуйидаги масала намунасида аналитик таҳлилни қандай ўтказиш мумкинлигини кўриб чиқамиз. Масалан: “Болалар биринчи қаторга 8 дона, иккинчи қаторга эса 4 дона ортиқ атиргул ўтказишиди. Болалар ҳаммаси бўлиб қанча атиргул ўтказишиди?” Ўқувчилар бундай масалани кўпинча бир амал билан ечадилар, Бундай хатони олдини олиш учун бу масалани бир амал билан ечиш мумкин эмаслигини уларга тушунириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун масалани шартини диққат билан таҳлил килиш, расм ясаш ёки қисқа ёзув бажариш керакки, қайсики улар иккинчи қатордаги гуллар сони ноъмалумлигига диққатни қаратиши керак.

Аналитик таҳлилида мuloҳазалар масалани саволидан сон маълумотларига, яъни пастдан юқорига қараб боради. “Масалада нимани топиш талаб килинади? Ҳамма гуллар сонига қайси гуллар киради? Ўқувчилар ҳаммаси бўлиб нечта атиргул ўтказишганлигини бирданига билиб бўладими? Нима учун? Бизга қайси сон ноъмалум? Энди иккинчи қаторга нечта атиргул ўтказишганлигини билсак бўладими? Буни қайси амал билан билиш мумкин? Нима учун? Энди биринчи қаторда қанча атиргул борлиги ва иккинчи қаторда уларнинг сони қанчалиги бизга маълум бўлди. Энди масаланинг асосий саволига жавоб берсак бўладими? Масаланинг асосий саволига жавоб берга олдикми? Масала нечта амалдан иборат? Биринчи амал қайси? Иккинчи амал қайси? Масалани ечимини ёзib оламиз.

1) 8 дона + 4 дона = 12 дона иккинчи қаторга ўтказилган атиргуллар

2) 8 дона + 12 дона = 20 дона кўчат ўтказилди

Ўқитувчи масалани шартини ўқувчилар билан мустахкамлайди. “12 сони нимани билдиради? 20 сони нимани билдиради? Масаланинг асосий саволига жавоб бериш учун нечта амал бажарилди. Нима учун масалани саволига бирданига (бир амал билан) жавоб бера олмадик? Бизга нима ноъмалум эди”.

IV синфда ўқувчилар микдори ва қанча туришига қараб баҳосини топишга доир масалалар билан танишадилар.

Бундай масалалар устида ишни “дўкон” ўйинини уюштиришдан бошлиш мумкин. Доскага дафтар, қалам, ручка, ўчиргич каби моллар кўйилади. Уларнинг баҳоси ёрликларда кўрсатилган бўлади.

Масалан: «Битта қалам 25 сўм туради. Ваҳоб 3 та қалам сотиб олди. Ваҳоб ҳаммаси бўлиб қаламлар учун қанча тўлади?» Ўқитувчи саволлар беради: «масалада нима маълум? 25 сони нимани билдиради? (Битта қалам қанча туришини билдиради) 3 сони нимани билдиради? (Қанча қалам сотиб олинганлигини билдиради). Масалада нимани топиш талаб қилинади? (Ваҳоб ҳамма қаламлар учун қанча тўлаганини). Ваҳоб ҳамма қаламлар учун қанча тўлаши керак? (75 сўм). Қандай билдингиз? ($25 \times 3 = 75$).

Бугун “дўкон” ўйини ўйнаймиз ва сотиб олинган нарсалар ҳакида масалалар ечамиз. Мана бу дўкон (доскани кўрсатади). Дўконда нималар сотилади? Ўқитувчи бир қатор молларнинг баҳосини айтишни сўрайди. Дафтарнинг баҳосини айтинг. Қаламнинг баҳосини айтинг. Шундан сўнг бир ўқувчини доскага чиқариб, сотиб олиш учун битта нарса танлашни ва танлаган нарсадан битта эмас, балки иккита, учта сотиб олишни таклиф қиласи. Кейин шу сотиб олинган нарсага доир масала тузилади.

Доскада ўқитувчи жадвал қилиб ёзади:

Баҳоси	Микдори	Қанча туриши (жами пули)
25 сўм	3 қалам	75 сўм

V синфда микдорлар орасидаги боғланишларни ифодаловчи масалалар ечиш давом этирилади, бироқ номаълумлар ўрнида ё қанча туришини ёки баҳосини, ёки микдорини топиш талаб қилинади. Бундай масалалар устида ишни яна “дўкон” ўйинини уюштиришдан бошлаш мумкин.

Бир ўқувчини сотувчи қилиб, бир неча ўқувчиларни эса харидор қилиб тайинланади. Харидорлар навбати билан сотувчи олдига келиб, бир нечтадан нарса сотиб олишади. Синфдаги ўқувчилар сотиб олинган насаларга доир масалалар тузадилар ва уларни ечадилар. Бундай масалаларни ечишда ўқувчилар жадвал қилиб ёзишни ўзлари ўрганиб олишлари керак.

Баҳоси	Микдори	Қанча туриши
сўм	7 та ўчирғич	?
?	5 та ўчирғич	60 сўм
12 сўм	?	48 сўм

Олдин қанча туришини билишга доир масала ечилади. Мулоҳазалар бундай юритилади: «Битта ўчиригич қанча туради?» «Баҳоси» сўзи тагига 12 сўм ёзамиз. Нечта ўчиригич сотиб олинди? (Ўчиригичлар миқдори қанча?) «Миқдори» сўзи тагига 7 та ўчиригич ёзамиз. Масалада нимани топиш талаб қилинади? (Ҳамма ўчиригичлар қанча туриши). Баҳоси ва миқдори маълум бўлса қанча туришини қандай билиш мумкин. (Баҳосини миқдорига кўпайтириш керак: $12 \times 7 = 84$ сўм).

Сўнг ўкувчилар куйидаги кўринишдаги масала билан танишадилар: «60 сўмга 5 та ўчиригич сотиб олинди. Битта ўчиригичга қанча тўланади? Бундай мулоҳаза юритилади: масалада нима маълум? 5 сони нимани билдиради? (Сотиб олинган ўчиригичлар миқдорини). 60 сони нимани билдиради? (Ҳамма ўчиригичлар қанча туришини). Нимани топиш талаб қилинади? (Битта ўчиригич баҳосини). Битта ўчиригич баҳосини қайси амал билан топиш мумкин?» (Агар ўкувчилар $60 : 5$ деб жавоб беролмасалар, унда бундай мулоҳаза юритилади: «5 та ўчиригич 60 сўм турса, унда 1 та ўчиригич ундан арzon турадими ёки қимматми? 1 та ўчиригич 5 та ўчиригичга қараганда неча баравар арzon туради? Демак, қайси амални бажариш керак?»).

Яна бир қанча шундай масалалар ечилгандан кейин ўкувчилар хулоса чиқаришлари мумкин. Баҳосини топиш учун жами пулини миқдори сонига бўлиш керак.

Миқдорининг жами пули ва баҳоси орқали топишга доир масалалар ечишни ҳам ўкувчилар худди шундай ўрганадилар.

Бундай масалаларни ечиш ўкувчиларни бирликка келтириш усули билан ечиладиган масалалар билан таништиришга тайёрлайди.

Бирликка келтириш усули билан ечиладиган содда учлик қоидага доир масалаларни ечишга ўкувчиларни тайёрлаш учун уларга тахминан бундай машқларни таклиф қилиш фойдали: «100 сўмда неча марта 10 сўмликдан бор?» «45 сони 15 сонидан неча марта катта?» «20 метрда неча марта 5 м дан бор?» ва ҳ.к.

Тайёргарлик машқларини бажарганларидан кейин ўкувчиларга содда учлик қоидага доир бундай масалани таклиф қилиш мумкин: «2 та дафтар 60 сўм туради. Шундай 6 та дафтар учун қанча тўлаш керак?» Масала ўкувчиларга таниш усул-бирликка келтириш усули билан ечилади: бундай масаланинг таҳлилини масаланинг саволидан бошлиш керак. 6 та дафтар учун қанча пул тўлаш кераклигини бирданига билсак бўладими? (Йўқ) Нега? Нима номалум? (Битта дафтар қанча туриши). Иккита дафтар 60 сўм туради. Битта дафтар қанча

туришини дархол билсак бўладими? (Бўлади). Қайси амал билан билиш мумкин? Энди масаланинг асосий саволига жавоб берсак бўладими? (Бўлади). Буни қайси амал билан билиш мумкин? (Кўпайтириш амали билан биламиз). Масаланинг асосий саволига жавоб бера олдикми? Масаланинг биринчи саволи қандай? Масаланинг иккинчи саволи қандай? Масаланинг ечимини саволлари билан ёзib оламиз.

Ечилиши: 1. Битта дафтар қанча туради? $60 \text{ сўм} : 2 = 30 \text{ сўм}$. 2. 6 та дафтар учун қанча тўлаш керак? $30 \text{ сўм} \times 6 = 180 \text{ сўм}$.

Жавоб: 6 та дафтар 180 сўм туради.

Ўз- ўзини текшириш саволлар

1. Математик масалаларни ечишнинг роли ва аҳамияти нимадан иборат?
2. Ўқувчиларни мустақил масала тузишга ўргатиш ишининг тартибини айтиб беринг.
3. Масалалар ечишда ўқувчилар томонидан йўл қўйиладиган хотоларнинг таснифини айтиб беринг.
4. III синфда содда масалаларнинг қандай турлари ечилади. З-синф учун математика дарслкларидан масалаларнинг мос хилларини топинг ва уларнинг ҳар бирига оид расм ясанг ёки қисқа ёзув бажаринг; амал танлашни тушунтиринг, ечилишини ёзинг.
5. Болаларни биринчи мураккаб масала билан таништиришдан олдин қандай тайёргарлик иши ўтказилиши керак?
6. Ҳар бир мураккаб масала устида олиб бориладиган иш қандай босқичлардан иборат?
7. Ўқувчиларнинг ишларидан, шунингдек, шахсий кузатишлар на-тижаларидан фойдаланиб, ўқувчилар томонидан масалалар ечишда йўл қўйиладиган типик хотоларни топинг. Уларнинг бартараф қилиш ва олдини олиш йўлларини ўйланг.
8. Мураккаб масалалар хилларини айтинг. Дарслклардан мос хил масалаларни топинг ва уларнинг ҳар бирига доир расмни ва қисқа ёзувни бажаринг. Масалани таҳлил қилинг ва ечимини ёзинг.
9. Болаларнинг ишларидан, шунингдек, шахсий кузатиш натижалираридан фойдаланиб, ўқувчилар томонидан масалалар ечишда йўл қўйиладиган ишнинг хотоларини топинг. Уларни бартараф қилиш ва олдини олиш йўлларини топинг.

XXIV боб. ГЕОМЕТРИК МАТЕРИАЛНИ ЎРГАНИШ УСЛУБИЯТИ

Ёрдамчи мактабда геометрик материални ўрганишнинг асосий вазифаси кўйидагича;

1. Дастурда кўрсатилган нуқта, эгри чизик, тўғри чизик, синик чизик кўпбурчаклар (учбурчак, тўртбурчак), (квадрат), учбурчак, турлари айлана ва доира каби геометрик шакллар ва уларнинг хоссалари ҳақида ўқувчиларда аниқ ва тўғри тассавурлар, ҳамда дастлабки тушунчаларни таркиб топтириш.

2. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг фаолиятлари учун зарур бўлган малакалари ва чизмачилик ҳамда ўлчаш асблоридан фойдаланиб (чизғич, циркул, чизмачилик учбурчаги, рулетка, транспортер), шунингдек, геометрик фигуralарни ясаш малакаларни шакллантириш (кўз билан чамалаб ўлчаш, кўлда чизиш ва ҳ.к.)

3. Ёрдамчи мактабда геометрик элементларини ўрганишда умумтаълим ва амалий вазифаларни ечиш билан бир қаторда ақли заиф болаларни руҳий ва жисмоний етишмовчиликларини тузатиш ва тарбиявий масалалар ҳам ечилади.

Геометрик материални ўрганиш жараёнида ўқитувчиларда зийраклик, дикқат ривожланади. Улар геометрик шаклларни таснифлаш, табақалаштириш, таққослашга ўрганадилар. Ўқувчиларда анализ ва синтез қилиш, умумлаштиришга оид мантиқий тафаккурлаш қобилияти ривожланади, ақлий фаолияти шаклланади. Ўқувчиларнинг нутқи маҳсус геометрик атамалар, ифодалар билан боййиди ва луғатлари фаоллашади.

Ўлчаш малакаларини эгаллаш чизмачилик учбурчаги ва чизмачилик асблори билан ишлаш майда мускул ҳаракатини мукаммаллаштиради, ўқувчиларда мустақиллик, ишончни ривожлантиради.

Бунинг ҳаммаси ақли заиф ўқувчиларнинг билиш ва ҳиссий-иродавий соҳасини тузатиш масаласини ечишга имкон беради.

Геометрик материални ўрганишда ҳар хил кўрсатма-кўлланмалардан кенг фойдаланиш керак. Булар рангли картондан ёки қалин қоғоздан тайёрланган геометрик шаклларнинг демонстрацион, умумсинф моделларидан, шакллар, диаграммалар тасвирланган пла-катлардан, доскага чизилган чизмалардан иборат. Бундан ташқари, шахсий кўрсатма-кўлланмалар талаб қилинади, буларга геометрик

ўйинлар: лото, мозаика, қоғоз тасмалари, ҳар хил узунликдаги чүплар, коғоздан қийилган фигуralар ва уларнинг қисмлари киради. Доскада чизмалар чизиш учун синфда чизмачилик ўлчов асбоблари тұплами: чизгич, чизмачилик учбұрчаги, циркул бўлиши керак. Шундай асбоблар ҳар бир ўқувчидә ҳам бўлиши керак. Ақли заиф болаларга геометрик материал мазмунини очиб беришда, уларда турли нарсаларнинг шакли, катталиги ва фазодаги жойлашувлари ҳақида дастлабки тасаввурларини ривожлантиришга кatta аҳамият бериш керак. Шу максадда тайёргарлик даврида ёк ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш имконини берувчи материалларни систематик киритиш мухимдир.

Биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларда нұқта, тұғри чизик ва эгри чизик, тұғри чизик кесмаси ҳақида аник тасаввурларни таркиб топтириш керак.

Ўқувчилар нұқта билан тайёргарлик даврида ёк танишадилар. Масалан, ракамларни ёзишга тайёрланар эканлар, ўқувчилар ўқытувчи берган намуналар бўйича бундай топшириқларни бажарадилар: катакнинг юқори чап бурчагига нұқта кўйинг; пастки чап бурчагига нұқта кўйинг ва ҳ.к. Кейинчалик тұғри чизик, кесма ва бир қатор бошқа геометрик фигуralар билан таништиргандан кейин ўқувчилар олдиндан (фигуруларни ясашга қадар) нұктанинг вазиятини белгалаш ва улар орқали тұғри чизиқлар, кесмалар ва бошқаларни ўтказиши ўрганадилар.

Биринчи синф ўқувчиларида тұғри чизик ҳақида тасаввурларни таркиб топтириш уларнинг ҳар хил амалий ишларини бажаришларида содир бўлади. Масалан, бўр суртилган ип ёки каноп ипни (икки учи нұктага маҳкамланган) тарапнг тортиб туриб кўйиб юборилса, доскада тұғри чизик бир қисмининг тасвири ҳосил бўлади. Уни ҳар иккала томонига давом эттириш мумкин. Бошқа усуллар билан ҳам тұғри чизик ясаш мумкин. Масалан, қоғоз варагини буқлаш йўли билан тұғри чизик ҳосил қилиш мумкин, буқлаш чизиги тұғри чизик бўлади. Бунда болалар дикқатини шу фактга қаратиш мухимки, қоғоз варагини ҳар хил йўналишда букилганда ҳам натижа бир хил бўлиб, тұғри чизик тасвири ҳосил бўлади. Доскада тұғри чизик вазиятини ўзgartириш, яъни уни горизонтал, вертикаль ва қия ҳолда чизиш ҳам мухимдир.

Болаларни тұғри чизиқнан таништириш билан бир вактда уларни эгри чизик билан ҳам (такқослаган ҳолда) таништириш керак. Масалан, агар тарапнг тортилган ип доскага тұғри чизик изини қолдириган

бўлса, энди шу ипни бўшатиб салқи ҳолга келтирилса, у колдирган из эгри чизик хақида тасаввур беради. Ўкувчилар атроф-мухитдан эгри ва тўғри чизикларни излаш бўйича ҳам машқ киладилар.

Машқларни бажариш жараёнида ўкувчилар тўғри ва эгри чизикларнинг баъзи хоссалари билан танишадилар. Масалан, болалар нуктадан чизиқлар ўтказиш бўйича машқ қилиб, бир нукта орқали исталганча тўғри ва эгри чизик ўтказишлари мумкин, икки нукта орқали битта тўғри чизиқ, исталганча эгри чизик ўтказиш мумкин, деган хуносага келадилар.

Иккинчи синфда тўғри чизиқ ва кесма тушунчаси устида ишни давом эттирилади. Ўкувчилар сантиметр модели билан танишадилар.

Сантиметр билан танишилгандан кейин ўкувчилар кесмаларни ясаш ва ўлчашга доир кўпгина машқлар бажарадилар. Сантиметр модели узунлиги 1 см бўлган қофоз тасмадан иборат бўлиши мумкин, бунда тасманинг эни бўйидан сезиларли даражада кичик бўлиши керак.

Сантиметр модели ёрдамида берилган кесмани ўлчашда ушбуларга риоя қилиш керак: 1) Сантиметр модели охирини ўлчайдиган кесма охирларидан бирига аниқ кўйиш керак; 2) Ўлчанаётган кесмада сантиметр моделининг иккинчи учини қалам билан белгилаш; 3) Кўйилган белгига сантиметр модели учларидан бирини яна кўйиш ва кесмада яна битта белги кўйиш ва х.к. Иккинчи белги 2 см ажратилганини англатади. Кесмага кўйилган сантиметрлар сонини ҳисоблаб сантиметрларнинг бутун сонига эга бўламиз.

Кесмани модел ёрдамида ясашда: 1) Олдин тўғри чизиқ ўтказиш керак; 2) Бу тўғри чизиқда нукта белгилаш ва бу нуктадан бирор йўналишда керакли сондаги сантиметрларни кетма-кет кўя бориш керак; 3) Қалам билан кесманинг иккинчи учини белгилаш керак.

Ишнинг навбатдаги босқичида масштабли чизғич ёрдамида кесмаларни ўлчаш ва уларни яссаш керак.

Чизғич билан ишлаш жуда мураккаб малакадир. Чизғич қоғозга устига шундай жойлаштирилиши керакки, ўлчанаётган ёки чизилаётган кесма чизғичнинг ёруғлик тушаётган қирраси томонида бўлиши керак. Бундан ташқари, ўкувчилар дикқатини чизғич ни қофоз устига тўғри кўйишга, кўлни тўғри жойлаштиришга жалб қилиш керак. Ўқитувчи нукта ёки икки нукта кўйиб, бу нукталарга нисбатан чизғични тўғри жойлаштиришни кўрсатади. Сўнг ўкувчилар икки нуктани туташтиришни машқ киладилар.

Кўпчилик ўқувчилар чизғич ёрдамида тўғри чизик чизишни, иккита бир-бирига тўғри турган нуқталарни туташтиришни, яъни кесма ҳосил қилишни бажара олмайдилар.

Ўқувчилар материални қанчалик ўзлаштирганликларини аниқлаш учун ўқитувчи қўйидаги саволларни бериши мумкин:

- Сиз қандай геометрик фигурани чиздингиз? (Кесма);
- Қандай чиздингиз? (Нуқтадан нуқтагача);
- Кесманинг нечта учи бор? (Иккита);
- Кесманинг охирида нима турибди? (Нуқта).

Демак, кесма нуқтадан бошланиб нуқта билан тугайди. Кесманинг охирларини нуқталар билан бир қаторда кичик чизикчалар (штрихлар) билан ҳам белгилаш мумкин.

Ўқувчилар тўғри чизикнинг тасвири кесманинг тасвиридан кесманинг учлари нуқталар ёки штрихлар орқали белгиланиши билан фарқ қилишини ўзлаштириб олишлари керак. Тўғри чизиқни ҳар икки томонга чексиз давом эттириш мумкин.

Қўйидаги машқлар кесма ҳақидаги тушунчани мустаҳкамлашга имкон беради: атрофдаги нарсалардан тўғри чизик кесмаларини кўрсатинг. (Масалан, шкафнинг кирралари, полнинг деворлари ва шифтнинг деворлари билан кесишадиган жойлари тўғри чизик кесмасига мисол бўла олади). Қўйи синфларда ўқитувчининг бутун кучкүввати ўқувчиларда геометрик фигуralарнинг тасвиirlарини шакллантиришга қаратилади.

III синфда ўқитувчи қофздан қийилган ҳар хил кўринишдаги, ҳар хил катталиқдаги учбурчаклардан фойдаланиб, болаларни учбурчак билан таништиради. Ўқитувчи бу фигуralарнинг ҳаммаси, улар бир-биридан фарқ қилишига қарамай, бир хил – «учбурчак» деб аталишини кўрсатади. Шундан кейин ўқитувчи ўқувчиларни учбурчак элементлари билан таништиради. Болаларни учбурчак элементларини тўғри кўрсатишга ўргатиш муҳимдир. Уч – бу нуқтадир. Учбурчак томонлари кесмалардир. Учбурчак бурчаклари кўрсаткич билан кўрсатилади. (Кўрсаткичнинг бир учини учбурчак учига кўйиб, уни бурчакнинг бир томонидан иккинчи томонигача суриб борилади).

Шундан кейин болаларни тўртбурчаклар ва кўпбурчаклар билан таништиришда ҳам тахминан шу режа асосида иш бажариш мумкин.

Ўқувчиларни тўғри бурчак билан бундай таништириш мумкин: доскага рангли қофздан тайёрланган бир неча фигурани (учбурчакларни, тўртбрчакларни, бешбурчакларни) илиб қўйиш ва

ўқувчиларга бу фигураларнинг бурчакларини кўрсатишни таклиф қилиш керак. Сўнгра ўқитувчи бурчаклар тўғри ва тўғримас бурчаклар бўлишини айтади. Болалар ўқитувчи раҳбарлигига тўғри бурчак моделини қўйидагича ясашлари мақсадга мувофик; ҳар бир ўқувчи ихтиёрий шаклдаги қофоз варагини тўғри чизик бўйича букалаши, сўнгра олдин ҳосил қилинган букиш чизигининг қисмлари устма-уст тушадиган қилиб яна бир марта букалаши керак. Ҳосил бўлган фигураларнинг ҳар бири тўғри бурчакнинг модели бўлади. Бу моделларни устма-уст қўйиб, ўқувчилар ҳамма тўғри бурчаклар устма-уст тушишига ишонч ҳосил қиласилади.

Атрофдаги жиҳозларда: китобда, дафтарда, столда, доскада ва бошқаларда модел ёрдамида тўғри бурчакларни топиш мухимдир. Чизмачилик учбурчагида (гонияда) ҳам тўғри бурчак борлиги шундай аниқланади. Бундан кейин чизмачилик учбурчагидан бурчакларнинг турини аниқлашда фойдаланилади.

Тўғри тўртбурчак, квадрат тушунчаси болаларга қўйидагича тушунтирилиши мумкин: доскага олдиндан бир қанча ҳар хил катталикдаги ва ҳар хил рангдаги, томонларининг нисбати ҳар хил бўлган тўртбурчаклар чизиб қўйилади. Кўрсатма қўлланмалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу тўртбурчакларнинг орасида 2-4 таси тўғри тўртбурчак, қолган тўғри тўртбурчакларнинг бирида битта, иккинчисида иккита тўғри бурчак, уччинчисида эса битта ҳам тўғри бурчак бўлмайдиган қилиб чизиш керак. Ўқувчилар гония ёки тўғри бурчак модели ёрдамида қайси тўртбурчакларда тўғри бурчаклар борлигини аниқлашади. Бундай иш натижасида болалар тўртбурчакларнинг битта, иккита тўғри бурчаги бўлишига ёки тўрттала бурчаги ҳам тўғри бўлишига ишонч ҳосил қиласилади. Ўқитувчи тўрттала бурчаги тўғри бўлган тўртбурчак тўғри тўртбурчак деб аталишини айтади. Тўғри тўртбурчакнинг қарама-қарши томонларини буклаш билан устма-уст тушириш ёрдамида эса уларнинг тенглиги ҳақида хулоса чиқаришларига эришиш керак.

Ўқувчилар атрофларидаги жиҳозлардан тўғри тўртбурчак шаклидаги нарсаларни топадилар, катакли қоғоздан тўғри тўртбурчак қирқишиади. Шундан кейин томонларининг берилган узунликларига кўра тўғри тўртбурчаклар ясаш билан бўглиқ машқларни бажаришга киришиш мумкин. Шундан кейин ўқувчилар тўғри туртбурчаклар тўпламидан томонлари тенг бўлган тўғри тўртбурчакларни - квадратларни ажратадилар. Дарс шундай ташкил этилиши керакки,

ўқувчилар квадрат тўғри тўртбурчакнинг хусусий ҳоли эканини кўришсин.

III синфда ўқувчилар айлана ва доира билан танишадилар. Айлана чизишдан олдин ўқитувчи ўқувчиларни циркул билан таништиради, ундан қандай фойдаланишни тушунтиради. Шундан сўнг циркул ёрдамида чизик чизишни таклиф қиласди, ҳосил бўлган чизикни айлана деб аталади. Айлана доиранинг чегарасидир. Болалар доира нимадан иборат эканлигини «пайқаб» олишлари учун уни бўяш таклиф қилинди. Шундан сўнг ўқувчилар қайчи билан айлана чизиги устидан қирқиб чиқадилар ва доира ҳосил қиласдилар.

Тўртингчи синфда ўқувчилар синик чизик билан танишдилар. Ўқувчиларни синик чизик билан таништириш куйидагича олиб борилиши мумкин. Ўқитувчи қўлига бир бўлак сим олади ва ўқувчилардан сўрайди: «Бу фигура нимага мисол бўла олади? (Тўғри чизик кесмасига). Шундан кейин ўқитувчи болаларнинг кўз олдида қўлидаги бир бўлак симни қисмларга синдириб бундай дейди: «Мен симни бир неча қисмга синдиридим (синдиридим сўзига ургу беради), янги фигура ҳосил бўлди. Ким айтади қандай фигура ҳосил бўлди?» Агар ўқувчилар бу саволга жавоб беришга қўйналсалар унда ўқитувчи қўшимча савол беради: «Тўғри чизик кесмасини синдириш натижасида қандай чизик ҳосил бўлди?» Шундай қилиб янги чизикка ном берилади. Ўқитувчи болаларнинг эътиборини синик чизик қисмлари кесмалардан иборат эканлигига қаратади. Шундан сўнг болаларнинг ўзлари чўплардан, қалам ва ручкалардан синик чизик моделларини ясашлари, дафтарларига ва досқага синик чизик чизишни ўрганиб олишлари максадга мувофиқдир. Ўқитувчи синик чизиклар очик ва ёпиқ бўлиши мумкинлигини айтади ва буни мисолларда кўрсатади. Ёпиқ синик чизиклар кўпбурчакларнинг чегаралари (контури) бўлишини болалар онгига етказиш муҳимдир. Масалан, учта бўғиндан иборат ёпиқ синик чизик учбурчакнинг чегарасидир. Шундан кейин синик чизикларнинг узунлигини аниқлаш ишлари олиб бўрилади. Бу иш фақат амалий характерга эга бўлади. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчига ҳар хил синик чизиклар чизилган бир қанча вариант карточкалар тайёрлайди. Ўқувчилар дафтарларига карточкаларнинг номерларини белгилайдилар. Шундан сўнг ўқувчилар ҳар бир кесманинг узунлигини ўлчаб олинган узунликни дафтарларига ёзадилар. Шу йўл билан ҳамма кесмаларни умумий узунлиги ҳисобланади. Ўқитувчи шуни эсида тутиши керакки, синик чизикларнинг узинлигини

хисоблаш – бу 5-синфда периметрни ўрганишга биринчи қадам хисобланади. Масалан:

1-карточка

1) 2 см

2) 3 см

3) 1 см

...,

10) 4 см

Жами $2 \text{ см} + 3 \text{ см} + 1 \text{ см} + \dots + 4 \text{ см} =$. Синик чизиқларнинг узунлигини хисоблаш ўрганилгандан сўнг ўқитувчи берилган кесмалар узунлигига қайтадан синик чизиқлар барпо қилишни таклиф қиласди.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Геометрик материални ўрганишнинг асосий вазифаларини айтиб чиқинг.
2. Геометрик материални ўрганишда қандай асосий услугуб ва воситалардан фойдаланилади?
3. Ўқувчиларни геометрик материаллар билан таништиришга бағишиланган дарслардан бир неча парчалар ишлаб чиқинг.
4. Ўқувчиларнинг ишларидан, қузатишлар натижаларидан фойдаланиб геометрик материални ўрганишда ўқувчилар йўл қўядиган ўзига хос хатоларни топинг. Шу хатоларнинг олидини олиш ва бартараф қилиш йўлларинин топинг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Власова Т.А., Певзнер М.С. Камол топишида камчиликлари бўлган болалар хақида, - Т., 1976.
2. Виленкин Н.Я., Чесноков С.И., Шверцбурд «Математика», Ўрта мактабнинг 5-6-синфлари учун дасрликлар. – Т., «Ўқитувчи». 1993.
3. Исинбаева Р.А. О некоторых методах преодаления трудностей перехода от простых к составным математическим задачам в младших классах вспомогательной школы. Дефектология. 1973, № 6.
4. Левенберг Л.Ш., Ахмаджонов И.Р., Нурматов А.Н. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси. – Т. 1985 й.
5. Мухамедов К. Элементар математикадан қўлланма. Т., «Ўқитувчи» 1976 й.
6. Орифхонов М. ва бошқалар. «Математика» - Т., «Ўқитувчи». 1974.
7. Перова М.Н. Методика преподавания математики во вспомогательной школе. – М., 1989.
8. Перова М.Н. Дидактические игры и упражнения по математике во вспомогательной школе. – М., 1976.
9. Сагатов М.И. Ёрдамчи мактабда математика ўқитиш услубияти. – Т., «Ўқитувчи». 1993.
10. Худойберганов А.Х. «Математика» - Т., «Ўқитувчи». 1980.
11. Эк В.В. Обучение математики учащихся младших классов вспомогательной школы. – М., 1990.

МУНДАРИЖА

I БЎЛИМ. МАТЕМАТИКА АСОСЛАРИ

Сўз боши	3
<i>I боб.</i> Тўпламлар назарияси унсурлари	4
<i>II боб.</i> Номанфий бутун сонлар	12
<i>III боб.</i> Сонларнинг бўлиниш белгилари	18
<i>IV боб.</i> Позицион саноқ системаси	24
<i>V боб.</i> Оддий касрлар	29
<i>VI боб.</i> Ўнли касрлар. Даврий касрлар	34
<i>VII боб.</i> Геометрик материал	38

II БЎЛИМ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ УСЛУБИЯТИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

<i>VIII боб.</i> Математика ўқитиш услубиятининг бошқа фанлар ва таълимнинг бошқа услубиятлари билан боғлиқлиги	43
<i>IX боб.</i> Ёрдамчи мактабда математика ўқитиш вазифалари ва мазмуни.....	48
<i>X боб.</i> Ёрдамчи мактаб ўкувчиларининг математик билимларни эгаллаш хусусиятлари.....	50
<i>XI боб.</i> Математика ўқитиш усуллари.....	55
<i>XII боб.</i> Ёрдамчи мактабда математика ўқитишни ташкил килиш.....	67
<i>XIII боб.</i> Ёрдамчи мактабда математикадан синфдан ташқари иш	81

III БЎЛИМ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ УСЛУБИЯТИНИНГ ХУСУСИЙ МАСАЛАЛАРИ

<i>XIV боб.</i> Математика ўқитишга тайёргарлик даври	88
<i>XV боб.</i> Ёрдамчи мактабда математика дарсларида оғзаки хисоб	98

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Власова Т.А., Певзнер М.С. Камол топишида камчиликлари бўлган болалар хақида, - Т., 1976.
2. Виленкин Н.Я., Чесноков С.И., Шверцбурд «Математика», Ўрта мактабнинг 5-6-синфлари учун дасрликлар. – Т., «Ўқитувчи». 1993.
3. Исинбаева Р.А. О некоторых методах преодаления трудностей перехода от простых к составным математическим задачам в младших классах вспомогательной школы. Дефектология. 1973, № 6.
4. Левенберг Л.Ш., Ахмаджонов И.Р., Нурматов А.Н. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси. – Т. 1985 й.
5. Мухамедов К. Элементар математикадан қўлланма. Т., «Ўқитувчи» 1976 й.
6. Орифхонов М. ва бошқалар. «Математика» - Т., «Ўқитувчи». 1974.
7. Перова М.Н. Методика преподавания математики во вспомогательной школе. – М., 1989.
8. Перова М.Н. Дидактические игры и упражнения по математике во вспомогательной школе. – М., 1976.
9. Сагатов М.И. Ёрдамчи мактабда математика ўқитиш услубияти. – Т., «Ўқитувчи». 1993.
10. Худойберганов А.Х. «Математика» - Т., «Ўқитувчи». 1980.
11. Эк В.В. Обучение математики учащихся младших классов вспомогательной школы. – М., 1990.

10, 20, 40

МУНДАРИЖА

I БЎЛИМ. МАТЕМАТИКА АСОСЛАРИ

Сўз боши 3

I боб.	Тўпламлар назарияси унсурлари	4
II боб.	Номанфий бутун сонлар	12
III боб.	Сонларнинг бўлиниш белгилари	18
IV боб.	Позицион саноқ системаси	24
V боб.	Оддий касрлар	29
VI боб.	Ўнли касрлар. Даврий касрлар	34
VII боб.	Геометрик материал	38

II БЎЛИМ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ УСЛУБИЯТИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

VIII боб.	Математика ўқитиш услубиятининг бошқа фанлар ва таълимнинг бошқа услубиятлари билан боғлиқлиги	43
IX боб	Ёрдамчи мактабда математика ўқитиш вазифалари ва мазмуни.....	48
X боб.	Ёрдамчи мактаб ўкувчиларининг математик билимларни эгаллаш хусусиятлари.....	50
XI боб.	Математика ўқитиш усувлари.....	55
XII боб.	Ёрдамчи мактабда математика ўқитишни ташкил килиш.....	67
XIII боб.	Ёрдамчи мактабда математикадан синфдан ташқари иш	81

III БЎЛИМ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ УСЛУБИЯТИНИНГ ХУСУСИЙ МАСАЛАЛАРИ

XIV боб	Математика ўқитишга тайёргарлик даври	88
XV боб.	Ёрдамчи мактабда математика дарсларида оғзаки хисоб	98

<i>XVI</i>	<i>боб.</i>	Биринчи ўнликни ўрганиш услугияти	103
<i>XVII</i>	<i>боб.</i>	20 ичида номерлашни, кўшишни ва айиришни ўрганиш услугияти	114
<i>XVIII</i>	<i>боб.</i>	100 ичида номерлашни, кўшиш ва айиришни ўрганиш услугияти	123
<i>XIX</i>	<i>боб.</i>	100 ичида номерлашни, кўшиш ва айиришнинг ёзма усулларини ўрганиш услугияти	133
<i>XX</i>	<i>боб.</i>	Жадвалда кўпайтириш ва бўлишни ўрганиш услугияти	137
<i>XXI</i>	<i>боб.</i>	Метрик ўлчов системасини ўрганиш услугияти	145
<i>XXII</i>	<i>боб.</i>	Вақтга оид тасаввурларни таркиб топтириш, вақт ўлчовларини ўрганиш ҳамда тегишли малака ва кўникмаларни таркиб топтириш услугияти	156
<i>XXIII</i>	<i>боб.</i>	Арифметик масалалар ечиш услугияти	162
<i>XXIV</i>	<i>боб.</i>	Геометрик материални ўрганиш услугияти	184

М.И.САГАТОВ

МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ МАҲСУС МЕТОДИКАСИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2008

Мухаррир: А.Эшов
Тех.мухаррир: А.Мойдинов
Мусаххиха: Г.Каримова
Компьютерда
сахифаловчи: Г.Арифхўжаева

Босишга руҳсат этилди 15.09.2008 йил. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.
«Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоги 8,5. Нашр босма табоги 8,0. Тираж 400.
Бюртма № 98.

«Fan va texnologiya Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди. 700003,
Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.